1. Борейка В.Е. Заповедники как гордость нации и национальный символ //Экологическое просвещение и работа с населением в государственных природных заповедниках и национальных парках. М.,1995. стр. 27-32.
2. Геккель Э. Чудеса жизни. СПб., 1908. 220 стр.
3. Мельник В. Любовь к природе и природоохранные идеи Александра Гумбольдта //Любовь к природе. К.: КЭКЦ, 1997. стр.123-128.
4. Сто стихотворений ста поэтов. СПб: Шар, 1994. 258 стр.
5. Перловский Л. Красота математический интеллект //Звезда, №9, стр. 190-201.

## ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ЭТИКА МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

**Шерқўзиева. Г.Ф. т.ф.н., доцент**  
**Юлбарисова Ф.А. т.ф.н., ассистент**  
**Коммунал ва меҳнат гигиена кафедраси,**  
**Алимова С.Г. икт.ф.н., доцент**  
**Ижтимоий фанлар кафедраси**  
**Тошкент тиббиёт академияси**

### Аннотация

Аҳолининг санитария –эпидемиологик осайишталигини таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофазалаш борасида ЎзРес Жиноят Кодексининг 4 “Экология соҳасидаги жиноятлар” бўлими, ЎРҚ-393 “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги “тўғрисида Қонуннинг 12-модда. “Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари “да, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг “Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” номли VIII бобининг 79, 83, 92, 93, 94, 95 моддаларида табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказган, уларни йўқ қилиб юбориш, қирилиб кетишига, сони камайишига сабаб бўлиш учун жазолар белгиланган.

**Калит сўзлар:** экология, коммунал гигиена, санитария, қонунчилик, ҳуқуқ, атроф муҳит, ифлосланиш.

Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланиш шу куннинг муҳим экологик муаммоси ҳисобланади, ҳамда бу муаммо 6.5 млрдан ортиқ аҳоли улар яшаётган давлатлар манфаатини ўз ичига

қамраб олади. Бугунги кунда дунё аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб бортмоқда кўпроқ миқдорда озик-овқат ,ёқилғи кийим кечак ва бошқа нарсаларини ишлаб чиқишга талаб кучаймоқда.Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майданларнинг жадал суратларда қисқаришига чўл-биёбонларнинг бостириб киришига , тупроқнинг бузилишига, атмосферадаги озоз қатламининг емирилишига ҳаво ҳароратининг кўтарилишига ва бошқа ноқулай ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.Охирги ўн йилликларда фан-техника соҳасида эришилаётган ютуқлар билан боғлиқ ахлоқий мураккаб масалалар (дилеммалар), хоҳ диний, хоҳ дунёвий жамият бўлса-да, ҳар қандай кўринишдаги жамиятга даҳл қилмоқда. Экологик тенглик ва ҳолатларнинг олдини олишда, жамият ва табиат ўртасидаги экологик зиддиятларни ҳал этишда, жамият ҳамда табиат ўртасидаги экологик зиддиятларни ҳал этишда кучли қонунчилик ҳам муҳим ўрин тутуди [5].

Экология соҳасида ҳам хусусан санитария шифокорларнинг хусусан экологларнинг ҳуқуқлари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилган. Мамлакатимизнинг миллий қонунчилигида, хусусан аҳолининг санитария – эпидемиологик осайишталигини таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофазалаш борасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг тўртинчи “Экология соҳасидаги жиноятлар” бўлими, яъни XIV боби “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар”га бағишланган. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 26.08.2015 й.Н ЎРҚ-393 “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги “тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 15 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган. Ушбу Қонуннинг 12-модда. “Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари “да қуйидагилар белгилаб қўйилган,яъни Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилади: санитария қоидаларининг, нормаларининг ва гигиена нормативларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган ҳолда, давлат органларидан ва бошқа органлардан, юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг бартараф этилишини талаб қилиш; объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари ҳамда объектларни жойлаштириш бўйича истиқбол режалари, шунингдек корхоналарни, биноларни ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш лойиҳалари юзасидан; қурилиш учун ер участкалари бериш, хўжалик ва маиший мақсадларда сувдан фойдаланиш жойларини ҳамда оқова сувлар тозаланганидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, захарли, кимёвий, радиоактив моддаларни ва бошқа моддаларни утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш масалалари бўйича;иншоотларнинг, турар жойларнинг, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда санитария-маиший биноларнинг, шунингдек ускуналарнинг, транспорт



воситаларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тўғрисида; одамларнинг соғлиғига зарарли таъсир пайдо бўлган тақдирда, хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш амалиётида, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда чорванинг ривожини тезлаштирувчи ва тартибга солувчи воситаларни, пестицидлар, атир-упа ҳамда пардоз маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган кимёвий моддалар, восита ва усулларнинг, бу моддалар, восита ва усулларнинг хавфсизлиги тўғрисида ишлаб чиқувчи илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар тақдим этгунига қадар, қўлланилишини тақиқлаш; хўжалик ва ичимлик суви таъминоти учун қўллашга яроқсиз деб топилган сувдан фойдаланишни тақиқлаш [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг “Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” номли VIII бобининг 79, 83, 92, 93, 94, 95 моддаларида табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказган, уларни йўқ қилиб юбориш, қирилиб кетишига, сони камайишига сабаб бўлиш учун жазолар белгиланган [2.3]. Шунга қарамай атроф муҳитга нисбатан аҳолидаги муносабат ҳамон ачинарли аҳволда. Юқоридаги қонуний меъёрий ҳужжатлардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунда ҳам этика масалалари белгилаб қуйилган. 17-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертнинг мажбуриятлари: давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя этиши; давлат экологик экспертизаси ўз вақтида, комплекс, холис, сифатли ўтказилишини ҳамда белгиланган тартибда хулоса берилишини таъминлаши; давлат экологик экспертизасининг муайян объектига нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши; давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут сақланишини ҳамда давлат, ҳарбий, хизмат ва тижорат сири бўлган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши шарт. Давлат экологик экспертизаси экспертнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга қонуннинг қуйидаги моддасида эса экологик экспертизаси экспертнинг жавобгарлиги белгилаб қуйилган. 18-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертнинг жавобгарлиги; ўз вазифасини буюртмачининг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига моддий зарар ёки маънавий зиён етказган тарзда бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шунингдек экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик учун давлат экологик экспертизасининг эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади [4].

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли

пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида: 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси қабул қилинган бўлиб, унда атроф муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилма-хиллик, кўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш; экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш; заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш; чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг экологик хавфсиз тизимини такомиллаштириш; аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш; кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагиларни кўзда тутган ҳолда талабаларга биоэтика фанини ўқитишда санитария ва гигиена соҳасидаги ,хусусан экологик муаммолар ва масалаларини ечишда этика ўрни ҳақида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги “тўғрисида Қонун. Тошкент, 2015 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Тошкент.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида” Қонун.
5. Гуломов М., Жўраев Й. Экология жиноят ва жазо. Тошкент, 1991 й.

## НАЦИОНАЛЬНАЯ ИДЕЯ КАЗАХОВ В КОНТЕКСТЕ ДИАЛОГА КУЛЬТУР

Арынгазиева Б.Б. – к.филос.н., доцент.

ЮКГПУ, г.Шымкент, Казахстан

Нуралиева А.Ж. – к.п.н., доцент.

ЮКУ им.МАуэзова, г.Шымкент, Казахстан

**Аннотация:** Казахстан нуждается в новой национальной идее и в новой идентификации менталитета. Поэтому сегодня казахская национальная, но не националистическая, идея, выполнив свою историческую миссию, должна трансформироваться в общеказахстанскую, евразийскую идею, носящую универсальный и всеобщий характер. Основным принципом национальной идеи Казахстана должна стать идея диалога культур. Диалог – краеугольный камень всех человеческих взаимоотношений. Идея диалога есть идея встречи двух различных сознаний, двух различных культурных миров, которые никогда не могут совпасть друг с другом, поскольку каждый из них занимает свое единственное, ему только «уготовленное» место. Ментальные особенности казахской культуры достаточно глубоко описаны (как давно заметили исследователи, менталитет лучше описать, чем определить, т.к. он более виртуален) в работах казахстанских авторов, которые составляют источниковедческую базу данной статьи.

**Ключевые слова:** диалог культур, менталитет, национальная идея и идеология, соционика, мультикультурализм, традиции и инновации.

Наиболее острой и актуальной для современного Казахстана является разработка общеказахстанской идеи на основе идентификации ментальных особенностей казахстанского народа, как объединительной силы полиэтнического государства. В современной литературе термин «национальное» характеризуется многозначностью: существует этатистская и общецивилизационная его трактовка, где на передний план выдвигаются не этнические, а гражданственные признаки. Н.Амрекулов и Н.Масанов под *нацией* понимают государственно-гражданскую общность, основанную на правах человека. Ж.Абылхожин пишет: «Национальная идентификация – общегражданская ментальность, характеризующаяся осознанностью и ценностью личностью своей причастности к единой гражданской общности, к государству» [1, с. 88]. Эта позиция совпадает с ее западными аналогами, которые исходят из опыта высоко интегрированных государств. Для сравнения приведем высказывание одного из Президентов США Б.Клинтона: «Сила наших идей даже больше, нежели наши размеры, наше богатство или наша военная мощь, делает Америку страной, к которой испытывают необычное доверие». Помнится, в советские времена, сколько копий поломали на счет «американской мечты», здесь как раз мы имели дело с работающей национальной идеей и

соответствующей ей трактовкой. Как более типологизированное явление, *менталитет* в отличие от рационально-дискурсивных образований более близок к понятию «самобытность культуры». Менталитет, то общее, что является характерным для поведения всех членов данного культурно-исторического типа. Поэтому нельзя сказать «казахское мышление», а вполне допустимо говорить о менталитете казахов. Поворот к духовным и ментальным особенностям инициируется стремлением современного человека укрепить социокультурные основания своего бытия. На передний план выходит культурная модальность личности по восприятию экологических параметров условий жизни и комплиментарность этнического окружения. Бытие человека в культуре не воспринимается как чисто рационалистическая установка (*homo sapiens*), оно переживается человеком как естественная принадлежность человека своему культурному миру – «укорененностью» в родной культуре, бытие на этой «земле», среди «вот этих людей», местности, растений, животных, всех явлений. В этом корни и основа национального менталитета и характера, и отношение к ним не является абстрактно-теоретизированным философским рассуждением (хотя в определенных пределах оно вполне допустимо), а культурологическим, обусловленным задачами сохранения и упрочения культурного ландшафта и культурной почвы.

«Душа народа» не является спекулятивным понятием, а выступает ядром его ментальности и выражает особое поле его духовной идентичности. Характерологические особенности нации по-разному оцениваются в различных цивилизационных системах. Так, свободолюбие и стремление к вольности идентифицируется с самим этнонимом «казах» («вольный человек»). Глубокие образы национального характера казахов даны в «Словах назидания» великого Абая. Если, проблемы менталитета и национального характера более выступают предметом изучения этнопсихологии, приоритетом культурологического анализа должна стать национальная идея. Как подчеркивали выше, в Казахстане делаются только первые попытки изучения данного социокультурного феномена. Так, в книге М.Х.Балтабаева *национальная идея* выводится из диалога традиционной художественной культуры Казахстана, современной художественной культуры Казахстана и мировой художественной культуры. «Поэтому стратегическим направлением научных исследований в русле культурологии, нам представляется всеобъемлющий синтез и осмысление исторического этнокультурного наследия, сохранение традиционных жанров и форм эстетического мировосприятия, преемственность содержания и структуры культурной деятельности народа и в историческом аспекте, и в конкретных социальных формах» [2, с. 91]. Хотя казахи особенно не увлекались идеями богоизбранности, мессианства, но в различных испытаниях истории могли дать им достойный ответ в своеобразных формах «казахской идеи». Академик А.Нысанбаев обращает внимание на эту сторону казахской идеи: «Верность казахской идее народ, по своей сути терпеливый, стойкий и философствующий, но с яростным бунтарским и героическим духом, пронес через все испытания

судьбы. «Загадочная казахская душа», национальный изгиб ума и характера ярко проявлялись в минуты суровых невзгод, когда отбрасывалось все наносное, случайное, сиюминутное, и каждый честный казах словно бы оставался наедине со своим Отечеством» [3, с. 147-148].

Рассматривая вопрос о детерминации человеческого менталитета, можно указать на две формы детерминации: детерминацию человеческого бытия, сознания, мышления извне и изнутри, т.е. самодетерминацию. Если, самодетерминация определяется индивидуумами, их ответственностью за свои поступки, сознание, мышление, за свою предисторию и послеисторию, то детерминация извне означает обусловленность сознания, поступков человека из фатально неотвратимых «космических полей»: социально-экономических, исторических систем, форм деятельности, общения, разделения труда. Чтобы выжить человек должен включиться, приноровиться к этим готовым, мощным полям воздействия, а его ум и воля стать частью общей устойчивой целостности культуры. Детерминация изнутри связана с физиологическими, генетическими, подсознательными, предрассудочными предопределенностями. Механизм детерминации изнутри и отчасти извне был раскрыт в типологии К.Г.Юнга и соционике А.Аугустинавичюте – «науке о соционе, соционной структуре общества и соционной природе человека, о разных типах соционного обмена и разных формах отношений между ними» [4, с. 81]. К.Г.Юнг считал, что при взаимодействии с окружающим миром человек проявляет четыре базовые психологические функции – инварианты, константы психической деятельности в различных ситуациях. Это мышление, чувство, ощущение, интуиция. Поскольку указанные функции бывают экстравертными (направленными на внешний мир) и интровертными (направленными на внутренний мир), то юнговская типология личности включает восемь психологических типов. Мышление у К.Г.Юнга отражает такой аспект информационного потока как материю, объекты и бывает двух видов: экстравертной деловой логикой (информацией о свойствах объектов) и интровертной структурной, системной логикой или логикой отношений (информацией о соотношениях объектов); этика (чувство К.Г. Юнга) коррелирует с энергией и выступает также в двух ипостасях: экстравертной этики эмоций (информацией об энергетических состояниях) и интровертной этики отношений (информацией о соотношении состояний); сенсорика соответствует пространству и может быть экстравертной, волевой сенсорикой (информацией о свойствах пространства) и интровертной, сенсорикой ощущений (информацией о пространственных соотношениях); интуиция сопряжена с первореалией времени и выступает в формах экстравертной интуиции возможности (информацией о свойствах изменений) и интровертной интуиции времени (информацией о состоянии изменений).

Ментальности казахов соответствует сенсорно-этический экстраверт. В американской типологии личности он соответствует экстраверту – этику-сенсорнику-иррационалу, философским кредо которого является принцип: «Жизнь дана нам только раз», а деятельностным – «Работать нужно весело».



Отрицательная интуиция времени характеризует события, с ней связаны глобальные прогнозы, предвосхищение результатов, предвидение опасностей и катастроф, озарение при страховке от неприятностей, учет ошибок прошлого. В арсенале данной функции богатое воображение и фантазия. Поскольку единственный достоверный продукт информационного метаболизма – высказывание человека (устное и письменное), то обратимся к казахским пословицам и поговоркам. В пословицах казахского народа фиксируется как вечность мира, так и изменчивость природы: Земля никогда не стареет; Под луной ничего не меняется; Не наступит лето, пока не прилетят ласточки; Если ворон закаркает – подуют холодные ветра, если заголосят гуси – наступит лето [5, с. 48]. В сказке «Ер-Тостик» отец младшей снохи Кенжекей просит передать Ерназару – отцу Ер-Тостика не останавливать караван на ночлег в урочище Соркудук во избежание большой беды для Кенжекей. Из гордыни не принял предостережение Ерназар, попал в руки Старухи Жалмауз–Кемпир, оказался перед лицом смерти и согласился отдать любимого сына Ер-Тостика. Волчица предупредила зятя – джигита не трогать раньше 40 дней волчье одеяние своей жены, чтобы не было беды. Не сдержал слово джигит, не выждал 40 дней, сжег волчью шкуру – и чуть было не лишился и своей жены, и своей жизни [6, с. 216-221]. Видеть и прогнозировать будущее, быть посредником между Богом Тенгри и людьми могли только божьи люди – баксы (шаманы). Они не только поднимали боевой дух войска, но и активно вмешивались в боевые действия, наводя на врагов беды, природные катаклизмы. Баксы общаются со сверхъестественными существами, потусторонними мирами, определяли будущее, гадая по созвездию Рака (Джауза), по бараньей лопатке, по цвету пламени и жиру, на бобах; исцеляли больных, умели задабривать духов лесов, гор, степей, земли, воды и дружить с ними, побеждать злых духов. Время кочевника ориентировано на будущее, 12-летний цикл времени соответствует жизни коня, что нашло отражение в восточном календаре. Кочевник живет и во времени внешнего Космоса (года и сезонов земли), и во времени внутреннего Космоса (ввернуто в нутро животных, цикла зачатий и рождений животных). Позитивная деловая логика ориентирует на ценности, нормы, оценки ближайшего окружения: работа должна быть организована экономично, эффективно, рационально, предприимчиво. Лошадь как «танк» кочевой цивилизации, друг и партнер воина, «снабжала» номада и степенным напитком-кумысом и мясом на зиму – согым. С плавкой железа возникла необходимость усовершенствования приспособлений для верховой езды (удил, стремян, седел) и экипировки седока – изобретению брюк, сапог, каблуков, складного лука, стрел с металлическим наконечником. В это же время формируется художественная традиция «искусства звериного стиля». Особое отношение к лошади нашло отражение в пословицах и поговорках: Хороший конь – спутник человека; Лошадь – царь домашних животных; чабан на воле очнется, когда уже все съедено, чабан на верблюде – чабан-засоня, чабан на коне – самый опасный чабан [5, с. 25]. Все рабочее время народа было связано с нуждами скотоводства.

Скот был главным средством производства и критерием богатства, пищей, одеждой, тяглом, лекарством: Богатый овцами – богат всем; Боль за скот – боль души. Сказки передают те же мысли. Богатство Ерназара определялось владением такими видами скота как овцы, верблюды, лошади («Ер-Гостик»). Чтобы вылечить дочь бая, нужно было вырезать у пестрой овцы сердце и натереть им тело девушки («Добрый и злой»).

Любой дом – это отпечаток национального космоса. Дом кочевника – юрта – мобильное сборно-разборное устройство – всегда с собой. Юрта больше, чем другой дом соединяет человека с природой, здесь он ближе к природе. В юрте нет окон, покрытая кошмой юрта защищает от ветра (по бокам). У кочевников нет двора, ибо их мир – вся вселенная. В юрте нет пола, земля застилается войлоком, коврами, одеялами, подушками, что соответствует «сидячей позе кочевника – верхом прямо на земле». Юрта имеет круглую форму как зеркало открытого со всех сторон пространства и постоянной готовности к отражению нападения с любой стороны. При нападении врага все члены семьи (и старики, и дети) выполняют в бою четко определенные функции. Для кочевника живое тело важнее, чем земля и растения, отсюда близость, особое родство с животными. Он в юрте как в шкуре животного. Не только пищу, одежду, транспорт и кров, но и топливо для очага (жир, кизяк) «получают» номады от животных. Кочевники поглощают больше животной пищи, в них больше черт хищных животных: вспыльчивость, рывок, мягкая кошачья походка и сидят как кошка, грациозно, свернувшись комочком. Национальная еда как часть внешнего космоса, как посредник между внутренним и окружающим миром у кочевника особая. У кочевников нет специального способа приготовления пищи как переработки, преобразования «сырья», осуществляется «утилизация природных ресурсов среды обитания биологическими средствами производства (скотом)». Разные блюда – это разные части, органы животного: сердце, почки, ребро, глаз и т.п. Для земледельца еда – это дело второстепенное, средство восстановления сил для работы. Для кочевников еда – это ритуал. Именно в потреблении, а не производстве проявляется человеческая сущность кочевника. Вечерняя еда – это сердцевина суток, средоточие дня. Вечерняя трапеза продолжается долго, допоздна, с обрядами, шутками, медленно.

Древние тюрки почитали Тенгри-Небо как мужское начало, устремленную ввысь Вертикаль. Горизонталь, женское начало олицетворяли Жер-Су как проматерь всего сущего: пастбища и вода были для кочевников плодородным и детородным началом и Умай – покровительницу семьи, домашнего очага, детей, искусства, которая позднее вытесняет Жер-Су, становясь второй после Тенгри. Ее полномочия расширяются: она оберегает также все живое, не только детей, но и взрослых, воинов, помогает победить врага и дарует победу, сопровождает души умерших в мир иной. Молодая, очень красивая, добрая, лучезарная женщина с серебристыми волосами и золотым луком со стрелами спускалась по солнечной радуге. Она занималась воспитанием детей и приобщением к искусству. Душу ребенка тоже называли Умай. От рождения и до

совершеннолетия Умай учила ребенка пению, рисованию, сказаниям, фольклору, развивала художественный вкус и прививала чувство прекрасного [6, с. 10-13]. Неслучайно, на наш взгляд, в своем романе «Заир» известный писатель Пауло Коэльо для духовного возрождения французов предлагает мудрость Энергии Любви Госпожи, которую несет людям молодой шаман – казах Михаил. Имя Госпожи не называется, но четко прочитывается из контекста – это Умай. Любовь к родине, к земле отцов для кочевников священна: Дорого то место, где родился; Водрузи свой флаг – на родной земле; Родная земля – золотая колыбель; Родное урочище для каждого Каир; Человека тянет туда, где он родился, собаку – туда, где она наелась [5, с. 31]. Еще Геродот отмечал, что у скифов было ревностное и щепетильное отношение к восприятию чужих обычаев. Поэтому был убит и предан забвению Анахарсис. Но Тоньюкук, получивший китайское образование, был не против освоения культуры соседей. Он выступал за сохранение «своего имени», «своего лица» – традиций и ценностей своего народа. Даже руническое письмо Орхоно-Енисейских надписей было приспособлено для звучания тюркского языка. Бездумный перенос чужого опыта без учета ментальности губителен для любого народа.

Частью национального космоса и неотъемлемой составляющей души народа была и остается *музыка*. Струнные инструменты: домбыра, сыбызгы, кыл-кобыз, близкие к человеческому говору, ярче и непосредственнее отражают внутренний мир человека. Музыка как звуковая вибрация с определенной высотой дополняется «обертонами» – целым рядом едва слышных призвуков, выстраивающихся в определенном математическом порядке и воспринимаемых человеческим подсознанием в качестве некой вертикали. Именно эта вертикаль соединяет а) верхний, средний и нижний миры через посредника – баксы с кобызом, б) соотносится с ощущениями объема собственного тела (вертикаль позвоночника, чакры), в) связывает с ландшафтом – генетически запрограммированными ощущениями пространства родной природы этноса. Язык казахской музыки глубоко сакрален. Многослойность пространства выражается через повествование одного рассказчика о своем пути-восхождении и спуске с горы, обертоны ведут «вглубь себя», вертикальная структура музыкальных инструментов отражает связь человека с миром аруахов. Передвижение по уровням пространства осуществляется посредством импровизации (искренних чувств души) и творения себя и мира в структурах «ритм в ритме» (коробка в коробке, одно сквозь другое). Мир кочевника наполнен добрыми (сары-эне) и злыми (албасты) духами. Особо почитались добрые духи предков – аруахи. Им поклонялись, обращались с молитвами, приносили жертвы. С их именами шли на боевые действия, провожали усопших, начинали важные дела. С злыми духами умело справлялась Умай. И сами номады охраняли добрых духов от злых с помощью ворожбы, кружения («айналайын»), ношения охранных талисманов – тумаров, костей волка, перьев филина, камней, огня [7, с.19-22]. Хитрость почиталась у номадов как доблесть. Благодаря хитрости избавился дед Канбак от врагов – лисы, которая воровала у



него рыбу и от великанов, которые чуть не погубили его («Канбак-шал»), сообразительность помогла зайцу выпить остывшую «кипящую» воду и получить щедрую награду от царя зверей – льва («Сметливый заяц»), а ласточке утаить от царицы–змеи правду о самой сладкой крови – крови человека, вырвав язык у овода («Почему человек дружит с ласточкой») [6, с. 4-6, 186-187]. Юрта как модель вселенной четко структурирована в соответствии с народным летоисчислением и солнцем (по часовой стрелке). Началом летоисчисления было место мыши – почетная часть жилища – тор для гостей и сундуков с добром, место коровы – символ достатка, далее место тигра – хозяина, место зайца – кроткой и покорной хозяйки, далее место улитки (хранилище продуктов), в месте змеи содержалась посуда и утварь, место лошади (символ движения) – у входа, далее место овцы (малых и бедных), мудрой обезьяны (оружие, конская утварь, бурдюки с кумысом), место птицы – для молодежи и молодых гостей, место собаки (символ преданности) – для гостей-мужчин, место кабана – для самых почетных гостей и самого ценного имущества, круг замыкался на месте мыши. Для казахской философии характерно философствование неуниверситетского типа, иррациональное философствование в нефилософских формах. В перспективе ситуация должна быть, по нашему мнению, такой: культур много – цивилизация одна. Это подразумевало бы, что Казахстан развивает свою собственную, неповторимую культуру, – но в рамках и во благо общечеловеческой цивилизации.

#### Литература:

1. Абылхожин Ж. Этюды об истории Казахстана. -Алматы, 2011.
2. Балтабаев М.Х. Современная художественная культура Казахстана. - Алматы 2018.
- 3 Нысанбаев А.Н. Независимость. Демократия. Гуманизм. -Алматы, 2009.
4. Аугустинавичюте А. Соционика: Введение. -Москва, 2001.
- 5 Адамбаев Б. Казахское народное ораторское искусство. -Алматы, 2016.
6. Казахские народные сказки. -Алматы, 2007. -Т.1.
7. Орынбеков М.С. Генезис религиозности в Казахстане. -Алматы, 2000.
8. Гачев Г. Космо-Психо-Логос: Национальные образы мира. -Москва, 2009.

### АХЛОҚИЙ МУҲИТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ МАСАЛАСИ

Алимов С.К.

ЎзМУ 2 курс таянч докторанти (PhD)

**Аннотация:** Мақолада “ахлоқий муҳит” тушунчаси, унинг келиб чиқиши, ижтимоий ҳаётда ақс эттиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар ўз аксини топган. Муаллиф ахлоқий муҳит яъни этосферанинг шаклланишидан бугунги кунга

қадар эволюцияси, замонавий ахлоқий муҳитнинг таснифи ҳақида ўз қарашларини илгари сурган.

**Калит сўзлар:** ахлоқий муҳит, этосфера, глобаллашув, ахлоқий муҳит таснифи

Исталган жамият ёки цивилизациянинг тараққиёти иқтисодий, сиёсий, ижтимоий омиллар қаторида ахлоқ фактори билан ҳам боғлиқ. Ахлоқий муҳитнинг барқарор эканлиги, унинг юксак ахлоқий идеалларга асосланиши, миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларни ўзида жамлаганлиги ҳар қандай жамиятнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Умуман олиб қараганда, ахлоқий муҳитнинг постмодерн дунёда тутган ўрни ҳақида гапиришдан олдин ахлоқий муҳитнинг ўзи нима, унинг қандай таркибий элементлари мавжуд эканлигига эътибор қаратиб ўтишимиз лозим.

Ахлоқий муҳит тушунчаси баъзи хорижий адабиётлар этосфера (юнончадан таржима қилинганда “ethos” – “урф-одат, анъана”, “sphaira” – шар, сфера, “ахлоқ қобиғи”) атамаси билан ҳам ифодаланади. Ушбу тушунчани турли муаллифлар турлича талқин қилишади. Масалан баъзи тадқиқотчилар нуқтаи назарига кўра этосфера – бу инсоният жамиятларининг ахлоқий ва маънавий диаспораси сифатида талқин этилади. Бутун дунё учун универсал бўлган ахлоқий бирликнинг мавжуд эмаслиги туфайли, мавжуд жамиятлар минтақа, миллат, жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, дин, тил бирлигига асосланган этосферик сегментларга бўлиниши, натижада бугунги дунёнинг этосферик манзараси ранг-баранг калейдоскоп тасвирига ўхшашига урғу берилади [1]. Қолаверса, этосферага ижтимоий-сиёсий тизимнинг хатти-ҳаракатини, феъл-атворини белгилайдиган қадриятлар, анъаналар, муносабатларнинг тармоғи сифатидаги қарашлар ҳам мавжуд [2]. Унга кўра этосфера табиат борлиғи бўлган биосферага қарама-қарши тушунилган, антропоген таъсир остида бўлган дунёнинг ахлоқий моҳиятини тушунтиришда ишлатилган.

Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар этосфера атамасини биосферага қарама-қарши бўлган феномен сифатида эмас, балки биосферанинг энг ривожланган шакли сифатида талқин этишади. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, этосфера биосферанинг ноосфера (юнон. “акл-идрок қобиғи”, биосферанинг инсон акл-идроки ҳукмронлик қиладиган эволюцион даражаси)дан юқори ривожланиш босқичи бўлиб, унда барча ахлоқий тамойиллар, шу жумладан, ҳаётнинг барча шаклларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш тамойили инсонларнинг ўзаро, шунингдек, инсониятнинг тирик табиат барча шаклларига нисбатан муносабатларининг асосий регуляторларига айланади [3]. Этосферанинг ўзи соф социал феномен деб эмас, балки табиий, ахлоқий, социал жихатдан қоришиқ феномен сифатида талқин этилади.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, ахлоқий муҳит, яъни этосфера, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида инсон ва инсон, инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг барча ахлоқий элементларини, ижтимоий онгдаги барча ахлоқий идеаллар, тушунчалар, тамойиллар,

фазилатларни ўзида жамлаган яхлит феномен. Умуман олиб қараганда, ахлоқий муҳитнинг барқарорлиги, инсонлар ўртасидаги муносабатлар тизимида ахлоқнинг турли тамойиллари акс этиши субъектив характерга эга. Чунки ахлоқий муҳит статик ҳодиса эмас, балки динамик феномен. Унинг даврлар ўтиши билан турли омиллар таъсирида эволюцияга учраб, ўзгариб бориши ижтимоий детерминизмнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Ахлоқий муҳит кишилиқ жамиятида ахлоқнинг илк белгилари вужудга келиши билан, инсонларнинг у ёки бу хатти-ҳаракатида биологик мотивлар, эҳтиёжлар эмас, ахлоқий эҳтиёжлар асос бўлган вақтдан шакллана борди. Ахлоқий муҳитнинг шаклланиши ибтидоий диний мифологик қарашлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган табу (тақиқ)лар илоҳий борлиқнинг иродаси билан қувватлантирилган. Ўз ўрнида илк ахлоқ қоидаларининг пайдо бўлишида ибтидоий уруғ жамоасининг ҳаёт тарзи катта таъсир кўрсатган.

Ахлоқий муҳитнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам ушбу жамиятда юксак ахлоқий идеалларнинг қарор топганлигини англатмаган. Бу фақатгина ахлоқнинг, ҳатто энг содда кўринишда бўлсада, мавжудлигини билдирган. Баъзи ибтидоий ахлоқий нормалар замонавий жамият учун ахлоқсизликнинг энг тубан кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин. Бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ, ушбу ҳолат эволюциянинг натижасида рўй берган. Бу каби ахлоқий меъёрларга полигамик оила, каннибализм, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, инсонларни худолар учун қурбонлик қилиш қабиларни мисол қилишимиз мумкин. Бундай ахлоқий нормалар ўз даврида юксак ахлоқийликнинг намунаси сифатида талқин этилган бўлса, бугунги жамият уларни тўлиқ инкор этади. Ахлоқ нормаларининг бундай тарзда дифференциациясини тарих спектридан ташқари бугунги кунда уруғ жамоаси сифатида яшаётган қабилаларнинг ҳаётида ҳам кузатишимиз мумкин. Ибтидоий ахлоқий нормаларнинг, табуларнинг мавжудлиги ушбу қабилаларнинг ахлоқсизлигини эмас, балки ижтимоий бирликдаги ахлоқий муҳитнинг тўлиқ шаклланмаганлигини, эволюциянинг дастлабки босқичида қолиб кетганлигини кўрсатади.

Ахлоқий муҳитни умумсайёравий яхлит бирлик сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, ҳар бир ижтимоий бирлик, инсонлар гуруҳи ёки жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий муҳит бир-биридан кўплаб таркибий элементлар туфайли фарқ қилади. Ўз навбатида ушбу ижтимоий бирликларда шаклланган ахлоқий муҳитлар орасида ҳам кўплаб тафовутлар мавжуд. Бу эса ахлоқий муҳитни таснифлаш заруриятини юзага чиқаради. Ахлоқий муҳитни бир неча омиллар асосида таснифлаш мумкин. Масалан, тил, дин, географик муҳит каби. Бугунги кунда сиёсий институтлар, мамлакатларнинг роли ошиши, инсонларнинг миллий ўзини англаши билан бир қаторда сиёсий-худудий идентиклик кўрсаткичининг ҳам ошиб бораётганлиги ахлоқий муҳитни айнан шу омилларга боғлаб таснифлашнинг мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб замонавий ахлоқий муҳитни қуйидаги даражаларга бўлган ҳолда таснифлашимиз мумкин:

1. Кичик ижтимоий гуруҳдаги ахлоқий муҳит (оиладаги ахлоқий муҳит, гуруҳ ёки уюшмаларга хос бўлган ахлоқий муҳит);
2. Ижтимоий синфлар, тоифалар доирасидаги ахлоқий муҳит (турли касб вакиллари жамоалари, зиёлилар, ёшлар, мигрантлар каби ижтимоий тоифаларда шаклланган ахлоқий муҳит);
3. Миллатлар, элатлар, давлатларда шаклланган ахлоқий муҳит;
4. Минтақавий умумийликка эга халқларга тегишли ахлоқий муҳит (Масалан, Марказий Осиё ахлоқий муҳити, Араб мамлакатлари ахлоқий муҳити, Европа ахлоқий муҳити);
5. Глобал сайёравий ахлоқий муҳит.

Ахлоқий муҳитнинг юқорида таснифланган даражалари бир-бири билан узвий боғлиқ тарзда мавжуд бўлиб, қуйи даражадаги ахлоқий қадриятлар юқори даражадаги ахлоқий муҳитнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, кўплаб оилалардаги ахлоқий қадриятлар ўша оилалар мансуб бўлган ижтимоий синфнинг, ижтимоий қатламлар амал қилувчи ахлоқий меъёрлар ўзлари мансуб бўлган миллат ёки давлатнинг, миллатлар ва мамлакатларда мавжуд бўлган ахлоқий идеаллар эса минтақа ҳамда сайёранинг ахлоқий муҳитини шаклланишида асосий материал бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий муҳитнинг эволюция таъсирида ўзгариб боровчи динамик ижтимоий феномен сифатидаги моҳияти айнан глобаллашув даврида яққол кўзга ташланади. Турли мамлакатлар, минтақаларда ахлоқ нормаларнинг универсаллашуви бутун сайёра учун ягона бўлган универсал ахлоқий муҳитнинг шаклланиши йўлида дастлабки қадам сифатида намоён бўлмоқда.

Глобаллашув сабабли дунё шунчаки тез суръатларда ўзгариб бораётгани йўқ, балки инглиз социологи Энтони Гидденс таъкидлаганидек, дунё “тушунарсиз, бир нуқтада тутиб туриб бўлмайдиган” бўлиб қолди, яъни бугунги глобал дунё тубдан янги ижтимоий-маданий динамикага эга. Глобаллашув бу битта жараён эмас, балки бир қатор жараёнларнинг мураккаб бирикмасидир. Бу жараёнлар бир-бирига мос эмас, ҳатто баъзида бир-бирига қарама-қарши йўналишда ривожланиб бормоқда[4]. Шу сабабли ҳам ушбу феноменнинг яхлит, мукамал тарзда англаш қийин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ахлоқий муҳит – динамик феномен. Айниқса, бугунги замонавий дунёда бунга яққол гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ушбу жараёнлар инсоннинг турли ижтимоий гуруҳлар, синфлар, тоифаларга тегишли бўлган ахлоқий муҳитда яшашига, янги ахлоқий қадриятларни ўзлаштиришига, бунинг натижасида эса ижтимоий ҳаётнинг энг кичик бирлиги сифатида янги дунёқарашни, ахлоқий идеаллар тизимини ва ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ, ижтимоий синф, миллат, мамлакат ва минтақанинг ахлоқий муҳитини маълум даражада трансформацияга учрашига олиб келмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Sharma R. N. Ethosphere and Cosmosphere: Two new concepts for World Bioethics, and their application to the Asian segment//Asian Bioethics in the 21st Century. – Eubios Ethics Institute; Asian Bioethics Conference, 2003
2. Siebker M. Club of Rome: a progress report //Science and Public Policy. – 1975. – Т. 2. – №. 3. – С. 122-123.
3. Чернышева А. В. Синтез этосферы и ноосферы эпоха рождения этически разумного человека //Успехи современного естествознания. – 2004. – №. 11. ст. 109.
4. Гидденс Э. Ускользящий мир: как глобализация меняет нашу жизнь (пер. с англ.). М.: Весь Мир. – 2004. 120 с.

**РУДАКИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИДА УМУМИНСОНИЙ  
МАСАЛАЛАР**

**Авазхонов Юсуфхон  
ЎзМУ магистранти**

**Аннотация**

Ушбу мақолада ўрта асрлар Форс-тожик адабиётининг гениал шоири (шоирлар Одаматоси) Абу Абдулло Рудакийнинг Марказий Осиё халқлари, инсоният бадий тафаккури тараққиётида тутган ўрни таҳлил этилган.

Форс-тожик адабиётининг гениал шоири Абу Абдулло Жаъфар (бинни Муҳаммад бинни Абдурахмон бинни Одам) Рудакий Марказий Осиё халқлари, инсоният бадий тафаккури тараққиётида муносиб ўрин тутади.

Ўз даврининг барча фанлари, айниқса тил, адабиёт, фалсафа, тарих, ахлоқ мантиқ ва мусиқани чуқур ўрганган Рудакийнинг билим доираси ғоятда теран, ифода қамрови кенг, тили содда ва ранг-барангдир. У шахс сифатида қалбининг гўзаллиги, оддий ва камтаринлиги, жўшқинлиги, бадиҳагўйлик хофизаси юксаклиги билан ажралиб туради. Халқ тили, қўшиқ ва афсоналари билан бир қаторда араб ҳамда ҳинд адабиётига хос манбаларни ҳам ўзлаштирган Рудакий санъат ҳамда адабиёт тараққиёти йўлида фаол ижод қилдигина эмас, қадимий маданий анъаналарни тиклаш ва ривожлантиришга илмий-адабий кучларнида сафарбар эта олди. Зотан у Маъруфий Балхий таъбири билан айтганда, ўз даврида “шоирлар устои”, Низомий Арузий таъбирича: “шоирлар подшоси”, Рашиди Самарқандий таърифича эса: “жаҳон шеърятига бошлиқ ва шоирларга бош” эди.

Мазкур параграфда биз учун фалсафа ва ахлоқшуносликда нисбатан кам ўрганилган “ҳазор дoston” – Рудакий ҳикматларида мужассам теран тафаккур маҳсули бўлган улуғвор маъноларни яхлит ҳолда англамоқ муҳимдир. Зотан, шоир панд-насихатлари сўз қадрини ардоқлайдиган, чуқур мантиқ залворини ҳис этадиган маърифатли инсонга қаратилган.



Кўринадики, инсон соғ-саломатлиги, қилаётган амаллари ижобий сифатлар касб этиши, ижтимоий иқлимдаги мавқеи юксалиши, фикрининг умуминсонийлиги унинг тафаккур тарзига хос оқилоналик билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, шоир олам ҳодисаларини зарурий боғланиш ва алоқадорликда, тартибли изчилликда англайди. Ўз сўзлари билан айтганда, “оқилларча ўйламоқ” муҳокаманинг мантикий асосланганлиги, далилларга таяниш, зиддиятларни аниқлаш ва ҳақиқатни исботлаш асосига қурилишини ёқлайди. У ҳиссий билимларни инкор этмаган ҳолда, инсон идрокининг қудратини тўғри, аниқ ҳамда изчил фикрлашда кўради<sup>1</sup>. Мантикий тафаккур қудратининг инсон камолоти жараёнидаги амалий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. Рудакий эътиқод кишиси сифатида бундай сифатларнинг одамзотга Яратгандан ато этилиши, яъни инсон фитратида мавжуд бўлишини эътироф қилади. “Одамлар қалбининг чароғи” ва “Балодан асраниш яроғи” бўлган эканлигини илм-амал бебаҳо хазина – олам ривожи ва тараққиёт омили таъкидлаган шоир умрни билим ҳамда эзгу амаллар билан зийнатлашга даъват этади. Шоир тушунган ва англаган гўзалликнинг чўққисини идеал уйғунликка интилиш ташкил этади. Аллоҳ севган бандалари кўнглигагина инсон имкониятлари ва фаолият майдонидан ғоятда улуғвор юксакликка кўтарган мукаммал гўзалликка ошуфталикка интилиш ҳиссини ато этади. Яъни, яралмиш мўъжизалардан ҳайрат туймоқ орқали дунёни ўзига хос тарзда инкишоф этмоқ завқи-ла сийлайди.

Гўзал қалб соҳиби бўлган Рудакийнинг лирик қаҳрамони учун аъёнлар давраси мисоли зиндон. Зотан у ҳаётни теран кузатувчигина эмас, балки хаёлотнинг бесарҳад кенгликлари сари интилувчи ҳамдир. Шу боис манфаат юзасидангина яшовчи кимсалар даврасида у ўзини ғоятда ёлғиз сезади. Расмий қолипларга сиғмаган инжа ғайратларининг бешафқат ҳаёт дағалликлари билан тўқнашувидан сўнгсиз изтироб чекади. Чунки даврани берухсат тарк этмоқ имкондан хориж. Бинобарин, у қониқмаслик ҳиссидан туғилмиш армонлар ичра ўртанади. Тафаккурида чарх урган ҳақ сўзни баланд пардаларда айтмоқ истаги лирик қаҳрамонни тинч қўймайди. Муттасил давом этган ўзликни англаш изтироби унга маънавий-руҳий куч бағишлайди. Рудакий битикларида рўйи-рост акс этган ўша оғриқли жараённинг хуш ифодалари шоир истеъдодининг даражаси ва қудратидан дарак беради. Зотан шоир олам аҳлига хос очкўзлик, хасислик йўлидаги турфа эврилишлар илдизини таъмагирликда кўради. Демак, жаҳонга меҳр ва саховат назари билан боқмоқ учун кўнгил таъмадан холи бўлмоқи лозим. Бунга илм-маърифат орқали эришилишини яхши англаган шоир панд-насихату ҳаёт ибратини уқтиришдан чарчамайди. Кўринадики, инсон руҳий-маънавий камолоти ҳақидаги фикр-қарашларида Рудакий одам боласини ўзини қайта қуриш учун реал имкониятларга эга бўлган бунёдкор сифатида талқин қилади. Шу боис инсон ўз-ўзини англашида ҳушёрлик, ақл-фаросат ва интуитив тафаккурни муҳим санаган шоир руҳий ҳолатларга хос комиллик

<sup>1</sup> Мирзаев А.М. Рудакий, Москва, 1968. Б-187

ҳамда маънавий етуклик даражасини тадқиқ этади. Парҳез – ножўя амаллардан тийилмоқ, яъни нафси мағлуб этиб, ғийбатдан йироқлашмоқ, шунингдек қаноат, сабр, ризо, умрни беҳуда ишларга сарф қилмаслик ўз-ўзини тарбияловчи инсоннинг маънавий қудрати нишонлари эканлигини уқтиради<sup>2</sup>. Фақат яхшилиқни ўйлаб умрни ожизу нотавонлар хизматига бағишлаш, пировардида эзгу хулқ-атворга эга бўлмоқ керак. Рудакий борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларни ҳимоя қилишни ёқлайди. Бу эса шоирнинг бетаъма марҳамат, шафқат, мурувват, саховатни ҳаётий тамойил даражасига кўтарганлигини кўрсатадию Рудакий инсон зотининг назарий ва амалий фаолияти нисбати билан қизиқар экан, камолотга етмоқ муттасил интилишни тақозо этишини, тажриба ҳаёт жумбоқлари ечимини топишда ниҳоятда асқотишини ёқлайди. Демак, илмий билиш амалий эҳтиёжларга хизмат қилиши, инсон фаол ижобий фаолиятда бўлиши керак деб билади. Бундай мукамал амалий фаолиятни шоир “яхши иш” – ахлоқ ва эътиқод билан чамбарчас боғлиқликдаги мақсадга мувофиқлик, яъни инсон фаоллигининг маънавий асослари маъносида тушундаи. Унинг фикрича, амалиёт эмас, балки инсоннинг ўзини ҳам ўзгартириш билишнинг мезонигина қудратига эгадир Шу боисдан турмуш ўнгитларидан тегишли сабоқ чиқариш муҳимлигига диққат қаратган шоир реал дунёнинг нариги томони, яъни йўқлик ҳақида ҳам қайғураркан, индивидуал руҳнинг мутлақ руҳ билан қўшилиши ахлоқий поклик орқали кечади деб билади. Рудакийнинг лирик қаҳрамони ҳаёт ҳикматларидан тўғри хулосалар чиқаради, ҳасад билан эмас, ҳавас ва шукроналик туйғуси билан яшайди:

Чунки тириклик ширин туш янглиғ ўткинчи ва ўлим ҳақ. Бу ёруғ оламдан фоний дунёга бойлигу шоҳи-ипак матолар олиб кетилмагай. Бинобарин, унга қаттиқ кўнгил боғламоқ дуруст эмас. Кексалик чоғида шоир: “Яна қадам қўйдим йигитлик сари” мисрасини битади. Чунки Рудакий дунёни “икки эшикли курук бир толзор”,- деб билади. Дил оромини илму донишда кўргани учун оламни одамдан юксак санайди. Инсон ҳамиша ўрганишга муҳтож. Унинг умри роҳату кулфат алмашинувига гувоҳ. Тақдирга тадбир йўқ деб ҳисоблайди. Шунинг учун андуҳдан озод, шод-хуррам, кўнгил хотиржамлигини тилаб яшамоқ лозим, деган тўхтама келади. Шоир Муродий Бухорий вафоти муносабати билан битган марсиясида: “Бунчалик улуғнинг ўлмоғи қийин”,- деб ёзган Рудакий умр мазмунини йиллар саноғи билан эмас, балки инсон билимининг даражаси билан белгилайди. “Азадорга” номли қасидасида эса инсонга умр фақат бир марта ато этилиши, нола-фиғон билан ўтганни қайтариб бўлмаслиги таъкидланади. Фалакнинг бало-офатларига бардош қилмоқ ҳушёр ва фозил кишиларга хос улухворлик саналади<sup>3</sup>.

Рудакий тизимларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлигини, шунингдек ҳолатларнинг тадрижий равишда ўзгаришини яхши англайди. Шоир: “Кетган кетди, келур келадигани”,-дея таъкидлаш орқали тизим тараққиётидаги

<sup>2</sup> Мирзаев А.М. Рудакий, Москва, 1968. Б-189

<sup>3</sup> Мирзаев А.М. Рудакий, Москва, 1968. Б-192

нисбий барқарорликка ишора қилади. Демак, у борлик ва унинг моҳиятига хос тараққиёт ва ривожланиш билан боғлиқ хусусиятларни илмий асосда тушунган<sup>4</sup>.

Рудакий ҳаётининг сўнгги йилларида битилган “Шикоят аз пири” (“Қариликдан шикоят”) қасидаси нафақат форс-тожик, балки Шарқ адабиётида илк ҳасби ҳол йўналишида битилган қасидадир. Ҳасби ҳол (арабча – ўз ҳолини билдириш) – шоирнинг, асосан, ўз девонида алоҳида бир шеър орқали ўз аҳволини, кечирган, кечираётган ҳаётини баён қилишидир, биобиблиографиясидир. Ҳасби ҳол ҳам бадий адабиёт, ҳам бадий-адабий танқид жанри сифатида иш кўради. Шу маънода Рудакий қасидасини кузатар эканмиз, шеър шоирнинг муайян даврига оид ҳаётини маҳорат билан акс эттиргани маълум бўлади. Шеърда шоир умрнинг ўткинчилиги, инсон ҳаётда беш кунлик меҳмон эканлиги, яшашнинг қадрига етиш ва умрни хайрли ишларга бағишлаш ҳақидаги фалсафий умумлашмаларини шоирона ифода этади. Қасидада Рудакий “дурри ғалтон” (юмалоқ ҳолда тизилган), “чароғи номзоди тобон” (чироқдай нур сочувчи), “дурри маржон” (маржондай тизилган), “тонгда чўлпон” (юлдуздай ёрқин) тишларининг бари тўкилганидан сўзларкан, мазкур ҳодисани “наҳси Кайвон” деб атайди. Агар Кайвон – Зуҳал (Сатурн) эронийлар ақидасига кўра бахтсизлик келтирувчи сайёра эканлиги назарда тутилса, Рудакий инсон умрини космогоник қамровда идрок этгани ва қариликни улкан бахтсизлигу омадсизлик санагани аён бўлади<sup>5</sup>. Бироқ, айти пайтда, у барча ҳодисалар сабабини ҳақнинг иродаси билан боғловчи теран эътиқод кишиси сифатида ҳам намоён бўлади.

Чунки бутун мавжудотнинг яшаш усули ҳаракат билан чамбар-час боғлиқ. Олам абадий ҳаракат ва ўзгаришдадир. Бинобарин, ҳаракат бутун борлик ва оламда, жумладан, кишилиқ жамиятида ҳам юз бераётган барча ўзгариш ҳамда жараёнларни қамраб олади. Рудакийнинг оламда мутлақо ўзгармайдиган нарсалар ҳам, хосса ва хусусиятлар ҳам, муносабатлар ҳам йўқлиги ҳақидаги қуйидаги қарашлари байтларда ёрқин ифодасини топган

Демак, ҳаракат бор ликнинг атрибути – аж ралмас хоссаси бўлиб, ундан ташқарида содир бўлмайди. Борлик ва материянинг мавжуд бўлиши эса инсон хоҳиш-истагига боғлиқ эмас. Англашиладики, Рудакийнинг фикрича, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи борликнинг ўзида. Аммо мутлақлик умумий хусусият бўлиб, ҳаракат шакллари конкрет турларда намоён бўлади. Зеро, олам бениҳоя, ҳаракат турлари ва шакллари ҳам хилма-хилдир. Инсон, инсоният жамияти, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ижтимоий ҳаракат шаклининг моддий ташувчиларидир. Ҳаракат шакллари ўртасида иерархия боғлиқлиги яъни қатъий кетма-кетлик, ўзаро боғлиқлик, оддийдан мураккабга, пастдан юқорига томон диалектик алоқадорлик мавжуд<sup>6</sup>. Биологик ҳаёт жараёнларида моддалар ассимиляцияси ва диссимиляцияси, яъни туғилиш, ўсиш, улғайиш, кексайиш ҳамда ўлиш ҳолатларида ҳаракатнинг ички табиати хос беқарорлигу

<sup>4</sup> Ўша асар, Б-192

<sup>5</sup> Доктор Халил Рахбар "Рудаки", Техрон, 1354, Б-46

<sup>6</sup> Мирзаев А.М. Рудакий, Москва, 1968, Б-193



барқарорлик, ўзгаришу осойишталикнинг бирлиги намоён бўлади. Бинобарин, жисм ва предметлар ҳаракати ички зиддиятли жараён<sup>7</sup>. Шоир инсон муайян вақт оралиғида орқага қайтмайдиган, илгариланма ҳаракатда, миқдорий ва сифатий ўзгаришда деб билади.

Рудакий улкан ҳаётий тажриба ва юксак салоҳият эгаси сифатида одамзот маънавий муносабатларидаги хилма-хилликни алоҳида инсон туйғулар оламига хос нозикликнинг даражасига кўра фарқлайди. Зотан беғараз туюлган ва англаган адабий ҳодисагина китобхоннинг ҳис-туйғулари ва онгига таъсир этади. Кўринадики, Рудакий эстетикасида масаланинг субъектив томони, яъни эстетик онг, тушунча ва ҳис-туйғуларнинг аҳамияти ҳамда ранг-баранглик характери ўз ифодасини топган. Эстетик онг ривожига санъатнинг таъсир кучи тобора ортиб бориши, эстетик тарбиянинг ролига аҳамият қаратилган. Шоир ижодий меросида: “Ёр ёдида дил фиғонга келур”, “қул бўлсайди сенга Рудакий”, “Мен бўлдим бир соҳиб жамолга ғулом”, “Майхонага эт, эй бути Кашмир хиром”, “Бир ишва бирла хотирим этмиш паришон, ул нигор”, “ҳижронинг балоси, эй сарви озод, Умрим томирин айлади барбод” каби мисралар ҳам учрайдики, бу ҳол унинг ишқий мавзу ва ошиқона руҳдаги асарларида ҳижрон, вафо, садоқат куйланганлиги, ишқ нафақат дунёвий, балки илоҳий мазмун-моҳиятда ҳам англаганлигини кўрсатади. Демак, Рудакий лирик меросининг тарихий макон доирасидан чиқиб, умуминсоний моҳият касб этиши унинг ахлоқий қарашларининг чуқур инсонпарварлик руҳиятида эканлигидан далолат беради.

## VIRTUAL OLAMNING INSON AXLOQIY TARBIYASIGA IJOBIY VA SALBIY TA’SIRI

**Axrordinova Sh.**

**O’ZMU, Ijtimoiy fanlar fakulteti**

**Falsafa yo’nalishi 3-kurs sirtqi ta’lim talabasi**

**Аннотатсия:** Virtual olamning globallashuv jarayonidagi o’rni, uning inson hayotidagi salbiy va ijobiy oqibatlari o’rganiladi. Ushbu maqolada, bugungi kunda - XXI asr texnika asri deb nom olgan hamda jadal sur’atlar bilan hayotimizni har tomonlama qamrab olayotgan internet tarmoqlari xususida so’z boradi. Inson axloqiy tarbiyasiga uning ta’sirini, internetdan to’g’ri foydalanishni, kerakli maqsad sari safarbar etishni yosh avlodga uqtirish maqsad qilib olingan.

**Калит со’злар:** Virtual olam, inson tafakkuri, internet tarmoqlar, salbiy va ijobiy oqibatlar

Internet – inson tafakkuri mahsuli. Bugungi globallashuv jarayonining virtual olamga ta’siri, hozirgi dunyoning dolzarb muammosiga aylandi. Bu jarayon turli

<sup>7</sup> Ўша асар, Б-194

mamalakatlar, xalqlar hayotida ularning bir-biriga bog'liqligi milliy-ma'naviy va ijtimoiy hayotida aks etmasdan qolmaydi. Bugun nafaqat hayotimizdagi, balki kishilik jamiyatining barcha sohalaridagi o'zgarish va yangilanishlar turmushimizga goh ijobiy, goh salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bir tomondan zamonaviy texnika va texnologiyalarning rivojlanib borishi hamda axborot tarqatishining globallasuvi, insoniyat taraqqiyotini, mamlakatlar o'rtasidagi o'zaro munosabat va hamkorlikni mustahkamlashga xizmat qilayotgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, kuchli mafkuraviy ta'sir vositalariga aylanmoqda.

XXI asr boshi insoniyat taraqqiyotidagi eng kuchli va murakkab jarayonlarga boy davr bo'lib xizmat qildi. Inson o'ta murakkab ijtimoiy, iqtisodiy, ma'naviy mafkuraviy, jarayonlarini boshidan kechirmoqda. Ayniqsa, axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishida nanotexnologiyalarning paydo bo'lishi, internet tarmog'ining kengayishi axborotni berish, saqlash, tanlash va saralash imkoniyatlari yanada kuchayib bordi. Bu esa virtual olamning inson axloqiy tarbiyasiga ijobiy va salbiy ta'sirini kuchaytirib yubordi. Axborot orqali shakllantirilayotgan g'oyaviy ta'sir, oshkora mafkuraviy tazyiqlar oldida hattoki dunyoning tajribali mamlakatlari ham qiyin ahvolga tushib qolmoqda. Buning sababi axborotlashgan ta'sirning an'anaviy xavf-xatarlar – terrorchilik, yadroviy qurollarning ishlatilishi, ekologik muammolar va boshqalardan farq qilib, ko'zga ko'rinmasligi, tezkorligi, chegara bilmasligi, uzoq vaqt mobaynida noaniqlik bo'lishi qobiliyati va boshqalaridir. Hech narsadan tap tortmaydigan axborotlar ta'siri tufayli turli davlatlar aholisi kayfiyati, ruhiyati, dunyoqarashi va xatti-harakatlarida salbiy o'zgarishlar kuzatilmoqda. Darhaqiqat, “bugungi kunda biz inson hayotining asosiy qadriyatlaridan birinchi axborot tashkil etgan yangi davrga qadam qo'ydik. “Axborot asri” deb nom olgan XXI asrda biron-bir mamlakat yoki hududning taraqqiyotini faol axborot almashinuvisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Chunki hozirgi paytda yer yuzining qaysi chekkasida qanday bir voqea bo'lmasin, odamzod bu haqida dunyoning boshqa bir chekkasidan turib, zudlik bilan xabar topishi hech kimga sir emas.”[1]

O'zbekiston ham ana shunday murakkab xalqaro munosabatlar sharoitida o'zining ertangi kunini barpo qilmoqda. “Bugun biz demokratik jarayonlarni chuqurlashtirish, aholining siyosiy faolligini oshirish, fuqarolarning mamlakatimiz siyosiy va ijtimoiy hayotidagi amaliy ishtiroki haqida so'z yuritar ekanmiz, albatta, axborot erkinligini ta'minlamasdan, virtual olamning ijobiy va salbiy oqibatlarini o'rtaga tashlamasdan, ommaviy axborot vositalarini odamlar o'z fikr va g'oyalarini, sodir bo'layotgan voqealarga o'z munosabati va pozitsiyasini erkin ifoda etadigan minbarga aylantirmasdan turib, bu maqsadlarga erishib bo'lmasligini o'zimiz yaxshi tasavvur etamiz. Bugungi kun axborotining tarqalish tezligi, inson tafakkuriga turli yo'nalishlarda tez ta'sir o'tkazishi, insoniyat hayotini va taqdirini u yoki bu tomonga burib yuborishga qodirligi, turli vaziyatlarda salbiy va ijobiy ahamiyat kasb etuvchi qudratli vositaga aylanmoqda. Bizningcha, bu axborotlarning aksariyati internet orqali tarqalmoqda.”[2]

“...Jahon axborot maydoni tobora kengayib borayotgan shunday bir sharoitda bolalarimizning ongini faqat o'rab – chirmab, uni o'qima, buni ko'rma, deb bir

tomonlama tarbiya berish, ularning atrofini temir devor bilan o'rab olish, hech shubhasiz zamonning talabiga ham, bizning ezgu maqsadlarimizga ham to'g'ri kelmaydi. Nega deganda, biz yurtimizda ochiq va erkin demokratik jamiyat qurish vazifasini o'z oldimizga qat'iy maqsad qilib qo'yganmiz va bu yo'ldan hech qachon qaytmaymiz."

Virtual olam insonlar ongini go'yo hech qanday qonun-qoidalarga amal qilmaydigan, parallel olam sifatida mustaxkam o'rin olmoqda. Internet orqali tarqatilayotgan axborotlar bugungi kunda global mohiyat kasb etmoqda. Bugungi globallashuv jarayonida kimki axborotga egalik qilsa, o'sha dunyoga hukmronlik qiladi, degan ibora bejiz paydo bo'lgani yo'q. Darhaqiqat, hozirgi kunda yadro quroli ishlab chiqarish bo'yicha dunyoda 20 ga yaqin davlatda harakatlar davom etayotgan bo'lsa, 120 ga yaqin davlat esa, axborot xurujlarini uyushtirish ustida ish olib bormoqda. Ular buning uchun hatto million-millionlab dollar mablag' sarflashdan ham tap tortishmayapti. Globallashuv davrida axborotga bo'lgan talab har qachongidan kuchayib borar ekan, holis va haqqoniy axborotlarni tarqatish, ommaning ushbu mahsulotga bo'lgan ehtiyojini qondirish, bugungi kunning dolzarb masalasidir. Ayrim nodavlat notijorat tashkilotlar tomonidan dunyoning ko'plab mamlakatlarida turli vayronkor g'oyalarni o'zida aks ettirgn "o'yinlar" ham moliyalashtirilmogda. Ayniqsa, ma'naviy taxdidga, yoshlar ongini egallashga qaratilgan axborot xurujlari avj olayapti, aslo pasaymayapti. Ba'zi bir g'arazli kuchlar tomonidan bu borada turli usul va uslublardan foydalanib kelinmogda. Ayniqsa, axborot xurujlarining yolg'on axborot tarqatish, milliy-ma'naviy qadriyatlarni yemirish, mentalitetga mutlaqo yot bo'lgan begona qadriyatlarni targ'ib etish, xalqning tarixiy xotirasini buzish va o'zgartirish, kiberterrorizm kabi turlari keng tarqalmogda. Eng achinarlisi, yosh avlodning 90 foizi asosiy axborot manbayi sifatida "o'rgimchak to'ri" deb nom olgan virtual olamga murojaat qilmogda. Albatta, bu tarmoqning qulay axborot manbayi ekani, istagan narsangizni undan bir zumda top olishingiz mumkunligi, soniyalar ichida dunyoning narigi chekkasi bilan bog'lanish imkoniyati mavjudligi muhim omildir. Masalan, ayni paytda virtual olamning salbiy jihatlari yoshlar tarbiyasiga ta'siri ko'zga tashlanmogda, bular o'z joniga qasd qilishning oson yo'llarini targ'ib qiluvchi, erotic mazmundagi saytlar mavjudligi, zo'ravonlik va yovuzlikni targ'ib qilayotgan kompyuter o'yinlaridir. Xalqaro ekspertlar dunyo miqyosida 38 foiz bola zo'ravonlik ruhidagi saytlarni, 26 foiz bola millatchilik xarakterdagi veb sahifalarni muntazam kuzatib borishini aniqlashgan. Mutaxassislar e'tirof etishlaricha, dunyo aholisining 22 foizdan ko'prog'i bugungi kunda internetdan muttasil foydalanar ekan. Internetdan foydalanuvchilarning ko'pchiligi ijtimoiy tarmoqlarni ko'proq kuzatar ekan. Ularning aksariyati o'sha yolg'on va rost ma'lumotlarga ishonib, ular ta'siriga tushib qolar, bunday tarmoqlarda o'z joniga qasd qilishni targ'ib qiluvchi 9 ming, shaxvoniy mazmundagi 4 mingdan ziyod saytlar "faollik ko'rsatayogani" aniqlangan.[3]

Ayni kunlarda, kompyuter o'yinlari orqali zo'ravonlik va yovuzlikni ya'ni salbiy oqibatlarni keltirib chiqaruvchi, targ'ib qilish avj olib ketmogda. Hozirgi paytda yoshlar orasida ommalashgan "Odnoklasniki", "Facebook", "Twitter" tarmoqlarida inson ma'naviyatiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi g'oyalarni targ'ib qiluvchi yuzdan ziyod

guruhlar mavjudligi va ularga ellik mingdan ziyod yoshlar a'zo ekanligi aniqlangan. Ma'lumotlarga ko'ra, birgina odnoklasniki.ru ijtimoiy tarmog'ining kunlik auditoriyasining 20 foizini O'zbekistondan kiruvchilar tashkil etadi. Shundan 80 foiz odam mobil versiyadan foydalanadi. Boshqa tarmoqlarda ko'pgina aholining faolligini kuzatamiz.

Bugun dunyoning istalgan nuqtasida sodir bo'lgan voqea, yangilik xususida yetarli axborot olishimiz uchun bir necha soniya kifoyadir. Internet bir necha o'n yil ichida global tarmoqqa aylanib, nafaqat axborotlashgan jamiyatni yuzaga keltirdi, balki jahonda globallshuv jarayonining tezlashuvida ham muhim omil bo'ldi. Internet – inson tafakkuri mahsulidir. Ish stolimizda turgan kompyuterga shunchaki ish stoli sifatida qarayolmaymiz. U axborot olish, uzatish va almashishning qulay vositasidir. Virtual olam insonni manipulatsiya qilmoqda. Manipulatsiya – bu fikriy qaramlik orqali o'ziga bo'ysundirish demakdir. Mutaxassislar fikricha, virtual olamning salbiy tomonlari ya'ni insonning vaqtini idrok qilish tizimi buziladi, ijtimoiy faolligi, real hayotdan uzilib qolishi kuchayadi. Eng yomoni, bunda faqatgina ma'naviy-axloqiy tanazzulga yuz tutmasdan balki har hil kasalliklarni keltirib chiqaradi. Uning salbiy tomonlari kamayishiga erishib borsakkina, ijobiy natijaga erishamiz. Mutafakkir Mir Alisher Navoiyning “Agar ogoh sen sen, Shoh sen sen”, degan gaplari zamirida, axborot sohasidagi ogohlik masalasi ham aks etib turibdi. Biz virtual olamdan foydalanganda, xushyor bo'lsak, ezgulikka erishib boramiz.[4]

Ushbu jihatlardan kelib chiqqan holda, globallshuv jarayonida axborot xavfsizligini ta'minlashning asosiy xususiyatlarini ilmiy-falsafiy o'rganish va uni tahlil qilish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biridir. Bu jarayonlar esa aslida insonning azaliy hayot va mamot muammosidan jamiyatning umumiy muammosiga aylanib qoldi. Bu muammolar jahon taraqqiyotining obyektiv omili bo'lib, ularni hal etmaslik kelajakda insoniyat tanazzuliga olib kelishi muqarrardir. Global muammolar bir-biriga chambarchas bog'liqdir.

Virtual olamda ijobiy va salbiy oqibatlarni keltirib chiqaruvchi omillarni vaqtida aniqlash zarur. Virtual olamdan ham ijobiy tomonlarni olishimiz zarur. Axborot makonida insonni yaxshilikka, ezgulikka chorlovchi fikrlar, vatanparvarlik g'oyalari xukmron bo'lmog'i zarur. Virtual olamning ijobiy va salbiy tomonlarini tushunib yetib, undan to'g'ri foydalanish har birimiz uchun kelajakka zamin yaratadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:**

1. I.Karimov Biz tanlagan yo'l – demokratik taraqqiyot va ma'rifiy dunyo bilan hamkorlik yo'li. T. 13. – T, “O'zbekiston” 2003.-275-bet
2. www.fayllar.uz sayti
3. T.Murod “Zamondoshlar xotirasiga”- www.forum.ziyouz.com sayti
4. I.Karimov Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir. T, “O'zbekiston” -2011

## ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ – ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДИР

Базарбаева Г.М.  
УзМУ таянч докторанти

Қорақалпоқ халқ достонлари қорақалпоқ халқининг қадим замонлардан йўлдош бўлиб келаётган маънавий озиғи, халқ ҳаётининг ойнаси, халқнинг ўтмиши ҳақида маълумот берувчи тарихий манбасидир. Шундай экан, халқ достонларида халқимизнинг ўтмишдаги ҳаёти, турмуш-тарзи, дунё қараши, оила ва уруғчилик муносабатлари, тарихий-этнографик аҳволи ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин. Демак, халқ достонларининг ўзига хосликлари ва уни ижро этувчилар ижодини ўрганишимиз, тарихий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишимиз зарур.

Достон, яъни қаҳрамонлик ҳақидаги эртаклар қорақалпоқ жировларининг тўй-хашамларида ижро этадиган асосий репертуарларидан бири бўлган. «Достон» сўзининг келиб чиқишига тўхталадиган бўлсак, бу сўз қорақалпоқ тилига қушни халқлар орқали кириб келган форсча сўз бўлиб ҳисобланади. Илгари уларни жировлар «достон» деб атамай, «эرتак» деб атаган. Шунинг учун «достон» сўзи базида «эртак» сўзи билан алмашиб, қўлланилиб келинган. Шунга қараб, «эртак» сўзи билан таққослаганда «достон» сўзи кейин кириб келган бўлиши мумкин деган тахминлар ҳам мавжуд. Бироқ унинг қайси даврда кириб келганлиги ҳалигача намаълум.[1,225]

Қорақалпоқ достонларини умумий жиҳатдан икки турга бўлиб қарайдиган бўлсак, булар: 1. Жамоа тарафидан яратилган, оғзаки ижро этиладиган достонлар; 2. Маълум бир муаллиф тарафидан яратилган ёзма достонлар. Албатта буларнинг биринчиси халқ оғзаки ижодига тааллуқли бўлса, иккинчиси ёзма адабиётга хосдир. Бироқ, уларнинг ҳар бирининг ички ўзига хосликлари ва ўз аро боғлиқликлари мавжуд.

Жамоа тарафидан яратилган достонларга таъриф берганда куйидагиларни эътиборга олиш лозим. Биринчидан, уларнинг яратилишига; Иккинчидан, ижро этилишига; Учунчидан, мазмуни ва формасидаги ўзига хосликларга. Шуларни ҳисобга олган ҳолда достоннинг бу турига куйидагича таъриф бериш мумкин. Жамоа тарафидан яратилган ва шу жамоанинг аъзолари ҳисобланган, жиров-бахшилар (ижрочилар) тарафидан кубиз ёки дутор ёрдамида ижро этиладиган, мазмун ва формаси жиҳатдан узоқ даврлардан буён шаклланган анъаналар асосида ботирлик, севги-муҳаббат, ҳаётий масалаларни кенг ва ҳар тарафлама таърифлайдиган, проза элементлари оз учрайдиган йирик кўламли поэзиялик ижод маҳсули достон деб аталади.[1,227]

Қорақалпоқ достонларининг сўзи ҳам, сози ҳам бир бутун бирликни ташкил этади. Достонларни ижро этувчилар булар - жиров-бахшилардир. Қорақалпоқ қаҳрамонлик достонлари кўпинча кубиз билан, лироэпик достонлар эса кўпинча дутор билан ижро этилади. Жиров кубиз созига мослаб тамоғини кириб айтса, бахши эса авозини дутор куйига солиб эркин айтади. Жировлар репертуаридаги қаҳрамонлик ҳақидаги достонлар бахшилар достонидан



бутунлай фарқ қилади. Жировлар репертуарида севги-мухаббат ҳақидаги дostonлар бўлмайди, қаҳрамонлик кўшиғи гина ижро этилади. Кўшиқлар билан дostonлар қорақалпоқларнинг тилини, поэзиясини, этнографиясини ва маҳаллий турмуш-тарзини ўрганиш учун бой материалга эга манбаа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам этнограф Шоқан Уалиханов қорақалпоқларни: «Қорақалпоқлар саҳродаги биринчи шоирлар ва кўшиқчилар ҳисобланади», -деб таърифлаган эди. [2,13]

Қорақалпоқ жировлари тамошабинлар йиғилганга қадар дастлаб панду-насихат сўзларини айтиб сўнг дostonларни айтишга киришишган. Жиров дostonни ижро этишдан олдин ўз репертуаридаги дostonлари ҳақида халққа маълум қилган. Уларнинг ичидан халқ тарафидан тинглагиси келган дoston гина ижро этган. Тингловчиларнинг ичида ёши катта, кўпни кўрган, дoston ижро этувчиларнинг кўпини тинглаган кўзатувчи-танқидчилар ҳам бўлган. Агарда жиров айтаётган дostonини бўзиб, олдинги намунадан чиққан ҳолда ижро этса, у инсонлар жировни туғри йўлга солиб, йўналтириб ўтирган. Шунинг учун ҳам ҳар бир жиров ўзи тарафидан ижро этадиган дostonларга жавобгар ҳисобланган. Сабаби, жировнинг ҳақиқий танқидчилари унинг тингловчилари бўлган.

Қорақалпоқ дostonларининг жанрлик ўзига хосликларининг бири унинг кубиз ёки дотор ёрдами билан ижро этилишида, яъни унинг муסיқалилигида. Мисол учун, эртақ, ҳикоя айтиш учун муסיқанинг ҳожати йўқ. Аммо дostonда бу бошқача акс этади. Унда инсон туйғуларининг, ҳайвонот олами ва она табият кўринишлари ҳақида сўз этилганда уларнинг ҳар бирига ўзига хос бўлган оҳанглар орқали ёндошиб ижро этилган. Шундай қилиб, дostonнинг ижро этилишидаги қобиз, дотор созлари дostonнинг ажралмас бўлаги бўлиб шаклланган.

«Жыр» сўзи қорақалпоқлар орасида қадим замонларда тарқалган. Шу сўз асосида «жиров» сўзи кириб келган. Тахминан XIV асрда «жиров» сўзи қорақалпоқлар орасида қўлланилган бўлиши мумкин деган тахминлар мавжуд. XI асрда яшаган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобида «қубиз» сўзи учрайди ва қубизни чаладиган одамни «қубизгул киши», яъни ҳозирги тилда қубиз чаладиган одам деб атайдди. Қорақалпоқ тилида дostonларни ижро этувчи «жиров», «бахши» сўзлари уларнинг асбоблари бўлган «қубиз», «дотор»дан айро олиб тушинилмайди. «Жиров» сўзи Соппаслы Сыпыра жиров замонидан қорақалпоқлар орасида тарқалган сўз деган қарашлар ҳам мавжуд.[1,232-233]

Қорақалпоқ халқининг оғзаки ижро этиладиган дostonлари кўлами жиҳатдан 5 минг қатордан 20 минг қаторга етади. Масалан, «Алпомиш» дostonининг Өгиз жиров варианты 7 минг, Қыяс жиров варианты 11 минг, Қурбанбой жиров варианты 15 минг қатордан иборат.[2,22] Дostonнинг кўлами уни ижро этадиган жировларнинг маҳоратига ва унда сўз этиладиган воқеага боғлиқ бўлади. Агар ташқи формасига қараб баҳоланганда, кўламининг катта бўлиши воқеанинг кўп бўлиши билан боғлиқ эканлигини билдиради. Шунинг учун катта кўламдаги бир-бири билан ўз-ора боғлиқ, бир неча воқеанинг якуни

бўлган бир катта воқеани тасвирлаш қорақалпоқ дostonларига хос нарса. Дostonдаги воқеаларнинг бирикмаси унинг мазмунидаги бўлимлардан ташкил топган. Масалан, Алпомишнинг Барчинойга уйланиши алоҳида, Қобланнинг Қуртқага уйланиши бошқача, Алпомишнинг Тойчихонга, Қубланнинг Көбиклига, Гулойимнинг Суртайшага қарши курашлари ўз олдига алоҳида бўлимлардан иборат.[1,229]

Ҳар бир халқнинг ўзига хос такрорланмас бой маънавий мероси бор. Уларнинг ичида энг катта қисмини халқ оғзаки ижоди эгаллайди. Айниқса дostonлар, фольклорнинг энг катта тури бўлиб гина қолмасдан, қолган турларни ҳам ўз ичига жамлай олган. Яъни унда эртақлар, топишмоқлар, нақл-мақоллар ва бошқаларнинг моҳирона ўрин олганини кўришимиз мумкин.

Турли халқ оғзаки ижод намуналарини ўрганар эканмиз улардаги халқ ижодларининг бир-бирлари билан боғланганлигини ва ўзига хос бўлган жиҳатлари ҳам мавжудлигини англаймиз. Қорақалпоқ халқ дostonлари ҳам бошқа халқ дostonларидан ижро этувчилари, куйи, сўзлари, ижро этилиш йўналиши билан бир-бирларидан ажиралиб туради ва бу унинг ўзига хос тарафи албатда. Демак, халқ оғзаки ижоди ҳар бир халқнинг маънавий дунёси, маданияти, тарихи, фалсафаси билан суғорилган бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Қ.Мақсетов. Қарақалпақ халқ аўйзеки доретпелери. –Нөкис.: Билим, 1996. -340 б.
2. И.Сағитов. Қарақалпақ халқиниң қахраманлық эпосы. – Нөкис:Қарақалпақстан, 1986. -348 б.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР МУАММОЛАРИНИ ҲАМДА ОИЛАДАГИ ТАЗЙИҚ ВА ЗУРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА АХЛОҚИЙ ҚАДРЯТЛАРНИ ЎРНИ

Бабакулова Ш.У.

ЎзМУ Ижтимоий фанлар факултети

1-босқич магистранти

#### Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида гендер муаммоларини ҳамда оиладаги тазйиқ ва зуравонликдан ҳимоя қилишда ахлоқий қадриятларни ўрни ҳамда мустақиллик йилларида гендер тенгликка эришиш йўлида амалга оширилатган жуда катта ишлар, шунингдек, оиланинг ижтимоий муҳофазаси, оналик ва болалик муҳофазасига қаратилатган масалаларига урғу берилган..

**Калит сўзлар:** аёллар ҳуқуқи, қизлар ва аёллар, гендер тенглиги, оилавий даромад, гендер тенгсизлиги, зўравонлик, ижтимоий омиллар, тенг ҳуқуқ, тазйиқ.

**Кириш.** Таъкидланганидек, сўнги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хотин-қизлар масаласи, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маиший ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилиш, иқтидори ва имкониятларини кўрсатиш учун қулай шароит яратилмоқда. Оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз ривожига, жамият ҳаётида, оилалар мустаҳкамлигида хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Юртимиз аҳолисининг 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар жамиятнинг барча соҳаларида самарали фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг 2019-йил 7-мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини яна-да кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишда туб бурилиш ясади [1]. Мазкур қарорда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш юзасидан янги қонунлар ишлаб чиқиши муҳим вазифа сифатида белгиланган эди.

Маърузачилар томонидан мамлакатимизда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, шунингдек гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш ишлари бир неча йўналишларда, хусусан, аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш алоҳида қайд этилди. Аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масбул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш бўйича олиб борилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Мазкур соҳадаги қонунчилик чораларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яна-да такомиллаштириш мақсадида 2019-йил сентябр ойида “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди [2]. Уларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, демократизм, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслик, очиқлик, шаффофлик белгилаб берилган.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)**

Қадимги маданият ва хотин-қизларга уларни анъанавий равишда она ва хотин деб қараш амалиёти барча даражаларда устунлик қила бошлади. Бундай амалиёт хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ аёлларининг аҳволи, танлаш

имкониятига жиддий таъсир кўрсатди. Хотин-қизларни камситувчи қарашлар ва урф-одатлар, ақидалар баъзан учраб туради. Бу борадаги камчиликларга барҳам бериш, хотин-қизларни том маънода янги, демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятининг тенг ҳуқуқли бунёдкорига айлантириш йўлида инсоният маънавияти хазинасига, аниқроғи, Ғарбдаги хотин-қизларнинг ҳаракати натижасида гендер тушунчаси вужудга келди.

Гендер – инглизча “гендер” – “зот” сўзидан олинган бўлиб, жинс тушунчасини физиологик воқелик устқурмаси бўлган ижтимоий қурилма сифатида белгилайди [3].

Жинс эркаклар ва аёллар ўртасидаги универсал биологик фарқ бўлиб, анатомик ва физиологик моҳиятни, яъни индивиднинг биологик жинсга – эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш учун асос бўладиган биологик белгилар бирлигидир. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги жиддий бўлмаган фарқлар уларнинг биологик хусусиятларига тааллуқлидир. Бироқ эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик фарқлардан ташқари, ўз табиатига кўра биологик сабабларга асосланувчи кўплаб фарқлар бор, яъни ижтимоий роллар, фаолият шакллариининг бўлиниши, хатти-ҳаракат ва индивидларнинг психологик тавсифларида кўплаб фарқлар мавжуд. Таъкидланганидек, эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик табиий фарқлар билан эркаклар ва аёллар хатти-ҳаракатини, ижтимоий ва маданий тавсифларини аниқроқ фарқлаш учун гендер атамаси қабул қилинган. Гендер тушунчасининг киритилиши энг умумий маънода икки тушунча – биологик ва ижтимоий жинс тушунчаларини фарқлашга ёрдам беради. Кундалик ҳаётимизда жинс билан боғланмаган кўплаб тушунчалар “эркакларга хос” ёки “аёлларга хос” деб ҳисобланади. “Эркакларга хос” ёки “аёлларга” хос тушунчаларни аниқроқ фарқлаш учун “феминлик” (аёллик) ва “маскулинлик” (эркаклик) тушунчалари қабул қилинган. Янги тушунчаларнинг киритилиши эркакларга хослик ва аёлларга хосликнинг биологик зиддиятини бартараф этиш ва эътиборни турли маданиятлар шаклланишининг ички механизмларини гендер нуқтаи назаридан очишга қаратиш имконини берди. Антропологлар, психологлар ва социологлар гендернинг биологик эмас, балки ижтимоий ва маданий жиҳатдан белгиланиши, маданий ва тарихий жиҳатдан эса нисбий эканлигини таъкидлайдилар [3].

Софя Бабаян бу ҳақда: “Гендер ижтимоий тушунча. Аёл ёки эркакнинг бенуқсон тимсоли берилган, хронологик ва географик муҳит ранг-баранглиги, миллий анъаналари, этнопсихологияси, дини, тарихи ва миллий менталитети ва бошқаларда ифодаланади” – деб ёзади [4]. Унинг мазмуни, шарҳи ва ифодаси ўз ичида ҳам, маданиятлараро ҳам ўзгарди ҳамда тарихий ўзгаришлар объекти бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий омиллар – ёш, тоифа, ирқ ва келиб чиқиши – алоҳида гендер мазмуни, ифодаси ва тажрибасини ташкил этади ҳамда уни бирон бир соддалаштирилган усул билан жинс ёки жинсийликка тенглаштириб бўлмаслигини ажратиб кўрсатади. Замонавий жамиятхунослик изчиллик билан ва самарали тарзда ушбу тушунчани ижтимоийлик ҳамда унинг шакллариини таҳлил қилиш борасидаги муҳим асослардан бири сифатида ишлаб чиқмоқда.

“Гендер” тушунчасининг мазмуни аввало жинсни ижтимоий моделлаштириш ёки ташкил этишда мужассамлашган. Ижтимоий жинс ижтимоий амалиёт ёрдамида ташкил қилинади.

Жамиятда муайян жинс ролларининг бажарилишини тақозо этадиган хатти-ҳаракатлар меъёрий тизими вужудга келади; тегишли тарзда ушбу жамиятда “эркакларга оид” ва “аёлларга оид” бўлган хусусиятлар борасида қатъий қарор топган тасаввурлар қатори пайдо бўлади. Гендер – табиатан белгиланмаган, ижтимоий ҳодисалар ато этган хусусиятлар йиғиндисидир. Гендер – жинсининг маданий ниқоби, бизнинг ўз ижтимоий-маданий тасаввурларимиз доирасидаги жинс ҳақидаги қарашларимиздир. Бунинг устига жинс, фақат гендер демакдир, яъни унинг ижтимоийлаштирилиши натижасида жинсни ташкил этган нарсасидир. Жинс инсонга тегишли эмас, балки инсон жинсга оиддир, у эса ҳокимият ва тилга эга.

Зўравонлик ва гендерга оид камситишнинг жисмоний лат ейишдан бошқа ёмон оқибатлари ҳам бор. Бу иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади – яъни ишчи кучидан тўлиқ фойдаланилмайди. Ундан ҳам ёмони, бу аёлларнинг ва зўравонликка гувоҳ бўлган кишилар – **ёш болаларнинг** руҳиятини жароҳатлайди. Катталар кўпинча кун сайин ўсаётган ва уларнинг хатти-ҳаракатларидан ўртак оладиган болалар кузатиб турганини эсдан чиқаради. **Қуш уясида кўрганини қилади.** Оиладаги зўравонлик, адолатсизлик, ноқонунийлигидан ташқари, болалар тарбиясига ҳам ёмон таъсир қилади.

Ота фарзандининг онасига нисбатан зўравонлик қилиши билан ўғил болада, аёл кишини уриш мумкин экан, деган тушунчани пайдо қилади. Аёлини урадиган эркаклар қизларига у вояга етиб, эрга теккандан сўнг уни эри уриши мумкин, деган хабарни беради. Оналар (ўғил ва қиз) фарзандларини уриш билан улар онгида, кимнинг кучи кўп бўлса, ўша ҳақ, деган тушунчани пайдо қилади [5].

Кўряпмизки, зўравонлик **ҳалқа тарзида бўлади**, яъни, зўравонлик ҳукм сурадиган оилаларда ўсаётган болаларнинг катта инсонларга ўхшаш муаммолари бўлади [6]. Улар ўзини хавфсиз сезмайди, қонун ва жамият билан боғлиқ муаммоларга дуч келади, спиртли ичимликлар ёки наркотикларга ружу қўйиши ҳамда ҳаётда жисмоний ёки психологик зўравонликка мойил бўлиши мумкин. Муштумзўрлар кўпинча зўравон ота-она/тарбиячиларнинг фарзандлари бўлади, чунки болалар ота-оналарининг хулқ-атворини автоматик тарзда ўзлаштири бўлади ва ҳаётининг кейинги босқичларида қўллаиди.

### **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Ҳозирги кунда бу муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсата оладиган, зўравонлик ҳалқасидан чиқиб кэтган ёки умуман унга кирмаган эркаклар фоизи жуда кам. Аёлларни ҳимоя қилаётганлар ва қизлари учун имконият яратганлар айнан ўшалардир.

Вазиятни ўзгартириш учун кўпроқ ахборот, китоб ва тўғри контентларга эҳтиёж борлиги кундай равшан. Бунга журналистларни ва барча шу каби фикрлайдиган одамларни жалб этиш керак. Гендер масаласи бўйича материалларни ўзбек тилида кўпроқ чоп этиш лозим.



Маҳаллалар ёки милиция жабрдийдаларни зўравоннинг олдига қайтариб юбормасдан, уларни махсус бошпаналарга юбориш лозим. Ушбу амалиётдан тез орада систематик тарзда фойдаланилади деб, умид қиламан. Оиладаги адолат ҳақида оқсоқоллар ва расмий диний вакиллар ҳам гапиришлари зарур.

Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва университетларда ўқув жараёнида қўшимча равишда ана шундай кампанияларнинг кўпроқ ўтказилиши даркор. Зарур бўлса, улар “Маънавият ва маърифат” дарсларининг бир бўлаги бўлишимумкин. Бирор кишининг аёлни камситиш ёки қизнинг таълим олишини тақиқлаши маънавий эканига рози бўлишига ишониб бўлмайди. Ниҳоят, аёллар ҳам ўз ҳуқуқларини танишлари ва ўзларини ҳимоя қилиш учун ёрдам кидиришлари мақсадга мувофиқ.

### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**

Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, аёллар билим даражасининг ошиши ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдори ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд [7]. Аёл бошқарадиган оилавий даромад улушининг ошиши озиқ-овқат, болалар таълими ва уларнинг кийимкечакларига харажатларни ошишига олиб келади ва бунда оиланинг алкохол ва тамаки маҳсулотларига кетадиган харажатлари пасаяди [8]. Демак, гендер тенглиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, меҳнат бозорида аёллар ва эркекларнинг тенглигига эришишга олиб келадиган кўплаб йўллар борлигини тушунган ҳолда, турли мамлакатларнинг миллий кадриятлари ва маданиятини инобатга олиш муҳимлиги табиий. Бундан ташқари, гендер тенглигининг асосий ғояси эркек ва аёлдаги тенг ҳуқуқлилиқ таълим соҳасидагина эмас, балки ўз салоҳиятини амалга ошириш учун барча манбалардан фойдалана олишни таъминловчи тенг ҳуқуқлардан иборат.

Гендер тафовутлар ва аёлларни олий таълим олиш имкониятлари ота-оналарнинг узоқ муддат давомида қизларини уйдан йироқда таълим олишларини истамасликлари билан ҳам боғлиқдир. Олий ўқув юртларининг учдан икки қисми учта минтақада жойлашган (Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Андижон вилоятлари), шу жумладан, деярли ярми Тошкентда. Бу эса нафақат таҳсил олишга юқори харажатлар, балки доимий турар жойидан узоқда истиқомат қилиши туфайли иккала жинсдаги ёшларнинг олий таълим олишларидаги имкониятларни камайтиради.

Тарихий ва маданий анъаналарга кўра ҳамда қизларни оилада миллий руҳда тарбиялаш, уларнинг одоб-ахлоқи борасида ижтимоий орзуумидлар, аёлни жамият ҳаётидаги ролини англаш билан боғлиқ бўлган қатор бошқа муаммолар ҳам бор. Бу омиллар қизлар ва аёлларнинг билим олишлари ҳамда улар томонидан ихтисосликни танлашга таъсир қилмай қолмайди. Таълим борасида аёлларнинг ихтиёри кўп ҳолатларда ота-оналар томонидан аниқланади ва педагогик ва тиббиёт йўналишлари билан чекланади. Олий таълим ёки турмушга чиқиш ўртасида танлаш зарурати бўлган вазиятларда қизлар (ёки уларнинг ота-оналари) кўп ҳолатларда оилани яратишни биринчи ўринга қўйишади. Бошқа

томондан, аёлларнинг таълим даражасига, шунингдек, уларнинг катта репродуктив вазифаси ҳам таъсир қилади: Ўзбекистонда туғишларнинг энг кўп сони 20 ёшли аёлларга тўғри келади [1]. Бу ҳам қизлар ва аёлларнинг мажбурий ўрта таълим босқичида юқори даражада таълим билан қамраб олиниши, таълимнинг бошқа босқичларида эса бу даража пасайиши сабабларидан бири ҳисобланади. Турмуш қурган ва олий таълимни олиш имкониятига эга бўлмаган қизларнинг келгусида муносиб иш топишларига имкониятлари катта бўлмайди. Мамлакатда сиртқи таълим тизимини мавжуд эмаслиги, ўз навбатида, аёлларни болаларга қараш ва уй ишларини бажариш билан биргаликда олий таълим олиш имкониятларини қисқартиради. Бу ҳолатда аёллар учун ўқишга кириш, таълимга ҳақ тўлаш ёки икки ва ундан кўп вояга етмаган фарзандлари бўлган аёллар учун таълим кредитларини олишда имтиёзлар тақдим этилиши орқали масофавий таълим тизимини яратиш (лекин сиртқи эмас) мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Орадан бир аср ўтиб, гендер масаласини янги даражага олиб чиқишни исташ ёки истамаслик ўзбек жамиятининг зиёлилар табақасининг вазифаси. Бу бажарилиши осон бўлган вазифа эмас, бироқ аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга тайёр эмасмиз деб ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам мазкур муаммога ечим бўла олмайди. Шунини таъкидлаш керакки, аёлларга ҳуқуқ ва имконият бериш эркакларни ёмон кўриш ва кексаларни ҳурмат қилмасликни англамайди. Аёллар барибир табиатига ҳос бўлганлиги учун фарзандларига (улар кўпинча шу учун мос бўлган ишларда меҳнат қилишади) ва уйдаги кексаларга қўлидан келганича ғамхўрлик қилишади. Аммо уларга уй бекаси ёки мутахассис бўлишни танлаш ва зўравонликсиз ҳаёт кечириш имкониятини бериш керак.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон 07.03.2019 қарори
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон 02.09.2019 қонуни
3. Zigmund Freyd Three Essays on the Theory of Sexuality
4. (Saxipjamol Joldasova <http://uza.uz/uz/society/gender-tenglik-ta-minlanadi>)
5. Chen, D.H.C. (2004) Gender Equality and Economic Development. The Role for Information and Communication Technologies. World Bank Policy Research Working Paper 3285, P. 28
6. L.Rubalcava, G.Teruel, and D.Thomas (2009) Investments, Time Preferences, and Public Transfers Paid to Women. Economic Development and Cultural Change 57 (3): 507–538.
7. ЮНИСЕФ/БМТТДнинг «Ўрта Осиёда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш» мавзусидаги семинар материаллари, Женева, 2011 й. Сентябрь
8. Гендер ёндашувини жорий қилиш бўйича амалий қўлланма. БМТТД, 2007.

## AXLOQIY TA'LIM SHAXS MA'NAVIY KAMOLOTINING ASOSI

G'aniyev G'.G'.

O'zMU, ijtimoiy fanlar fakuleti magistranti

### Annotatsiya

Ushbu maqolada insonning axloqiy tarbiyasi va uning ma'naviy kamoloti to'g'risida ma'lumotlar berilgan. Shuningdek buyuk allomalarning tarbiya to'g'risida bergan tavsiyalari insonni axloqiy mukammallik va ma'naviy kamolotga yetaklaydi.

Inson yerning go'zalligi va Alloh yaratgan maxluqotlarning eng buyukidir. Alloh insonni uning er yuzidagi xalifasi sifatida katta vazifalarni bajarish uchun javobgar etib yuborgan. Shuning uchun, inson barcha maxluqotlar orasida eng aziz va muqaddas bo'lib, u farovonlikda hayot kechirish uchun mavjud bo'lgan barcha imkoniyatlar va kuchlar bilan rag'batlantirilgan. Ushbu vazifani to'g'ri bajarish uchun odamga, albatta, yaxshi odob-axloq va ta'lim berish kerak. Mamlakatimiz tarixining eng qadimgi manbasi bo'lgan "Avesto"da bolalar tarbiyasi haqida juda ko'p qimmatli ma'lumotlar keltirilgan. Masalan: „Ta'lim hayotning eng muhim ustunidir. Har bir yoshni shunday tarbiyalash kerakki, unga avval yaxshi o'qishni, so'ngra yozishni o'rgantib, uni eng yuqori darajaga ko'tarish kerak.”[1]

Darhaqiqat, 30 asr oldin aytilgan bu so'zlar bugungi kunda ham o'z ahmiyatini yo'qotmagan. Agar kishi ta'lim olmasa, hayot deb nomlangan kitobning har bir sahifasini o'rganish unga ko'plab qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi. Buyuk yunon faylasufi Aristotel fikriga ko'ra “Ota-onalar bolani tug'gani uchun emas, balki uni munosib va axloqli qilib tarbiyalagani uchun maqtovga loyiqdir”. [2]

Albatta, tarbiya juda murakkab jarayon va hayotda eng muhim natijaga erishishdir, natija esa bu jarayonda tarbiyachining axloqiy barkamollik darajasi bilan o'lchanadi. Ya'ni, ta'lim tizimli boshqaruv jarayoni. Abdulla Avloniy, buyuk ma'rifatparvar va jadidchilik harakati rahbarlaridan biri shunday ta'kidlaydi: “Ta'lim - bu pedagogika, ya'ni bola tarbiyasi haqidagi fan bo'lib bolaning sog'lig'i va baxti uchun yaxshi tarbiya, tanani toza saqlash, yoshligida kasbni to'g'irlash, odob-axloqni o'rgatuvchi shifokorlarga o'xshaydi. Shifokor bemorning tanasidagi kasallikni davolovchi, parvarish qiluvchi “tozalaydigan” “yaxshi odam”dir. U buni keng ma'noda bajarishi kerak”. [3]

Ma'lumki, ta'lim jarayoni ikki shaklga ega. Birinchisi, tashqi ta'lim, ya'ni insonning rivojlanish jarayoni, mavjud qoidalarga muvofiq o'z xatti-harakatlarini boshqarish qobiliyati, jamiyatda o'zini tutish qoidalari va axloqiy me'yorlardir. Ikkinchisi, bu murakkab jarayonga qaratilgan ichki mashg'ulot (Ruhiy tarbiya) imon, vijdon va e'tiqod kabi ichki ruhiy tajribalarni shakllantirish. Bu mas'uliyatli jarayonni mukammal darajada bajarish uchun o'qituvchidan mahorat bilan bir qatorda yuksak axloq namunasi hamda uni aniq va samarali natijalari asosida amalga oshirish talab qilinadi. Ma'lumki, barcha mamlakatlarda, dinidan, millatidan va ijtimoiy kelib chiqishidan qat'i nazar, turli xil fikrlar va dunyoqarashga ega odamlar bor. Ularning

inson sifatida tarbiyalanishiga doimo turli xil omillar ta'sir ko'rsatadi (oilaviy muhit, jamiyat, ko'cha hayoti, qiyinchiliklar, diniy urf-odatlar, g'ayrioddiy xulq...). Agar o'quvchi bularning ijobiy tomonlarini singdirish qobiliyatini rivojlantirmasa, salbiy tomonlarni engib o'tish uchun layoqat bo'lmaydi va ushbu ta'sir etuvchi omillar to'liq qabul qilinadi. Bu esa bolaning butun ruhiyatiga ta'sir qiladi va uning ma'lum bir qolipda qolishiga olib keladi. Ushbu vaziyatni to'g'ri boshqarish, moddiy va ma'naviy jihatdan ijobiy tomonlarini o'zlashtirish, atrofdagi ta'sirlar, bola va ota-onalar uchun haqiqiy namuna bo'lib xizmat qiladi. Shuni ta'kidlash kerakki, insoniyat doimo yaratilish va ta'lim tushunchasi bilan to'qnash keladi. Agar biz uzoq o'tmishdan hozirgi kungacha o'rganilgan umumiy fanlarni tahlil qilsak, ulardan inson omili, uning taqdiri, afzalliklari va kamchiliklari, borliqqa munosabat kabi masalalar keng yoritilgan. Ayniqsa, tarbiya masalasi muhim o'rin oladi. Bizning buyuk ensiklopedik olimlar ham farzand tarbiyasi to'g'risida ko'plab fikr va mulohazalarni o'zlarining nodir asarlari orqali kelajak avlodga meros qilib qoldirganlar. Masalan, Abu Nasr al-Forobiy o'z bilimlari asosida yetuk odam tasvirini tasvirlab bergan: "U barcha qonun va qoidalarni bilsin, bilimdon bo'lsin shuningdek notiq, bilimdon va donishmandlarni hurmat qilsin, ilm-fan dunyosi va barcha haqiqiy moddiy narsalar haqida ma'lumotga ega bo'lsin".[4]

Yusuf Xos Hojib o'zining mashhur "Qutadg'u Bilig" asarida ham bolani tarbiyalash, uning ma'naviy etukligi, axloqi haqida ko'plab fikrlarni bildirgan. Allomaning so'zlariga ko'ra har kim ijtimoiy jihatdan maqbul va etuk bo'lishi kerak. Buning uchun u tug'ilgan kundan boshlab tarbiya olishi kerak. Uning fikricha "Bolalar tarbiyasi juda erta boshlanishi kerak. Shundagina ularning gunohlariga berilishining oldi olinadi. Agar o'g'lingiz bo'lsa yoki qizi tug'ilsa, uni uyda tarbiyalang, boshqa joyda tarbiyalamang. Yaxshi odamlardan murabbiy oling. O'g'il va qiz toza (nomaqbul narsalardan) pok bo'lib o'sadi. O'g'il va qiz odobli bo'lsin, ikkala dunyo ham ularga tegishli, bu ularning manfaatlari uchun etarli bo'ladi".[5]

Voiz Al-Koshifiyning so'zlariga ko'ra insonning aqliy qobiliyatini oshirish insonni qayta tarbiyalash mumkin. U o'zining pedagogik qarashlarida bolalarning mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantirishga alohida e'tibor bergan.

Buyuk faylasuf Jan-Jak Russoning qarashlariga ko'ra "Erta tarbiya boshqa har qanday narsadan muhimroq va bu shubhasiz ayollarning elkasida. Agar siz bolangizni erkin qo'ysangiz, u sizning hukmdoringiz bo'ladi va unga bo'ysunish uchun har daqiqada aytganlarini qabul qilishingiz kerak bo'ladi".[6]

Darhaqiqat, ota-onalarning har bir harakati, madaniyati, o'zini tutish qoidalari, mehmondo'stlik, milliy urf-odatlarga rioya qilish va dinga munosabat, ilmga ishtiyoq, xullas, barcha insoniy fazilatlar bilan (ba'zan buning aksi) yillar davomida o'z farzandlarining tarbiyasini rivojlantiradi. Chingiz Aytmatov aytganidek "O'lik so'z jonli javobni keltirib chiqarmaydi". Bir so'z bilan aytganda, amallar amallarga hayot beradi. Farzandlarini tarbiyalayotgan ota-onalar xatti-harakatlarida, xulq-atvorida, muomalada va munosabatlarda fazilatlar bilan yaxshilikni namoyish eta olishlari kerak. Chunki bola tabiatan taqlid qiluvchi va kuzatuvchan odamdir. Shuning uchun, o'sha uning atrofida ba'zan o'zlari sezmaganda, ularni o'z odatlari bilan ta'sir qiladi. Oilada ko'p yolg'on gapirish va yoqimsiz xatti-harakatlar salbiy muhitni keltirib chiqaradi bolaning

tarbiyasiga ta'sir qiladi. Eng muhimi, o'quvchi hech qachon vaqtni bekor sarflamaslik kerak, uning qo'llari bo'sh bo'lmasligi kerak, chunki uning qo'llari va miyasi uyg'unashmagan, keyin uning fikrlari, hissiyotlari, hissiyotlari va axloqi yo'q qilinadi.

Tarbiya - mustahkam oila garovi. Shu ma'noda Islom ota-onalar farzandlarini sog'lom tarbiyalashlariga da'vat qiladi. Payg'ambarimiz (sollallohu alayhi va sallamdan ota-onaning ahamiyati haqida quyidagi hadis rivoyat qilingan): "Har bir bola musulmon tabiatida tug'iladi, lekin uni ota-onasi yahudiy, xristian yoki butparastga aylantiradi" (Imom Buxoriy rivoyati)". Hadisda "Farzandlaringizni hurmat qiling va ularga odob bilan munosabatda bo'ling" deyilgan.[7] Qur'onda Alloh taolo aytadi ma'nosi): "Va sizning Robbingiz undan o'zgaga ibodat qilmaslikni va ota-onangizga nisbatan yaxshi bo'lishni buyurdi. (Ey inson!) Agar ulardan biri yoki ikkalasi sizning huzuringizda keksalik yoshiga etadigan bo'lsa! Ularga yaxshi so'zlarni ayting. Ularni xo'rlikdan asra va Ey Robbim! Meni bolaligimda qanday tarbiyalashgan bo'lsa, ularga rahm qil (Isro, 23-24)".[8]

Shuning uchun yuqoridagi oyat maqomida bola ota-onasini qadrlashi, ota-onalar esa ularni tarbiyalashi kerak. Ota-onalar va bolalar o'rtasidagi ijtimoiy-ma'naviy munosabatlar ham qonuniydir asosiy qomusimizning uchinchi qismining XIV bobida mustahkamlangan. Xususan, 64-modda: "Ota-onalar o'z farzandlarini voyaga etguniga qadar boqishlari va ularga g'amxo'rlik qilishlari shart." va 66-modda: "Voyaga etgan mehnatga layoqatli bolalar o'zlarining ota-onalariga g'amxo'rlik qilishga majburdirlar "[9].

Xulosa qilib aytganda, biz farzandlarimizni ona vatanga, ajdodlarga, tarixi, ona tili, muqaddas milliy va diniy qadriyatlarga sodiq avlod sifatida tarbiyalash muhim vazifamizdir. Keling, ularni asrlar davomida shakllangan axloqiy va ma'naviy qadriyatlarimiz asosida buyuk ajdodlarimizga munosib tarzda tarbiyalaylik. Har qanday yangilikning ijobiy va salbiy tomonlarini ko'ra oladigan, dunyoni yangi ixtirolar bilan hayratga soladigan, dunyoni ilm-marifat nuri bilan yoritadigan, axloqan yetuk shaxslarni kamol toptirish bugungi kunning muhim vazifasidir. Bu mubolg'a yoki xayoliy bayonotlar emas. Biz buni osonlikcha bajara olamiz. Chunki biz buyuk daholarning avlodlarimiz. Hozirgi globallashuv jaraonlari jadal suratlar bilan o'sib borayotgan bir davrda agar biz yuksak axloqni taraqqiyot poydevori sifatida e'tirof etsak, shundagina ma'naviy kamolotga erishishimiz mumkin. Buning uchun ma'rifatparvarlik ilmi, kitoblar, oilaviy hayot fani bilan bir qatorda ommaviy axborot vositalari orqali muhim ma'lumotlar berilishi kelajak avlod uchun suv va havo kabi muhimdir. Bilimdon, odobli va aqlli inson hayotda o'z o'rnini topadi. Farzandlar o'sib ulg'aygan sayin, ular o'zlarining taqdirleri to'g'risida ko'proq hushyor bo'lishlari, bizning oliy qadriyat ildizlaridan bahramand bo'lishlari kerak va ularni bugungi turmush tarziga mos ravishda tarbiyalash bizning oliy burchimizdir.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. www.ziyonet.uz.
2. Tafakkur gulshani, "Sharq nashriyoti" mualliflik jamoasi, 2018 yil.



3. J.Rahimov Ma'naviyat asoslari, Toshkent davlat pedagogika universiteti, 2008 yil.
4. U.Saidov Sharq va G'arb: madaniyatlar uchrashadigan uylar. “Yangi asr avlodi”, T.: 2008 yil.
5. O'zbek pedagogikasi antologiyasi, “O'qituvchi” mualliflik jamoasi, 2015 yil.
6. 100 klassik faylasuflar. “Yangi asr avlodi”, T.: 2018 yil.
7. Buxoriy “Al-Jame 'as-Sahih” 1-4 kitob. „Hilol nashriyoti”, T.: 2018 yil.
8. Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjimai va talqini. –T.: Toshkent Islom universiteti, 2007 yil.
9. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi “O'zbekiston”, T.: 2020 yil.

## DUNYOGA ESTETIK MUNOSABAT

**G'afforova Z.Sh.**  
**O'zMU magistranti**

### Annotatsiya

*Ushbu maqolada estetik munosabatning tarkibiy qismi hamda dunyoga bo'lgan estetik munosabat va bunga yevropa faylasuflarining qarashlari keltirib o'tilgan.*

Estetik munosabat ikki qismdan iborat: estetik qism va munosabat qism. Bu erda munosabat ma'lum bir ruhiy holatdir. Xususan, bu tajribaga yaqinlashish yoki o'zini dunyoga yo'naltirish usuli. Bu optimistik munosabatda bo'lgan kishi haqida o'ylashga yordam berishi mumkin. U narsalarni ijobiy tomondan ko'rish istagi bor. Estetik munosabat bilan fikr, umuman olganda narsalarni, masalan, estetik nigohda ko'radigan ba'zi odamlar borligi haqida emas, balki kimdir "ko'proq optimistik munosabat bildirish"[1] yoki "qabul qilish" so'rovi bilan nimani anglatadi? berilgan vaziyatga nisbatan ijobiy munosabat ». Bunday vaziyatlarda bizdan o'zimizga ma'lum bir tarzda qatnashishimiz so'raladi. Nekbinlik nuqtai nazarini qabul qilishda biz ijobiy aylanishimiz mumkin bo'lgan xususiyatlarga e'tibor qaratamiz - yomon narsalar unchalik yomon emasligini anglab, o'rniga kumush chiziq izlashimiz mumkin. Estetik munosabatni qabul qilishda biz estetik jihatdan tegishli deb hisoblaydigan vaziyatning xususiyatlariga e'tibor qaratamiz - biz to'xtab turgan joy haqida o'ylashdan to'xtab, aksincha, syujetga va oldimizda namoyish etilayotgan spektaklning xarakterli rivojlanishiga ergashishni boshlashimiz mumkin.

Ushbu misollardan ko'rinib turibdiki, estetik munosabat biz xohlaganimizda ko'proq yoki ozroq qabul qila oladigan aql doirasi bo'lishi kerak. Albatta, ko'pgina sabablarga ko'ra qiyinchiliklar paydo bo'lishi mumkin. Simfoniya paytida jiringlayotgan uyali telefon tahqirlanadi, chunki u muqarrar ravishda e'tiborimizni tortadi va agar biz ochlikdan chalg'itsak yoki ish bilan bog'liq tashvishlarga qarshi tura olmasak, muammolar ham paydo bo'lishi mumkin. Shunday qilib, optimizmga o'xshashlik boshqa yo'l bilan mos bo'lishi mumkin. Ba'zilarga nisbatan optimistik munosabatni qabul qilish boshqalarga qaraganda ancha osonroq ko'rinadi va ko'plab faylasuflar, ba'zi odamlar boshqalarga qiyin bo'lgan joyda estetik munosabatni qabul qilish qobiliyatiga ega deb o'ylashgan.

Yigirmanchi asrdagi uchta taniqli estetik munosabat nazariyotchilari: Edvard Bullou, Jerom Stolnits va Rojer Skruton. Ushbu uchta nazariyotchilarning har biri kamida ikkita asosiy maqsadni bajarishga harakat qiladi. Birinchidan, ularning har biri estetik munosabat nimani anglatishini intuitiv ravishda berishga harakat qiladi, bu noto'g'ri munosabatlarni (masalan, qiziquvchilarni) estetik munosabatlarga olib kelmaydi, lekin estetik ko'rinadigan barcha munosabatlarni o'z ichiga oladi. Har bir nazariyaning ikkinchi maqsadi - estetik munosabat va umuman badiiy falsafa va estetika o'rtasidagi munosabatlar haqida bir narsa aytishdir. Xususan, ularning barchasi estetik munosabatidan foydalanib, estetik narsalarga ta'rif berish, ya'ni estetik ob'ektlarni estetik bo'lmagan narsalardan ajratish uchun foydalanadilar.

Dunyoga estetik munosabat xususiyatlari uning hissiy to'laligida, zavqlanishning alohida tuyg'usida, estetik tajribaning "befarqligi" da namoyon bo'ladi.

Biroq, bular dunyoga bo'lgan estetik munosabatlarning faqat tashqi xususiyatlari. I. Kant estetikani "maqsadsiz maqsadga muvofiqlik"[2] deb hisoblagan. Atrofdagi hamma narsa estetik ma'noda insonda faol, maqsadni ko'zlovchi mavjudot sifatida ishtirok etadi, ammo estetik ma'noda aniq maqsadlarga ega bo'lgan aniq, amalda cheklangan shaxs, "mavjud emas".

Atrofdagi hamma narsa ma'no bilan to'lgan, hamma narsa inson bilan bog'liq, ammo konkret, "yakuniy ma'no" yashiringan, hamma narsa estetik ma'noda, F. Shillerning so'zlariga ko'ra, faqat "quvonch va'dasi" [3] dir. Estetik jihatdan inson o'zining "umumiy" imkoniyatlarini boshdan kechiradi, insoniyatni erkin, mazmunli, ijodiy mavjudot sifatida boshdan kechiradi, o'zini "ilohi bor ufqda" boshdan kechiradi. Estetik yo'nalish dunyo tajribasini uning yaxlitligi, uyushganligi va cheksiz xilma-xilligi, inson qobiliyatlarini har tomonlama rivojlantirishning zarur sharti, uning ijodiy sa'y-harakatlarini qo'llash sohasi sifatida taxmin qiladi.

Estetik munosabat insonning "o'zi bo'lib qolish" va "hamma narsa bo'lish"[3] ehtiyojini, umuminsoniy mavjudotga aylanish, yulduzlar osmonining qonuniyatlariga va o'z qalbining tubiga singib borish ehtiyojlarini o'zida mujassam etadi. Dunyoga estetik munosabat dunyoni o'z semantik nuqtai nazaridan rivojlantirishdir. ijtimoiy o'zgaruvchan ta'sir: dunyo endi mening egoist "men" inim atrofida aylanmaydi. Dunyo markazsizlashtirilmoqda. Inson narsalarning "ruhini" his qila boshlaydi, Boshqasini tushunish qobiliyatiga ega bo'ladi.

Dunyoga estetik munosabat oqilona qurilish emas, u turli xil ma'naviy ta'lim bilan osonlikcha "bog'lanadi" (va ular tomonidan ekspluatatsiya qilinadi) - kutopik ong, afsona, mafkura. Asosiy estetik qadriyatlar - go'zal, ulug'vor, fojiali muhitni estetik baholashning asosiga aylanadi. Shunday qilib, amalga oshirilib, estetik qadriyatlar haqiqatga estetik munosabatning dastlabki tamoyillari funktsiyasini bajarishni boshlaydi - ular estetik toifalarga aylanadi. Estetik kategoriyalar (axloq kategoriyalari singari) "ikkilamchi" mavjudlikka ega. Ular o'sha "ko'zoynaklar"[4], ular orqali estetik munosabat mavzusi dunyoga qaraydi, uni boshdan kechiradi, uni baholaydi; shu bilan birga, go'zal, xunuk, ulug'vor, asos, fojiali, hajviy estetik kategoriyalar maxsus fan - estetikani o'rganish ob'ekti hisoblanadi.

культуры повышает эффективность производства, открывает путь к общественному прогрессу. Без развития культуры невозможно решение социальных задач, а она, со своей стороны, создает позитивные условия для повышения уровня культуры, творческой энергии народа, развитие личности требует не только одного производства, но и всей общественной жизни. В связи с этим следует обратить внимание на два случая. Мир находится во взаимосвязи и целостности, а вступление человека, связанного с миром, в общественно-политическую жизнь, многие условия, связывающие его с миром, напрямую связаны со степенью культуры. В то же время в соответствии с прогрессом общества расширяется поле свободы человека. В результате провозглашения Республикой Казахстан своей независимости наш народ живет и трудится в новых политических, социально-экономических, духовных условиях, борется за укрепление этого независимого государства.


Тәуелсіз Қазақстан Республикасының көпұлттылығы – республиканың ішкі және сыртқы саясатында басты рөлді сомдаушы екі жақты фактор. Қазақ тарихына үнілер болсақ, Қазақстанға ең алдымен орыс, украин, татар ұлттары қоныстанса, ашаршылық кезде жерімізге Мордавия, Чувашия, Татарстан, Украина мемлекеттерінен түрлі ұлт өкілдері мен 65 мың отбасы келді. Тың жерлерді игеру кезеңінде 2 млн адам шет мемлекеттерден көшірілді[1].

Бүкіл қазақстандық бірліктің ұлттық моделін қалыптастыруда Қазақстан Халқы Ассамблеясы (ҚХА) маңызды рөл атқаруда. Қазақстанда әрбір этностың өз тілі мен салт-дәстүрін, мәдениеті мен дінін сақтауына және дамытуына барлық жағдай жасалған. Бұл елдегі үштілділік саясатын күшейтуге, білім деңгейінің өсуіне, мәдениеттануға және жаһан азаматы болып тәрбиеленуде күшті фактор болып саналады. Әрі шет мемлекеттермен байланыс орнатуда ішкі диаспоралар көмекші бола алады. Қазақ ұлтының тарихи әрі туған отаны Қазақстан болса, қазақ халқы дербес ұлт болып саналады. Ал өзге ұлт өкілдері - ұлттың құрамдас бөлігі. Қазақстанда мемлекеттік тіл, оқу, медициналық көмек, салық мәселелері толық шешілген[2]. Тақырыптың өзектілігі мен жаһандық деңгейдегі ауқымдылығы, тарихпен байланысы әрі ел болашағына әсері менің саясат пен көпұлттылықты байланыстыруыма түрткі болды. Ұлтаралық қатынас - көпұлтты Қазақстан Республикасында ерекше көңіл аударуды қажет ететін мәселе әрі мүмкіндік. Көпұлттылық мәселесіне шолуда мені тақырыпқа байланысты төмендегідей сұрақтар мазалады және осы сұрақтарға жұмыс барысында жауап іздейтін боламын. Осы орайда ҚХА тұрмыстық проблемаларды ушықтырмау үшін жедел түрде арнайы институт құрып, аймақтарда үгіттеу, саяси бірлікке шақыру жұмыстарын жүргізеді және басшылыққа проблеманы шешу жолдарын ұсынады[3]. Мысалы, ұлтаралық проблема нәтижесінде заңсыз әрекет туатын болса мекемелер сақтық істерін қарастырып, келесі жолы мұндай ахуал қайталанбасы үшін Заңды күшейтеді және белгілі бір мерзімде елде шектеулер орын алады (аймақтың тексеру, шекараның уақытша жабылуы, үздіксіз тауар тексеру, әскер саны мен күшін арттыру) Біртұтас Қазақстан халықтарының толеранттылығын, конфессия

аралық және ұлтаралық келісімін, туысқандық бірлігі мен достығын одан әрі дамытып, нығайтуды көздеген ҚХА да халықты тыныштық сақтауға, екіжақты келісімге келуге шақырып, екі ұлт арасында ақсақалдар кеңесін құрады немесе татулық келісімін жасақтайды. Этностар арасында пайда болған жанжал нәтижесінде қылмысқа жауапкершілік міндеті артып, айыпталушы қатаң жазаланады, бұл моральдық және материалдық тұрғыдан халықтардың бейбіт өмірді ұстануын қамтамасыз етеді. Көрсетілген мысалдардан көпұлттылық тақырыбының қазіргі таңда өзекті екенін түсіне аламыз. Қазірде әлемде жалғыз ұлтты бірде-бір ел жоқ. Кей мемлекеттер ішкі тұтастықты сақтай алмағандықтан ыдырап кетуде, ал кейбірі сыртқы және ішкі тыныштығын бұзып, тоқырау алдында тұр. Украинадағы жағдайдың өзінен көпұлтты мемлекеттің сақ болуы керек екендігін, әрбір ұлттық жобасын байыппен ұйымдастырып, этносаралық саясатын дұрыс қалыптастыруы және жүргізуі керектігін түсінеміз. Себебі бір ұлттық қақтығыс мемлекетті бүтіндей жойып жіберуі мүмкін. Сондықтан таңдалынған тақырып жаһандық тұрғыдан өзекті және Қазақстан үшін маңызды. Жалпы зерттеу ғаламтор, кітаптардан алынған ақпараттар, сауалнама, 3 түрлі маманнан алынған сұхбат нәтижесінде жасалынды. «Этносаралық келісімді жүзеге асырудағы этномәдени бірлестіктердің қызметі» тақырыбындағы ғылыми-тәжірибелік конференция аясында мәтіндік ақпараттар жиналса, ғаламтордан саясаттанушылардың пікірлері мен талдаулары зерттеуді дамытуда қолданылды [4]. «Көпұлттылық – алуантүрлі мәдениеттілік. Мемлекеттің ұстанып отырған саясатының арқасында бізде этносаралық проблема жоқ. Мемлекет ұлттар мәдениетін, тілдерін дамытуға жауапты. 22 этностың тілі жеке пән ретінде мектептерде оқытылады. 100-ге жуық мектепте сабақ өзбек, тәжік, ұйғыр, украин тілдерінде жүргізіледі. Әрі үкімет жексенбілік мектептер ұйымдастырған. Онда ұлттар өзінің ана тілін, мәдениетін, салт-дәстүрін үйрене алады. Біздің облыстың өзінде 11 жексенбілік мектептер жұмыс істейді. Сондықтан көпұлттылық біздің көп мәдениеттерді сіңіріп, ортақ Қазақстандық біртұтас ұлтты қалыптастыру мен бірегейлікті насихаттау мақсатында жақсы ықпалын тигізуде». Бірақ экономикалық-қаржылық жағынан дағдарыс кезінде өзге тілдегі газеттердің, мектептердің жұмыс істелінуде. Көпэтностық экономика жағынан тиімді: этностардың тарихи отандарынан инвесторлар тарту; екіжақты дипломатиялық келісімді нығайту; технологияны дамыту; экономиканы нығайту; білім саласындағы байланыс. Салыстырмалы түрде Қазақстандағы бірлік, этносаралық саясат пен қоғамдық келісімді дұрыс деп бағалауға болады» Бұл жағдайды екінші жақта талдасақ, практика жүзінде қазақтарға көрсетілетін көмектің және мүмкіндіктің аздығы мен талаптың басымдығын байқауға болады. «Ұлттардың басын қосып, игі істерге жұмылдырып отырған – Ассамблея. Қоғамдағы келісімді сақтау, саясатты түсіндіру, қоғамдық істерге тарту Ассамблеяға жүктелген. «Ассамблея тек этностармен ғана емес, қоғамдық келісім кеңесі, аналар кеңесі, медиация институтымен де жұмыс атқарады. Қайырымдылық қызметін үйлестіру, бітімгершілікке келтірудің 24-сессия бойынша жүргізілуі, бірлікті сақтау -

Ассамблеяның негізгі қызметтері. Ассамблеяның бағыты кең. Тоқсан сайын әлеуметтік зерттеулер 1300 арнайы методикалармен қоғамның параметрлерін анықтайды. «Рухани жаңғыру, Қазақстан-2050 және 2030 стратегиялары болсын барлығына қоғам тарапынан оң позициялық көрсеткіш бар. Мысалы, латын әліпбиіне өту елдің халықаралық беделін көтерумен қатар, ел ішіндегі этностардың бір-бірін түсінуіне, қазақ тілінің дамуына оң ықпалын тигізеді[5]. Көпэтностылық – біздің күштілігіміз. Ұлт пен ұлысты біріктіріп, ұстап отыру – саясаттың мықтылығы. Этностар түрлі саланы Қазақстанда дамытып, елдің дамуына үлес қосуда. Олар біздің көп тіл мен мәдениет білуімізге көмектеседі. Конституциялық келісім барлығының құқығын қорғайды». Зерттеуден сон ұлтаралық қақтығыстың Қазақстанда болмағанын және ұлттар арасындағы кикілжіңнің тек тұрмыстық деңгейде өтілгенін байқаймыз. Сонымен қатар, мемлекет барлық ұлтқа теңдей жағдай қарастырған: медициналық көмек, жаппай білім беру теңдігі, сөз бостандығы, құқық қорғау, мәдениетті дамыту, тіл мен дін таңдау, жұмыс істеу, шет елде білім алу, дәстүрді қалыптастыру, кәсіппен айналысу, сайлауға қатысу және дауыс беру, қоғамға ықпалын тигізу және т.б. Қазақстан «Рухани жаңғыру», «Қазақстан-2030» және «Қазақстан-2050» стратегиялық бағдарламаларымен қоса этносаралық саясатты дұрыс әрі ұтымды қолданып отыр[6]. Мемлекеттің сыртқы байланысын, түркітілдес, ТМД елдерімен қарым-қатынасына қарасақ экономикалық, саяси-дипломатиялық келісімді байланыс жақсы дамыған. Оның бірінші себебі – «Қазақстандық ұлт» ұғымының етек жаюы. Бұл елде кемсіту мен бөліп-жарудың болмауы, барлық азаматтардың қоғамда теңдей рөл атқаратынын, заңның жалпыға бірдей екендігінің және барша азаматтың Қазақстан игілігі үшін жұмыс атқаруында ассамблеяның өз деңгейінде жұмыс атқаруының дәлелі. Екіншіден, көпұлтты мемлекет болу түрлі этностардың тарихи отанымен сауда, технологиялық, саяси, экономикалық байланыс орнатуға ықпалын тигізеді. Атап өткенімдей, жаңа модельді технологиялар, инвестиция көлемінің артуы, трансжолдар, сауда саттық жолдарының ашықтығы, мәдениетаралық, білім, ғылым саласындағы тәжірибе алмасулар мен жеңілдіктер[7]. Екінші жағынан жоғарыда аталған тосқауылдарды шешуде Халықтар Ассамблеясы үлкен қызмет атқаруда. Ол елді этносаралық мәдени синтезге, сиысушылық пен өзара ықпалдасуға жетелейді. Ассамблея территориядағы ұлттар мен ұлыстардың өзара қатынасын реттейді, бүкіл азаматтарын ұлттық мәдениеттерге, тілдерге, дәстүрлерге сыйлаушылық рухында тәрбиелеуде маңызды еңбек етеді. Ұлтаралық келісімді орнату және тұрғындарды интернационалдық тәрбие жұмысын ғылыми негізінде жүргізу, ішкі тұрақтылыққа және демократиялық құқықтық мемлекет ретінде дүниежүзілік беделге ие болуға септігін тигізеді. ҚХА қазақтың мәдениетін оқшаулау арқылы емес, басқа этнос қауымдастықтарының мәдени кеңістігіне жақындау арқылы консолидация (біртұтас қоғамдық құрылым болуға топтасу) үрдісін қолдауда[8].

**Қазақстанда барлық ұлттарға теңдей жағдай жасалынған ба?**



Жүйелі саясат пен стратегиялық жоспарлы бағдарламалар, Қазақстан Халқы Ассамблеясы қызметі, азаматтың қоғамдағы жауапкершілігі арқасында көпэтностық мемлекет ретінде Қазақстан өзінің халықаралық статусын көтеріп келеді. Зерттеу жұмысым нақты аргументтерге, халықтың көзқарасы, күнделікті таныс ғаламтор ақпараттары, кәсіби мамандар мен саясаттанушылардың дәлелдемелеріне негізделіп жазылды. Мен сауалнама мен сұхбат көмегімен және анализдермен көпұлттылықтың күштілік екенін дәлелдедім әрі оны қалай мүмкіндік ретінде қолдануға болатынына ұсыныстар келтірдім. Зерттеу барысында қажетті барша сұрақтарға жауап бердім және керекті талдаулар жасадым. Берілген көзқарастар екіжақты талданды. Дегенмен, тақырыптың көлемділігіне байланысты бұл саланы толық зерттегім келеді. Бірінші кезекте, Ассамблея басшылығымен сұхбат жүргізіп, елдегі көпұлттылықтан туындап жатқан проблемалардың жойылуына ат салысқым келеді. Екіншіден, Қазақстанның ұлттық саясаттағы бағыт-бағдарына шет елдердің көзқарасын білгім келеді. Үшіншіден, тіл мәселелерінің шешілу жолдарын қарастырып, нақты ұсыныстар келтіру керек. Сонымен қатар, болашақта ұлттар арасындағы байланысты нығайту жолдарын қарастырғым келеді. Егер мүмкіндік болса патриоттық және адами құндылықтар аясында да зерттеу жұмыстарын жасағым келеді. Көтерілген тақырып жаһандық деңгейде өте өзекті, себебі қазірде ішкі саясатында көпұлттылықтан ыдырап жатқан, азаматтық соғыс астында жүрген қаншама мемлекет бар. Сонымен қатар, тақырып басқа салалармен тығыз байланысты, себебі саясат пен көпұлттылықтан туындаған проблемалар қоғамда кез келген бағытта талқыланып жатыр. Көпұлтты Қазақстанның ішкі және сыртқы саясатын нығайтуда Қазақстан Халқы Ассамблеясы үлкен рөл атқаруда және интернационализмді нығайтуда оның қызметі мен мақсаты айқын. Осы уақытқа дейінгі Қазақстанның даму қарқыны мен саяси жоспарын бағалар болсақ, елдің көпұлтты болуы оң көрсеткіш екендігіне көзіміз жетеді. Себебі еліміз нақты проблемалармен күресіп, әлсіз жерлерді мығымдауда және мүмкіндіктер санын көбейтуде. Менің ашқан жаңалығым – көпұлттылық тақырыбы тек ұлттық саламен шектеліп қалмайды, ол өте ауқымды мәселе әрі мүмкіндік. Ішкі тұрақтылығын сақтай алмағандар үшін ол қауіп-қатер болса,

ўлттық саясатын айқындаған, жүйелі бағдарда жұмыс атқарып келе жатқан елдер үшін ол – үлкен мүмкіндік. Көпұлттылық жаһандану, терроризм, тәрбие, білім, жемқорлық, қылмыс сынды мәселелерді талдауға қабілетті. Екінші ашқан жаңалығым – Ассамблеяның елдегі рөлі. Зерттеуге дейін Ассамблеяның жұмысынан хабарсыз болатынымын, және оны ел үшін қажетсіз деп ойладым. Бірақ зерттеу жұмысынан кейін ҚХА-ның өте керекті екенін аңғардым[9].

### Әдебиеттер:

1. К.Берденова, К.Құбаев, А.Кәрібай. Қазақстанның мемлекет ретінде қалыптасуы мен экономикалық даму негіздері. Алматы, 1998.
2. М.Козыбаев. Казахстан и современность. Алматы, 1991.
3. «Этносаралық келісімді жүзеге асырудағы этномәдени бірлестіктердің қызметі» тақырыбындағы ғылыми-тәжірибелік конференция – Оңтүстік Қазақстан облысы әкімі аппаратының «Қоғамдық келісім» КММ «Жас Қазақ» пікірсайысшылар одағы» қоғамдық бірлестігінің арнайы кітабы - 2017 ж. 26 Желтоқсан
4. Маданов Х.М. Қазақ мәдениетінің қалыптасу кезеңдері, Алматы. 1995ж
5. Күнқожаев Н.Р Тәуелсіз Қазақстанның тарихы, Алматы 2004ж
6. Қ.Көшербаев, Р.Құттыбаева. Қазақстандағы этносаралық қатынастар мәселесі, Алматы, 1996.
7. К.Берденова, К.Құбаев, А.Кәрібай. Қазақстанның мемлекет ретінде қалыптасуы мен экономикалық даму негіздері. Алматы, 1998.
8. М.Қозыбаев.Өркениет және ұлт. Алматы, 2001.
9. Н.Ә.Назарбаев. Қазақстан дамуындағы жаңа серпіліс жасау қарсаңында. 2006 ж халыққа Жолдауы, Егемен Қазақстан, 2006 ж.

## МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Жамолов Давронбек  
ЎзМУ ўқитувчиси

**Калим сўзлар:** *миллий маданият, миллий тил, миллий анъана, миллий урф-одат, миллий маросим, миллий қадрият, маданий мерос, миллий адабиёт, миллий санъат, миллий тарбия.*

**Ключевые слова:** *национальная культура, национальный язык, национальная традиция, национальный обряд, национальный обычай, национальная ценность, культурное наследие, национальная литература, национальное искусство, национальное воспитание.*

**Key words:** *national culture, national language, national tradition, national rite, national custom, national value, cultural heritage, national literature, national art, national education.*

Миллий маданият таркибида *миллий анъана, урф одат ва маросимлар-нинг* алоҳида ўрни бор. Миллий анъана миллатнинг тарихий тараққиёти да-вомида объектив равишда шакланган ва аждодлардан авлодларга ўтиб кела-ётган норма ва тасаввурлар, қоида ва намуналар йиғиндисидир. Сақланиб қолган



миллий анъаналар бир неча авлод давомида миллат вакилларининг менталитети ва хулқ-атворини белгилаб боради. Ижтимоий феноменлар каби миллий маданиятнинг ўз таркибий қисмларига эга. Хусусан, бу таркибда *миллий тилнинг* алоҳида ўрни бор. Миллий тил миллий маданият тизимидан жой олган марказий элемент бўлиб, миллатнинг асосий муомала воситасини англатади. У миллат борлигининг асоси, ҳаётий фаолияти натижасидир. Ҳар қандай миллий тил қатор хусусиятларга эга. Биринчидан, у албатта ўзининг адабий шаклига эга бўлади. Иккинчидан, у ёзма ва оғзаки тарзда ривож топа боради. Учунчидан, у миллат борлиғи, тарихий тажрибасини ўзида мужассам қилади. Тўртинчидан, у миллатнинг ягона этнос сифатида мавжуд бўлиши манбаи саналади. Бешинчидан, унинг ривожини миллий маданият тараққиётини таъминлайди, инқирози эса миллий маданият таназзулига сабаб бўлади. Олтинчидан, мақоми қонунан белгиланган ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қўлланилиши мажбурий бўлган миллий тил давлат тили даражасига кўтарилади. Одатда ҳар қандай миллат бир миллий тилга эга бўлади.

*Миллий маданият деганда, муайян миллат вакиллари томонидан тари-хий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисиди, шунингдек мазкур қадриятларни бунёд этиши йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аجدодлардан авлодларга етказиш малакаси тушунилади.* Унинг моддий ва маънавий шакллари мавжуд. Миллий маданиятнинг моддий жиҳати, биринчи навбатда, ижтимоий борлиқ таркибидан жой олган ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат объектларини ўз ичига олади. У миллат томонидан табиатни амалий ўзлаштириш даражасининг кўрсаткичидир. Миллий маданиятнинг маънавий жиҳати эса фан, унинг ютуқларини ишлаб чиқариш ва кундалик ҳаётга татбиқ этилиши, таълим даражаси, миллат маърифатининг ҳолати, тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи, санъат, жамият аъзоларининг хулқ-атвори, кишиларнинг эҳтиёж ва манфаатлари характери ҳамда ривожланганлиги даражасидан таркиб топади.

Миллий урф-одатлар, миллий анъаналардан фарқли ўлароқ, нуқул миллат вакилларининг хулқ-атворига доир стереотипларни ифодалайди. Миллий урф-одатлар бир неча авлод ҳаёти давомида ҳукм суриб келган хулқ моделларига амал қилишни талаб этади. Лекин миллий урф-одатларни қотиб қолган ва мутлақо ўзгармайдиган стереотиплар сифатида тасаввур қилиш унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур урф-одатлар ҳам замон тенденцияларига монанд равишда ўзгариб боради, бироқ бунда шакл ўзгариши мазмун ўзгаришига қараганда тезроқ содир бўлади.

Айрим ҳолларда “миллий урф-одат” ва “миллий маросим” тушунчалари бир маънода ишлатилади. Бундай ҳолларни илмий манбаларда камроқ, кундалик турмушдаги суҳбатларда кўпроқ учратиш мумкин. Аслида бундай эмас. Маросим миллий урф-одатларнинг муайян кўринишларидан, унинг таркибидан жой олган кўплаб элементлардан бири, холос. Мавзуни махсус ўрганган мутахассислардан бири В.Пропп улар ўртасидаги тафовутни айниқса ёрқин ифодалаб берган: “Маросим ва урф-одат, деб ёзади у, бир хил ҳодисалар эмас.

Масалан, мархумларни ўтда ёқиш урф-одат бўлиши мумкин, лекин бу маросим эмас. Бироқ ушбу урф-одат турли маросимлардан таркиб топади.”<sup>1</sup>

Миллий маданиятнинг яна бир таркибий қисми *миллий қадриятлар* билан боғлиқ. Ҳар қандай маданият, шу жумладан миллий маданият ҳам моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисидан таркиб топади. Миллий қадриятлар – миллатнинг тарихий фаолияти давомида юзага келган ва муайян кадр-қимматга эга бўлган моддий ва маънавий неъматлар йиғиндисидир. Унинг таркибидан асосан қуйидагилар ўрин олади:

а) миллат истиқомат қилаётган ҳудуд табиати билан боғлиқ хусусиятлар, ҳодисалар, ёдгорликлар;

б) миллат тарихи билан боғлиқ шонли жараёнлар, воқеалар;

в) миллат турмуши билан боғлиқ нормалар, хулқ-атвор моделлари;

г) маданий бойликлар;

д) миллат орзу-умидлари ва идеалларини ўзида мужассам қилган ғоялар.

Миллий қадриятларнинг аҳамияти шундаки, у миллат вакилларини турли жараёнлар ва воқеалар, нарсалар ва предметларни миллат эҳтиёж ва манфаатлари, мақсад ва идеаллари нуқтаи назаридан баҳолашга одатлантиради. Зотан, миллий қадрият миллат вакилларининг хулқ-атвори ва онгини белгилаб берувчи мўлжаллар тизимидир.

*Маданий мерос*нинг миллий маданият таркибидаги ўрни ҳам алоҳида диққатга сазовор. Маданий мерос аждодларнинг ҳаётий фаолиятини ифодаловчи ҳамда ўтмишда муайян кадр-қимматга эга бўлган ёдгорликлар, иншоотлар, бинолар, одатлар, нормалар, идеаллардан таркиб топади. Одатда у моддий ва номоддий маданий меросга таснифланади. ЮНЕСКО томонидан 1972 йилда қабул қилинган “Умумжаҳон маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича Конвенциянинг” 1-моддасида моддий маънавий мерос сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

Миллий маданиятнинг яна бир таркибий элементи *миллий адабиёт*дир. Тўғри, “адабиёт” тушунчаси мазмунан ва ҳажман кенг тушунчалар сирасига киради. Бироқ “миллий адабиёт” деганда одатда миллат руҳияти, орзу-умидлари, ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларини ифодалаган бадий адабиётлар йиғиндиси тушунилади. Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида глобаллашув жараёнининг миллий адабиётга таъсири ҳақида кўп гапирилмоқда. Дарҳақиқат, глобаллашув бир миллатнинг бадий адабиётига хос бўлган мавзу, сюжет, муаммонинг бошқа миллат адабиётидан жой олишига, миллий адабиётларга хос айрим атрибутларнинг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда миллий адабиёт миллий маданият элементи сифатида қатор аҳамиятли функцияларни бажармоқда. Биринчидан, миллат ахлоқини асровчи қудратли манба сифатида қолмоқда. Иккинчидан, у миллат вакилларининг гўзаллик, гармония ҳақидаги тасаввурларини шакллантирадиган қудратли манба вазифасини ўтамоқда. Учинчидан, барча замонларда бўлгани каби бугунги кунда ҳам миллий адабиёт миллатга ўзлигини намоён қилиш имконини яратмоқда.

<sup>1</sup>Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. - М.: Рипол классик, 2013.- С.235.

Тўртинчидан, миллий адабиёт миллат тафаккури, орзу-умидлари, идеалларини ифодалашда кўл келмоқда. Бешинчидан, миллий адабиётнинг миллат вакилларига тарбиявий таъсири чексизлигича қолмоқда. *Миллий санъат* ҳам миллий маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Сирасини айтганда, санъатнинг ўзи умумбашарий характерга эга бўлиб, воқеликни бадиий тимсоллар ёрдамида ифодалаб беришга қаратилган маданий фаолият турини англатади. Бир қарашда, унинг миллий жиҳати йўқдек туюлади. Бироқ ҳар қандай миллат айрича руҳиятга эга, у воқеликни ўзига хос тарзда тасаввур этади, бу воқелик хусусида бошқалардан фарқли шаклда фикр юритади. Бу тасаввур ва тафаккур миллатнинг ўзигагина хос бўлган, унинг томонидан “кашф қилинган” тимсолларни юзага келтиради. Айнан ана шу тимсолларнинг юзага келиши ва ифодаланиши жараёни миллий санъатда намоён бўлади. Миллий санъатнинг таркиби бирмунча мураккаб характерга эга. У миллий тасвирий санъат турларидан (миллий расмчилик, миллий графика, миллий амалий санъат, миллий ҳайкалтарошлик, миллий фотосанъат, миллий граффити, миллий комикс ва шу кабилар), миллий томоша турларидан (миллий театр, миллий опера, миллий эстрада, миллий цирк, миллий кинематография), миллий ифодали санъат турларидан (миллий архитектура, миллий бадиий адабиёт, миллий мусиқа, миллий хореография, миллий балет) таркиб топади. Миллий санъат таркибини назарий жиҳатдан тасаввур қилганда, айнан ана шу элементларни қайд этиш зарур бўлади.

Миллий санъатнинг айрим турлари (масалан, миллий ифодали санъат) миллатнинг руҳиятини, ички дунёсини ифодалаб берса, бошқалари (масалан, миллий тасвирий санъат ёхуд миллий томоша санъати) унинг воқеликка муносабатини акс эттиради.

Миллий маданият таркиби ҳақида гапирганда, *миллий тарбияни* ҳам тилга олиб ўтмоқ даркор. Миллий тарбия тарбиянинг махсус бир йўналиши ёки соҳаси эмас, у ижтимоий тарбия тизимининг характерини белгиловчи ту-шунчадир. Ушбу тушунча орқали жамиятда амалга оширилаётган тарбиявий-мафкуравий ишлар қайси қадриятлар, анъаналар, ғояларга таянгани, қайси манфаатларга бўйсундирилгани ифодаланади.

Кўриниб турибдики, миллий маданият анча мураккаб ва ўзига хос таркибга эга бўлиб, унинг турли элементлари ўзаро алоқадорликда ри-вожланади. Элементлардан бирининг ривожини албатта бошқаларида ўз ифода-сини топади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Қаранг: Журавлева Н. Продвижение культуры малых народов для зарубежных аудиторий: принципы, методы, особенности//Вестник бурятского государственного университета, 2007, №11.- 240-244-с.; Козелько В. Национальная культура: сущность, структура, компоненты.// Новые технологии, 2008, №5.- 136-139-с.; Межуев В. Национальная культура как явление и понятие.//Личность. Культура. Общество, 2005, №2.- 83-95-с.; Новосельская А. Национальная культура как объект культурной политики.// Государственное

управление и развитие России: модели и проекты: Сборник статей международной научно-практической конференции. – М.: ИГСУ, 2017; Розенберг Н. Национальные культуры как вызов глобализации.// Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Гуманитарные науки, №3.- 111-117-с.

## YOSHLARDA LIDERLIKNING XOS PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI VA JIHATLARI

**Jurayeva H.A.**  
**O'zMU magistranti**

Shaxsning liderlik imkoniyatini rivojlantirishning zamonaviy yondashuvlaridan biri insonda shakllangan qobiliyatga suyanish va qobiliyatni imkoniyatga qarab namoyon etishdir. Bunday yondashuv «vaziyatli liderlik» deb ataladi, unda lider deb tan olingan shaxsning umumiy maqsadga erishish yo'lida muammoli vaziyatda o'z qobiliyatini namoyon eta olishi tushuniladi<sup>1</sup>. Bu nazariyaga binoan, guruh bir necha liderga ega bo'lishi mumkin, kezi kelganda, har bir jamoa a'zosi muammoli vaziyatni hal etish borasida o'z qobiliyat va imkoniyatini namoyish eta oladi. Samarali faoliyat olib boruvchi rahbar o'z jamoasida aynan shunday muhitni yaratishi kerakki, har bir xodim zarur vaziyatda o'z imkoniyatini ishga solish orqali muammoli vaziyatni hal etishda faol qatnashishi va boshqaruv jarayonida ishtirok etayotganini anglasin. Buning uchun jamoa har qanday vaziyatni hal etishda mas'uliyatni his qiluvchi va professional xodimlarga ega bo'lishi lozim. Shu bilan birga, guruhda shunday xodimlar ham borki, ular yuzaga kelgan muammoli vaziyatlarni hal eta oluvchi universal qobiliyatga ega.

Yoshlar liderlariga xos xususiyatlarni quyidagi toifalarga bo'lish mumkin:

- ishonch - o'z bilim va tajribasini qo'llash;
- faollik - g'ayrat bilan harakat qila olish;
- tashabbuskorlik - faollikning ijodiy namoyon bo'lishi, g'oyalar, takliflarni ilgari surish;
- bilimdonlik - ishni chuqur bilish orqali namoyon qilish;
- kirishimlilik - o'zgalalar bilan muloqotga tez kirishish, samimiy bo'lish, insonlararo muloqotga ehtiyoj;
- zehnlilik - voqea-hodisaning mohiyatini tezda anglash, uning sabab va natijasini oldindan ko'ra bilish, eng muhimini aniqlay olish;
- qunt-matonatlilik - iroda kuchini namoyon qila olish, qat'iyatlik, ishni yakuniga yetkaza olish;
- dadillik - his-tuyg'u va harakatlarini, ayniqsa, qiyin vaziyatlarda nazorat qila olish;
- mehnatkashlik - bardoshlilik, murakkab vazifalarni bajara olish qobiliyati;

- kuzatuvchanlik - ishni ko'ra bilish, yo'l-yo'lakay muhimini ajratish, maydatchuyda narsalarni fahmlay olish;
- tartiblilik - o'z xatti-harakatlarini rejalashtira olish, ketma-ketlikni aniqlay olish;
- mustaqillik - mulohaza yuritishda mustaqillik, mas'uliyatni o'z zimmasiga olish.

Yoshlar liderning o'ziga xos xususiyatlari, ya'ni liderlik iste'dodining boshqalardan farqli ko'rsatkichlari qatorida yana quyidagilarni qayd etish mumkin:

- tashkilotchilik ziyrakligi - o'zgalarni tushunish, ularning ichki olamiga kira olish, individual fazilati, kayfiyatini inobatga olgan holda masalaga yondashish;
- faol psixologik ta'sir kuchiga egalik - yuzaga kelgan vaziyatni hisobga olgan holda, ularning xususiyatidan kelib chiqib, insonlarga turli usullar bilan ta'sir o'tkaza olish;
- liderlik mas'uliyatini o'ziga olish. Liderning asosiy xususiyatlaridan biri - yoshlar orasida "bir qadam oldin"da bo'lish. U yangiliklardan doimo xabardor, boshqalar uchun ochiq bo'lmagan axborotga ega bo'lishi kerak. Barcha jabhada yoki sohada axborotga egalik qilish boshqalardan ustun bo'lish imkonini beradi.

Lider bunday manbani qayerdan, qanday topishni yaxshi biladi. Bunday axborotga ega bo'lmagan o'spirinlar uning o'rnini xayol, gumon va shubha bilan to'ldiradi. Ular hayotidagi unutilmas kun yoki umuman bo'lmagan voqealar bilan o'rtoqlashadilar, bunday narsalarni yaxshi qabul qiladilar. Shu tariqa o'spirinning liderlik xususiyatlari o'z fikrini erkin bildirishida namoyon bo'ladi. Yoshlar lidersi aniq dalil va isbotlar bilan o'z bilimni boyita oladi. Bunday holatda liderga nisbatan ishonch ortadi.

Yosh liderning yana bir xususiyati shundaki, u o'ziga xos va takrorlanmas fikrlarni dadil bildiradi. U fikrlarini qiziqarli tarzda ifodalaydi va boshqalardan ham dadillik kutadi. Bunday xususiyatga ega bo'lgan liderga yoshlar ishonadi va unga ergashadi. Shuning uchun yoshlarga liderlik xususiyatlari bilan birga axloqiy qoidalar asosi va ko'nikmalarini singdirish hamda har bir xatti-harakatning natija va oqibatlarini anglashni o'rgatish kerak. Bu, o'z navbatida, barkamol, yetuk insonni shakllantirish imkonini beradi. Yoshlar va o'spirinlar ichida turli ijtimoiy guruhlar, harakatlarga a'zo bo'lish alohida ahamiyat kasb etadi.

Lider uchun zarur xususiyatlardan yana biri - shaxsning o'ziga bo'lgan ishonchi. O'ziga ishonchi bo'lmagan lider vaziyat o'zgarishi sababli o'z qarorini o'zgartirishi tabiiy. Bunday jamoada xodimlar o'z liderini suyanchiq sifatida ko'rmaydilar. Lider ijtimoiy, iqtisodiy va huquqiy holatlarda sherigi yoki hamkorida ishonch uyg'otishi, ishning muvaffaqiyatiga kafolat berishi, mas'uliyatni his etishi zamonaviy rahbar uchun muhim fazilat ekanini anglashi lozim. Bu jarayonda "ishonch" tushunchasi asosiy o'rin egallaydi.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, lider shaxs tug'ma qobiliyatining yetarli darajada shakllanganligi bilan karakterlanadi. Yuqorida aytganimizdek, liderning asosiy xususiyatlaridan biri - guruh manfaati haqida g'amxo'rlik. Shuning uchun



“lider” ta’rifidagi asosiy ma’no shaxsning vaziyatni muvaffaqiyatli hal eta olish qobiliyati va guruh maqsadi yo‘lidagi jonbozligi deb tushunilishi mumkin<sup>1</sup>.

Liderlikni rivojlantirish aniq maqsadga yo‘naltirgan holda tegishli ko‘nikmalarni shakllantirish hamda mustahkamlashdir. Yoshlar tashkilotida liderlik bilan boshqarish muammosining ushbu jihati liderlik qobiliyatini o‘rgatish hamda o‘zi ham o‘rganish, motivlashtirish, treninglar va amaliy tajriba orqali yanada rivojlantirish imkonini hisobga oladi.

Yoshlar tashkilotida yoshi, jinsi, millati va mavqei turlicha bo‘lgan lider ijodkorlar uchraydi, masalan:

- harakatga keltiruvchi tashkilotchilar (rasmiy) liderlar;
- ruhiy kayfiyatga chorlovchi (da’vatkor) liderlar;
- tashabbuskor (ijodkor) liderlar;
- bilimdon (ilmiy salohiyatli) liderlar;
- mohir, ishbilarmon, ishni hammadan yaxshi (sifatli) bajara oladigan liderlar.

Zamonaviy psixologiya fani yosh liderga xos bo‘lgan jihatlarni 3 toifaga bo‘ladi:

- 1) jamoa manfaatining ustuvorligi;
- 2) kasbiy mohirlik, ya’ni har qanday muammoli vaziyatda qiyinchilikni o‘z bo‘yniga olish va ishni hal etishda tashabbuskor bo‘lish;

3) emotsional, ya’ni hissiy jalb etuvchanlik. Tavakkalchilik va dadillik - liderlikning ajralmas jihati. Boshqa jihatdan, haddan tashqari dadillik va beboshlik (hamma narsa mumkin deb o‘ylashlik) o‘spiriga belgilangan axloqiy chegaralar (ichkilikbozlik, giyohvandlik va h.k.)ni bosib o‘tish ehtimolini yuzaga keltiradi.

Mazkur jihatlar, xislatlar majmuasining izchilligi o‘z mantiqiga ega. Jamiyatning intellektual ma’naviy darajasi qanchalik yuqori bo‘lsa, qonunlarning o‘rni va roli muttasil orta boradi. Shu boisdan ham atoqli nemis sotsiologi Zimmel fikricha, «Odamlarni ularning taraqqiyot darajasiga ko‘ra uch xil boshqarish mavjud. Ba’zilarni, shaxsiy namunalar, ko‘rsatmalar bilan, boshqalarni urf-odatlar, rasm-rusum va an’analar bilan boshqarish, eng rivojlanganlarni esa faqat qonunlar vositasida boshqarish mumkin».

“Liderlik” tushunchasini tahlil qilishda xilma-xil nazariyalar mavjud. Jumladan, A.Bagardus, F.Grinstayn, R.Stogdillarning xislatlar nazariyasi shular jumlasidan. Mazkur olimlar liderlarning aqli, kuch-quvvati, salomatligi va hokazolarga alohida e’tibor qaratadilar. Bu xislatlarga ega shaxsni ular lider, deb hisoblashadi.

Yana bir yondashuv - vaziyatli liderlik nazariyasi bo‘lib, asoschilari: A.Taninbaun, A.Shmit, M.Fidler, A.Blonshar, E.Rum va boshqalar. Mazkur nazariyaga ko‘ra, liderni asosan ma’lum bir vaziyat shakllantiradi.[1] Hozirda shaxs strukturasi ifodalovchi turlicha ta’riflar mavjud. Ulardan eng ahamiyatlisi sifatida quyidagini aytish mumkin: shaxs ruhiyati, ichki dunyosi pastdan yuqoriga o‘tib boruvchi piramida shaklida namoyon bo‘ladi.

Shaxsning ijtimoiy-psixologik strukturasi.

Bunday piramidaning tarkibiy qismlarini qatlamlar deb qabul qilsak, yuqoridagi tarkib o‘zidan pastdagi qatlamlardan tashkil topadi. Demak, ushbu tizimning birinchi pog‘onasida turgan «xatti-harakat» deb ataluvchi qatlam birlamchi hisoblanadi, uning

asosida shaxsning yuksak tarkibiy sifatleri shakllana boshlaydi. Yuqori pog'onada turuvchi tuzilmalarning sifati va ifodalanishi pastki o'rindagi qatlamlarning sifat, mohiyati bilan bevosita va uzviy bog'liq bo'ladi. Shu nuqtai nazardan, insonda avval pastki qatlamlar (xatti-harakat va ko'rsatma) shakllanadi, so'ngra ular qadriyatlarining shakllanishiga asos bo'ladi, qadriyatlar negizida esa insonning e'tiqodi shakllanadi, e'tiqodlar majmuasi insonning yuksak vazifalari orqali birlashadi. Endi piramidaning tarkibiy bo'laklari (qatlamlari) ustida to'xtalib o'tamiz.

Yuksak vazifa (missiya) - eng oliy maqsad bo'lib, inson unga erishishi uchun hayotini bag'ishlaydi. Yuksak vazifa inson hayoti yo'nalishini ifodalaydi. Psixologiya fanida gumanistik yo'nalish e'tirof etadigan asosiy vazifalardan biri -insonga uning yuksak vazifasini anglashda yordam berish. Bunda yuksak vazifa sifatida o'z xalqiga sadoqat bilan xizmat qilish, ona-Vatani ravnaq topishida faol ishtirok etish yoki butun xatti-harakatlarini oilasi farovonligiga bag'ishlash, shuningdek, boshqa bunyodkor g'oyalarni amalga oshirish maqsadga muvofiq. Albatta, bunday yuksak vazifalar ro'yxati cheksiz, ular har bir shaxs uchun individual. Shaxs o'z yuksak vazifasini nafaqat anglashi, balki tashkilot umumiy maqsadi bilan uyg'unlashtirishi ham lozim.

E'tiqod - inson qat'iy ishonadigan g'oya va fikrlar bo'lib, ularni hatto shubha ostiga olish shaxs uchun noo'rin. Inson tashqi olamdagi voqea-hodisalarni tahlil qilar ekan, ularga o'z e'tiqodi nuqtai nazaridan qaraydi.

Qadriyat - eng qimmatli ma'naviy boylik bo'lib, inson uni haqorat va tahqirlanishdan himoya qiladi, asrab-avaylaydi. Odatda, uning umuminsoniy qadriyatlar, biron ijtimoiy guruh qadriyatlari va shaxsiy qadriyatlari kabi turlari farqlanadi. Umuminsoniy qadriyatlar inson qayerda yashashi, boyligi, mansabi va boshqa xususiyatlaridan qat'i nazar, doimo ardoqlanadi. Masalan, tinchlik, hayot, ozodlik, birdamlik, oriyat va boshqalar.

Ijtimoiy guruh qadriyatlari bir guruh insonlar uchun qadrlil, lekin boshqa guruh tomonidan e'tiborsiz ma'naviy boylik bo'lib, milliylik, yoshlik va keksalik, oilaviy, siyosiy, hududiy ko'rinishlardan iborat.

Aynan bir shaxsga tegishli qadriyatlarining o'ziga xos majmui shaxsiy qadriyatlar deb aytiladi. Har bir inson ichki dunyosida hamma qadriyatlar mavjud. Agar shaxsiy qadriyatlar ro'yxatida umuminsoniy va guruh qadriyatlar lider bo'lsa, insonning jamiyatdagi o'rni va hayoti ibratlidir. Aks holda, inson ichki dunyosida uchraydigan turli guruh qadriyatlari o'rtasidagi nomuvofiqlik shaxsda ichki ziddiyat va nizoni keltirib chiqaradi.

Ko'rsatma - bu ibora psixologiyada inson xatti-harakatining anglanmagan ko'rinishi sifatida tushuniladi. Inson doimiy bajaradigan xatti-harakati, dastlab anglangan holda amalga oshadi. Xodimdagi maqbul harakatlar muntazam takrorlanishi natijasida unda ko'rsatmani anglash shakllanadi. Binobarin, xodimning doimiy faoliyati va xulqini kuzatgan holda unda qay mazmundagi ko'rsatma ustuvor ekanligi haqida xulosa chiqarish mumkin.

Piramida shaklida tasvirlangan shaxs tizimining asosiy psixologik mazmuni shundan iboratki, qatlamlar o'rtasidagi bunday bog'liqlik inson faoliyatiga ma'no kiritadi, hatto inson ichki dunyosini bir butun, yaxlit tarzda tushunish imkonini beradi.

Bunda komil inson hayotidagi hamma qatlamlar bir-biri bilan o‘zaro uyg‘unlashgan holda namoyon bo‘ladi. Demak, uning amalga oshirayotgan ishlari qadriyatlarga mos keladi, e’tiqodi va hayotidagi asosiy maqsadi bo‘lmish - yuksak vazifa (missiya)sga qarshi chiqmaydi. Yosh liderni sinchkovlik bilan kuzatish orqali uning shaxsidagi qatlamlar o‘rtasida uyg‘unlik yoki ziddiyatni ilg‘ash mumkin.

Psixologiya fanida lider shaxsning liderlik xislatlarini shakllantirish bo‘yicha «Xislatlar nazariyasi» talimoti muhim ahamiyat kasb etadi. Unga ko‘ra, liderda mujassamlashgan bir necha xislatlar mavjud, ushbu xislatlar majmuasi shaxsning o‘zgalarga ta’sir etish qobiliyatini belgilaydi.

Yoshlar o‘rtasida muloqotga kirishishda o‘zaro samarali tashqi faoliyatning 4 qoidasiga amal qilish lozim:

- insonning nuqtai nazarini hurmat qilish;
- samimiylik;
- insonning his-tuyg‘ulari va xulq-atvorini tushunish;
- muloqotdagi aniqlik va lo‘ndalik. Qobiliyat. Umumiy qobiliyat shaxsning har qanday faoliyatga kirishishida muvaffaqiyat uchun imkoniyat yaratsa, maxsus qobiliyat faqat ayrim yo‘nalishdagi faoliyat turida muvaffaqiyatga erishish uchun asos bo‘ladi. Umumiy qobiliyatga inson aqli, ya’ni intellektini kiritish mumkin. Yaponiyalik olimlarning kuzatishicha, maktab va universitetda yuqori baholarda o‘qigan talabalar keyinchalik xizmat davomida unchalik yuqori lavozimlarga erisha olmaydilar. Tadqiqotchi T.Kono fikricha, bunga sabab, a’lochi talabalarning Yaponiya kompaniyalariga xos bo‘lgan guruh tabiatini o‘zlashtira olmasligidir. Aynan tashkilotchilik xislati ko‘pchilik menejerlarning lavozimda o‘sishi uchun asosiy omil bo‘lgan. Intellektning muvaffaqiyatli boshqaruvga ta’sir etishida ko‘pgina omillar mavjud. Ulardan eng asosiylari - boshqaruvga bo‘lgan ishtiyoqning mavjudligi, rahbarlik sohasidagi boy tajriba, yuqori bo‘g‘in rahbar va xodimlar o‘rtasidagi ijobiy munosabat.

Shunday qilib, «lider» so‘zini faqat «lider» atamasi bilan almashtirish liderlik holatining psixologik talqinini tor doiraga kiritib qo‘yadi. Ushbu muloxazadan kelib chiqqan holda tadqiqotimizda «lider» so‘zidan foydalanishni ma’qul deb hisoblaymiz. Bundan tashqari, «lider» so‘zidagi izohiy ma’noni anglab olish o‘zbek kitobxonlari uchun tanish xoldir.

Shaxsning liderlik imkoniyatini rivojlantirishning zamonaviy yondoshuvlaridan biri, insonda shakllangan qobiliyatga suyanishni va shu qobiliyatni imkon bergan vaziyatda namoyon etilishini taqozo etadi. Bunday yondoshuv «situativ liderlik» deb atalib, unda lider deb, tan olingan shaxsning umumiy maqsadga erishish yo‘lida muammoli vaziyatda o‘z qobiliyatini namoyon eta olishi tushuniladi.

Barcha ta’lim tizimida yoshlarning ijodiy iste’dodlarini rivojlantirishga katta e’tibor qaratish lozim. O‘qituvchilarning asosiy vazifalaridan biri – yoshlarning tashabbuslari, innovatsion g‘oya va fikrlarini, iste’dod va iqtidorini o‘z vaqtida ko‘ra olishi va uni ro‘yobga chiqarish uchun ko‘makdosh bo‘lish.

Yoshlarda liderlik qobiliyati va boshqaruv mahoratini rivojlantirish orqali yuksak ma’naviyatli lider yoshlarni tarbiyalash, ularni mamlakatimiz taraqqiyoti va

uning istiqboli uchun yo‘naltirish talab etiladi. Bunda quyidagi vazifalarni bajarish lozim:

- lider va liderlik xususiyatlarini shakllantirishning ilmiy-nazariy asoslarini chuqur o‘rganish;
- davlatimiz tomonidan yoshlarda liderlik qobiliyatini shakllantirish va boshqaruv mahoratini rivojlantirish sohasida olib borilayotgan ishlarni tizimli tahlil qilish;
- yoshlarda liderlik xususiyatlarini shakllantirishga ta'sir etuvchi turli ehtiyoj va omillarni o‘rganish;
- yoshlar faolligini yanada oshirish orqali liderlik qobiliyati va boshqaruv mahoratini rivojlantirishda ularning yangi qirralarini yuzaga chiqarish.

#### **Adabiyotlar:**

1. Raximova D., Bekmurodov M. Liderlik va tashkilot madaniyati. -T.: “Akademiya”, 2006.

## **ҚУРЪОНИ КАРИМДА АДОЛАТНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**Ибрахимова Д.С.  
ЎзМУ магистранти**

#### **Аннотация**

*Мақолада ислом динининг муқаддас манбаси ҳисобланувчи Қуръони Каримда адолат тамойилининг ифода этилиши, исломий адолатнинг ахлоқий моҳияти ёритиб берилган.*

Ислом дини таълимотида адолат тушунчаси асосий мавзулардан бири сифатида талқин этилади. Ислом динининг асосий манбаларида адолат тамойилини мустаҳкамлаш ижтимоий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилади. Умуман олиб қараганда, Ислом дининг манбалари диннинг илк шаклланиш босқичларидаёқ таснифланган.

Ислом динига тегишли бўлган манбаларнинг таснифланиши ислом ҳуқуқи ҳисобланган фикҳ ва шариат билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Зеро, шариат – Ислом дини таълимоти асосида шакллантирилган нормалар мажмуаси ҳисобланиб, унда манбаларнинг конкрет тизими шакллантирилиши талаб қилинган. Ислом динида шаклланган турли шариат мазҳаблари бу масалага турлича ёндашган. Суннийлик йўналиши мазҳабларида шариат аҳкомлари нуқтаи назаридан Ислом дини манбаларининг қуйидаги асосий 4 кўриниши фарқланади: 1. Қуръони Карим; 2. Ҳадиси шариф; 3. Ижмо; 4. Қиёс[1].

Ислом динидаги энг асосий манба – Аллоҳ таоло томонидан Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга Жаброил фаришта (а.с.) орқали баъзан оят–оят, баъзан эса тўлиқ сура тарзида ваҳий орқали нозил қилинган Қуръони Карим китоби ҳисобланади. Мазкур илоҳий китобнинг бир неча номлари бўлиб, улардан “Қуръон” (арабча – ўқиш), “Фурқон” (фарқловчи), “ал–Китоб” номлари

машхур. Қуръон 114 та сура, 6236 оятдан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта, энг кўпи 286 оятни ўз ичига олади[2]. Билимлар манбаи ҳисобланган Қуръони Каримда ҳам ахлоқнинг энг муҳим тушунчаларидан бири бўлган адолат категориясига катта эътибор берилган.

Қуръони Каримда адолат тушунчасини англатиш учун бир қанча истилоҳлар ишлатилган. Жумладан, “адл”, “қисж” баъзи ўринларда эса “тавсиях” каби сўзлар адолат маъносига ишлатилган бўлиб, уларнинг орасида “адл” ва “қисж” атамалари нисбатан яқин маъно англатади. Қуръоннинг Хужурот сураси 9-ояти, Нисо сураси 129, 135-оятлари, Моида сураси 9, 45-оятлари, Жин сураси 10-ояти, Бақара сураси 282-ояти, Наҳл сураси 90-ояти, Анъон сураси 15-ояти, Сажда сураси 18-оятларида бунга мисолларни кўришимиз мумкин[3]. Ислонда адолат инсонлар ижтимоий муносабатлар тизимидаги меъёр сифатида қаралади. Қуръон оятларида “Аллоҳ олдида ҳамма тенгдир, улар фақат такводорлиги билан фарқланади” дейилади. Шунингдек, Қуръони Каримда инсонлар адолатли бўлиш ва яхшилик қилишга буюрилади. Мусулмонлар барча ишларда – кундалик ҳаётда, ўзаро муомалада, фикрда, дилда ва тилда, сўзда ва ишда адолатли бўлишга даъват этиладилар.

Ислон дини нуқтаи назаридан олиб қараганда, адолат тушунчаси унинг таркибий қисмларини аниқлаштириш учун таҳлил қилишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан адолат қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тенглик (мусавват);
2. Мўтадиллик (таввассут);
3. Раҳбарларга ишонч (Аманаҳ);
4. Ҳамжихатлик, бирдамлик (таъавун)[5].

Адолат тушунчасининг ушбу элементлари тўғрисида Қуръони Каримда нималар дейилганлигига тўхталиб ўтсак.

Биринчи таркибий қисм – тенглик бўйича оладиган бўлсак, Қуръони Карим нуқтаи назаридан барча инсонлар Аллоҳ таоло томонидан ягона инсон – Одам Атодан яратилган. Бу Қуръоннинг турли ўринларида таъкидланган:

**“Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан кўрқингиз!...”** Нисо сураси, 1-оят

Муқаддас Қуръоннинг ушбу ва бошқа бир неча оятларидан кўриниб турибдики, жамиятда адолатни сақлаб қолиш учун тил, ранг ва ижтимоий синф асосидаги ҳар қандай устунлик, имтиёз ёки устуворлик бўлмаслиги, барча инсонларга тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш зарур.

Иккинчидан, мўтадиллик жамиятда адолатни сақлаб қолиш учун жуда муҳим жиҳатлардан биридир. Қуръоннинг бу борадаги кўрсатмаси шундан иборатки, мусулмонлар жамоат сифатида ҳаётнинг барча соҳаларида мўтадил бўлишади, ҳар доим ўрта йўлни танлашга интилишади.

**“Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайгамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун ўрта уммат қилиб қўйдик..[6].”** Бақара сураси, 143-оят



Ушбу ўринда мўтадиллик жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тузулмаси билан боғлиқ. Ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай низоли вазиятда ҳам мўтадил йўлни танлаш, мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш зарур. Зеро, ижтимоий адолатни ушбу элементсиз таъминлаш мумкин эмас.

Учинчидан, Ислом дини нуқтаи назаридан, инсонлар Аллоҳ таолонинг Ердаги ўринбосарлари ҳисобланади. Улар ўзларининг назорати остида бўлган барча нарсалар учун жавобгар ҳисобланади. Ушбу тамойил асосида айтишимиз мумкинки, жамиятдаги ҳар бир шахс барча масалаларни тенглик ва адолат билан кўриб чиқиши керак ҳамда ҳар доим шахсий ва жамоавий манфаатлар тўқнашганда, иккинчисига устувор аҳамият берилиши керак.

**“Эй, мўминлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайгамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) иш эгалари (раҳбарлар)га итоат этингиз! Бордию, бирор нарсада келиша олмай қолсангиз, Аллоҳга ва охираат кунига ишонадиган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайгамбарига ҳавола қилингиз. Мана шу яхшироқ ва ечими чиройлироқ (иш)дир.”** Нисо сураси, 59-оят

Бу оятдан Аллоҳнинг ва Унинг расулининг амрига итоат қилиш билан бирга раҳбарларга ҳам итоат қилишнинг вожиблиги маълум бўлади. Халқимизда "Подшоҳнинг амри вожиб" деган нақлнинг ҳам манбаи шу ояти карима бўлиши керак. Модомики, раҳбар ёки ота-оналар гуноҳ-маъсиятга эмас, эзгуликка, фойдали ишларга буюрар эканлар, оят ва ҳадислар тақозосига кўра, уларга итоат этиш вожибдир[7].

Тўртинчидан, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик жамиятда ҳар қандай идеални амалга оширишда жуда муҳим рол ўйнайди. Замонавий социологлар уни тинчлик-барқарорлик ва адолатни таъминлаш учун қатъий риоя қилиниши керак бўлган асосий тамойил деб ҳисоблашади. Қуръони Карим ҳамжиҳатлик ҳамда ҳамкорликнинг салбий ва ижобий жиҳатларини инобатга олади:

**“...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир.[8]”** Моид сураси, 2-оят

Ушбу ояти каримадан, жамиятда адолат тамойилини инсонларнинг ўзаро ҳамкорлигисиз амалга ошириб бўлмаслиғиди. Ислом олами учун муқаддас бўлган Қуръони Каримда адолат тушунчаси ҳамда ушбу тушунчага маънодош бўлган турли тушунчаларга кўплаб мурожаатларни учратишимиз мумкин. Қуръондаги адолат тушунчаси шунчалик кенг қамровлики, унда адолат тушунчаси барча ижтимоий муносабатларда, жумладан, оиладаги оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида, инсон ва жамият ўртасидаги алоқаларда, турли жамоалар ва миллатларнинг ўзаро муносабатларида, инсоният ва табиат ўртасидаги муносабатларда тартибловчи тамойил сифатида намоён бўлади[8]. Масалан, биргина Нисо сурасининг ўзида адолат тамойилининг турлича талқин қилинганлигини кузатишимиз мумкин:

Қуръон таълимотида адолат шахсий фазилат сифатида ва ҳар бир иймонли инсонни Аллоҳга тақво қилишга руҳлантирадиган ахлоқнинг энг гўзал намуналаридан бири сифатида намоён бўлади. Кейинги ояти карималарда эса

адолатли гувоҳлик бериш яхши амалнинг бир кўриниши сифатида кўрсатилиб, унга улуғ ажр борлиги, Аллоҳнинг амридан юз ўгирганларга эса азобнинг муқаррарлиги ҳақида мужда берилади:

Қуръон айнан бир ҳолат юзасидан ва айнаи бир матн юзасидан ҳам адолат ҳақида сўзлайди, мана шундай ҳолатлардан бири етимларга муносабатда бўлишнинг шартидир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло дейди: **“То вояга етгунича етимнинг молига яқинлашмангиз, магар чиройли йўл билан (бўлса дуруст). Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла адо этингиз!”** (Анъом сураси, 152-оят). Ушбу мазмундаги оятлар Нисо сурасида ҳам тилга олинган. Етимларнинг ҳаққини ейиш оғир гуноҳлардан бири эканлиги, жазоси муқаррар эканлиги ҳам таъкидланган: **“Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда тобланурлар”** (Нисо сураси, 10-оят)

Адолат ҳақидаги кўрсатмалар Қуръондаги кўп хотинли эрлар ҳақидаги матнда ҳам келтирилган. Қуръон эр кишини ҳар бир аёлига адолатда бўлишини талаб қилади. Нисо сураси етим қизларга нисбатан адолатсизлик қилмаслик ҳақидаги оятлар билан бошланади. Улар балоғат ёшига етганларида, иккинчи хотин сифатида бўлса ҳам турмушга чиқиши керак. Айниқса, аёл ва эркаклар сони ўртасида номувофиқлик бўлган пайтларда бунга йўл қўйилади. Бу сура Ухуд уруши даврида нозил бўлган бўлиб, бу пайт худди шундай ҳолат ҳукм сурмоқда эди. Аммо Қуръон шундай дейди: **“...Бордию (улар ўртасида) одил бўла олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)..”** (Нисо сураси, 3-оят)

Ислом дунёқарашида кўпгина муҳим тушунчалар ўзаро боғлиқдир. Адолат тушунчаси Қуръони Каримда ҳақ тушунчаси билан узвий боғланган. Ҳақ ҳар бир инсонга ва унинг фаолиятига тегишлидир. Ҳақ деганда қонун, интизом, низом ҳам тушунилади. (Духон сураси, 39-оят; Жосия сураси, 22-оят).

Исломда адолат деганда фақатгина меъёр-у ўлчов тушунилмайди, адолат меҳр-мурувват, ғамхўрлик, ўзига ва ўзгаларга садоқат, бева-бечораларга хайр-эҳсон қилиш каби инсоний қадриятларни ҳам ифодалайди. Ушбу фазилатларга ҳар бир инсон ҳаёти давомда амал қилиши ислом динининг барча манбаларида таъкидланади.

Юқорида кўрганимиздек Ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланган Қуръони Каримда жамиятда адолат ва тенглик қарор топиши зарурлиги айтилган. Иккинчи томондан олиб қараганда эса Ислом дини таълимоти учун адолат фақатгина ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи ахлоқий норма эмас, балки инсонларнинг бу дунёда амалга оширган ишлари учун Аллоҳ таоло томонидан ваъда қилинган қиёмат кунидаги тенгликни таъминлаш воситаси ҳам ҳисобланади. Бошқа қилиб айтганда адолат Ислом динининг схоластик таълимоти билан боғланган илоҳий норма ҳам ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жаров Сергей Николаевич, Кадири Мухаммад К вопросу об источниках исламского права // Вестник ЧелГУ. 2015. №13 (368). URL:

<https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-ob-istochnikah-islamskogo-prava>

2. Очилдиев А., Раҳимжонов Д. Ва бош. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. – 2013 йил, 209-210 бетлар.

3. Qureshi T. A. Justice in Islam //Islamic Studies. – 1982. – Т. 21. – №. 2. – С. 35-51.

4. Қуръони Карим. Маънолари таржимаси. Таржимон ва изоҳлар муаллифи: Абдулазиз Мансур. Т.: 2013 йил, 483 бет. <http://islom.ziyouz.com/kitoblar/qur-oni-karim-ma-nolari-tarjimas-i-abdulaziz-mansur>

5. Ismail K. Islam and the Concept of Justice //Jurnal Intelek. – 2010. – Т. 5. – №. 2.

6. Имом ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. 1-жилд. Т.: “Қомуслар бош таҳририяти”. – 1991 й., 20 бет.

7. Имом ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. 2-жилд. Т.: “Қомуслар бош таҳририяти”. – 1997 й., 139 бет.

## ҒАЙРИЗЎРАВОНЛИК – ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Инагамова Феруза Хуршитовна  
ЎзМУ, Этика ва эстетика кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация:** Мазкур мақолада ғайризўравонлик ва у ўзини принципиал диний, ахлоқий, фалсафий ишонч ва прагматик сиёсий стратегия сифатида намоён қилиши. Давлат ва жамият тараққиётини таъминлашда фуқаролар фаоллигини оширишнинг таъсирчан усули, ижтимоий ўзгаришларга олиб келадиган кураш стратегияси сифатида ҳам ғайризўравонлик ғоясини қўллаш мумкинлиги таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Ғайризўравонлик, маданият, ғайризўравонлик фалсафаси, раҳмдил, газаб, меҳр, зўравонлик, ахлоқ, эзгулик, ёвузлик.

**Ключевые слова:** Ненасилие, культура, философия ненасилия, сострадание, гнев, доброта, насилие, мораль, добро, зло.

**Key words:** Nonviolence, culture, philosophy of nonviolence, compassion, anger, kindness, violence, morality, good, evil.

Ҳозирги даврда дунёнинг ҳар бир мамлакати ўз тарихи, маданияти, шахсияти ва бойликларини яширин хазина сифатида билади ва бундан фахрланади ҳам. Бироқ, уларнинг баъзилари ўз миллати тарихи ва маданиятини сақлаб қолган ва тарғиб қилган, раҳмдил ва ҳал қилувчи раҳбарлар ролини ўйнаган одамлар яшаб ўтганлиги билан машҳурдир. Ушбу мисолларда биз бой ва хилма-хил цивилизацияга ва тарихга эга бўлган ва дунёда эркин, тинч ва эртакнамо мамлакат сифатида танилган Ҳиндистон ерини кўришимиз мумкин.

Ғайризўравонлик ғоясининг ҳам назарий ҳам амалий асослари айни шу мамлакатда ўзининг такомил босқичига чиққан.

Ғайризўравонлик ғоясининг асосчиларидан бири Махатма Ганди бўлиб, у ўзининг илми, донолиги, маҳорати, дипломатияси ва саховати билан адолатсизлик туфайли юзага келган турли уруш, жанжаллар, қашшоқлик ва жоҳилликка тўла дунёда ўзининг юксак мақсадларига эриша олди. У ўзининг бор маҳорати ва қатъиятлилик билан юксак инсоний қадрият сифатида тан олинган “куч ишлатмасдан курашиш” ғояини бутун ер сайёраси аҳолиси орасида янада оммалаштиришга сабабчи бўлди. Махатма Ганди бу ҳақида шундай ёзади: “Инсоният зўравонликдан фақат ғайризўравонлик йўли орқали қутулиши мумкин. Ғазабни фақат меҳр билан енгса бўлади. Ғазабга ғазаб билан жавоб бериш ғазабнинг ёйилишига ва кучайишига хизмат қилади”[1].

Шу ўринда яна бир қизиқ маълумот Махатма Гандининг туғилган куни, 2 октябр куни БМТда Халқаро “Ғайризўравонлик куни” сифатида нишонланади. Бош ассамблея аъзолари Ҳиндистон мустақиллиги ҳаракати раҳбари ва ғайризўравонлик фалсафаси асосчиси хотирасига ҳурмат бажара туриб, тегишли қарорда “тинчлик, бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва ғайризўравонлик”ни қўллаб қувватлайди. Ҳиндистон ташаббуси билан Халқаро ғайризўравонлик кунини белгилаш тўғрисидаги резолюцияга 140 давлат аъзо хисобланади. Қарор лойиҳасини 2007 йилда Бош ассамблеяга тақдим этган ҳинд дипломатининг сўзларига кўра, бундай кенг ва хилма-хил қарашлар доираси Махатма Гандига бўлган чуқур ҳурматни акс эттиради, шунингдек унинг фалсафий қарашларининг доимий аҳамиятини тан олишга хизмат қилади.

Махатма Гандининг яқка тартибдаги ҳаракатига кейинчалик минглаб, миллионлаб одамлар қўшилган. Зеро, бу ҳаракат зўравонлик ва ғайризўравонлик ўртасидаги фарқни кўришга катта ёрдам берди. Биринчи ҳолда, биз кўрқув ҳақида, иккинчидан, яхшилик қилиш истаги ҳақида кенг тасаввурга эга бўламиз. Шу боисдан ҳам “Ҳозирги пайтда ғайризўравонлик ахлоқшунослиги (Ганди, Кинг, Шарп, Гусейнов) муҳим аҳамиятга эга. У ёвузликка қарши зўравонлик ишлатмасдан курашишни тавсия этади - террор қилиш, қон тўкиш, исён кўтариш билан эмас, муҳаббат, кечиримлилик, юксак ахлоқийлик, эзгу ихтиёр ва ирода воситасида иш тутиш лозим”[2].

Ғайризўравонлик - бу зўравонликни рад этиш ва ҳар қандай эзгу мақсадларга эришиш учун зўравонликдан фойдаланишни рад этишдан иборат бўлган маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимидир. Ғайризўравонлик ўзини принципиал диний, ахлоқий, фалсафий ишонч ва прагматик сиёсий стратегия сифатида намоён қилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) буюрадилар: Энг иймонли ва диёнатли инсонлар ўз халқи ва қариндошларига қўлидан келган яхшиликларни қилиб, ўзларининг аҳли оилаларига ўта меҳрибон кишилардир. Мен аҳли оиламга жуда меҳрибондирман ва сизларнинг ораларингизда энг яхши инсон ўз оила аҳлига ўта меҳрибон бўлган шахсдир. Оила аҳлига қўпол муносабатда бўлган инсон энг ёмон инсондир[3]. Христианликда ҳам ғайризўравонлик қилмаслик “Лекин Мен сизларга айтаман: сизга ёмонлик

қилган одамга қаршилик кўрсатманг. Агар кимдир ўнг чаккангизга урса, унга чапини ҳам тутинг." (Матто 5:39)[4] дейилган. Буддизм, жайнизм ва ҳиндуизмда ғайризўравонлик тушунчаси зўравонликнинг акси бўлган "тирик мавжудотларга зарар етказмаслик" маъносини англатувчи аҳимса ғоясига асосланади. Махатма Ганди аҳимса тушунчасини зўравонликнинг синоними сифатида ишлатганидан сўнг, ушбу тушунча замонавий Европа маданиятида кенг илдиз отган эди. Бироқ, аҳимса тушунчаси ғайризўравонликнинг барча жиҳатларини очиб бермайди, шунинг учун ҳам кейинчалик Махатма Ганди буни чуқур тушуниб этади ва кейинчалик у ғайризўравонлик ҳақида ўз фикрларини асослаш учун ҳинд фалсафасида янги "сатяграҳа" концепциясини ишлаб чиқади[5].

Давлат ва жамият тараққиётини таъминлашда фуқаролар фаоллигини оширишнинг таъсирчан усули, ижтимоий ўзгаришларга олиб келадиган кураш стратегияси сифатида ҳам ғайризўравонлик ғоясини қўллаш мумкин. Буни биз Махатма Ганди томонидан Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлигига қарши ўн йиллик курашидан ҳам англаб олишимиз мумкин. Кейинчалик Мартин Лютер Кинг Ганди фалсафаси ва усулларини АҚШдаги афроамерикаликларнинг фуқаролик ҳуқуқлари учун ғайризўравонлик асосидаги курашга мослаштирди ва уни кенг тарғиб қилди[6]. Ғайризўравонлик стратегияси тарафдорлари ҳар қандай давлат бошқарувининг негизида ҳамкорлик ва фуқароларнинг итоаткорлиги ётишини алоҳида қайд этадилар. Бинобарин, жамият миқёсида ғайризўравонликни ишлаш стратегияси давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда давлат бошқарувига нисбатан халқ ишончини оширишга хизмат қилади.

Ғайризўравонлик ғояси қадимги даврдан бошлаб ўзига хос ахлоқий ғоя сифатида шаклланган. Инсонни шахсий танлов сифатида жамиятда мавжуд адолатсизликка қарши интеллектуал ва фидокорона кураши ҳам айнан ғайризўравонлик асосида амалга оширилган. Жамият тарихида ғайризўравонлик зўравонликкани ҳар қандай шаклига қаршилик кўрсатишда ёрқин намоён бўлади. Тўғри баъзи кишилар ғайризўравонлик асосидаги курашни кўпинча камтарлик, пассивлик ёки заифлик тимсоли сифатида ҳам талқин қиладилар. Аслида эса ғайризўравонлик юксак даражадаги эзгулик ва инсонпарварликнинг намоён бўлишидир.

Шу боисдан ҳам йигирманчи асрда ғайризўравонлик оммавий ижтимоий амалиёт, ижтимоий-сиёсий кураш стратегияси ва техникаси, низоларни ҳал қилишнинг оқилона усули ва тажовузкорликка ноҳарбий қаршилик кўрсатиш йўли сифатида ҳам талқин қилинган. Шунингдек, куллиқни қонунчилик билан бекор қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва сиёсий эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини институционаллаштириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ғайризўравонликнинг ижтимоий амалиётда тобора ривожланиши инсониятнинг энг муҳим ахлоқий ютуқларидан бири бўлган десак янглишмаган бўламиз.

Ғайризўравонлик кўпинча "ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик" деб талқин этилади. Оммавий онгда ғайризўравонлик пассивлик, итоаткорлик, қаршилик кўрсатмаслик сифатида намоён бўлади. Бироқ, бизнингча ғайризўравонлик,



аксинча, инсонга хос фаол, ташаббускорлик, мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишдир.

Умуман олганда, ғайризўравонлик фалсафасида қуйидаги принциплар устувор аҳамият касб этади: фаолият принципи – қаршилиқ кўрсатишнинг пассив шакллари рад этиш, интеллектуал ва ижтимоий-сиёсий ташаббускорликка интилиш; конструктивлик принципи - йўқ қилишга эмас, балки яратишга интилиш; ҳеч бир инсонга зўравонлик қилмаслик балки уни севиш, кадрлаш принципи; азоб-уқубатларга дош беришга тайёрликда ўзига хос таълим ва тарбияга эгалиқ қилиш принципи; ўзаро тушуниш принципи - рақиб ҳақлигини тан олиш, у билан мураса қилиш йўлини излаш; очиқлик принципи – ҳар доимо ғайризўравонлик асосида оқилона очиқ фаолият юритиш; ўзаро ишонч принципи - дунё тартиби адолат тарафида эканлигига қатъий ишониш; инсоният келажакка оқилона позитив ишонч ва эзгуликка эришишга умидворлик принципи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хуллас, замонавий фалсафий адабиётларда биз зўравонликнинг иккита турига алоҳида эътибор қаратилади. Биринчи ёндашувда зўравонлик деганда одамга нисбатан куч ишлатиш тушунилади. Иккинчиси эса бу унинг иродасига қарши қилган одамга куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ақлий ва ахлоқий таъсир кўрсатиш сифатида ҳам талқин қилинади. Зўравонлик бу инсоннинг ғаразли ниятидан келиб чиқадиган мажбурлашдир. Яъни, агар бирор одамни мажбурлаш билан унга ёмонлик етказилса ёки у ёвузликка мажбурланса ёки у асосиз равишда камситилган ёки асосиз равишда кадр-қиммати камситилган бўлса, демак, бу зўравонликдир. АҚШнинг Ироққа ҳарбий юриши, АҚШнинг Шимолий Кореяга ҳарбий-сиёсий босими, Ғарб давлатларининг Ғазо сектори ва Ливандаги Исроил уруши бу зўравонликнинг ўзига хос кўринишларидир. Бундан ташқари, замонавий дунёда бутун инсоният хавфсизлигига таҳдид солувчи халқаро терроризм ҳам зўравонликнинг бир шакли сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, инсоният ҳаётининг барча соҳаларида ғайризўравонлик ғоясини кенг миқёсда тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ганди М. Моя жизнь. - М.: Наука, 1969. -С.56.
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-e/etika-uz/>
3. Ризо Исфохоний. Ахлоқнома. -Т.,Янги нашр, 2011. -В.34.
4. <https://kitobook.com/web/INJIL/nz-01-matt-muqaddas-kitob-injil.html>
5. Гусейнов А. А. Этика ненасилия. Архивировано 8 августа 2011 года. // Вопросы философии. 1992. № 3. С. 72—81.
6. Махатма Ганди и современный мир. М. РИК Медиа. 2020. - 272 с.

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ИНҚИРОЗИ ВА УНДАН ЧИҚИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Иноятова Саодатхон Жохонгир кизи**  
**Тошкент фармацевтика институти**  
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**

**Аннотация**

Ушбу мақолада оилавий муносабатларнинг глобал трансформацияси очиб берилган, Ўзбекистон оилаларида эгоцентризм ва индивидуализмга қарши маънавий-ахлоқий иммунитетни ҳосил қилишнинг усуллари қуриб чиқилган. Глобаллашув шаротида оилавий муносабатлар идентиклиги, ривожланиш динамикаси ва даражалари фундаментал ва замонавий, миллий ва хорижий тажриба асосида фалсафий концептуал жиҳатдан очиб берилган.

Узоқ вақт давомида оилага мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида нисбатан яхлит қараш шаклланди. Муҳим фарқларга қарамай, турли хил жамият ва маданиятларда оилани идрок этишнинг тарихий ва фалсафий анъаналари, унинг илдизлари ва моҳияти, қадриятлари ва умумий гуманистик роли бир қатор умумий хусусиятларга эга бўлди. Хусусан, оилани умуминсоний қадрият сифатида тушуниш, уни жамиятнинг беқарорлиги шароитида шахснинг ягона ва ишончли таянчи сифатида англашга ёрдам беради. Замонавий фалсафада оилани энг юксак ахлоқий қадрият, муҳаббатни англаш, комилликка интилиш, яхлитлик, борлиқнинг тўлиқлиги, насл бериш билан боғлиқ тушунча сифатида талқин қилиш устувор ўринни эгалламоқда. Яъни бугунги кунда замонавий оила қиёфаси ҳаётнинг тўлиқлиги ва мукамаллиги тасвири билан характерлаш муҳим аҳамият касб этди. Оила ва никоҳ феноменини тушунишнинг маҳаллий ва хорижий анъаналарини ўрганиш замонавий Ўзбекистонда оилавий муносабатлар инқирози ва уни бартараф этиш йўллари излаш нуқтаи назаридан муҳим ўринни эгаллайди.

Оила моҳиятини англашнинг тарихий ва фалсафий ёндашувларини ўрганиш, оила туғилиш, асраб олиш ёки ўзаро боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги барқарор узоқ муддатли муносабатлар мажмуи бўлган мураккаб ижтимоий-маданий ҳодиса эканлигини таъкидлашга имкон беради. Тарихий жиҳатдан ҳар қандай жамиятнинг асосий пойдевори бўлган урф-одатлар, қарашлар ва қадриятларни етказиш асосида иштирок этадиган шахсларнинг узлуксиз ривожланишига йўналтирилган субъект муносабатларининг кўплаб моделлари билан ифодаланган никоҳ айнан оилани ифодалайди. Ушбу таъриф оилани энг юқори ижтимоий қадриятлардан бири сифатида тушунишга ёрдам беради. Оилавий муносабатларни моделини ўрганаётганда, "анъанавий оила" ва "замонавий оила" тушунчаларини ажратиш кўрсатиш муҳим ҳисобланади.

Анъанавий оила - бу турмуш ўртоғига содиқлик ғояларига асосланиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган эркак ва аёл ўртасида ихтиёрий шерикликка (никоҳга) асосланган, патриархал оилавий муносабатлардан келиб чиққан никоҳ ва оилавий муносабатларни ташкил этиш шакли. Хотинларнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қиладиган оилада эркакнинг устун ролини тан олиш

ва узоқ муддатли барқарорлик ва никоҳ барқарорлигини таъминлаш, наслни давом этиши ва ўсиши, кекса авлод вакиллари хурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, авлодлараро алоқалар ва оилавий қадриятларнинг узлуксиз таъминлашдир.

Ҳозирда Ғарб жамиятида анъанавий оила таназзулга учраганлиги аниқ. Анъанавий оила парадигмаси ўрнини замонавий оила модели эгалламоқда, бу никоҳ ва оилавий муносабатларнинг модернизацияланган ва умуман инқирозли ривожланишининг бир шакли бўлиб, улар оддий тенг ядроли оилаларнинг устунлигини белгилайди, одатда тенглик ва шерикларнинг гедонизми бу оилада устувор аҳамият касб этади. Оила институтини ўрганаётган замонавий олимлар аслида оиланинг ҳозирги ҳолатини тушунишда икки мунозарали парадигманинг тарафдорлари ҳисобланадилар: "оилавий қадриятларнинг инқирози" ва "оилани модернизация қилиш" шу мунозарали парадигмалардир. А.И. Антонов бу ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: "Замонавий оила тарихий саҳнада функционал ва таркибий жиҳатдан заифлашиб, ўзига хос функцияларидан маҳрум бўлиб, таълим, тарбия, дин, иш, ҳукумат институтлари фойдасига пайдо бўлади ... оилавий, жинсий ва репродуктив хатти-ҳаракатлар туғилиш ва оиладаги барқарорликни тартибга солувчи механизмини бузади, бу никоҳгача бўлган муносабатлар, контрацепция ва аборт, ажралишлар ва никоҳдан ташқари оналик ва ҳоказоларнинг йўл қўйилишига олиб келади. Оиладаги ажралишларга олиб келадиган ва институционал даражада оиланинг ва бошқа институтларнинг тенгсизлигини намоён этади, бу эса уни маълум маънода камситиш ва эксплуатация қилинишига олиб келади»[1]. Х. Джабер, ўз навбатида, "оилавий қадриятларни ўзгартириш фақат ҳақиқат томонидан белгиланадиган янги қадрият йўналишларини онгли равишда қабул қилиш ва ҳаёт йўлида уларга риоя қилишга уриниш орқали амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайди. Ўзгаришлар инқироз даврида, эски одат қулаганида ва шахс томонидан стандарт сифатида қабул қилинган принципларга мувофиқ яшашнинг иложи бўлмаганда юз бериши мумкин. Натижада, баъзи қадриятлар йўналишлари аҳамияти ва аҳамиятини йўқотади, бошқалари эса долзарб бўлиб қолади. Инқироз ва трансформация жараёнларидан сўнг монолит тизим плюралистик тизим билан алмаштирилади ва ҳар бир инсон турли хил асослар асосида ўз баҳосини беради»[2].

Тадқиқотчилар оиланинг инқирози тўғрисида гаплашишга имкон берадиган асосий омилларни қуйидагича изоҳлашади: наслнинг ижтимоий меъёрларини алмаштириш (катта оилани рад этиш) мавжуд; инсоннинг ижтимоий ҳаётининг зарур шакли сифатида оиланинг аҳамияти пасаяди; индивидуал ва гуруҳ ахлоқининг оммавий оғишлари қайд этилади; анъанавий оилавий коммунал ишлаб чиқаришнинг деформациянинг жараёни ва иқтисодиётнинг ноанъанавий соҳаларига ўтиш (фермерлик ва ҳунармандчиликдан нодавлат хизматлар соҳасига) ва бошқалар. Айни шу маънода, "оила инқирози назарияси" тарафдорларининг далиллари ҳеч бўлмаганда яқиндан ўрганиш ва таҳлил қилишга лойиқдир. Ҳатто ушбу назария

тарафдорлари томонидан доимий равишда келтирилган далилларга бир қараш ҳам инқироз сабаблари объектив, узоқ муддатли ва глобал характерга эга дейишга кенг имкон беради[3].

Инқироз, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ғарб оилавий муносабатларни ташкил этиш моделига хосдир. Агар Шарқ маданиятида оилавий муносабатлар модернизация қилинишига қарамай, асрлар давомида анъанавий оилавий кадриятларнинг узатилиши мавжуд бўлса, унда Ғарб цивилизациясида инсонпарварлик ёндашуви асосида оилавий кадриятларни тўлиқ қайта қуриш мавжуд бўлиб, у чуқурроқ ўрганиб чиқилганда индивидуализм ва гедонизм гибриди дир. Ғарбда замонавий даврда псевдо-оилавий кадриятларнинг тарқалиши кўпчиликнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб беришига жиддий шубҳа мавжуд. Оилавий инқироз аниқ демографик оқибатларни келтириб чиқаради ва экзистенциал жиҳатдан Ғарб цивилизациясининг иммунитетини пасайтиради ва цивилизациялар ўртасидаги зиддиятнинг кўзгатувчиси бўлиши мумкин. Ўзбек оиласи Шарқ ва Ғарб моделлари чегарасида жойлашган бўлиб, уни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш нафақат ижтимоий ва демографик инқироздан қутулиш манбаи бўлиши мумкин бўлган анъанавий оилавий кадриятлар фойдасига танлов қилиш жуда муҳим кўринади. Шунингдек, маданиятлараро медиаторнинг тарихий миссиясини бажаришга имкон беради.

Бизнинг тадқиқотларимиз замонавий оила чуқур инқироз ҳолатида эканлигини тасдиқлашга имкон беради. Оиланинг социологи М.В.Смагин замонавий оиланинг инқироз ҳолатини "ёш авлоднинг дисфункционал социализацияси кўрсаткичи, авлодлараро мураккаб муносабатлар, оиладаги зўравонлик ва бошқа инқироз таркибий қисмларининг кўрсаткичи" деб жуда тўғри белгилайди. Трансформацияни кузатиб борувчи инқироз ҳодисалари (аҳолининг қариши, ёш гуруҳлари ва оилалар ўртасида кескин ижтимоий табақаланиш, ёш ва катта авлодларнинг ижтимоий заифлиги, қариялар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг кўпайиши, маргинал оилалар сонининг кўпайиши, низоли муносабатларга эга оилалар) оилавий муносабатларнинг кескинлашувидан ва умуман замонавий оиланинг тобора кўпайиб бораётган муаммоларидан далолат беради»[4].

Жамиятнинг ўзгариш жараёни замонавий оиланинг асосий ижтимоий институт сифатида инқироз ҳолатида бўлишига олиб келди. Бундан ташқари, ўтиш даври қийинчиликларига ҳимоясиз ва тайёр бўлмаган тоифаси болалардир. Шунини таъкидлаш керакки, замонавий оила, одатда, салбий хусусиятларга эга бўлган жамиятдаги ўзгаришлар, қиймат парадигмаларининг таъсири остида кўплаб ўзгаришларни бошдан кечирди. Буларга анъанавий оилавий пойдеворларни йўқ қилиш, мураккаб кўп қаторли оилалар институтининг таназзулга учраши, никоҳ танловининг деформацияси, жамиятнинг ажралишга бўлган ижобий муносабати, тўлиқ бўлмаган оилалар институтини ривожлантириш ва "фуқаролик" нинг сўзсиз жамоатчилик томонидан маъқулланиши киради.

XXI асрда оила институтини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, бошқа нарсалар қатори, қуйидагилар бўлиши керак: ўзбек оиласининг уч авлодининг ўзаро ижтимоийлашуви ва оилавий қадриятларни узатишда ўзаро таъсирини рағбатлантириш; ёш авлод билан илгари олиб борилган ишларнинг ютуқлари ва хатоларидан келиб чиқиб, ёшларнинг оилага нисбатан қиймат муносабатларини ўзгартириш; биологик функцияларни амалга оширишнинг устувор йўналиши сифатида турмуш ўртоқларни ўзларини жинсий идентификациялаш пропедевтикаси, шу жумладан оналар ва болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оналарнинг бўш вақтини фаол ташкил этиш, уларнинг таълим олишлари ва бўш вақтларини ташкил қилишнинг ҳар қандай шаклини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини тенглаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали коммутация ва ротацион миграцияга самарали қарши туриш; монокултурал никоҳларни қўллаб-қувватлаш; оилавий қурилиш ва ёш авлодни тарбиялашда анъанавий маданий қадриятларни оширишга қаратилган диний конфессиялар ва бошқа ижтимоий институтларнинг фаол иштироки; ёш авлоднинг ахлоқий, ватанпарварлик ва маънавий тарбиясини фаоллаштириш йўналишидаги таълим парадигмасини тўлиқ миқёсда қайта кўриб чиқиш, ҳар бир ёш авлод томонидан ўзини эрта ёшлигиданоқ оилавий шахс сифатида аниқлаш.

#### Адабиётлар

1. Антонов А.И. Анализ демографической ситуации и демографической политики в России и в мире // Демографические исследования : сборник / отв. ред. А.И. Антонов. М., 2009. С. 3-8.
2. Джабер Х.М.А. Семейные ценности в арабской культуре // Психология образования в поликультурном пространстве. 2016. № 33 (1). С. 25.
3. Булгакова С.А. Кризис семьи и традиционных устоев в современном обществе // Инновационная наука. 2016. № 5-1 (17). С. 215.
4. Смагина М.В. Социокультурная трансформация семьи в современной России как фактор неблагополучия // Экономические и гуманитарные исследования регионов. 2016. № 2. С. 110-114.



## ОИЛАДА АҲЛОҚИЙ ВА ЭКОЛОГИК МУҲИТ: ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

**Исмоилхўжаев Боходир,**  
**биология фанлари доктори, ТИҚХММИ Экология ва сув**  
**ресурсларини бошқариш кафедраси профессори**  
**Назаров Холмурод,**  
**юримдик фанла номзоди, ТИҚХММИ**  
**Экология ва сув ресурсларини бошқариш**  
**Хидирбоева Гулжамол,**  
**Тошкент шаҳар ФВ бошқармаси ўқув маркази ўқитувчиси**

***Аннотация:** Ушбу мақолада оилада экологик ва ахлоқий муҳитда тарбия ва таълимнинг ўзаро алоқадорлиги ва муаммолари илмий асосда таҳлил килинган.*

***Таянч сўзлар:** Оилада экологик, ахлоқий муҳит, ахлоқий тарбия, экологик таълим ва тарбия, экологик таълим концепцияси, миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар, ахлоқий нормалар.*

Она табиатни асраш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, тозалик, озодалик, поклик — халқимизга хос қадрият бўлиб, бунга оиладан алоҳида эътибор берилганда ёшларда ахлоқий ва экологик маданиятни, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантириш, уларнинг экологик билимларини янада бойитиш имкони яратилади.

Оилада ахлоқий ва экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг бошқа йўналишларига нисбатан болаларнинг руҳий оламига, ҳиссиёти ва туйғуларига, ҳатти-ҳаракатларига муҳим таъсир кўрсатади. Атоқли мутафакир Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим, деб таъкидлагани бежиз эмас. Таниқли педагог А.С.Макаренко таъкидлаганидек, “...тарбиянинг бош асоси беш ёшда ниҳоясига етади, демак, сиз беш ёшгача нима қилган бўлсангиз, бу тарбиявий жараённинг 90 фоизини ташкил этади, кейинги тарбия эса қайта тарбиялаш негизда давом этади”[1]. Мана шундай босқич оила шароидида ўтади, бу даврда экологик ва ахлоқий муҳит жараёнида бола тарбиясига ўта эътиборли бўлиш лозим. Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда оиладаги муҳит муҳим аҳамиятга эга бўлади.,

Муайян экологик ва ахлоқий муҳитда экологик таълим ва тарбияни ўзаро боғлиқда амалга ошириш ва мавжуд муаммоларни ҳисобга олиш муҳим. Таълим ва тарбиянинг оила-мактабгача таълим муассасалари-ўрта умумий таълим мактаблари-ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари- олий таълим муассасалари тизимида экологик таълим ва тарбияни замон талаблари даражасида ташкил этилиши экологик тарақиётнинг зарур шартидир.

Бу борада Республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган экологик таълим концепциясининг 4-бандида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими: мактабгача таълим-умумий ўрта таълим-ўрта махсус- касб-хунар таълими-олий таълим-олий таълимдан кейинги таълим-кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш-мактабдан ташқари таълим турларига мувофиқ экологик таълимни амалга ошириш белгиланган<sup>2</sup>. Мазкур таълим турларининг дастлабки босқичларида экологик таълим ва тарбияни амалга оширишда оиладаги ахлоқий муҳитнинг ўрни ғоят муҳимдир. Соҳадаги долзарб муаммолардан бири носоғлом ахлоқий муҳитда тарбияланаётган болаларни экологик таълим ва тарбиясидир. Носоғлом ахлоқий муҳитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги ғоят таҳликали, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий инқирозлар кучайиб бораётган, ёшлар онгини ёлғон ва сохта ахборот хуружлари дахл қилаётган, уларнинг қалбига дин ниқоби остидаги зарарли таъсирлар ортиб бораётган хатарли замонда ахлоқий, экологик таълим ва тарбияни ташкил этишда барчамиздан ниҳоятда хушёрлик талаб қилинади. Интернетдаги диний экстремизм, терроризм, ахлоқсизликни тарғиб қилаётган “Одноклассники” сайтини олайлик. Бугунги кунда мазкур сайтга 1,5 миллиарддан ортиқ кишилар мурожаа қилмоқда. Ушбу сайтга аъзо бўлганлар 205 миллион нафар, уларнинг саккиз миллиони Ўзбекистонлик, аксарияти ёшлар эканлиги, ўнлаб интернет сайтларининг ёлғон ваъдалар билан ёшларни тузоққа илинтиришга зўр бераётгалиги экологик таълим ва тарбиянинг шакл ва усулларини танлашда алоҳида эътибор талаб қилади. Дастлабки, экологик таълим ва тарбия оиладан бошланишини инобатга оладиган бўлсак, оилада одоб-ахлоқ ва экологик таълим-тарбияга ҳам эътибор қон-қонимизга сингиб кетган анъана ва бурчларимиздан келиб чиқади. “Бир болага етти кўшни ота-она” деган ибратли мақолнинг ўзи ҳам фарзанд тарбияси, оилапарварлик биз учун нечоғлик муҳим эканини билдиради. Маҳалла аҳли, айниқса кексалар кўчада нобоп иш қилаётган бола олдидан ҳеч қачон бепарво ўтиб кетмаган, шу заҳотиёқ танбеҳ бериб тўғри йўлга чақирган. Зеро, ҳар томонлама чиройли, одобли, гўзал хулқли бўлиш, нафсни поклашга буюрувчи муқаддас динимиз оилага катта аҳамият беради. Оиладаги муҳит ота-она ўз маъсулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Оила аъзолари умрларининг асосий қисмини оила муҳитида ўтказганлиги сабабли, уларни ахлоқий, экологик, ҳуқуқий фазилатлари ҳам оиладаги руҳий ва ижтимоий ахлоқий муҳит таъсирида шаклланади ва умрининг охиригача уларнинг руҳиятида сақланиб қолади. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган ҳалқ мақоли буни яхши ифода этади.

Дарҳақиқат, фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки, бола табиатан ниҳоятда кузатувчан ва тақлид қилувчи бўлиб, ота-онанинг гап сўзи билан эмас, балки, ҳатти ҳаракатлари, қилиқлари, одатлари билан ҳам ўзлари сезмаган ҳолда фарзандларига тарбиявий таъсир қилади. Оиладаги носоғлом ахлоқий одатлар-

табиатга нисбатан кўпол муносабатлар, ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракатлар бола тарбиясига ҳам салбий таъсир қиладиган носоғлом оилавий муҳитни шаклланишига сабаб бўлади. Фарзандларимизни экологик тарбиясида ота-онанинг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига муносабати ҳам муҳим ўрин тутади. Агар бола ота-она томонидан кўпол, дағал сўзлар эшитиб, калтак еб катта бўлса, атроф муҳитни ифлосланишларига кўзи ўрганиб қолса, бу унинг табиатига ҳам салбий таъсир қилади ва оиладаги носоғлом ахлоқий муҳитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланишига сабаб бўлади. Оиладаги бундай носоғлом ахлоқий муҳит эса, жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Оилада ота-оналар “оммавий маданият” таъсирига берилиб кетиши оқибатида фарзандларнинг тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Албатта бола тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан баҳобар бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига ахлоқий, ҳуқуқий, тиббий, этика, психология, педагогика каби соҳаларга оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараён дир. Бугунги кунда оилавий тарбия ва таълимнинг ўзаро муносабатларидаги муаммолар: **биринчидан**, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораётганлиги, бу эса, оилада болага экологик ва ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини кўяётганлиги билан боғлиқ дир. Ахлоқий ва экологик таълим-тарбияни болаликдан берилиши бу соҳадаги таълим ва тарбия тизимини самаралилигини белгилайди. Расулulloҳ (с.а.в.): *“Бирон тангиз ўз фарзандларингизни тартиб-интизомга ўргатсангиз, бу ҳар қуни садақа бергандан яхшироқ дир”* [2], дея марҳамат қилганлар. Болаларни табиатга муносабатларда, тозалик озодаликка, атрофни экологик тоза тутишда ҳам интизомга ўргатиш оила мустақамлигига муносиб экологик ва ахлоқий муҳитни шаклланишига асос бўлади. Ислом шу маънода ота-оналарни ўз фарзандларига соғлом тарбия беришга рағбатлантиради: *“Фарзандларингизни ҳурмат қилинг ва уларни яхши хулқ билан хулқлантиринг”* [3] деб таъкидлади Хадисда. Фарзанд тарбияси жараёнида бола ҳуқуқларининг камситилмаслиги талаб этилади. Ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган алломаларимизнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин берилган. Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбияси, гўзал ахлоқнинг инсон камолотига сабаб бўлувчи юксак фазилат эканини таъкидлаган. Масалан, хадис илмининг султони Имом Бухорий “Ал-Адаб ал-Муфрад” асарида, [4] фикҳ илмида оламга машҳур Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилийн” (Ғофилларни огоҳлантириш) [5] асарларида фарзандларга юксак ахлоқий фазилатларни камол топтиришга эътибор берилган. Юртимиз олиму фузалолари ўз асарларида фарзандимизда гўзал ахлоқий фазилатларни шаклланишига алоҳида эътибор билан қараган. Айниқса, фарзандларимизни

одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига, одамлар хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андухидан қайғуриш, мол-мулкига хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтаришга, ана шу хислатларни болаликдан сингдиришга, фарзандларимизни ўзгалар билан муомала чоғида бошқаларни ғийбат қилиш, ўзгаларни менсимаслик, обрўси, бойлиги ёки мансабига қараб муносабат кўрсатиш ҳам одобсизлик эканини уқтиришга, ёши улуг кишилар, устозлар билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, ўнгитларини сидқидилдан бажаришни ҳам болалар қалбига жо қилишга, уй-жойлар, кийим бошлар, аъзои баданларини пок сақлашга, дов дарахтлар, сув, тўпроқ, ҳавони ифлосламасликка, атроф муҳитни соф ва озода сақлашга алоҳида эътибор қаратишни таъкидлаганлар.

Фарзанд тарбиясида **иккинчидан**, албатта фарзанднинг савиясини инобатга олиш муҳим. Болани бирор-бир ютуққа эришишида, натижани кўришга шошмаслик керак. Масалан икки ёшгача фақат ширин сўз билан, эркалаш орқали тарбия қилинади. Беш ёшгача бола атрофни ўрганади, асосий маълумотни шу ёш оралиғида эгаллайди. Бу даврда биз кўпроқ амалий жиҳатдан намуна бўлишга уринишимиз, оилада соғлом ахлоқий муҳитни яратишимиз зарур бўлади. **Учунчидан**, оилада носоғлом муҳит бўлса ёки отанинг болаларига лоқайд бўлиши охири хунук оқибатларга сабаб бўлади. Лоқайдлик ёмон иллат бўлиб, у бола тарбиясининг бузилишига катта йўл очади. Носоғлом оилада отанинг лоқайдлиги, оталик бурчини адо этмагани, фойдали илм ҳамда хунарларни ўргатмаганлиги оқибатида ўз фарзандида зарур ижобий хислатларни шакллантира ололмайди. Фарзанд ҳам отасининг яхши тарбиясидан маҳрум бўлиб ўсади. Кейинги давр ўсмирлик пайти бўлиб, бола оқ-қорани айни шу даврда ажратади. Яхшиликка мукофот, ёмонликка жазо муқаррарлигини шу босқичдан ўрганади. Бу даврда фарзанд тўғри йўлга солинса, тарбияли дўстларга ҳамроҳ қилинса, унинг одобли бўлиб, яхши инсон бўлиши учун муҳим қадам қўйилади. Ана шу босқичда экологик ва ҳуқуқий таълим ва тарбия учун ҳам асос яратилади. Одатда оналар ўз болаларининг хато ва камчиликларини отасидан яширишга ҳаракат қиладилар. Айтсам уришади, боламга қаттиқ тегади деб, йўл қўйган хатолари, қўл урган ёмон ишларини отага айтмайдилар. Оқибатда бола ўз вақтида танбеҳ олмаганидан кейин бора-бора каттароқ ҳуқуқбузарликларни, ҳатто жиноятларни ҳам кўрқмасдан содир қилавериши мумкин. Фарзандларга меҳр-муҳаббат беришда ҳам ахлоқий нормаларни сақлай билиш керак, боланинг барча айтганларини қилиш, барча тўғри-нотўғри хатти-ҳаракатларини маъқуллаш ёки ҳатто индамаслик фарзанднинг умуман тарбиясиз бўлиб ўсишига олиб келади. Ортиқча талтайтириб эркалаш болани ҳар жиҳатдан тарбиясини бузади, меъёрида меҳр кўрсатиш эса, уни янада фаол бўлишга ундайди. Эрка ўсиб, тарбияси бузилган бола носоғлом ахлоқий муҳитда фақатгина шахсий манфаатларини кўзлайдиган, маъсулиятсиз бўлиб вояга етади. Шунинг учун фарзанднинг баркамол инсон бўлиб етишида оиладаги ахлоқий муҳит муҳим бўлиб, бунда ота-онанинг хизмати жуда зарур ва муҳимдир. [6] Болалик чоғида

фарзанднинг қалби ўта юмшоқ ва таъсирга берилувчан бўлади. Шу боис диний таълимотларда болаларни меҳр билан эркалаш, фарзанднинг болалик даврини хурсанд ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга ота-она ўз фарзандларига ахлоқий ва экологик таълим бериши ҳам долзарб вазифалардан деб қаралади. Бу ҳақда ислом таълимотида *“Фарзандларингизга таълим беринг, чунки улар сизники бўлмаган вақт учун тузилганлар”*, [7] деб ҳар бир ота-онани боланинг ўз замонаси ахлоқий муҳити, илм-фани, таълимига бефарқ қарамасликка чақирганлар. **Тўртинчидан**, ахлоқий ва экологик тарбияда энг муҳим восита бу меҳр ва ширинсўзлик билан тарбиялашдир. Бу икки восита бир бўлиб, болада экологик ва ахлоқий кадриятларни шаклланишига имкон яратади. Экологик ва ахлоқий таълимни ҳам ғазаб ва жазолаш йўли билан амалга ошириб бўлмайди, мажбуран берилган таълим ва тарбия болада нафрат, норозилик ҳисларини ўйғонишига сабаб бўлади ва унинг хотирасидан тезда ўчиб кетади. Натижада, унинг экология ва ахлоқий соҳага нисбатан қизиқиши йўқола бошлайди. Ислом таълимотида ёш авлоднинг жисмонан соғлом экологик ва ахлоқий муҳитда улғайишига жиддий аҳамият берилган: *“Фарзандларингизга сузиш ва камон отишни, қизларга ип йиғиришни ўргатинглар”*, [8] деб бежиз уқтирмаган. **Бешинчидан**, бугунги кунда энг муҳим ижтимоий муаммолардан бири ёшлар тарбиясида уяли телефонлардаги тажовузликлар ҳамда ижтимоий тармоқлар тўрига илиниб қолаётганлигидир. Ушбу замонавий коммуникация воситалари муҳим алоқа воситалари бўлиши билан бирга баъзи маънавияти тўлиқ шаклланмаган султ ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий тармоқ таъсирини тушиб қолган ёшларга ота-оналар, ўқув муассасалари билан биргаликда алоқа воситаларининг асл моҳиятини тушунтириб беришлари лозим. Таълим ва тарбиядан ташқаридан бўладиган салбий таъсир бу, ижобий экологик ва ахлоқий муҳитни бузади ва энг катта хатарли омилга айланади. Чунки ёшларга оилада бу борадаги эркинликка йўл қўйилмагач, у ўз қизиқиш ва рағбатларини қондирадиган сабабларни ташқаридан излай бошлайди. **Олтинчидан**, ота-она фарзандининг ташқи ҳаётига ҳам катта эътибор қаратиши талаб этилади. Хусусан, ота-она фарзандини мактаб ёки коллеждан кейин қаерга бориши, нима билан шуғулланишини назорат қилиш лозим. **Еттинчидан**, оилада фарзандларига билим олиш учун шароит яратиш ҳам ота-онанинг вазифасидир. Чунки, ёш авлод етук ва комил шахс бўлиб вояга етиши учун яна бир муҳим омил ҳаёт тарзига айланиши зарур. У ҳам бўлса ҳаётнинг барча жиҳатларини ўрганиш имконини берадиган китобларни ўқишда ибрат кўрсатишдир. **Саккизинчидан**, ота-она фарзандига вақтни унумли ўтказишни ўргатишида восита сифатида замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланишни ўргатиши зарур. **Тўққизинчидан**, ота-она болада экологик, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияни шакллантиришга, табиатнинг гўзал манзараларини яратишга, табиий ресурсларни муҳофаза қилишга, уни авайлаб асрашга, атроф табиий муҳитдан завқ олиш ҳиссини ўстиришга, табиатдаги манзарали жойларга, табиат музейларга олиб бориши ва шу билан бирга унинг



қалбида экологик ва ахлоқий гўзал фазилатларни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, мустаҳкам маънавий иммунитетли, ахлоқий баркамол авлодни тарбиялаш учун ота-она, оиладаги ахлоқий муҳит жуда катта аҳамият касб этади. Оилададаги ахлоқий муҳит фарзандларимизда гўзал ахлоқий фазилатларни шаклланишига, бу эса, тарбиянинг бошқа йўналишларини шаклланишига замин яратади. Таълимга эҳтиёж туғилишига олиб келади. Бу жараёнларини ўзаро боғлиқликда олиб бориш, таълим ва тарбиядаги барча муаммаларни тўғри ҳал этиш имконини беради. Инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга қаратилган турли ахлоқий ва экологик хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни экологик хатарли таҳдидлардан, ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни авайлаб сақлаш, муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш орқали Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади. Фарзандларимизга оилада шундай ахлоқий ва экологик муҳит яратайликки, табиатга, унинг бойликларига ер, тупроқ, ҳаво сув каби табиий бойликларимизни қадрлайдиган, ўз ота-боболарининг экологик ва ахлоқий анъаналарини давом эттирадиган, ўз тарихи, Ватани, она тили, миллати, табиий бойликларини асраш анъаналарига содиқ баркамол инсонлар бўлиб етишсин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. А.С.Макаренко “Педагогик поэма”, М., 2016 йил, “Иванов ва Фербер” нашриёти, 39- бет;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги” Экологик таълим концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сон қарори;
3. 111 ватандош алломаларимиз. Инсоний фазилатлар ҳақида хикматли сўзлар,”Янги аср авлоди” нашриёти, 2019 йил, 69 бет;
4. Имом Бухорий,“Ал-адаб ал-муфрад ҳадислар тўплами, Т., 2017 йил,” Ҳилол нашр матбааси”, 54-70 бетлар;
5. Абу Лайс Самарқандий, “Танбеҳул ғофилийн”, Т.,2018 йил, ,” Ҳилол нашр матбааси”, 54-70 бетлар;
6. Зиёмуҳаммедов Б. Экология ва маънавият, Т., 1997 йил, Меҳнат нашриёти, 47-51 бетлар;
7. Оилада фарзанд тарбияси, “Ҳидоя” журнали, 2001 йил, 12-сон, 9-10 бетлар”;
8. Бола тарбияси ва оиладаги муҳит,”Ислом нури”, 2016, 4-сон, 7-11 бетлар.

## ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АХЛОҚИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭЧИМЛАРИ

Исроилова Наргиза Хусниддиновна  
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети  
“Ҳозирги замон рус тили” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Таълим ва тарбия жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни жамият талабларини ўзида акс эттирувчи ижтимоий буюртма асосида ҳаётга 7 тайёрлашдан иборат. Таълим ва тарбия жараёнида ёшлар аждодлар томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштириши, ҳаётий тажриба асосида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, салоҳияти ва дунёқарашининг шаклланишида педагог шахси, унинг касбий маҳорати муҳим аҳамият касб этиши долзарб бўлиб бормоқда.

**Аннотация:** Процесс обучения и воспитания заключается в подготовке подрастающего поколения к жизни на основе социального заказа, отражающего потребности общества. В процессе обучения и воспитания молодые люди приобретают знания, нравы, обычаи, культуру и трудовые навыки, накопленные их предками, занимают достойное место в обществе на основе жизненного опыта, играют важную роль в формировании потенциала и мировоззрение.

Ёшларда давр талабидан келиб чиқувчи янги масала ва муаммоларни эчиш учун зарур бўладиган сифатларни шакллантириш педагогик фаолият соҳасининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун аввало педагогнинг ўзида янги билим бериш, ўзгариб боровчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ ижодий фаолият билан шуғуллана олиш кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим.

АҚШда ўқитувчи масаласи ўрганиш услубини, ўзи қўйган муаммонинг эчим йўллари, тажриба хусусиятини, унинг натижаларини кўрсатади ва тушунтиради. Яъни у тадқиқотчи ёки маслаҳатчи сифатида намоён бўлади. Шахс Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми, кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истемолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида белгилаб берилган. Бу эса республикамизда шахсга йўналтирилган таълимнинг йўлга қўйилиши учун зарур асосларни яратиб берди.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш аввало таълимнинг парадигмасини ўзгартиради. Шу пайтга қадар мавжуд таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, айти пайтда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик – ўқишга ўргатишга йўналтирилган.

Замонавий педагог кадрлар янги мавқега эга бўлиб, унинг вазифаси энг аввало ёшларни мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этишга, билимларни мустақил эгаллашга ва уларни амалиётда қўллаш малакаларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Педагог бундай мақсадларда, ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаш керакки, улар ёшларга нафақат

тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларни турли манбалардан мустақил эгаллашлари, ўзларида шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши ва эришилган билимларни янги билимлар олишларида фойдаланиш малакаларига эга бўлишлари лозим.

Давлат таълим стандартларида белгилаб берилган қуйидаги ҳолатлар асос учун қабул қилинди:

- педагогнинг фаолият соҳалари: таълим; бошқарув( педагогнинг фаолият турлари: ўқув; методик; тарбиявий; ташкилий; илмий (раҳбарлик); кадрлар билан ишлаш; тадбиркорлик; экспертлик ва бошқалар.

- педагог фаолият юритувчи муассасалар: мактагача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий таълимдан кейинги таълим; мактабдан ташқари таълим; таълимни бошқариш органлари.

Педагог шахсига қўйиладиган талаблар мазмуни асосланди ва уларнинг ҳар бирига тавсиф берилди.

Педагог касбий фаолиятни самарали ташкил этишга ундовчи рағбат, янги билимларни ўзлаштиришга интилиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги ахборотларни олиш, илғор тажрибаларни ўрганиш эҳтиёжи, юқори педагогик маҳорат даражасига, педагогик фаолиятда муваффақиятга эришишни кўзлаш, ёшлар ва уларнинг оналари билан мулоқот қила олиш, педагогик жамоадаги барча касбдошлари томонидан тан олинисига, илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларини билишга интилиш, замонавий техника ва технологиялар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан боғлиқ мотивацион сифатларга эга бўлиши лозим.

Педагог эрудиция, сезгирлик, зийраклик, кузатувчанлик, педагогик тасаввур, ташхис қилиш, башоратлаш, ижодкорлик, педагогик фикрлаш (педагогик далил, ҳодиса, жараён ҳамда тизимларни таҳлил қила олиш; педагогик вазиятларда ижодий, мослашувчан, танқидий, тизимли, ҳаракатчан, тезкор фикрлай олиш), замонавий техника ҳамда технологиялар орасидаги умумийлик, типиклик ҳамда хусусийликни билиш билан боғлиқ интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши лозим.

Педагог ўзаро мулоқотда чидам ва саботлилик, педагогик фаолиятни амалга ошириш, педагогик мақсадларга эришиш, ўз фаолиятининг аҳамиятини ошириш, ўзлигини ривожлантириш, лойиҳалаштирилган педагогик жараёнларни амалга оширишдаги қатъиятлилиқни ўзида мужассамлаштирувчи иродавий сифатларига эга бўлиши лозим.

Педагог ёшларнинг ўй-кечинмалари, қувонч ва ташвишларини тушуна олиш, ҳамфикрлик, мамнунлик, болажонлик, очиқлик, ҳиссиёти, ёшларнинг ёш-физиологик ва психологик хусусиятларини эътиборга олиш, шунингдек, руҳий муҳитни бошқара олиш билан боғлиқ ҳиссий сифатларга эга бўлиши лозим.

Педагог касбий фаолиятини ва ўз-ўзини таҳлил қилиш, баҳолаш; фаолияти, индивидуал мулоқот методини ижтимоий-касбий соҳадаги тажрибалар билан қиёслаш олиш; ижодий жараёнда рефлексия қила олиш, ўз индивидуаллигининг ривожланиши, касбий фаолияти ва хулқидаги шахсий

сифат ҳамда камчиликларини англай олиш, касбий камолотга эришиш билан боғлиқ ўз-ўзини бошқара олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши лозим.

Амалий касбий компетентлик. Педагогик-психологик тайёргарлик, машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш маҳорати. Педагог таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган ўқитиш шакллариининг педагогик-психологик асослари; психодиагностика усулларидадан фойдаланиш; ўқитиш шаклларида ўқитиш методлари ва воситаларидадан ўринли фойдалана олиш; таълим мазмуни, методлари, воситалари ва шакллариининг уйғунлиги, узвийлигини таъминлай олиш; педагогик ва ахбороткоммуникация технологияларини қўллашнинг назарий ва амалий асосларини эгаллаган бўлиши лозим. Педагог маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларига қўйиладиган дидактик талабларни; дидактик мақсадлар асосида машғулотнинг ҳар бир босқичи учун репродуктив ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш; фанлараро, мавзулараро боғланишни амалга оширишни билиши лозим.

Тарбиялашнинг усул ва воситаларини эгаллаганлик. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда педагог илмий-назарий, маънавий-маърифий, маданий кадрлардан самарали фойдаланиш малакасига эга бўлиш, ўқитиш жараёнида ёшлар онгига миллий ғояни сингдиришнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шакллариини билиши; ёшларни жамоага бирлаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, бажарилган ишни баҳолай олиш, таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишларнинг шакллариини, педагогик этика меъёрларини билиши талаб этилади.

Мустақил ва ижодий ишларни ташкил этиш. Педагог ёшларда мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати ва назарий асосларини билиши; иқтидорли ёшларни аниқлаш диагностикасини, мустақил таълимнинг ташкилий ва ўқув-методик таъминотини яратиш йўллариини билиши, ўқув материали мазмуни асосида восита, метод ва шакллариини самарали танлаш ва уйғунлаштира олиши лозим.

Ўз-ўзини касбий ривожлантириш. Педагог таълим берадиган фанлари туркумини илмий-назарий жиҳатдан ўзлаштирган бўлиши, ривожланиш тарихи, фанда эришилган ютуқлар, муаммолар, илмий-тадқиқот ва изланишлар натижаларидадан хабардор бўлиш; ахборот маданиятини эгаллаганлик; хорижий тилларни ўзлаштирганлик; дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-методик адабиётларни таҳлил қилиш, улардан таълим-тарбия жараёнида самарали ва ўз ўрнида фойдалана олиш. Республикамизда педагог кадрлар тайёрлаш борасида этакчи олий таълим муассаса ҳисобланган университетимизда таълим ва тарбия мазмуни, инновацион ўқув-методик мажмуалар ва электрон таълим ресурслари, ўқувмоддий база юксак маънавиятли, этук педагог шахсини шакллантиришга қаратилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. –Т.: ТДПУ, 2000. – 52 б.

2. Авлиякулов Н.Х. Практические основы модульной системы обучения и педагогической технологии. Ўқув қўлланма – Бухара: 2001. - 99 с.
3. Авлиякулов Н.Х. Замоनावий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2001. – 68 с.
4. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульная технология в профессиональном образовании: Учебное пособие. - Екатеринбург.: УГППУ, 1998. -27 с.
5. Давлетшин М.Г. Модуль технология обучений. – Т: ТГПУ, 2000.

## ЭСТЕТИК ОБЪЕКТНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

**Кадирова Д.С.**  
ЎзМУ доценти

**Аннотация:** Мақолада эстетик идрок ва эстетик объектни баҳолаш мезонлари ўрганилган. Эстетик идрокнинг даражалари ва эстетик объектни баҳолашнинг замонавий методлари таҳлил қилинган. Санъат асарининг сифатини белгиловчи асослар, эстетик объектда бадийликни, нафосатни яратилишида эстетик мезонларнинг ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган, ҳамда уларнинг зарурийлиги асосланган.

**1.Эстетик идрок.** Бадийликнинг муҳим белгиларидан бири бу эстетик идрок бўлиб у идрок этувчини эстетик субъектга айлантиради ҳамда, эстетик объектни қайта яратишга ундайди. Эстетик идрок- бадий асарнинг воқе бўлиш ва яшаш шакли, яхлитлик касб этган образлар тизими бўлиши билан бирга, бадий мулоқот воситаси ҳамдир. Бадий ижод диалогик характерга эга, у идрок этувчи билан ҳамкорликдаги ижодга асосланади. Шунга кўра, бадий асар санъатнинг воқе бўлиш шаклидир. Демак, ўзида муайян ижодий-руҳий ҳолатни акс эттирган бадий асар ҳам бетакрор (феноменал) ҳодисадир. Бадий асарни ўқиётган одамдан унинг систем бутунлик эканини ҳамиша ёдда тутиш, ҳар бир қисмни алоҳида ва бошқа қисмлар билан алоқадорликда, шунингдек, уни бир бутун ҳолича ҳам тасаввур эта билиш, тушуниш ва эстетик идрок қила олиш талаб қилинади.

Идрок этувчининг бадий асар билан мулоқоти икки асосда кечади: 1.Объект, субъектнинг эстетик тасаввуридан, қизиқишидан юқори даражада бўлса, эстетик идрок жараёни юз бермайди (субъект бадий асарни тушунмайди, уни, ғайриодатий, абсурд асар сифатида баҳолайди), умуман идрок ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ даражада намоён бўлмайди, ҳатто дастлабки ҳиссиётларда тўхтаб қолиш ҳам мумкин ёки, бадий асар субъектнинг эстетик тасаввурларига мос бўлса, идрок жараёнида, субъектда ижодкор томонидан илгари сурилган ғоялар яннгитдан кашф этилади ва янги образ-кечинмалар шаклланади. Эстетик идрокнинг мазкур олий лаҳзасини *Арастуға* эргашган ҳолда *катарсис*, *форифланиш* сифатида таърифлаш мумкин.



Маълумки, идрок предметнинг яхлит образи: бу образ объектив оламнинг сезги органларига таъсири натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун “Идрок (лот. percipio – қабул қилиш) – сезгиларга нисбатан мураккаб ва мазмундор психик жараён. У барча рухий ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар, хоссалар ҳамда инсон онгининг яхлит мазмуни, эгаллаган билимлар, тажрибалар, кўникмалар орқали намоён бўлади ва уларни онгда акс эттиришда иштирок қилади” [1]. Бироқ, идрок предметларнинг фақат ташқи кўринишларини акс эттирмайди, у айна пайтда инсоннинг ҳиссиёт оламини ҳам ифодалайди.

*Идрок турларига куйидагилар киради: 1. Фазони идрок қилиш. 2. Вақтни идрок қилиш. 3. Харакатни идрок қилиш.*

Санъат турлари ҳам адабиётларда вақтли ёки замонли, (муסיқа бадий адабиёт) фазоли ёки маконли (рассомлик, меъморлик) ва ҳам вақт ҳам ҳаракатни ўз ичига олган фазоли-вақтла ёки замонли- маконли турларга (кино, театр) бўлиниб таснифланади.

А.Шер эстетик идрокни ҳиссий, ақлий, ҳиссий ақлий даражаларга бўлади. Ҳис туйғу даражасидаги идрок этишда томошабин, томошабин ёки ўқувчи санъат асарига жуда кучли ҳаяжон билан муносабатда бўлади ва гўзаллик, улуғворлик в.б. эстетик хусусиятларга бутунлай эътибор қилмай қўяди. Санъат асарини **ақлий даражада** асардаги қизиқарлилик хусусиятини эътиборга олмайди. Бундай идрок этувчини асарда ғоявий фалсафий асос, мавзу долзарблиги, муаллифнинг бадий эстетик ижод қонун қоидаларига қанчалик амал қилган қилмаганлиги, сингари жиҳатлар кўпроқ қизиқтиради. Санъат асарини тушунишнинг энг юксак даражаси ҳиссий-ақлий идрок этишда идрок этувчи мазмун босқичидан шаклга, шаклдан ғоявий босқичга табиий равишда ўтади. Асарни қадрият сифатида эстетик баҳолай олади [2].

Масалан муסיқа санъати хусусида Замонавий Ғарб эстетикасида бу хусусда таъкидланадики- “Биз ўзимизга яққол “шаблон” (меъёр, норма) яратамиз ва бу намуна сифатида муסיқани тинглаймиз, янграётган муסיқа ҳар доимги муסיқани(таниш) ёки шунга яқин бўлса, яна эшитишни давом эттираемиз. Шундан келиб чиқадики, муסיқа бизнинг идеализмизга тўғри келса эшитилади. Агарда намунамиздан, нормамиздан йироқ бўлса, масалан, хориж муסיқаси бўлса, биз секин-аста ҳайратга туша бошлаймиз. Жамоат аъзолари умумий идеаларнинг тушуниш мумкин, лекин аъзо бўлмаганларга тушуниш қийиндир. Демак, ҳар хил маданиятнинг ишларини муҳокама қилиш адолатдан эмасдир” [3].

Демак, эстетик объектни тушуниш жуда кўп жиҳатларга боғлиқ.

Шу маънода Т.Махмудов таъкидлайдики: “Шу маънода санъат инсон ҳаётига гўзаллик, воқеликка ҳиссий муносабат, ҳаётни идеал акс эттириш, ҳаётдаги маънавий баркамолликдан илҳомланиш, жамики, хунук нарсалардан жирканиш, кишиларнинг ўзаро муносабатларида маънавий омил, уларнинг бадий-эстетик оламини бойитиш, дунёқарашини чуқурлаштириш, ранг-баранг тарбиявий восита ролини бажаради. Айна шу жиҳати билан маънавиятнинг таркибий қисмига тааллуқли бўлади” [4].

Санъаткор дунёни, аввало, эстетик нуқтаи назардан идрок этади ва баҳолайди, воқеликдан нафосат излайди. У бошқалар кўрмаган ёки фаҳмлай олмаган нафосатни кўради ва идрок этади. Нарсалардаги гўзалликни севади, ардоқлайди, уни ўзгалар билан баҳам кўришга ошиқади”[5].

### **Эстетик баҳолаш мезонлари.**

Генрих Альтшулер (худди шу одам ТРИЗ яратувчиси, худди шу одам ёзувчи Альтов) ўз даврида бадий асарни бешта кўрсаткич асосида баҳолаш методикасини таклиф этган. Ҳар бир кўрсаткичга кўра асарни 1 дан 4 баллгача баҳолаш мумкин, барча кўрсаткичлар бўйича баҳолагандан сўнг баҳолар кўпайтирилади ҳамда умумий баҳо чиқарилади.

Баҳо – универсал, бутун дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилинган. Бундан ташқари, асар мавзуси ва ғоясини ажратиб олиш ва уларни алоҳида-алоҳида баҳолаш мумкин.

1. “...мавзу – бу ёзувчи тасвирлаётган нарса, ғоя эса – у ўз тасаввури орқали айтмоқчи бўлган нарса, унинг баҳоси демакдир. Аниқроғи, ғоя – бу ёзувчи мавзунинг ўзи билан айтмоқчи бўлгани, бевосита ҳаётий ходисалар томонидан тасвирланувчи, уларнинг танлови, шунингдек, идрок этувчи онгида ифода қилмоқчи бўлган ҳаётга муносабати, у асарнинг бевосита тасвирланувчи нарсани янада кенгроқ ҳам бўлиши мумкин ”.

“БАДИЙ ҒОЯ – санъат асари моҳияти асосида ётувчи умумлаштирилган, ҳиссий, образли фикр...”. Кўрсатилган шкала нимани акс эттиради? У мавзунинг, ғояни баҳолаш ва уларни қуйидаги бешта кўрсаткичлар бўйича мужассамлаштириш имконини беради:

- I. субъектив омил ("ёқади – ёқмайди").
- II. бадий қадрият;
- III. инсонпарвар қадрият;
- IV. ишончлилиқ;
- V. янгилик.

I. Субъектив омил ("ёқади – ёқмайди").

Гап асар китобхонга кўрсатувчи таъсир ҳақида боради. 1 балл – ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган.

2 балл – кучли таъсир кўрсатувчи яхши асар (аммо бир маротаба ўқишли, қайтадан ўқиб чиқиш истаги йўқ).

3 балл – асар кўп маротаба қайта ўқилади ва доимо қандайдир янгилик тақдим қилади (ёки муқаррар равишда кучли таассурот қолдиради).

4 балл – китобхоннинг ҳаёти, тақдири, дунёқарашига таъсир кўрсатади.

II. Бадий қадриятни баҳолаш.

Айнан бир ғоя бадий асарларда турлича талқин қилинган. Муаллифнинг услубини, унинг сюжетини қуриш кўникмасини, тилдан фойдаланиш маҳоратини баҳолашга уринишни амалга ошириш лозим. Ҳар қандай асар – бу муаллифнинг ўз-ўзини номоён қилишидир. Унинг тассуротлари, унинг дунёни ҳис қилиши, улар қоғозга қандай туширилиши ҳам қизиқарли? Бу ерда икки чегара мавжуд. Биринчиси – “сўзларнинг тўлақонли равишда индивидуалликка

эга бўлмаган мужмал тўплами...”, Иккинчиси – “ҳар бир қатор ўз колоритига эга, муаллифни бир иборанинг ўзидан таниб олиш мумкин...”. 4 балла - то, что выше 3-го уровня.

1 балл – бадий қадри йўқ, жумладан – индивидуаллик, муаллиф шахсининг намоён бўлиши мавжуд эмас. (Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муаллифнинг савияси пастлиги бизни қизиқтирмайди).

2 балл – битта бадий топилмадир; асарнинг сюжетида, услубида, кайфиятида, қаҳрамонларнинг табиати ва ҳоказоларда. Жумладан, айнан шу муаллифга хос бўлган ўзига хослик намоён бўлади.

3 балл – бир нечта бадий топилмалар (жумладан, барча асарлар муаллиф шахсини тўлақонли равишда очиб беради).

4 балл – 3 даражадан юқори бўлган ҳолатдир

III. Инсоний қадриятларни баҳолаш.

Адабиёт – бу инсоншунослик (ва жамиятшунослик). Мавзу кучи (ғоя) қайсидир даражада муаллиф ниятини очиб беришига боғлиқ бўлади.

1 балл – инсонга (жамиятга) тегишли бўлган, бироқ ўзини тутиш (ёки аниқроғи, камёблик) янгиликларига эга бўлмаган, жумладан, “тафаккурнинг руҳий кесишмалар” воқеликлари таъсири остида “калака қилинган” маълум инсоний вазиятга хос бўлган соф маиший вазият ёки ғоя.

2 балл – инсон (жамият) ҳақида маълум нарсалар айтилган, бироқ янги деталлар, ўзига хос хусусиятлари ва ҳақозалар мавжуд. Жумладан, инсоннинг одатий вазиятдаги янги ҳиссиётлари (ёки аксинча, ноодатий), ноанъанавий таъсир.

3 балл – инсон (жамият) ноодатий вазиятларга туширилган, ёки – ноодатий қараш бурчаги остида қабул қилинади, бунинг оқибатида инсонда (жамиятда) нимадир янги нарса очиб берилади (ёки ёддан чиқарилган эскилик).

4 балл – жамият қуришнинг янги принциплари (ёки янги принциплар ҳақида). Жумладан, абадий ҳақиқатлар ҳақидаги барча бадий бойитилган тасаввурлар.

Якуний баҳо беришдан аввал, қуйидагига жавоб беришга ҳаракат қилинг: биз инсон ва жамият тўғрисида нима янги нарсани билдик? Янги маълумотлар (фикрлар)нинг “миқдори” каттами: деталлар ёки принципиал нимадир? Балки, бутун жамиятни қуриш ва ўзгартириш принциплари ҳақидаги нимадир янги нарса? Баҳо юқори берилмаганми? 4 балл – бу Лев Толстойнинг “уруш ва тинчлик” эпипоги даражаси демакдир.

IV. Ишончлиликни (асосланганликни) баҳолаш. Ҳиссиётлар оқимини “қоғозга тўкиш”, китобхон учун устувор ҳолатларни қабул қилиш ҳолатларини аниқлаб бериш кам, буларнинг барига китобхонни ишонтириш зарур. У вазиятнинг ҳақиқийлигига, ҳиссиётларнинг кучига, жасоратнинг ҳақиқийлигига, ёки аксинча, руҳий тушкунлик ва умидсизликка ишониши лозим.

1 балл – фақатгина шартли мавзу (ғоя). Бу каби мавзу (ғоя) ҳеч нима билан асосланмаган, у барчага маълум ҳақиқатларга зид бўлиши, эртакнамо, мажозий,

шартли бўлиши мумкин. Муаллиф китобхонни услубий каби, ҳиссий туснинг мавжуд эканлигига ишонтиришга уринмайди.

2 балл – адабий асосга эга бўлган мавзу (ғоя). Бу каби мавзу (ғоя) ташқи жиҳатдан ишонарли “далил”, “исботлар” билан таъминланган бўлади, бироқ яқиндан ўрганганда ҳаққоний амалга оширишдан анча узоқда бўлади.

3 балл – унинг ҳаётда амалга оширилишига қарши фикрлар унча муҳим бўлмаган (икки турли изоҳлар мавжуд) даражада изоҳланган ҳақиқий ақлий вазият. У (вазият) янгилиги бўйича 2 синфдан паст паст бўлмаслиги лозим.

4 балл – 3 даражадан юқори бўлган ҳолат.

V. Асарнинг янгилигини баҳолаш.

Гап очиқ плагиат ёки бадий расмийлаштиришдаги ностандарт тематиканинг супергениал қўлланилиши ҳақида эмас. Ва ниҳоят, муаллиф – барча прототипларнинг мавжудлиги ва уларнинг “очиқ берилганлиги” ҳақида билиши шарт эмас. Айтилганидек, “таъм ва рангга...”. Бироқ – буларнинг бари билан бир қаторда – қарама-қаршиликлар каби аниқлик, ёки ноанъанавийлик ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

1 балл – мавзу (ғоя) “худди ўзидек” такроран қўлланилади ёки нисбатан эрта яратилган асар нисбатан тўлдирилган (бошқа асарда, ёки бир қатор асарларда). такрорланади

2 балл – прототип ўзгартирилган, бироқ томоила янги вазият мавжуд эмас.

3 балл – прототип тамомила янги вазият вужудга келадиган даражада ўзгартирилган.

4 балл – фольклорда, адабиёт ва ҳоказоларда яқин ҳолатларга эга бўлган янги вазият. Бу каби ғоя (мавзу, вазият) 2 ва 3-даражали ғоя (мавзу, вазиятлар) учун прототип бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Санъат асарининг сифатини белгиловчи учта асосий мезонлар мавжуд:

1. аждодлар ва анъаналарга бўлган муносабат;
2. асарнинг шахсий кадри;
3. ўзидан кейинги муаллифларга таъсири.

Яхши адабиётнинг янада шахсийроқ бўлган мезонлари мавжуд.

1. Барча ёшли китобхонлар томонидан тўғри қабул қилиниши. Болалар албатта бу гуруҳга кирмайди.

2. Ҳар сафар қайта ўқилганда асарнинг янги қирралари очилиб боради.

3. Ёзилган давридан узоқлашгани сари қадрлироқ бўлиб боради.

Агар биз умуман санъат ҳақида гапирадиган бўлсак, яъни классик ёки ноклассик санъат ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳолда санъат асарининг қадрини аниқлашга умумий қоидалар ёрдам беради: анъана; шахсий қадрият; таъсир. Санъатда услуб асарнинг ижод жараёнида аниқланувчи тузилмаси қонуниятлари билан белгиланади. Шунингдек, эстетик қабул қилишнинг психологик, маданий-тарихий қонуниятлари билан боғлиқ.

Демак, эстетик идрокнинг сўнгги поғонаси бу эстетик баҳодир ва у ҳам ўз мезонларига эга. Мопассан қуйидагича ёзган: “Аслида томошабин бизга қуйидагича деб бақирадиган кўплаб гуруҳлардан иборат: - Мени хурсанд

қилинглари. Мени овунтиринг. Менинг ҳиссиётларимни жунбушга келтиринг. Менга орзу қилиш имконини беринг. Мени кулдиригинг. Мени сескантиринг. – Мени йиғлатинг. Мени фикрлашга мажбур қилингни. Фақат озгина танланган инсонларгина ижодкордан қуйидаги нарсаларни сўрайди: – Биз учун ҳаммадан ҳам ўзингизга хос бўлган шаклда қандайдир гўзалликни яратинг” [6].

Объектдан эстетик завқ олиш ёки олмаслик (“ёқад”–“ёқмайди”) ҳиссиётининг абсолютлаштирилиши- инсоннинг тарихдан маълум бўлган, *гўзалликни хунуқликдан* реал воқеада ва санъатда ажрата билиш, ҳодисаларда *фокуси ва кулгили* жиҳатларни аниқлай билиш қобилияти билан боғлиқдир. Санъат асарининг баҳолаш нисбати эстетик дид орқали аниқлаштирилади. Эстетик идрок катта интеллектуал куч талаб этгани ҳолда юқори гедонистик таъсирга эга ва шахс дунёқарашда катта ўрин кўрсатади. Асл санъат шахсни бошқармайди, балки уни шакллантиради.

Шиллер гўзалликни “бизнинг иккинчи яратувчимиз” деб атайди. Шу нуқтаи назардан ҳам у, “Мен шуни тўлиқ исботлашга муваффақ бўлдимки, гўзаллик ақлга ҳам, иродага ҳам ҳеч нарса бермайди, у қарор қабул қилишга аралашмайди, аммо гўзаллик инсонни ўз имкониятларини қўллашга лаёқатли қилади” [7], деган эди.

Биз ҳам ушбу тизимдаги фикрларга қўшиламиз ва шу асосда санъат асарининг барча эстетик мезонларини аниқлайдиган турли методикаларни тузиб чиқиш мумкин. Энг асосийси, ҳар бир мезонда, энг салбий ва энг ижобий меъёрларнинг “диапазони”ни аниқлаб олиш ва шу асосда санъатнинг бадиийлигини, гўзаллигини, руҳий ҳиссий жиҳатларини, бадиий ижодни, эстетик меъёрларни, шакл ва мазмунни, санъат турларидаги ўзига хосликларни, бадиий образ мезонларини, услубларни ва б.аниқлайдиган фалсафий-эстетик тестлар туркумини ишлаб чиқиш мумкин. Эстетик идрок этувчининг диди ҳар бир эстетик объектга “ёқди” ва “ёқмади” деб эстетик баҳо бериб бориши маълум, ушбу тест “нима учун ёқди ё ёқмади” ва асар ҳақиқатдан ҳам идрок этувчининг онгида санъат асари ва қадрият даражасига кўтарила олдими,- деган саволларга жавоб беради.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, санъатда меъёр, бадиий асарни яратиш жараёнидаги қонуниятлар асосида шаклланади ва у эстетик идрокнинг тарихий-маданий қонуниятлари билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда миллат ва давлатнинг энг муҳим ресурсларидан бири инсонларнинг ақлий салоҳияти ва билим даражаси ҳисобланади. Шунинг учун ақл илм олиш учун, илм эса баҳолаш учун лозим деган нақлни унутмаслигимиз жоиз. Ҳар бир манбаъни, ёки кириб келаётган маълумотни тўғри талқин ва таҳлил қила олиш,объектив баҳолай олиш, долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

#### Адабиётлар:

1. Фалсафа. Қомусий луғат. -Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. 144 б.



2. Абдулла Шер. Эстетика. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2014. 353-354 бетлар.
3. Ўша асар. 282-288
4. Маҳмудов Т. Санъат // Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 7-жилд.-Т., 2004, 501-502 б.
5. Э Умаров. Эстетика. Ўзбекистон. 1995. й.-29 б. 71б.
6. Мопассан. 1958. Т. 8. С.7-8.
7. Шиллер Фридрих. Избранное в 2-х томах. Серия: `Библиотека драматурга`. Переводы с немецкого. Комментарии с. Апт. Н. Вильмонт. Н. Славятинский. Вступительная статья Н. Славятинский. Художник О. Рамодин. Самара. Издательство `АВС`. 1997. 592 с.

## ОБЫЧАИ И ТРАДИЦИИ КАЗАХСКОГО НАРОДА: СОХРАНЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО КОДА

**Корганова С.С.**, к.ф.н., доцент,  
**Жолдыбаева М.**, магистр  
*ЮКУ им. М.Ауэзова. Шымкент, Казахстан*

### Аннотация

В условиях глобализирующегося мира вопросы сохранения генетического кода нации, этнического самосознания является актуальной. Одним из условий сохранения национальных обычаев и традиций является всестороннее изучение семейных, бытовых, хозяйственных, спортивных и др. традиций и обычаев казахов. Основной целью исследования является анализ исторических типов духовной культуры казахского народа, через призму модернизации общественного сознания в казахстанском обществе. Применяя исторический и описательный методы исследования большее внимание уделено позитивным обычаям и традициям казахского народа. Особенно акцентировано внимание на анализе казахских спортивных развлечений и игр, например, таких как: казакшакурес – борьба, бросание жамбы, стрельба из лука, перетягивание аркана, пешие соревнования; такие, которые проводятся верхом на лошади: байга, саис, кызкуу, кокпар, аударыспак. Таким образом, возрождение исторического сознания, генетического кода нации возможно, только через изучение и исследование самобытной истории и освоение фундаментальных ценностей, лежащих в основе национальной культуры. Наряду с родным языком, пробуждающим людей в духовном плане, необходимо возрождение традиций, полное восстановление исторического прошлого народа – это и есть путь формирования исторического самосознания, составляющего духовную платформу Независимого Казахстана.

Нация – это исторически сложившееся в одном регионе социально-этническое сообщество группы людей. До того как казахский народ, начиная с родоплеменного сообщества, достиг в 14 – 15 вв. ступени цельной народности, он накопил множество традиций и обычаев. В программной статье Первого

Президента РК Н.А.Назарбаева:«Взгляд в будущее: модернизация общественного сознания» подчеркнуто, что **«первое условие модернизации нового типа– это сохранение своей культуры, собственного национального кода. Без этого модернизация превратится в пустой звук».** Особое **отношение к родной земле, ее культуре, обычаям, традициям** – это важнейшая черта патриотизма. Это **основа того культурно-генетического кода**, который любую **нацию делает нацией**, а не собранием индивидов[1], -говорится в статье.Поэтому говоря об обычаях и традициях необходимо отметить, что: «есть традиции передовые, есть пережившие себя, устаревшие». Возникшие в давние времена и дошедшие до нас традиции и обычай – сокровищница национальной культуры. Традиции, прошедшие проверку временем, соответствующие менталитету народа, дошли до нас. Наша цель – донести их до следующих поколений. Великий русский критик В.Г. Белинский так писал о жизнеспособности традиций: «Традиции и обычаи прошли критику веками. Они в свое время поднимались на щит и переходили от предков к потомкам как сокровища – от рода к роду, от поколения к поколению. Они являются внешним видом народа. Без них народ – безликий образ, как каменная скульптура». Традиции и обряды связанные с мировоззрением народа и берут свое начало с древнейших веков. Многие из них имеют много общего с другими тюркоязычными народами. Национальные узоры, кухня, спортивные игры могут быть подобными и у других наций, но их отличают самобытные черты, характерные только для них. Так, конноспортивная игра «Кокпар» популярна не только у казахов, но и у киргизов, узбеков, туркмен. Также и юрты распространены у многих тюркоязычных и монголоязычных наций. При выезде на жайляу каждый аул украшал свои повозки ткаными коврами. Верблюда, шедшего впереди, накрывали красивым ковром, из длинных перьев фазана делали четырехугольную корону и надевали на голову. Такую кочевку называли «коронованной повозкой». Коронованного верблюда обычно вела самая уважаемая женщина из аула или невеста. Согласно поверью, кочевку во главе с верблюдом в короне из фазаньих перьев сглаз не возьмет, и кочевье в пути не подвергнется неприятности. Вызывает огромный интерес семейные традиции и обычаи казахов. Поскольку основой жизни считался очаг, то и обычаев, связанных с ним, множество. Например, сватовство. По обычаю, родителям девушки верного человека. Он приходит к будущим сватам на переговоры. Если другая сторона принимает предложение, то назначают время для визита сватов. Затем отец жениха в установленное время посылает сватов, которые обговаривают свадьбу: количество калыма, расходы на свадьбу, какое приданное будет у невесты, назначает время уплаты калыма и время свадьбы. После всего этого соглашения между сватами закрепляется клятвой. Для этого в чашу наливается кровь принесенной в жертву овцы, обе стороны опускают в чашу пальцы и клянутся в том, что не нарушат сватовские соглашения. После проведения этих ритуалов аксакалы читают Коран перед чашей и следуют благословение. Этот обычай у казахов называется «чаша благословения». В

честь этого благословения главный сват со стороны жигита надевает на шею «ошейник» или делает подарок под названием укутагар - «надеть перья» (нанести клеймо). Этот подарок олицетворяет то, что их невеста является девушкой. Теперь обе стороны становятся законными сватами, близкими родственниками. Для утверждения этого сватом подается куйрык-бауыр – курдючное сало вместе с печенью, сваты угощают им друг друга. Перед отъездом сватов им делают подарки и одевают кийт. После того как основная часть калыма будет уплачена, жених едет к невесте с миссией урын. К этому дню ставилась отдельная юрта совершался урын той. По традиции, казахи всегда очень почтительно, с большим уважением относились к старшим. Если за столом сидят старшие, то молодые раньше них не начнут разговаривать, не преступят к еде, не встанут из-за стола. Поговорка «остерегайся сына, говорящего в перед отца, и впереди матери выступающей дочери» говорит о том, что вопросу уважительного отношения к старшим у казахов уделялось большее внимание. «Риторические восклицания, старательно использованные народными мудрецами, в свою очередь имеют определенную дидактическую задачу, именно так восклицали аксакалы обращаясь к детям: «ребенка в детстве, жену вначале «унымай!»[2]. В юрте близкого родственника проводился традиционный вечер – уход невесты. В конце вечера снохи уводят девушку в отдельную юрту. Молодые снохи приглашают жигитов туда. Другие женщины бросают на пути жениха «бревно», перед ним натягивают «жели». Жениху нельзя их перешагивать он должен заплатить налог коде. Перед дверью «отау» он должен оплатить «открывание». Здесь жениха встречает мать невесты и заставляет его капнуть жира в огонь и предлагает напиток, называемый «ак». После этого жених оплачивает еще «открывание занавески» закрывающей кровать, «взятие за руку», «поглаживание волос», и другие действия соответствующие ритуалу сватовства. Одним из признанных методов воспитания и народной педагогики является намек: «Дочка тебе говорю, а ты, сноха слушай [3] У казахов было не принято, чтобы жена друзей своего мужа называла по имени. Снохи не должны были называть всех родственников мужа по имени. Они давали им свои прозвища. Этот обычай назывался «допрос имени». Широко известно гостеприимство казахов, можно было остановит в любом доме и везде быть уважаемым гостем. Если гость остался не довольным оказанным ему приемом, он мог обратиться в суд биев. Если гость вошел даже в дом кровного врага, то хозяин дома был ответственен за его жизнь до самого отъезда[4]. У казахов было широко развита взаимопомощь друг другу. Такая помощь имела различные названия: «жилу», «немеурин», «уме», «асар». Так сообща они могли собрать не имущему скот, провести работу по стрижке овец, оказать помощь в сборе урожая, на сенокосе, в строительстве жилища. И сегодня в аулах казахи часто провозглашают асар, чтобы помочь в строительстве односельчане[4]. Казахи, как и многие тюркоязычные народы, празднуют равноденствие дня и ночи 22 марта как великий день улуса. В этот день все желают добра друг другу и благополучия, прощают старые обиды, веселятся. Слово Наурыз в казахском

языке имеет несколько значений: 1)название Первого дня нового года, 2)название первого месяца каждого года животного цикла, 3)название праздника Нового года, 4)название угощений, приносимых в этот праздник, 5)название жанров стихов и песен. Иначе Наурыз у казахов называют "Улыстынулыкуни", что в переводе на русский означает "Великий день народа". Название праздника "Наурыз" состоит из двух древнеиранских слов "ноу" (новый) и "роуз" (день). Наурыз - это день возрождения природы, пробуждения ее ото сна. Это очень символический праздник и соответственно с Наурызом связано множество традиций и обычаев. Наурызом у казахов называется не только сам праздник, но и весь месяц март. Детей рожденных в этот месяц принято было называть именами, производными от слова "Наурыз", например мальчиков - Наурызбай или Наурызбек, а девочек - Наурыз или Наурызгуль и т.д.[5]. Традиции празднования Наурыза у казахов Южного Казахстана (ныне Туркестанская область)продолжает жить и в наши дни. Наурыз кже также называют «жыл кже», «уыз кже», который готовят из первого молока отелившийся коровы. Национальные игры. У казахов существует множество национальных игр, и развлечений. На вечере молодежи играют в «хан – визирь», «соседи», «жалтыр ушел», «мыршин» и другие увеселительные игры. Молодежь всю ночь играет в «айголек», «бросание ремня», «саккулак», «различи шепот», «тынпи», «алтыбакан» (качели)[6]. Кроме того, у казахов имеется игра «тогузкумалак», которая учит считать. Традиции празднования Наурыза вобрало в себя положительные элементыморали, выработанные религиозными представлениями.В Шымкенте были проведены открытые уроки в онлайн-режиме по тематикам «Әйел – ана, әйел – батыр!», «Қыз тағдыры – ұлт тағдыры». В этом году торжественное мероприятие, посвященное к Дню благодарности началось с возложения цветов руководителей этнокультурных объединений города к монументу «Қазақ еліне мың алғыс!»[7]. Необходимо отметить, чтоогромный интерес у молодежи вызывают спортивные развлечения и игры. Наиболее популярные из них: казакшакурес – борьба, бросание жамбы, стрельба из лука, перетягивание аркана, пешие соревнования; многие игры проводятся верхом на лошади: байга, саис, кызкуу, кокпар, аударыспак. Все эти традиции продолжают в современном казахстанском обществе.

В заключении хотелось бы отметить, что стремление Казахстана к созданию «Мәңгілік ел» в условиях духовной модернизации общественного сознания требует наряду с политическим, социально-экономическим суверенитетом, достижения духовной независимости. **«Государство и нация – не статичная конструкция, а живой развивающийся организм. Чтобы жить, нужно обладать способностью к осмысленной адаптации»**[8]. Для этого в целях обеспечения жизнедеятельности такой сложной системы как нация, необходимо сформировать (через возрождение национального мировоззрения, духовных истоков, составляющих сущность самобытной истории и культуры) присущее данному обществу историческое сознание. Необходимо возрождение традиций, полное восстановление исторического прошлого народа – это и есть

путь формирования исторического самосознания, составляющего духовную платформу Независимого Казахстана.

**Список литературы:**

1. Назарбаев Н.А. «Взгляд в будущее: модернизация общественного сознания» 12 апреля 2017 года. Акorda, 2017.
2. Диваев А.А. Сартовские пословицы. //Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области.-Ташкент, 1896.-Т.5, 262 с.
3. Калыбекова А.А. Народная мудрость казахов о воспитании.-Алматы, 2015.-512с.
4. Арынбаев Х.А. Обычаи и поверья казахов, связанные со скотоводством.-Алма-Ата, 1980.-300с.
5. Культурология: учеб. //под ред. А.С.Мамонтова. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Изд-во Юрайт, 2016.-450с.
6. Культурология: учебник /под научн. ред. Г.Д.Драча. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2014.-187с.
7. Раев Д.С. Влияние тюркской цивилизации на средневековую европейскую культуру»./Известия Казахского университета международных отношений и мировых языков имени Абылай хана, №4 (26), 2016. (с.13-21).
8. Назарбаев Н.А. «Взгляд в будущее: модернизация общественного сознания» 12 апреля 2017 года. Акorda, 2017.

**NIZOMULMULKNING «SIYOSATNOMA YOKI SIYAR UL-MULUK» ASARIDA DAVLAT BOSHQARUVI VA YETAKCHILIKKA DOIR AXLOQIY QARASHLARI**

**Kamolov D.R.**

*O'zMU Ijtimoiy fanlar fakulteti  
Etika va estetika kafedراسи magistranti*

**Annotatsiya**

*Maqolada Nizomulmulkning “Siyosatnoma” asaridagi davlat boshqaruviga oid axloqiy qarashlar, ya’ni podshoh, vazirlar va oddiy xizmatchilarga qo’yiladigan axloqiy fazilatlar hamda davlat boshqaruviga oid fikrlar haqida so’z yuritiladi.*

Axloq bilan muvofiqlashgan boshqaruv o’z muddaosida jamiyatni ixtiloflardan, favqulodda hodisalardan, beqarorlikdan, turg’unlikdan saqlaydi. Shundan kelib chiqqan holda, davlat yoxud boshqaruvchi o’z faoliyatini milliy qadriyatlar negizida axloqqa bog’lashi jamiyatning istiqbol imkoniyatlarini kengaytirishga olib keladi. Zero, axloq bo’lmagan joyda boshqaruvning maqsad va mohiyati buziladi. Demokratik jarayonlarda boshqaruv va axloq muvozanatini ta’minlash muammosi, avvalo davlat boshqaruv mexanizmlarining nechog’li darajada milliy qadriyatlar asosida manfaatlarga mos tarzda shakllantirilishiga bog’liq bo’ladi. Ya’ni, boshqaruv



mexanizmlari xalqning siyosiy jarayonlarga va hokimiyat boshqaruvida ishtirokini ta'minlash darajasi bilan belgilanadi. Bunda fuqarolarning o'z manfaatlariga erishishlarining real imkoniyatlari shakllantiriladi. Ular o'z salohiyatlari darajasida siyosiy jarayonlarda ishtirok etish vakolatlarini qo'lga kiritadilar. Aynan shu omil boshqaruvni axloqqa nisbatan muvofiqlashtirilishiga olib keladi. Bu borada dunyo mutafakkirlari asrlar davomida axloq, siyosat, hokimiyat va zo'ravonlik muammolariga nisbatan umuminsoniy, diniy, ilmiy–nazariy qarashlarni shakllantirib kelganlar. Arastuning “Insonning farovonlik bilan bog'liq bo'lgan intilishi davlatning maqsadi bo'lsa, unda axloq va siyosat ham uyg'undir”, deydi. Demak, u boshqaruv siyosati va axloqni yagona fan sifatida shakllanishini nazarda tutadi. Ularni o'rganish va ijtimoiy turmushimizga singdirib borish jamiyat ma'naviy hayotini yuksaltirishga xizmat qiladi.

Boshqaruv va axloq munosabatlari doimo muhim ahamiyat kasb etib kelgan. Bu masala Sharq mutafakkirlarining ham diqqat markazida bo'lgan. Ulardan biri Nizomulmulk (1017, Tus - 1092, Nahovand) — Saljuqiylar davlati arbobi Abu Ali al-Hasan ibn Ali ibn Ishoq at-Tusiy. Nizomulmulk 1091-yili «Siyosatnoma» («Siyar ul-muluk») asarini yozadi. Ushbu asarda adolat, insof, to'g'rilik va halollik kabi axloqiy kategoriyalarga urg'u berib, siyosat hodisasini real hayot bilan bog'lab talqin etgan. Har qanday davlatning gullab yashnashi uchun uni xalqning farovonligi haqida qayg'uradigan halol va adolatli hukmdor boshqarishi kerak. Xususan asarda quyidagi fikr keltiriladi: «Демак, давлат аҳволи шундай экан, давлату дониш ва эзгу расму одат ёруғ шамъга ўхшайди. Ва одамлар шу ёруғликда йўлларини топиб, қоронғуликдан чиқадилар»[1]. Nizomulmulk o'z asarida sultonga juda ko'p talablarni qo'yadi, undagi barcha fazilatlar – bu davlatni mukammallik cho'qqisiga olib chiqadigan zinapoyalardir. Buning uchun Nizomulmulkning so'zlariga ko'ra, sulton imonli bo'lishi, ya'ni u Xudodan qo'rqishi kerak, chunki u hayoti davomida qilgan har bir ishi uchun javob berishi kerak. Uning davlatida sodir bo'ladigan har bir narsaga adolatli va ehtiyotkorona munosabatda bo'lishi ta'kidlanadi. «Аллоҳ таоло неъматлари қадрини подшоҳларнинг билишлари уларнинг халққа қиладиган хайру-эҳсон ва адолатларидан маълум бўлади. Агарда халқ дуолари эзгулик билан қўшилса, мулк мустаҳкам бўлиб, кун сайин кучга тўлади, шу мулк ўз давлат ва тинчлигидан баҳраманд бўлади, бу оламда яхши ном ва у дунёда раҳм-шафқат насиб қилади»[1]. Ushbu fikrlardan ko'rinib turibdiki, bosh rahbarning birinchi xususiyatlari adolat va saxovat bo'lishi lozim. U amaldorlarni axloqiy fazilatlariga qarab tanlash, adolat va insofni oyoq osti qiladigan kishilarni davlat ishlariga aralashtirmaslikni, davlatni boshqarishda kengash bilan olib borish, faoliyatlarni muntazam nazorat qilish, itoat, ijro va sifatleri to'g'risidagi qarashlari bilan ahamiyatlidir. Ayniqsa, Nizomulmulkning «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак»[1] degan fikrlari ajdodlarimizning davlat qurilishining adolatli tartibotlariga katta e'tibor berganligidan dalolatdir. Asarning uchinchi faslida podshoh haftada ikki kun zulm ko'rganlarni qabul qilishi, odil va yaxshi xulqli bo'lishi haqidagi fikrlari ham bugungi dolzarb mavzuga aylanganligini guvohimiz.

«Ардашер (Бобакон) айтадики, ҳар бир султон агарда ўз хос мулозимларини сулҳ ва мурасага келтираолмаса, билсинки, у ўзига фақат ситам келтиради ва ҳалол мол ҳам ололмайди». Albatta, boshqaruvchi o'z xizmatidagilarni murosasozlik bilan ushlab turishi ham hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biridir.

Podshoh donishmandlarga va zohidlarga hurmat bilan qaraydi va ularning maslahatiga amal qiladi, o'z xalqining muammolari bilan qiziqishi, mag'rur va o'zini o'zi haq tutmaslik, balki muhim ishlarida maslahatlashish, qabul qilingan barcha qarorlarni jiddiy va ehtiyotkorlik bilan qabul qiladi. Xususan, «... зоҳиду дарвишларни эъозлаш ва иззатда тутиш подшоҳ учун вожиб-шартдир.... Сафён Сурий айтадики, энг яхши султон дин аҳли билан ўтириб турувчидир, уламоларнинг энг ёмони султон билан ўтириб турувчисидир».

Shuningdek, asarda shoh, sulton farmonlari barchaga taalluqlidir, uni hatto hukmdorga yaqin odamlar ham buzishi mumkin emasligi ta'kidlanadi. Shuning uchun ham Nizomulmulk qonun va siyosat oldida hammani teng deb qaragan. "Siyosatnoma" asarida davlat boshqaruvi haqida keng fikr yuritilgan, undagi rivoyatlar, hikoyatlar, aforizmlar Nizomulmulkning jamiyat va davlatni boshqarish, falsafa, axloq masalalariga oid javoblardir. Asarda jamiyat va davlatni boshqarish masalalari falsafiy-axloqiy yondashuv orqali ochib berilgan. Nizomulmulkning siyosiy-falsafiy qarashlarida podshoh (sulton), xalq (raiyat) va shaxs (fuqaro) o'rtasidagi munosabatlarda uyg'unlikni ta'minlash asosiy o'rinda turgan.

Insonparvar podshoh davlatni uzoq boshqaradi, xalq farovonligini o'ylaydi, zo'rlik ishlatmaydi. «Kim insonparvarlikka chindan intilsa, u hech qachon yomon ishlar qilmaydi... Kim insoniylikni sevsa, undan yuqori narsa yo'q deb hisoblaydi»[2], degan g'oyani o'z davrida alloma Konfutsiy ilgari surgan edi. Bunday g'oyalarni Nizomulmulkda ham kuzatish mumkin. Demak, insonparvarlik shaxslararo munosabatlardangina iborat emas, u jamiyat va davlatni boshqarishga ham taalluqli voqelikdir. To'g'ri, ba'zan Nizomulmulk insoniylikni kichiklarning kattalarga hurmat ko'rsatishi, deb ham talqin qiladi. Keyin ushbu talqinni podshoh (sulton) va xalq (raiyat), amaldor (xizmatchi) va fuqaro (inson), davlat va shaxs munosabatlariga ko'chiradi. Qanday bo'lmasin, jamiyat va davlatni boshqarishda insoniylik, insonparvarlik tamoyillariga tayanishga da'vat - Nizomulmulk ijodidagi olijanob jihatdir.

Agar Makiavelli, hukmdor xalqni, davlatni kuch bilan, qurol ishlatib ushlab turishi zarurligini ta'kidlasa [3], Nizomulmulk siyosiy jihatdan boshqarishni yoqlaydi. Shubhasiz, Makiavelli qadimgi Rim va Gretsiya davlatlarida shakllangan idora usullarini o'rganib, ulardan zarur xulosalar chiqarib, despotiyani ilgari suradi. Hokimiyatda turli manfaatlar, intilishlar to'qnashadi, ularning barchasini qo'llab-quvvatlash podshoh (sulton)ni tilyog'lamalilik qilishga, natijada umummanfaatlarni unutishga majbur qiladi. Shu nuqtai nazardan, Makiavelli hukmdor kuch ishlatishga majbur, deb hisoblaydi. Nizomulmulk esa aksincha fikrda: «Дин улуғлари айтганларки, «Ал мулку ябқа маъал-куфри ва ло ябқа маъаз-зулми». Маъноси

шуки, «Мулк куфр ила мавжуд бўлиши мумкин, зулм билан эса барбодликка маҳкумдир».

Podshoh davlat siyosatiga doir muhim sanalgan ishlarni, shu jumladan, fuqaro ishini ham, o'z bo'ynidan butunlay soqit qilgan holda qaysidir rahbar yoki rahbariyat tizimiga ishonib topshirib qo'yishi kerakmas. Bu xususda shunday yozadi: «Подшоҳ ҳар бир шаҳарда ким ҳоким эканини, дин ишларига улар қандай муносабатда бўлаётганларини, Аллоҳ таолодан кўрқишларини, ғаразгўй эмасликларини билиши керак. Ҳокимга бу шаҳар ва ноҳиянинг тинчлиги унга топширилганлигини айтиш лозим».

Asarning asosiy g'oyasi shundan iboratki, vazir Nizomulmulk. shoh va hokimlarni adlu insofqa, sulh va muruvvatga, davlatni oqilona boshqarib, qat'iy qoida va tartib o'rnatishga, amaldorarni vijdonli, pok, halol va imonli bo'lishga, mamlakat obodonligi, uning ahli farovonligi, tinchlik va totuvligini ta'minlash uchun harakat qilishga da'vat qiladi.

Shunday qilib, davlatni boshqarish o'sha davrga nisbatan o'ziga xos funksiyalarni bajardi. «Siyosatnoma» muallifi jamiyat a'zolarini sadoqat, haqqoniyat, adolat yo'lida qoyim turmoqqa chorlaydi, aql va jasorat bilan ish tutmoq yo'llarini ko'rsatadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). – Т.: Янги аср авлоди, 2008.
2. Хусейнов А.А. Великие этики. - М.: Республика, 1995.
3. Бутов Александр Владимирович. Концепция государственного управления Н. Макиавелли // Вестник Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. — 2016. — Вып. 6 (90).

## **VIRTUAL OLAMNING INSON AXLOQIY TARBIYASIGA TA'SIRI**

**Qurbonova Feruza**  
**O'zMU IFF 1-kurs magistranti**

“Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'liga o'tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oya, innovatsiyaga tayangan odam yutadi”[1]

Shiddat bilan rivojlanib borayotgan texnologiya kundalik hayotimizning muhim qismiga aylandi. Hozirgi davrda Internet tarmog'iga ulangan kompyuter, mobil telefonlari deyarli ko'plab xonadonlarda mavjud. Bundan tashqari, bolalar internet kafelarda ham tarmoqdan foydalana oladilar. Bugungi kunda axborot texnologiyalari

jadal taraqqiy etishi va ijtimoiy-iqtisodiy hayotning barcha jabhalariga joriy etilishi sababli, kompyuter savodxonligi dolzarb masalalardan biridir. Zamonaviy bolalar kompyuter o'yinlari olami hamda ijtimoiy tarmoqlar kengayib borayotgan davrda o'sib, ulg'aymoqda. Bu quvonarli hol albatta. Biroq har narsaning me'yori bo'lmog'i zarur. Bolalar virtual olamning haqiqiy olam emasligini bilib borishlari shart. Ba'zan bolalar kattalar tomonidan nazoratsiz va ularning ruxsatisiz tarmoqqa tashrif buyurish imkoniga ega bo'lib qoladilar. Bolalar va o'smirlar Internet tarmog'ida sayr qilarkan, ularga umuman kirish mumkin bo'lmagan saytlarga duch kelishlari mumkin. Tabiiyki, bunday axborotlar qiziquvchan bola va o'smirni o'ziga ko'proq jalb etadi. Biror harakatni amalga oshirishda bolalarga qanchalik ruxsat etilmasa, ularda shunchalik yuqori darajada qiziqish uyg'onishi barchaga ma'lum. O'smirlar tarmoqdagi nosog'lom turmush tarzidan axborot beruvchi ayrim manbalarga duch kelsalar, yanada qiziqib, mazkur axborotlarga alohida e'tibor qaratishlari ehtimoldan holi emas. Shu sababdan, kattalar farzand tug'ilgan kundan boshlab ularga issiq choynak, qozonlarga yaqinlashish, pichoq, qaychi kabi o'tkir uchli narsalarga tegish mumkin emasligini onglariga singdirganlari kabi, tarmoqdagi axborotlar ham xavfli ekanligini tushuntirishlari, ularda axborotlardan to'g'ri foydalanish salohiyatlarini shakllantirishlari zarur.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning o'z ma'ruzalarida ta'lim-tarbiya masalasiga alohida to'xtalib, "Dunyo shiddat bilan o'zgarib, barqarorlik va xalqlarning mustahkam rivojlanishiga rahna soladigan turli yangi tahdid va xavflar paydo bo'layotgan bugungi kunda ma'naviyat va ma'rifatga, axloqiy tarbiya, yoshlarning bilim olish, kamolga yetishga intilishiga e'tibor qaratish har qachongidan ham muhimdir. Aynan ta'lim va ma'rifat bashariyat farovonligining asosiy omillaridan hisoblanadi, insonlarni ezgulikka da'vat etadi, sahovatli, sabr-qanoatli bo'lishga undaydi"[2] Albatta, Internet tarmog'i manbalari zamonamiz o'smirlari bilim doirasini, dunyoqarashini kengaytirishi bilan ayrim jihatlariga ko'ra ularning tarbiyasiga nafaqat salbiy, balki xavfli ta'sir ko'rsatishi ham mumkinligini unutmashimiz zarur. Yaqindagina ota-onalar bolalarning kompyuter o'yinlariga berilib, ularga bog'lanib qolishlari xavfidan cho'chib, oldini olishga harakat qilgan bo'lsalar, hozirgi vaqtda bu xavfga yana ijtimoiy tarmoqlar xavfi ham qo'shildi. Bolalar va o'smirlarning hovli va ko'chalardagi muloqotlari hozirda haqiqiy hayotdan asosan, aynan, cheti-chegarasi yo'q ijtimoiy tarmoqlarga ko'chdi. Mazkur muloqotlar bolalarga shunisi bilan ham qiziqroqki, avvalo, tarmoqda o'zlariga ko'proq «do'st» orttirish imkoni mavjud. Tarmoqda muloqot qilarkan, bolalar o'zlarini omadli bola qilib ko'rsata oladilar. O'zgalar rovida o'zlarini taqdim etib, turli yolg'on dunyolarga berilib ketadilar va bu narsa sekin astalik bilan odatga aylanib tevardagi real hayotga ko'chish xavfi ham paydo bo'ladi.

Zamonaviy pedagog va psixologlar hozirga qadar virtual muloqot bola shaxsiy shakllanishiga qanday ta'sir etishi haqida bir xulosaga kelmaganlar. Ayrimlar bu faqat salbiy xususiyatlarnigina shakllantiradi, deb bilib, bolalarning insonlararo munosabatlarida o'zlarini tutish, his-tuyg'ularini namoyon etish va mimikalariga yomon ta'sir etishini ta'kidlasalar, boshqalar virtual muloqot — zamonaviy

kommunikatsiyaning juda qulay va yengil usulidir, deb biladilar. Bolani Internetda muloqot qilishga o'rganib borishida, ularga tarmoqda umuman, o'z shaxsiy ma'lumotlari, uy telefoni raqami, manzili, shuningdek, ota-ona va yaqinlarining shaxsiy ma'lumotlarini berish mumkin emasligini tushuntirish zarur. Virtual "dostlar" i orasida yomon niyatli kimsalarga duch kelish xavfi va ular bilan haqiqiy hayotda uchrashishlari, ishonuvchan odatlariga ko'ra begonalar bilan dildan suhbatlashishlari xavfini alohida ta'kidlashlari zarur.[3]

Bunday muloqotlar ko'pincha kiberjinoyatchilar uchun juda qulay sharoit ekanligini har bir o'smir bilmog'i lozim. Ommaviy tarqatiladigan spam, iltimos bilan murojaat etiladigan SMS-xabarlar, allaqanday shubhali «Tanlov»lar haqidagi e'lonlarga ishonmaslik — umuman, kompyuterga zanjirsiz bog'lanib, butun hayot yo'lini qora dog' bilan bulg'ashiga olib kelishi mumkin bo'lgan xavfli axborotlarga aldanmaslikni onglariga singdirish zarur. Agar farzandingizga kompyuter sotib olib, undan bilimlari doirasini kengaytirish maqsadida foydalanishiga ruxsat bergan ekansiz, bu bilan o'zingizning ham oldingizga mas'uliyatli vazifalar paydo bo'lganini unutmasligingiz zarur. Kompyuter va axborot kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) taraqqiyoti davrida tug'ilib, ulg'ayayotgan bolalar AKT sohasida dolzarb bilim va malakalarni jajji kichkintoy davrilaridanoq o'zlashtirib bormoqdalar. Ayrim sohalarda hatto kattalarga qaraganda, ko'proq bilimga ega ekanliklari hech kimni taajjubga ham solmay qo'ydi. Biroq shunday bo'lsada, har qanday xavf-hatarning oldini olish maqsadida, ularga ko'z-quloq bo'lish va Internet haqiqiy hayotdan uzoq ekanligi, undagi ko'plab manbalar haqiqatga to'g'ri kelmasligini tushuntirish biz kattalarning kechiktirib bo'lmaydigan vazifamiz hisoblanadi. Xalqimizga xos, asrlar osha shakllangan ta'lim-tarbiya usullari qatorida farzandlarning kundalik hayoti, ularning nimalar bilan shug'ullanayotganliklaridan o'z vaqtida voqif bo'lib borish talabi ham mavjud. Mana shu ota-bobolarimizdan qolgan tarbiyaviy usullarni har qanday davrda ham unutmaslik hamda o'z o'rnida to'g'ri qo'llashimiz zarur. Bundan tashqari, hozirgi davrda jahonning qator davlatlarida o'z salbiy ta'sirlarini namoyon etib ulguragan Internet tarmog'idan bolalarni himoya etishga xizmat qiluvchi texnik imkoniyatlar mavjud — bu maxsus dasturlar bo'lib, ular aynan salbiy ta'sir etuvchi, axloqsizlik, yomon odatlarni targ'ib qiluvchi saytlarning ochilishiga yo'l bermaydi, ya'ni agar o'smir shunday axborotlarni hatto izlash tizimiga kiritsa, izlash natijalari samarasiz bo'ladi.

Axloqiy-tarbiyaviy nuqtai nazardan, tarmoqlar quyidagi xavfli ta'sirlarga ega hisoblanadi:

- ✓ zamonamizning salbiy ta'sirga ega yomon illatlari qatorida, Internet tarmog'iga bog'lanib qolish;
- ✓ o'qish va bilim olishga yengiltaklik bilan munosabatda bo'lish. Internetdan tayyor dars ishlanmalari, matematik masalalar yechimlarini osongina topish hisobiga dars topshiriqlarini mustaqil bajarmaslik;
- ✓ jismoniy rivojlanishiga salbiy ta'sir xavfi, ya'ni bolaning faol harakatda bo'lmay, uzoq vaqt monitor ro'parasida o'tirishiga to'g'ri kelishi va boshqalar.[4]



Xulosa o'rnida shuni aytib o'tish lozimki, virtual olamning inson axloqiy tarbiyasiga ta'sirini to'g'ri anglash uchun farzandlarimiz va o'zimizdagi kompyuter savodxonligimizni muntazam rivojlantirib borishimiz, shuningdek, o'z bilimlarimizni farzandalarimiz bilan o'rtoqlashimiz maqsadga muvofiqdir. Shu nuqtai nazardan bizda mavjud Internet xavfsizligi borasidagi bilim va malakalarimiz turli xavfning oldini olishga bog'liq ekanligini unutmasligimiz va yuqorida sanab o'tilgan xavflarning oldini olish maqsadida quyidagi tavsiyalarga e'tibor qaratishimiz zarur:

- ✓ tarmoqdan foydalanmoqchi bo'lganida uni nazoratdan chetda qoldirmang;
- ✓ farzandingiz ongiga yuqoriga sanab o'tilgan xavfli jihatlardan himoyalani odatlarini singdirib boring;
- ✓ farzandingizning tarmoqqa birinchi qadamlaridanoq, Internetda faqatgina «yaxshi» emas, balki «yomon» axborotlarni ham uchratishi mumkinligini tushuntiring;
- ✓ farzandingizga tarmoqqa kirishda ro'yxatdan o'tish qoidalarini, ya'ni shaxsiy ma'lumotlarni berish mumkin emasligini tushuntiring;
- ✓ Internetdan biror manbani saqlab olishda e'tibor qaratish zarur bo'lgan qoidalarini tushuntiring;
- ✓ farzandingizga tarmoqda ham haqiqiy hayotdagi kabi tartib-intizom qoidalarini unutmaslik zarurligini ta'kidlang;
- ✓ farzandingizning Internetdan foydalanishida «ota-ona nazorati» dasturlaridan foydalaning va cheklovlarni o'rnatib;
- ✓ har kuni farzandingiz muloqotlarini kuzatib borishni o'zingizga odat qiling;[5]

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Sh.M.Mirziyoyev 2017-yil Oliy Majlisga murojatnomasi.
2. Sh.M.Mirziyoyev "Islom hamkorlik tashkiloti Tashqi ishlar vazirligi kengashining 43-sessiyasidagi nutqi". Xalq so'zi 2016-yil 19-oktabr.
3. X.Ibragimov, Sh.Abdullayeva Pedagogika nazariyasi Toshkent-2008
4. www.ziyouz.com kutubxonasi.
5. www.arxiv.uz

### **МУХАББАТ – АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ СИФАТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Қодирова Ҳилола**  
ЎзМУ, Этика ва эстетика йўналиши  
2-босқич магистранти

**Аннотация.** Муҳаббат - бу ижтимоийликнинг суперморал ва ўзини ўзи таъминлайдиган асосидир. Ўзининг руҳий кучи билан у жамиятда шаклланган барча ахлоқ ва ахлоқий муносабатларни ичкаридан, шахсий ҳис-туйғу билан қамраб олади ва сингиб кетади. Муҳаббат - бу инсонни эмпирик ёвузлик билан курашида илҳомлантирадиган ва ижтимоий-тарихий жараёнга унинг семантик

йўналишини берадиган ижтимоий идеалдир. Шу сабабли ҳам муҳаббатнинг ахлоқий тарбия сифатидаги ўрни ва аҳамияти ўрганиш долзарб бўлиб бормоқда.

**Аннотация.** Любовь - это надморальная и самодостаточная основа общества. Своей духовной силой он охватывает и впитывает все моральные и этические отношения, сложившиеся в обществе изнутри, с личным чувством. Любовь - это общественный идеал, который вдохновляет человека на борьбу с эмпирическим злом и задает смысловое направление социально-историческому процессу. По этой причине изучение роли и важности любви как нравственного воспитания становится все более важным.

Инсон ҳаётининг асоси ва ғояси сифатида муҳаббат, маълумки, христианлик томонидан кашф этилган, унинг ахлоқий капитали асосан замонавий цивилизация томонидан қадрсизланган, истеъмолчиларга йўналтирилган ва индивидуалистик йўналтирилган. Замонавий дунёвий жамиятда севги адолат тамойилига қурбон қилинади, бу унинг тарафдорлари фикрига кўра, шахс эркинлигини ҳимоя қилишга қодир ягона нарсадир. Албатта, бундай раҳмдил муҳаббат рад этилмайди, лекин унга воситавий маъно берилади. У жамият ҳаётида фойдали функцияни бажариши мумкин деб ишонилади. Масалан, раҳмдил муҳаббатга суяниб, уйсизларга, камбағалларга, ногиронларга ва ҳоказоларга ёрдам бериш мумкин, аммо ижтимоий тартибни сақлаб қолиш ва ижтимоий ҳақиқатни яхшилаш мумкин эмас. Муҳаббат инсон ҳаётининг асоси ва ғояси сифатида сиз билганингиздек, ахлоқий капитали бўлган насронийлик томонидан кашф этилган. Замонавий, истеъмолчиларга йўналтирилган ва индивидуалистик йўналтирилган цивилизация томонидан асосан қадрсизланди. Замонавий дунёвий жамиятда севги адолат тамойилига қурбон қилинади, бу унинг тарафдорлари фикрига кўра, шахс эркинлигини ҳимоя қилишга қодир ягона нарсадир. Албатта, бундай раҳмдил муҳаббат рад этилмайди, лекин унга воситавий маъно берилади. У жамият ҳаётида фойдали функцияни бажариши мумкин деб ишонилади. Масалан, раҳмдил муҳаббатга суяниб, сиз уйсизларга, камбағалларга, ногиронларга ва бошқаларга ёрдам беришингиз мумкин, аммо сиз ижтимоий тартибни сақлаб, ижтимоий ҳақиқатни яхшилаш олмайсиз.

"Муҳаббат" тоифасини ахлоқий аҳамияти ва ижтимоий-фалсафий мақомидан маҳрум қилувчи назариётчилар томонидан илгари сурилган барча далилларнинг асослари дуалистик услубий парадигмага асосланиб, унинг маконида маънавий принципга ўрин йўқ[1].

Ушбу принципни рад этиш хушxabарга бўлган муҳаббат ғоясини бузади, уни инсон руҳини тўсиб қўядиган психологизм доираси билан чеклайди. Муҳаббат инсонни ахлоқан тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради.

Ахлоқий тарбия- „Ахлоқ“, „хулқ“ ва „атвор“ сўзлари арабча сўз бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида қўлланилади. Айрим одамлар „Ахлоқ — кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ меъёрлари мажмуи“ дейишса, бошқалар эса „Ахлоқ—ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ҳамма соҳаларда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш функциясини

бажаради“, дейишади. Ахлоқ меъёрлари хулқ-атворнинг регулятори сифатида одат меъёрларига зид хатти-ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қаралади. Шуниси ҳам борки, ҳуқуқ мажбурий бўлса, ахлоқ ихтиёрийдир. Ахлоқий тарбия одамларни номусли виждонли, адолатли, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлишга ўргатади. Ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади. Халқ таълими тизимида ўқитиш тарбияланувчиларнинг ахлоқий мукаммаллашиши билан боғлиқ бўлади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади.

Ахлоқий тарбия-Ақлий тарбия. Ақлий тарбияни шакллантиришда фақат тушунча ва фактлардан фойдаланишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун фикрлаш, исботлаш, хулоса чиқариш, умумлаштириш, тизимлаштириш, таққослаш, асосий маълумотни ажратиб олиш каби жараёнларни ҳам фаол қўллаш лозим бўлади. Ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш ўқувчиларга мустақил билим олишда энг муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. Ақлий тарбия ўқувчиларда ақлий меҳнатни тўғри ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш, ўзўзини назорат қилиш малакасининг ҳосил бўлишига кўмаклашади. Ақлий тарбия ўқувчиларда дидактикани жамлаб олиш хусусияти, хотирани мустаҳкамлаш, фикрлаш операцияларини рационал ўтказиш каби малакаларни ўстиради.

Ақлий тарбияси етук, ўткир зеҳнли, зукко ва заковатли инсонларни халқимиз донишманд кишилар деб атайдилар. Донишмандлик —бу донолик. Донолик —бу инсоннинг энг буюк ва олийжаноб фазилатидир. Донолик ноёб неъматдирки, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун бўлса керак, халқ донолигида „Ақл тожи олтиндан, олтин ҳар кимда ҳам бўлмас“, дейилади.

Дарҳақиқат, Муҳаббат ақлий ва ҳиссий бошланишга хосдир. Бироқ, у ҳолда, ижтимоий шакллантирувчи рационал тамойил ўз-ўзидан жонсиз, ҳақиқий ҳаракатга қодир эмас эди[2]. Ҳеч қандай тақлиф қилинадиган оқилона ишлаб чиқилган ижтимоий мақсад, ҳатто у бирдамликни сақлаш, инсоният жамиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ғамхўрликни акс этгирса ҳам, ўзи томонидан тан олинishi ва қабул қилиниши мумкин эмас. Ҳақиқат шундаки, одам ҳар доим бошқаларга, тўғридан-тўғри қарама-қарши бўлганларга қарши оқилона асосланган далилларга қарши туриши ёки шунчаки ақлга зид равишда ўзбошимчалик билан иш тутишдан ва иш тутишдан бош тортиши мумкин. Баъзи оқилона ғоялар, агар улар одамни ичкаридан, қалбидан ушлаб олсалар, унда ғайратни уйғотсаларгина, бошқалар устидан ғалаба қозонади. Бу интеллектуал идрок этилган ахлоқий ғояларни аниқ ва қулай ҳолга келтирадиган ақлнинг ахлоқий аҳамиятини умуман камайтирмайди. Бироқ, ақл нуктаи назаридан ифодаланган яланғоч вазифа уни жозибатор қиладиган куч билан бирлаштирилиши керак. Бу куч ҳаётнинг пойдеворида қайтиб борадиган маънавий муҳаббатдир.

Инсон ажралмас мавжудотдир ва унинг ахлоқий қоидани шакллантирадиган онги ташқи нарса эмас, ҳиссиётга механик равишда боғланган. Бу ҳиссиётдаги жонли ва иссиқ ҳолатида ўзини намоён қиладиган бир

хил бошланғич ижодий энергиянинг кристалланиш натижаларидан бошқа нарса эмас.

Муҳаббат ахлоқий тарбия сифатида қуйидаги уч унсурни ўз ичига олади. Никоҳ, оила ва фарзанд тарбияси.

Никоҳ – икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ. Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Никоҳнинг 3 жиҳати мавжуд: диний, ҳуқуқий ва ахлоқий. Никоҳ луғатда “Қўшилиш”, “Яқинлик” маъноларини англатади. Шариатда эса, никоҳ, “Эр кишининг никоҳида шаръан монъелик бўлмаган аёл кишидан ҳузур олишини ҳалол қилишдир”. Ушбу таърифдаги

“Никоҳида шаръан монъелик бўлмаган деганидан шариат никоҳини ҳаром қилган аёлни никоҳлаб бўлмаслиги чиқади. Юқоридаги таъриф Ҳанафий мазҳаби таърифидир. Шариат никоҳини ҳаром қилган аёллар: бутпараст аёл, маҳрам-яқин қариндош аёллардир. Энди мавзуга Қуръони Каримдан бир қанча далиллар келтирамиз. Нисо сурасининг 3-оятда: "Бас ўзингиз хуш кўрган аёллардан икки, уч, тўртини никоҳлаб олинг. Агар адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, битгани" деган. Аллоҳ ушбу оятда мўъмин бандаларга пок йўл билан никоҳда бўлишни амр этмақда. Ушбу оят никоҳга бўлган кучли тарғибдир. “Ўзингиздан оиласизларни, қўл ва чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг, агар фақир бўлсалар Аллоҳ ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ кенг ва билимдон зотдир”. (Шўро сўраси 32-оят).

Никоҳ – эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқли, эркин ва ихтиёрий иттифоқи бўлиб, у фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида тузилади ва оила тузиш мақсадига ҳизмат қилади. Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Табиат-жамият-инсон ўртасидаги муносабатларини бошқаришнинг демократик характери ва инсонпарварлик тамойилларга мослиги умуминсоний экологик ахлоқий, ҳуқуқий кадриятлар даражасида намоён бўлади. Айниқса, экологик фаолиятни бошқаришнинг халқ томонидан назорат қилиш имконияти, унинг демократик характери билан белгиловчи муҳим мезон ҳисобланади. Бунда жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий институтлари, хусусан Ўзбекистон давлати, унинг

50дан ортиқ экологик қонунлари, экология соҳасидаги 200 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари унинг ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий кафолати бўлиши керак. Давлатнинг экологик функцияси табиат-жамият-инсон ўртасидаги муносабатларини бошқаришнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ахлоқий мезонларини жамият усткурма элементлари орқали тартибга солишдан иборат бўлиб, экологик фаолиятни бошқариш институционал тизими самарадорлиги маънавий-ахлоқий мезонларга кўра қандай ташкиллашганлигига боғлиқдир. Чунки, экологик фаолиятнинг ахлоқий мезонлари, ҳуқуқий норма ва талаблари аниқ белгиланмаса, экологик ва ахлоқий муҳитни ташкил этувчи тизимнинг мутаносиблиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Муносиб экологик ахлоқий муҳит бу жамиятнинг ҳар бир аъзосини ахлоқий фазилатлари ва кайфияти табиий бойликларда оқилона фойдаланишга, табиий бойликларни муҳофаза қилишга, экологик ҳавфсизликни таъминлашга ижобий таъсир этадиган, табиий бойликлар ер, тўпроқ, атмосфера ҳавоси, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини қадрлаш, эъзозлашга таъсир этадиган, инсон шахсини камол топтиришга имкон берадиган экологик омиллар мажмуасидир. Муайян даврда шаклланган экологик ахлоқий муҳитда табиат-жамият-инсон ўртасидаги ўзаро алоқадор муносабатлар ва муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади:

**биринчидан**, ҳар қандай жамиятда табиат-жамият-инсон муносабатларини, айниқса экологик ва ахлоқий муҳит муносабатларини бошқариш ўзаро алоқадор муносабатлар тизимли жараён бўлиб, ижтимоий, иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, руҳий компонентларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш мақсади доирасида ўзаро функционал боғланишларини тақозо қилади; **иккинчидан**, экологик ва ахлоқий муҳитнинг инсон, табиат, жамиятнинг ўзаро алоқадор муносабатларини бошқариш сиёсати ахлоқий нормаларга асосланиши, унинг халқ ҳокимиятчилигига оид характерини, инсонпарварлик моҳиятини намоён қилади ва барқарор экологик тараққиётнинг кучли, муҳим омилига айлантиради; **учунчидан**, табиат-жамият-инсон ўртасидаги экологик ва ахлоқий муносабатларини бошқаришнинг умумий мақсади доирасида: экологик ва ахлоқий нормалар, сиёсий-ҳуқуқий нормалар, миллий кадриятларнинг ўзаро уйғунлашуви, экология соҳасидаги бошқарувнинг самарадорлигини таъминлайди; **тўртинчидан**, экологик ва ахлоқий муҳит муносабатларининг глобаллашуви, унинг барқарор тараққиёти истиқболини белгилайдиган умуминсоний универсал экологик ва ахлоқий нормаларини, норматив баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш муаммоларини ҳал қилишни заруриятга айлантиради; **бешинчидан**, табиат-жамият-инсон муносабатларини бошқаришда экологик давлат назорат, идоравий ва жамоат экологик назоратларини институционал тизимини оқилона ташкил этиш ва уларни функционал мувофиқлашувининг ахлоқий нормаларга асосланиши барқарор экологик тараққиётга, бу соҳада давлат бошқарувида коррупцияни олдини олишга хизмат қилади; **олтинчидан**, Ўзбекистон шароитада шаклланган

экологик ва ахлоқий муҳитда табиат-жамият-инсон ўртасида муносабатларни тартибга солишда экологик хавфсизлик техник регламентларини ва норматив талаблари, халқаро тажрибалар асосида ахлоқий нормаларга асосланган экологик қонунлар мажмуаси(кодекс)ни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. "Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,барқарорлик шартлари шартлари ва тарақиёт кафолатлари,1997йил, 45-48 бетлар.
2. Асосий экологик тушунчалар, интернет материаллари,2021 йил.
3. Табиий шароитларни яхшилаш, интернет материаллари,2020 йил. йил.
4. Зиёмухамедов Б. Экология ва маънавият, Т., Меҳнат нашрети, Т, 2017 йил, 25-47 бетлар.
5. Нематов А.Н. "Экология, Т., Чўлпон, 2006 йил, 67-78 бетлар.
6. Мамашокиров С. Экологик таълим тарбиянинг методологик масалалари, Т.,Нур нашрети, 1993 йил,45-50 бетлар
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Экологик таълим концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, 2019 йил.

## ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА МЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН Фойдаланишнинг Ижобий ва салбий таъсирлари

**Нағашбоев Қ.**  
**ЎЗМУ, Ижтимоий фанлар факультети**  
**2-курс магистранти**

Хитойнинг Ухан провинциясида 2019- йил сўнгида илк бор пайдо бўлган "Коронавирус" пандемияси ўтган йиллар мобайнида дунёнинг деярли барча мамлакатини қамраб олди.Жаҳон бўйича 2019-йил охиридан то ҳозирги кунгача инсонларнинг жуда ҳам катта қисми мазкур вирусни юқтириб олганлиги ҳаммага маълум."CoVid-19" инфекцияси билан касалланганларнинг кўпчилиги бутунлай тузалишди ва ҳозир ҳам уларнинг баъзилари ўз соғлиқларини тиклашга эришмоқдалар.Аmmo ачинарли томони, бу вирус сабаб вафот этаётганлар озчиликни ташкил этса ҳам, афсуски мавжуд.Бунга сабаб эса,шифокорларнинг мазкур вирусга олдин ҳеч қачон дуч келишмаганлиги ва бунинг оқибатида,инфекциянинг энди-энди пайдо бўлган даврида унга қарши қандай қилиб самарали курашиш мумкинлигини дастлаб билишмас эди.Ҳозирги пайтда кўпгина ривожланган давлатлар қатъий тартиб-интизом,шахсий гигиенага мунтазам риоя қилиш эвазига таҳликали вазиятни анчагина юмшатишга эришишди.CoVid-19 дастлаб пайдо бўлган даврда, инфекция билан касалланганларнинг сони тез ошиб кетганлиги ва шифохонага беморларнинг

ҳаммаси сиғмаслиги боис, кўпгина давлатларда, айниқса, Европанинг бир қатор мамлакатларида баъзи CoVid-19 вирусини юқтирган беморлар шифокор назоратисиз қолишди. Лекин кўп вақт ўтмай давлатлар кўплаб шифохоналарни жуда оз вақт ичида қуриб, вирусни юқтирган беморларни шифохона ҳудудига жойлаштиришга эришишди. Пандемия сабаб юзага келган муммоларни ҳал қилиш учун 2019-йил сўнгги давридан то ҳозирги кунгача Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, дунёдаги ҳар бир давлат томонидан катта-катта ислохотлар амалга оширилди. Масалан, Соғлиқни сақлаш ходимлари, шифокорлар, ҳарбийлар, хавфсизликни таъминловчи ходимлар жонкуярлик кўрсатиб, ўз жонларини хатарга қўйиб бўлса ҳам инфекция билан касалланганларни шифохонага олиб келиб, яқиндан ёрдам беришди.

Шу билан биргаликда, дунёнинг бадавлат кишилари, машъур санъат одамлари ўзларининг ҳисобидан жуда катта-катта маблағларни мазкур инфекция келтирган зарарларни қоплаш учун ҳамда вирусга қарши вакцина яратиш учун сарфлашди. Бунга мисол тариқасида, Бил Гейтс, Жек Ма, Алишер Усмоновларни мисол келтиришимиз мумкин. Ажратилган маблағлар шифохоналар қурилишига ишлатилди. Хитойлик қурувчилар 1та бутун бошли шифохонани “1 ҳафта” гина ичида қуришга эришишди. Шундай қилишмаса ҳам бўлмас эди. Сабаби кун сайин касаллар сони куртак ёзиб бораётган эди. Маблағлар Шифохона қурилишидан ташқари, юқорида айтиб ўтганимдек, CoVid-19 вирусига қарши вакцина яратиш учун сарфланди.

Пандемия даврида деярли ҳар бир давлатда карантин белгиланган эди ва ҳозир ҳам баъзи чекловлар айрим давлатларда сақланиб келинмоқда. Мисол тариқасида Буюк Британия, Словения каби давлатларни олишимиз мумкин. Буюк Британияда CoVid-19 инфекцияси мутацияга учраб, “Британча штамп” ни юзага келтирди. Бунинг аввалгисидан фарқи, янада тез ва осон тарзда инсонлардан инсонларга тарқалишидадир. Словения аҳолиси 2 миллионгани ташкил этиб, шундан 200 мингтаси CoVid-19 вирусига чалинган бўлиб, куни кеча 14-март куни Словенияда вирус илк бор тарқалганлигига 1 йил тўлганлиги муносабати билан мазкур инфекция сабаб вафот этган қурбонларни хотирлаш маросими ўтказилди. Шунга ўхшаш воқеа, Россия ҳудудида ҳам ўтказилди. Яъни, қиш тугаб баҳор келаётганлиги муносабати билан ўтказиладиган байрамда баланд “сомондан қилинган” минорани “CoVid-19” деб тасаввур қилиб, минорани олов билан ёқиб оз вақт ичида қулга айлантиришди. Бу билан улар Россияда ҳали ҳам мавжуд вируснинг тезроқ йўқ бўлиб кетишини истаётганлигини тасвирлашди. Карантин пайтида кўплаб инсонлар қийинчиликка дуч келишди. Раҳбарият хавфсизликни таъминлаш мақсадида инсонларни ўз уйларида бўлишларини сўрашди, фақатгина зарур ҳоллардагина, яъни озиқ-овқат, дори-дармон учунгина уйдан чиқишларига рухсат берилди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга мухтож оилаларга озиқ-овқат ва бошқа керакли нарсалар етказиб берилди. Уйни бесабаб тарк этган инсонлар жаримага тортилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Вируснинг кўпайиб кетишини олдини олиш учун ҳам инсонлар карантин қоидаларига риоя қилган



холда ўз уйларида қолишди. Коронавирус инфекцияси жадал тарқалаётган бир пайтда, ҳали Ўзбекистонга кириб келмаган даврда Самарқанд худудидида бир фуқаро ҳақида “дезинформация” – ёлғон ахборот тарқалган эди. Яъни, Самарқанд вилоятида бир инсон Коронавирустан вафот этди, - деган хабар тарқалган эди. Ички ишлар ходимлари зудлик билан тезкор қидирувни бошлашди ва вафот этди,-дея айтилаётган инсон, аслида тирик эканлиги ва ҳеч қандай вирусга чалинмаганлиги аниқланди. Мазкур воқеада, бошқа бир инсон тўғрисида дезинформация тарқатган инсонлар тегишли жиноий жавобгарликка тортилган эди. Агар Ички ишлар ходимларининг фаоллиги билан вазият ойдинлаштирилмаганда эди,мазкур хабар сабаб аҳоли ўртасида саросима,таҳликани юзага келтириши мумкин эди.Бу ёлғон хабар медиа воситаларидан тўғри фойдаланмаслик натижасида салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Бу хабарни тарқатган инсонни тарбиясига унинг ота-онаси яхши эътибор бермаганлиги унинг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлди. Шу ўринда ”Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил – қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим.Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: ”Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши,бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб. Ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”[1.136]. Бундан ташқари Президентимизнинг қуйидаги фикрлари ҳам қанчалик тўғрилигига гувоҳ бўлишимиз мумкин:“Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар. Жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларин ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюлмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”[2, 125-126 ] .

Медиа воситаларининг инсонларга нафақат салбий жиҳатдан, шу билан биргаликда ижобий жиҳатдан ҳам таъсир этади. Мисол учун, карантин вақтида ўқувчилар, талабалар учун онлайн таълим жорий этилди. Ота-оналар ўз

ишларини “дистанционний” –масофадан туриб, яъни уйда ўтирган ҳолда иш фаолиятини амалга оширишди. Бундан ташқари кўпчилик оилалар озиқ-овқатларни тегишли элтиш хизмати билан шуғулланувчи фирма, ташкилотларга онлайн тарзда хабар бериб уйларига олиб келтира бошлашди. Солиқлар учун тўловларни уйда ўтириб медиа воситалари – телефон ёки ноутбукдан фойдаланган ҳолда амалга ошира бошлашди. Ўқувчилар, талабалар ўз устозлари томонидан жойлаштирилган дарс мавзусига доир видеодарсларни уйда ўтирган ҳолда, ўз телефон ёки компьютерларидан фойдаланган ҳолда томоша қилиб, билимлар ола бошлашди. Шунга тааллуқли Мухтарам Президентимизнинг бир фикрлари бор: ”Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини кенг ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш,барқарор тараққиётга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур. Айни вақтда ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади,деб ўйлайман. Албатта, компьютер, планшет - яхши. Невараларимиз, болаларимизга одамнинг одамнинг ҳаваси келади. Бу нарсалар – замон талаби ҳозир. Лекин маданият ёшлиқдан, инсонни болалар боғчасида, мактабда китоб ўқишга ўргатишдан бошланади ”[3.86 ]

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдурауф Фитрат “Нажот йўли (Раҳбари нажот)” –Тошкент: 2001, zyouz.com kutubxonasi -146 б.
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз”. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018й. – 592 б.–Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.2016-йил 7-декабрь.
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз”. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018й. – 592 б.-Тадбиркорлик ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маъруза.2016-йил 19-октябрь.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН ЭСТЕТИКАСИ

Нышанбаева Надира Бахытбай кызы  
ЎЗМУ, Этика-эстетика йуналишини 2-курс магистранти

Миллий ва замонавий санъатимиздан олинадиган эстетик завк, албатта инсонларнинг калбини рухлантириши билан бир қаторда, унинг эстетик дидини ривожлантира олиши ҳам турларида мавжуд. Ҳозирги даврдаги тезкор ривожланиш натижасида барча санъат турларида янгиликларни кашф этиш, янги санъат турларини яратиш ва уларни чуқур ўрганиб, замонавий тарзда эстетизациялаш зарурлиги айни пайтда уз тасдигини топмоқда.

Ўрта Осиё моддий маданияти тахлили, тизимлаш бўйича шу худуднинг эволюцияси дунё цивилизациясининг муҳим маркази контекстида академик Пугаченкованинг архив, лойихавий – реставрацион материаллари, назарий малумотлари ва жамоат фаолиятини комплекс услубий ўрганиш назарда тутилган. Комплекс ва меъморчилик ёдгорликларини ўрганишда м уаммо ва омилларни коплаш ҳамда ёритишга асосланган. Дизайн - санъат, ишлаб чиқариш каби улкан соҳалар билан чегарадош, уларнинг синтезидан яралган гибрид соҳа сифатида янги, истиқболли йўналиш ҳисобланади.[1] Дизайн 152 халқ хўжалиги тармоқларининг барча жабҳаларида иштирок этиб, унинг бош мезонларидан бирига айланиб бормоқда. Шундай экан, дизайн ҳам соҳа сифатида тизимланиши, туркумланиши, илмий асосланиб, бозор муносабатлари талабларига мосланиб бориши лозим. Дизайнинг техникавийлик, илмийлик ва бадийлик билан чамбарчас боғлиқлиги, унинг бугунги кундаги ривожланиши жараёнида янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Таниқли француз ёзувчиси Г.Флобер «Санъат қанча чуқурлашса, у илмийлашаверади, фан эса бадийлашиб боради, улар кейинчалик ўз маконларидан узоқлашиб бир-биридан ажрашади ва қачондир энг юқорида, юксакликда яна бирлашадилар» деган эди.

Демак, дизайн маҳсули фақат техник фикрлаш жараёнида юзага келмасдан, балким унга илмий ва бадий жиҳатдан ижодий ёндашилгандагина юқори сифат даражасига кўтарилиши мумкин экан. Бизнингча, бугунги Ўзбекистон дизайнининг актуал масалаларига:- замонавий ишлаб чиқаришда бадий маданиятнинг янада чуқурроқ синтези;- дизайнинг илмий-таҳлилий ва дизайн таълими масалалари кабилар қиради. Ҳозирги жадал суръатлар билан ривожланаётган жамиятда дизайнерларга бўлган талаб ошса ошиб бормоқдаки, камайган эмас. Аслида, буюмларнинг ниҳоят даражада кўпайиб кетганлиги, ҳатто бир хил функцияни бажарадиган буюм, жиҳозларнинг турли-туманлиги уларга иш қолдирмагандай туюлса-да, бу буюмларнинг эстетик кўриниши бугунги кунда маданияти, билими чуқурлашиб бораётган истеъмолчи дидига, эстетик талабларига жавоб бермай қолмоқда.[2] Чунки буюмларнинг ички техник, функционал эскиришига қараганда ташқи эстетик эскириши тез кечади. Шунинг учун ҳам уларни замонавийлаштириш, модернизациялаш, мутлақо янги

функцияга эга бўлган предметлар яратиш замон талабига айланмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, эндигина ривожланиш йўлига тушиб олаётган бўлишига қарамасдан, дизайнер, архитектор, конструктор, модельер каби бир қатор яратувчанлик, ижод билан шуғулланувчи кадрларни тайёрлаш, улар малакасини ошириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бундай мутахассисларни тайёрлашнинг долзарблигини халқ хўжалигининг турли соҳаларида улар иштирокида ечимини кутаётган, кенг доирадаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-эстетик муаммолар ҳам кўрсатиб турибди. Булар асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, кийим-кечак, станоклар, идиш-тавоқ, жиҳозларнинг юзлаб турлари, тезкорлик билан ривожланаётган сервис хизмати, савдо индустрияси, уларнинг рекламаси билан шуғулланувчи саноат графикаси ва шу каби юзлаб бошқа дизайнерлик объектларининг бир стил, ягона стандартга эга эмаслиги, дизайнер, конструкторлар ақл-заковати билан қайта ишлаш, такомиллаштириш, унификациялаштиришга муҳтож эканлигидир.[3] Бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган бугунги кунда дизайн ўзига хос янги талабларни кўймоқда, натижада замондошларимиз фикрлаши, эстетик тафаккури, диди масалаларида дунёвий аҳамият касб этмоқда. Бу эса маданий интеграцияланиш жараёнини юзага келтириб чиқаради, ҳамда турли амалий алоқаларнинг оммавий тус олишини, маданий тараққиёт ва инсоний тафаккурни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради. Ўзбекистон меъморчилиги теран илдизларга эга. Бугунги кунда замонавий миллий меъморчилигимизнинг шаклланиши, айниқса мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин тез суръатлар билан ривожланишида, албатта ана шу тарихий меъморчилик анъаналарининг давом эттирилиши, шарқона шаклларнинг замонавий услуб ва йўналишларда, янги мазмунда жаранглашида узлуксиз давом этиб келаётган жараённинг ўрни бекиёс. Меъморчиликда шаклланган тажриба ва анъаналар бисёр. Дизайндачи? Индустрия, саноат ишлаб чиқариши билан қоришиб кетган бу санъат ҳам аслида ўзининг чуқур илдизларига эга десак, хато қилмаган бўламиз. Бугун бизни ўраб турган буюмлар оламининг нисбатан кам қисмини ташкил этувчи халқимизнинг амалий ва амалий безак санъати намуналари, ҳамда миллий меъморчилигимизни жозибадор қилиб турган текис, ёинки ҳажмий безаклари аслида дизайннинг асосларини белгилаб беради. Шу ўринда дизайн тарихига қисқача назар ташласак. Инсон фаолияти учун керак бўладиган предметларни қадимда ҳунармандлар якка тартибда ёки уюшган ҳолда майда цехларда ясаган бўлсалар, кейинчалик техника тараққий этиб, саноат ривожлана бошлагач, корхоналарда кўп миқдорда ишлаб чиқарилган. Буюмлар, асбоб-ускуналар даставвал асосан лойиҳасиз тайёрланган бўлса, саноат миқёсида эса яратилажак буюмни лойиҳа, эскизсиз, маҳсус тасвирларсиз тайёрлаш қийин бўлган. Сабаби биринчидан, буюмлар мураккаб кўринишга эга бўла бошлаган бўлса, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёни тезлашган.

Мамлакатимизда дизайннинг ривожини жадал суръатлар билан кечаётгандек туюлади кишига. Аммо бу суръат четдан кириб келаётган ва ўзимизда қўшма ёки

хусусий корхоналарда тайёрланаётган янги материаллар, янги технологиялар, дизайн ва архитектурадаги янги оқимлар, стиллар эвазига тезлашмоқда, десак тўғрироқ бўларди.[4] Шаҳарларимиз қиёфаси мустақиллигимиз шарофати билан гўзаллашиб бормоқда. Ўзбекистон дизайни дунёвий дизайн тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ҳозирда лойиҳа маданияти мазмуний шаклланиш, илмий-назарий, ижодий интеграцион жараёни бошдан кечирмоқда. Бинобарин, унинг ҳозирги ҳолатини мукамаллаштириш ва соҳанинг келажак ривожини таъминлаш учун дизайн мутахассислари тайёрлаётган олий ва ўрта махсус ўқув юртли педагог кадрлари ва таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, давлат тилида ўқув адабиётлари яратиш, бошқа тилларда мавжуд адабиётлардан таржима қилиш, интернет материалларидан ўқув мақсадларида самарали фойдаланиш каби масалалар устида ишлашни тақоза этади. Тамаддун тараққиёти, айниқса компьютер технологиялари, у билан боғлиқ ахборот коммуникацион алоқаларининг кейинги вақтдаги тез суратлар билан ривожини дунёнинг барча халқларини хоҳласак-хоҳламасак у билан ҳамнафас бўлишга чорлайверади.

Ҳозир Ўзбекистон дизайн соҳасида ривожланиш даврида эмас, тўғрироғи шаклланиш даврида, десак тўғри бўлади. Бу ибора дизайн соҳасида кадрлар тайёрлаш борасига ҳам тегишли. Чунки мустақилликка эришилгандан кейинги таълим ва бошқа соҳалардаги ислохотлар кадрлар тайёрлашга бўлган эътиборнинг янада кучайишига, маориф ва таълим тизимининг сифат жиҳатдан ўзгаришига, миллий меъморчилик ва ҳунармандчилигимиз, қолаверса дизайн соҳасининг ҳам ривожланишига асос бўлмоқда. Дизайнерлар ҳам архитекторлар каби яратилажак объектнинг, хоҳ у текис, ясси ёки ҳажмий бўлсин, нафақат форма ва ранг жиҳатдан кўркемлиги, чиройлилигига, балки ҳар томонлама қулайлиги, мукамаллигига, шу билан биргаликда муҳит билан ҳам узвийлигига, ва албатта замонавийлигига асосий эътиборни қаратишади. Бугунги кун дизайнерларидан нафақат яхши расм чизиш, балки, муҳандислик, социология, психология ва физиология, менежмент ва маркетинг асосларидан керакли билимларга эга бўлиш; маданият тарихи ва миллий қадриятларимиз билимдони бўлиш, янги материаллар ва конструкциялар, илғор технологиялар ва тараққий этган мамлакатлар дизайни янгиликларидан ўз вақтида хабардор бўлиб туриш ҳам талаб этилади.

#### Адабиётлар:

1. Залесов А.С. Фактическое состояние и перспективные направления развития нормативные базы железобетона.
2. А.С.Залесов, С.А.Зенин // Промышленное и гражданское строительство, №1, Ташкент: «ПГС», 2013.– 8-10 с.
3. Убайдуллоева Н.М. Проектирование современных сборно-монолитных железобетонных конструкций зданий и сооружений. Н.М.Убайдуллоева// Журнал республики Узбекистан - Архитектура ва строительство Узбекистана, №02-03(2014). Ташкент, 46-50 с. Библогр.: с. 50.



4. Убайдуллоева Н.М. Актуальные вопросы теории и методов расчета быстровозводимых сборно-монолитных железобетонных конструкций при действии поперечных сил Н.М. Убайдуллоева// Международный симпозиум "Earth safe consturctions with lightweight stell structures", Ташкент 27 ноябрь 2015, Тошкент, 29 б.

5. Joint ACI-ASCE. Committee 445 Recent Approaches to Shear Design of Structural Concrete (ACI 445R-99) / American Concrete Institute – Farmington Hills MI, 2019 - pp 55.

## ВИРТУАЛ ОЛАМНИНГ ЭСТЕТИК МАНЗАРАСИ

**Ражабов Шухратжон Шералиевич**

*ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факултети*

*Этика ва эстетика кафедраси докторанти*

**Аннотация:** Инсоният пайдо бўлибдики, изланишда. Эҳтиёжига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган нарсани ё тасодифан ёки ўйланиб-изланиб яратиб боради. Унинг ўз меҳнатини енгиллаштириш, одамларга наф келтириш мақсадида яратган нарсалари ҳам гоҳида ёмонлик йўлида ишлатилиши мумкин. Ҳозирда ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб келган мобил қурилмалар ва Интернет тармоғининг афзалликларини санасак бармоғимиз етмайди. Бироқ уларнинг чексиз имкониятлари салбий оқибатлар ҳам келтириб чиқармоқдаки, бу ушбу мавзунини шрганишнинг долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

**Аннотация:** Человечество появилось в поисках. В зависимости от своих потребностей он создает то, что считает необходимым, случайно или мысленно. То, что он создал, чтобы облегчить свой труд, принести пользу людям, также может иногда использоваться во зло. Трудно перечислить преимущества мобильных устройств и Интернета, которые сейчас проникают во все сферы жизни. Однако их безграничные возможности имеют и отрицательные последствия, что говорит о важности изучения этой темы.

**Annotation:** Humanity has appeared in search. Depending on his needs, he creates what he considers necessary, by chance or mentally. What he created to facilitate his work, to benefit people, can also sometimes be used for evil. It is difficult to list the benefits of mobile devices and the Internet that are now permeating all walks of life. However, their limitless possibilities also have negative consequences, which speaks of the importance of studying this topic.

"Ниятига яраша амали" деган нақл бор. Оддий пичоқ ошпаз қўлида ширин овқатлар тайёрлашга ишлатилса, бадният кишининг қўлида совуқ қуролга айланади.

Виртуал олам - бу компьютер технологиясига асосланган дастурлаш орқали қурилган сунъий равишда яратилган дунё.

Виртуал олам ҳақиқати тушунчаси 80-йилларда фан ва маданиятда кенг қабул қилинди. XX аср компьютер графикаси ёрдамида яратилган ва субъект психикасида тўлиқ амалга оширилган, маълум бир тарзда компьютер билан боғланган ва шу муҳитга сингиб кетган, унда фаол ҳаракат қиладиган маълум бир муҳитни, вақт-маконнинг доимий давомийлигини белгилаш учун қўлланила бошлади. Кўришиб турибдики, "виртуал ҳақиқат" эстетик тажриба доирасидан ташқарига чиқиб, компьютер тармоғидаги манипуляция билан боғлиқ ҳар қандай инсон фаолиятига айлана бошлади. Шунга қарамай, виртуаллик замонавий санъат ва эстетик маданият соҳасига фаол равишда кириб келмоқда ва "виртуал ҳақиқат" тушунчаси эстетик назарияда тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Бугунги кунда биз уни классик бўлмаган паракатегиялар қаторига қўшишимиз мумкин, аммо яқин келажакда у анъанавий бўлмаган тоифаларни алмаштириб, классик бўлмаганидан кейинги эстетиканинг категорик аппаратида таниқли жойлардан бирини эгаллаши мумкинлиги аниқ.

Виртуал олам бадиий ҳодиса сифатида бу компьютернинг электрон воситалари ёрдамида яратилган ва идрок этувчи психикада тўлиқ амалга оширилган (шу муҳитда тенг даражада фаол) сезгир (визуал-аудио-хопик) сезиладиган муҳитнинг ўзига хос мураккаб тизимидир. Субъект ҳақиқатга имкон қадар яқин бўлган (идрок даражасида) сунъий равишда моделлаштирилган динамик узлуксизлик, бу компьютер тармоғи санъати доирасида ва шу пайтгача (ҳозиргача фақат пайдо бўлган) пайдо бўлади [1].

Виртуал оламнинг моҳияти шундан иборатки, махсус жиҳозланган стулда ўтирган қабул қилувчи уни компьютерга улайдиган сенсорлар тизими ёрдамида ўзининг электрон дубли тасвирига кибермаконга кириб бориши ва унда ўзининг қиёфасини шакллантириш, бошланғич созламалари компьютер дастури томонидан тақдим этиладиган бадиий-ўйин вазиятларида фаол иштирок этиш, уларни сизнинг ихтиёрингиз билан ўзгартириш, дастурнинг иккала виртуал, ҳаёлий персонажлари ёки ўзингизнинг ихтироингиз билан (электрон моделлаштириш) ва бошқа қабул қилувчи иштирокчилар билан, у каби дунёнинг исталган бурчагида компьютер орқали ушбу маконга кирган ва шу билан бирга, унинг ҳаракатлари ва ҳиссиётларига тўлиқ мос келадиган ҳислар мажмуасини бошдан кечирган бадиий шериклар ва ҳақиқий ҳаётини вазиятдаги одамга айланадилар.

Классик санъатдан фарқли ўлароқ, виртуал санъат оламлари идеал равишда ҳаёт қиёфасига эмас, балки уни эркин моделлаштиришга йўналтирилган бўлиб, ўзини ҳаёт деб даъво қилишади шунинг асносида мураккаб чизиқли бўлмаган психотехноген, одам - компьютер – тармоқ, макон-вақт доимийлик тизимда ўзларини шакллантиришади. Аслида, бу мумкин бўлган инсон ҳаётининг чексиз тўплами, ташқи таъсирларга жавоб беришнинг барча ҳиссиётлари ва усулларидан чекланган ҳолда фаол фойдаланади, дастурчилар - тармоқ рассомлари (келажак рассомлари, келажак муҳандислари) ва қабул қилувчи иштирокчининг ўзи томонидан тенг асосда аниқ санъат қонунларига биноан яратилган ҳақиқий ҳаётни виртуал билан тўлиқ электрон

алмаштирадилар. Қабул қилувчининг "жонларнинг трансмиграцияси" ва ҳеч кимга (бошқа одамга, тарихий ёки мифологик характерга, ҳайвонга, ҳаёлий жонзотга, бегона одамга ва бошқаларга) реэнкарнацияси учун чексиз имкониятлар мавжуд. Бироқ, бундай "реэнкарнация" учун энг муҳим шарт - қабул қилувчининг ва унинг ҳақиқий Менининг доимий сақланиб қолиши, ҳақиқий Мен ва виртуал ўртасидаги масофани сезиш бўлиши керак. Фақатгина бу ҳолатда виртуал ҳақиқат санъат ҳодисаси мақомини талаб қилиши ва эстетик тажриба актида иштирок этиши мумкин.

Замонавий илмий-фантастика адабиёти ва кино аллақачон виртуал ҳақиқатдаги инсон ҳаракатларининг кўплаб мумкин бўлган моделларини, қоида тариқасида, фантастика сифатида берганлиги, уларда ҳақиқий ва виртуал ўртасидаги чегара оламлар ўчирилади ёки ушбу белгилар қаторини сақлаб қолиш билан эстетик мақсадлар учун эмас, балки виртуал маконга ташриф буюради. Ҳеч бўлмаганда ака-ука Ваховскийларнинг "Матрица" фильмини эслайлик (1999), унда фантазматик виртуал ҳақиқатни ташкил қилишнинг мумкин бўлган вариантларидан бири берилган, бу аслида одамни замонавий киёфасида, эркин ҳаракат қилувчи ижодий шахсни йўқ қилиб, уни қудратли электрон "худо" - Матрица томонидан космик даражадаги суперкомпьютер томонидан бошқариладиган виртуал кўғирчоқ даражасига ўтказиш. Шу пайтгача бадий кино воситалари томонидан яратилган виртуал ҳақиқатнинг ушбу апокалиптик версияси, аммо компьютер технологияларидан фаол фойдаланиш билан биз санъат ҳодисаси сифатида виртуал ҳақиқат деганимиздан йироқ эканлиги аниқ. Бугун, шунингдек, инсон ақли техноген жинни бутилкадан чиқариб юбормаслигига ва виртуал ҳақиқат фақат инсоннинг эстетик эҳтиёжларини қондирадиган, унга тўлиқ бўйсунадиган, унга эмас, балки бадий ҳақиқат сифатида мавжуд бўлишига умид қилмоқда. Виртуалликни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига қараганда, виртуал ҳақиқатда йигирманчи аср эстетикасида кўтарилган идеалларни бироз кутилмаган тарзда амалга ошириш мумкин деб тахмин қилиш мумкин. Бадий идрок мавзусининг якуний фаоллашуви, унинг асар яратиш ва ривожлантиришда иштирок этиш (воқеалар билан уятсиз бошланган) санъатнинг ҳаёт билан тўлиқ бирлашиши, ҳаётни (виртуал) санъат қонунларига мувофиқ ташкил этиш, ҳаттоки ўзига хос квазитургурия ва ўзига хос "электрон концентрация" юзага келтиришларни қамраб олоғи лозим.

Эстетик тажрибани виртуал ҳақиқатга ўтказишга тайёргарлик босқичма-босқич ва ғайритабiiй равишда XX аср давомида амалга оширилди. Ҳам илмий-техник фаолият соҳаларида, ҳам утилитар кундалик ҳаёт нуқтаи назаридан, санъатда ва бутун маданий ва цивилизация соҳасида. Буларнинг барчаси компьютер ишга тушишидан анча олдин бошланган эди, аммо компьютер даври бу жараёни қайтариб бўлмайдиган қилиб қўйди. Оддий одам ҳаётига компьютерни, Интернетни, рақамли технологияларни энг ёшлигидан бошлаб кенг татбиқ этиш, инсоннинг бутун ақлий ва психологик тузилишини сезиларли даражада ўзгартиради, уни анъанавий маданий ва цивилизация тажрибасидан

қайта йўналтиради. Тарихнинг яқин даврида инсон муомала қилган ҳамма нарсадан йироқ, тубдан фарқ қилади. Ушбу омил ҳали ҳам кам тушунилган, аммо бу муҳим антропологик муаммони ташкил қилади.

Виртуал олам фойдаланувчиларнинг кўнгил очишларига мўлжалланган бўлиб, уларнинг ҳозирги шаклида асосан интерактив виртуал 3Д муҳити билан синоним бўлиб, асосан онлайн мультиплаер ўйинлари шаклида намоиш этилади, шунингдек фойдаланувчилар ўз номларини ишлатиш орқали ўзларини ифода этадиган алоҳида веб-сайтлар, тахаллус, фотосурат ёки аватар - унинг графиги ёки матнли (виртуал оламнинг бошқа фойдаланувчилари учун кўринадиган) вакили [2]. Аватарлар одатда икки ёки уч ўлчовли графикалар ёрдамида матнда тасвирланган ёки шакллантирилган бошқа шакллар ҳам бўлиши мумкин[3], масалан, тегиниш ва товуш ҳиссиётларини, шунингдек ҳидларни узатишга қодир бўлганлар. Кўпгина виртуал ўйинлар кўп иштирокчили[4], аммо виртуал оламларни ўз ичига олган ва ўйинчи бўлмаган, белгилар яшайдиган битта ўйинчидан иборат ўйинлари мавжуд. Фойдаланувчи компьютернинг симуляция қилинган дунёсига кириш ҳуқуқини олади, у ердан фойдаланувчига сезги стимуллари юқади ва у ўз навбатида симуляция қилинган дунё элементларини бошқариши ва шу билан маълум даражада унинг догмасига киришни бошидан кечириши мумкин[5]. Бундай тақдид оламлари ва уларнинг қонунлари ҳақиқатдан ёки ҳаёлий оламлардан олиниши мумкин. Қонунларга мисол қилиб тортишиш кучи, топография, ҳаракатланиш, реал вақтда ҳаракат ва алоқа киради. Фойдаланувчилар ўртасидаги алоқа матн, график пиктограмма, визуал имо-ишоралар, товуш ва камдан-кам ҳолатларда, сенсорли ва овозли буйруқлар ёрдамида шакллардан иборат бўлиши мумкин.

Оммавий мультиплаер онлайн ўйинлар турли хил оламларни намоиш этади, шу жумладан илмий фантастика, ҳақиқий дунё, супер қаҳрамонлар, спорт, даҳшат ва тарихий воқеаларга асосланган. Бундай ўйинларнинг энг кенг тарқалган шакли ҳаёлот оламлари бўлса, ҳақиқий дунёга асосланган ўйинлар нисбатан кам учрайди [6]. Виртуал оламнинг аксарияти реал вақтда ҳаракат ва алоқани ўз ичига олади. Актёрлар бинолар, шаҳарлар ва дунёлар ўртасида иш ёки завқ олиш учун саёҳат қиладиган белги яратадилар. Актёрлар ўртасидаги алоқа матнли ва овозли бўлиши мумкин. Амалдаги алоқа шакли ўйинчиларнинг ўйин тажрибасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин [7].

Виртуал олам ўйинлар билан чекланиб қолмай, тақдиротнинг долзарблиги даражасига қараб, компьютер конференциялари ва матнли суҳбатларни ўз ичига олиши мумкин. Суҳбатдошларнинг ҳис-туйғуларини ёки юз ифодаларини кўрсатиш учун кўпинча рамзларнинг комбинацияси бўлган эмоционал белгилар қўлланилади. Иқтисодчи Эдвард Кастронова "Синтетик оламлар" бундай кибермаконлар учун энг яхши атама эканлигини таъкидлади, аммо бу ҳеч қачон қўлланилмаган.

Виртуал оламнинг янги эстетик ҳолатларида хаоснинг йўқлиги, постмодерн ўйинни хаос билан алмаштирган идеал тартибли изаланиш билан ажралиб туради. Аммо постмодернизмнинг ўйноқи ва психиделлик

йўналишлари нафақат йўқолмайди, балки "янги таначилик" туфайли кучаяди: эстетик идрокнинг замонавий ўзгаришлари (кўзойнақлар, кўлқоплар, датчиклар, вибрацияли массажчилар ва бошқалар) баданга тўғри алоқаси бўлмаган, асосан, уни маълум бир компьютер танаси (скафандр) томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ.

Виртуал оламнинг функциялари кўнгил очиш билан чекланиб қолмайди шунингдек виртуал бизнес оламлари тобора оммалашиб бормоқда. Бу уч ўлчовли майдонга асосланган платформалар бўлиб, уларнинг фойдаланувчилари янада самарали бизнес учун онлайн офис яратмоқчи бўлган компаниялар ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. В.В.Бычков, Н.Б.Маньковская. Виртуальная реальность как феномен современного искусства. Москва. 1994 й. 33-34 б
2. Cook, A.D. (2009). Исследование проявлений и значимости социального присутствия в многопользовательской виртуальной среде. Доступно онлайн
3. Biocca & Levy, 1995, p. 40-44.
4. Bell, M. W. (2008). Toward a Definition of «Virtual Worlds». Journal of Virtual Worlds Research, 1(1), 1-5.
5. Singhal, Sandeep; Zyda, Michael (1999). *Networked Virtual Environments: Design and Implementation*. ACM Press/Addison-Wesley Publishing Co.

## ЭСТЕТИКА АЛЬ-ФАРАБИ В КОНТЕКСТЕ ОБНОВЛЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА

**Рахимшикова М.К.**, кандидат философских наук, доцент  
ЮКУ имени М. Ауэзова, Шымкент, Казахстан

**Шалдарбекова А.Б.**, кандидат философских наук, старший  
преподаватель ЮКУ имени М. Ауэзова, Шымкент, Казахстан

**Хавазметова Д.А.** магистр гуманитарных дисциплин,  
Шымкентский университет, Шымкент, Казахстан

### Аннотация

В статье проведен историко-философский анализ эстетических воззрений Абу Насра аль-Фараби. В данном исследовании творчество аль-Фараби раскрывается в новом измерении.

Центральной проблемой философии аль-Фараби является человек. Философско-эстетическое осмысление человека, его места и роли в жизни – характерная особенность творчества «Второго Учителя». Примечательно, что великий мыслитель продолжает традиции восточной философии. Следует заметить, что его глубоко волновал нравственный облик человека. Достижение счастья и добродетельности, долг и совесть человека, назначение, смысл и цель



человеческого бытия – составляют сердцевину этики и эстетики Абу Насра аль-Фараби.

На наш взгляд, в центре духовных исканий аль-Фараби находилось радикальное изменение человека и общества. Он хотел изменить общество в наилучшую сторону. Таким образом, долг человека заключается в его благих намерениях, поступках.

В статье представлен анализ философских воззрений аль-Фараби в контексте формирования обновленного просвещенного общества. Определена историческая значимость духовного наследия прошлого для современности и исследовано духовно-нравственное становление человека. На основе компаративистского анализа философского наследия аль-Фараби выявлена сущность его философского наследия в процессе формирования гармонично развитого человека.

«Человечество сегодня заинтересовано сохранить человеческое в человеке, восстановить его высокое нравственное предназначение, которое возможно через обращение к великому опыту, нажитому людьми ушедших поколений»[2]. Данное утверждение соответствует действительности, так как современная социальная динамика общества способствует формированию духовных и нравственных качеств современного человека на основе национальных особенностей. Однако сейчас усиливается тенденция принятия образцов и норм западного образа жизни и стиля мышления. Данный процесс влияет на национальную культуру отрицательно. Игнорирование данного обстоятельства способствует нравственному упадку, культивированию в социуме прагматических ценностей. Кроме того, данная тенденция неизбежно приведет к обесцениванию не только духовных ценностей, но и изменению самых важных жизненных ориентиров. В этой связи, перспективы общества и всего человечества напрямую зависят от того, как мы будем планировать дальнейшее развитие – на основе нравственного обогащения, толерантности, взаимного уважения, взаимопонимания и другие.

В силу этих обстоятельств нам необходимо проводить политику внедрения идеи созидания нравственных устоев в сознание каждого гражданина страны, так как духовность и нравственность представляют собой качественный уровень состояния общества. Кроме того, обращение к духовным истокам, где привилегированное место занимает духовные ценности, является залогом успешной реализации политики «Третьей Модернизации» в Казахстане и «Третьего Ренессанса» в Узбекистане.

Удивляет нас то, что в средневековой философии занимало высочайшее место художественно-эстетическая культура. Кроме того, ряд мыслителей данной эпохи рассматривали нравственно-эстетический идеал человека углубленно и всесторонне. Это означает, что эстетика как составная часть находилась внутри философии. По этому поводу аль-Фараби пишет: «Искусство, целью которого является только достижение прекрасного, называется философией, или, в абсолютном смысле, мудростью» [1, 34]

В силу данных обстоятельств можно утверждать, что эстетическое учение Абу Насра аль-Фараби не существовало в разрозненных тезисах и случайных суждениях, а имело фундаментальную основу внутри его философии. Проблемы эстетики отражались в его работах: «Трактат о канонах искусства поэзии», «Риторика», «Об искусстве поэзии», «Указание пути к счастью», «Большой трактат о музыке», «О достижении счастья», «Взгляды жителей добродетельного города», «Афоризмы государственного деятеля» и т. другие

Вклад Абу Насра аль-Фараби в культуру и науку своего времени был необычайно велик, труды были плодотворными. Круг его интересов широк и многогранен, что вне его внимания не остались этика и эстетика, теория музыки и поэтики. Поэтому в статье проанализировали эстетические аспекты учения аль-Фараби.

Происхождение эстетики связано с понятием прекрасного. Через философское объяснение данного феномена ученый стремился донести сущность, критерии и назначение красоты. Кроме того, эстетические закономерности загадочны и совершенно не вписываются в рамки всех распространенных в настоящее время мировоззренческих систем.[3, 133]. Мы прекрасно осознаем, что источником красоты испокон веков считают объективную реальность, которая окружает нас. Вместе с тем окружающая нас природа наполнена некой пропорциональностью, которая соответствует золотой середине или же, золотым сочетанием. Другими словами, природе присуща четкая гармония. В таком понимании смысл эстетики заключается в том, что она не просто наука, которая исследует феномен «прекрасное». Это наука – одна из важнейших наук, исследующая идейные сущности и форм прекрасного в художественном творчестве, природе и жизни. Ибо красота нашего мира, так утверждает аль-Фараби, определяется Подлинной красотой, Первопричиной. Таким образом, происхождение эстетики как науки связано с феноменом «прекрасное», через которое определяется критерии красоты.

В настоящем исследовании поставлена задача – переосмыслить и обозначить эстетические аспекты учения аль-Фараби и выявить вопросы, не потерявшие своей значимости в современности.

В современности определенный интерес представляют размышления аль-Фараби об эстетическом сознании. Очевидно, что эстетическое сознание отражает окружающий мир, всю разнообразную деятельность человека и ее результаты в эмоциональных образах. Чаще всего, отражение окружающего мира в нем сопровождается с такими чувствами как возвышенное, прекрасное или же, комическое. Своеобразная отличительная черта эстетического сознания заключается в том, что она выражает эмоции и глубоко проникает во внутренний мир человека. Исходя из этого, эстетическое сознание представляется мыслителем в качестве духовного фундамента человека, в котором провозглашается диалектическая связь Истины, Добра и Красоты. Эти ключевые понятия эстетики аль-Фараби не утратили смысла и сущности. Отсюда вытекает

вывод, что в настоящее время эстетическое наследие аль-Фараби имеет жизненно-важное значение.

Никто не станет отрицать, что в средневековую эпоху существовало множество заблуждений и предрассудков. Например, негативное, отрицательное отношение мусульманского духовенства к искусству, особенно, изобразительному или музыкальному искусству. Кроме того, оно закладывало запрет на многие формы изобразительного искусства. Однако надо учесть и тот факт, что аль-Фараби как истинный ученый своего времени боролся против такого решения духовенства. В сложных политических условиях аль-Фараби теоретически объяснил общественную значимость искусства. По его мнению, всякое действие человека может одинаково служить как добру, так и злу. По размышлениям ученого, добро или зло в искусстве, зависит от предназначения данной сферы. Авторы коллективной монографии «Наследие аль-Фараби и формирование нового интегрального мировоззрения» пишут: «Почему растения способны реагировать на музыку: от классической музыки они усиленно растут и плодоносят, а от рок-музыки, наоборот, чахнут и даже погибают?» [3, 133] Действительно, эти новые факты требуют нового осмысления. Именно в вышесказанном отражается социальная функция музыки. Под воздействием музыки появляются такие чувства как радость, удовольствие, страх, печаль и другое.

Следует упоминать, что центральное место в эстетике Абу Насра аль-Фараби отводится проблеме физической и духовной красоты человека. Феномен «прекрасное» олицетворялся ученым как высшая возвышенность человека. Однако красоту человека ученый связывал, в первую очередь, с его здоровьем. Если человек здоров, то у него существует активная деятельность в труде, отдыхе и совершенствовании самого себя.

Человек по своей природе, считает ученый, предназначен для совершения добрых дел. Красоту человека ученый видит в тесной связи с нравственными и эстетическими качествами. Телесная красота действительно отражает больше всего эстетическую сущность человека. Что касается внутренней красоты, то, она отражает нравственную сущность человека. Достигнуть прекрасного нрава, по мнению аль-Фараби, можно только при помощи разума.

Источником красоты является окружающий мир в своем разнообразии. Природа – объект эстетического восхищения. Однако красота становится прекрасной тогда, когда она познается человеком. По мнению аль-Фараби, нравственные и эстетические качества человека, в первую очередь, взаимосвязаны с физиологией и психической силой человека. Моральные и эстетические качества человека приобретаются постепенно в результате поиска труда и изучения различных видов наук. Благодаря природной способности человек совершает как прекрасные, так и безобразные действия. Хотя нравственное и эстетическое воспитание человека исходят из человеческой природы, но разум играет главенствующую роль в этом процессе. Не случайно Абу Наср аль-Фараби пишет: «Человек стал человеком именно благодаря

разуму» [1,37] Эта мысль является исходной посылкой в его суждениях о духовном достоинстве человека. Здесь уделено особое внимание совершенству человеческого разума и духа.

Следует еще раз обратить внимание на то, что, по убеждению ученого, высшая степень совершенства – это Аллах. Он сам есть истина, он сам есть источник прекрасного. Абу Наср аль-Фараби создает картину мировой гармонии, в которой все существующее распределяется в иерархическом следовании по ступеням совершенства. Учение мировой гармонии раскрывается в следующих аспектах:

- во-первых, прекрасное и гармония присущи Вселенной, они существуют как в надлунном, так и в подлунном мирах. Кроме того, целесообразность мировой гармонии определяется причинно-следственными отношениями бытия, в которой верхняя ступень бытия становится причиной формирования и существования нижней ступени бытия;

- во-вторых, гармония мира в картине мирового устройства истолкована в теологической форме и обоснована учением об абсолютной красоте Аллаха.

- в-третьих, каждая ступень, исходя из своей сущности, стремится к совершенству, красоте и гармонии, составляя единую целостность мировой иерархии.

При рассмотрении данного вопроса ученый приходит к выводу, что вся Вселенная, все ступени бытия тесно взаимосвязаны, составляя целостность, гармоничность и самодостаточность. Анализируя воззрения аль-Фараби о красоте мира, необходимо отметить то, что он обосновал учение о принципах мирового порядка и его модификации – последовательность, стройность и гармоническое соединение небесных сфер.

Характерные аспекты эстетического учения аль-Фараби заключаются в следующих моментах: во-первых, эстетические воззрения тесно взаимосвязаны с исламской религией; во-вторых, в целом, его эстетическая концепция целесообразно направлена на достижение прекрасного и гармонии; в-третьих, человек – «разумное животное» рассматривается как неотъемлемая составная часть мироздания, который стремиться к красоте и гармонии.

Изучая эстетические аспекты учения аль-Фараби, необходимо подчеркнуть, что в его учении ценными являются такие категории эстетики, как мера, умеренность и середина, при соблюдении их достигаются совершенство и прекрасное. По мнению аль-Фараби, соблюдение меры при действиях, при умеренном труде и умеренной еде достигается физическая и духовная красота. В силу этих обстоятельств формируется прекрасный нрав, хорошая сила и совершенство тела. Отклонение от меры имеет отрицательный результат, именно поэтому, утверждает мыслитель, человек должен знать середину и меру во всем – в еде, употреблении спиртных напитков, труде, поступках, стремлении к красоте, эстетических наслаждениях и общении.

Взяв за основу основные критерии прекрасного – умеренность, меру и гармонию, аль-Фараби пишет: «Плохой нрав душевный недуг. Для устранения

болезни души нам следует подражать примеру врача в устранении болезни тела. Затем мы рассматриваем присущий нам плохой нрав, возникает ли он со стороны избытка или недостатка. И так же как врач, если телу присуща очень высокая или очень низкая температура, доводит её до умеренной температуры в соответствии с мерой, определенной в искусстве врачевания, точно так же, когда нам присущи избыток или недостаток в нравах, то мы доводим их до умеренного состояния в соответствии с мерой» [1, 21]

Совершенство и прекрасный нрав человека совпадают с его эстетическим вкусом, из которого исходят его поступки и действия. Кроме того, нормы, правила и законы общества, несомненно, влияют на нравственный облик человека.

Абу Наср аль-Фараби уделяет внимание такой категории эстетики как высокомерие. Именно избыток в общении и нарушение умеренности во взаимоотношениях приводит человека к высокомерию. Высокомерие является одним из пороков общества.

Помимо этого, наслаждения, которые сопровождаются чувственным восприятием – слуха, зрения, вкуса, обаяния и осязания, занимают особое место в формировании эстетического вкуса и эстетической культуры. По мнению восточного мыслителя, наслаждение и чувственное удовольствие являются целью и совершенством жизни, например, от питания зависит наша жизнь, или от размножения зависит человеческий род и т.д. Эстетическое наслаждение необходимо для человечества, но умеренность и мера в нем должны соблюдаться. Человек обязан или уменьшить эти удовольствия до определенной степени, или же отказаться от них. Именно это, по мнению аль-Фараби, является похвальным или прекрасным нравом. Хороший нрав сначала приносит человеку страдание, но через какое-то время приносит человеку удовольствия и эстетическое наслаждение, считает аль-Фараби. Именно благодаря таким свойствам человек приобретает добродетельность, великодушие, блаженство и достигает совершенства.

Человек создан для благородных намерений, он сам выбирает путь к постижению добра и прекрасного, или же зла и безобразного. Второй путь выбирают звероподобные люди, – считает аль-Фараби, – у которых здравомыслие отклонено, инстинкты занимают первое место.

Действительно, достижение прекрасного нрава и добродетельности сложный процесс, который связан, в первую очередь, с природной способностью человека к благородным поступкам.

Кроме того, аль-Фараби придает особый смысл эстетическому идеалу. Идеал в понимании ученого – это образцовый пример, в котором отражается прекрасное и возвышенное, который совершенствуется по нормативам нравственности. Идеал является примером для всех - для общества и людей. Но идеал бывает не только эстетическим. Еще существует нравственный идеал. Нравственный идеал определяется по нормативам морали. Однако эстетический идеал оценивается и определяется эстетическими ценностями. Эстетический



идеал общества, предложенный со стороны аль-Фараби, занимал особое место в средневековье, но эта теория весьма важна на современном этапе. Еще одним необходимым компонентом идеального общества является усовершенствование законодательной системы, ибо достижение прекрасного образа жизни зависит от этой системы.

Существенной чертой эстетики аль-Фараби является обостренный интерес ученого к духовным и эстетическим ценностям. Его социальная концепция опирается на историческую практику человечества и постоянно стремится к совершенству, реализовывая теоретический принцип справедливости и морально-эстетические ценности, направленные к новым стремлениям. Эти стремления целиком относятся к этике, социологии и эстетике. Фактически невозможно понять философские, нравственные и эстетические идеи тех или иных народов без обращения к «внутреннему опыту».

Философы восточного перипатетизма и, в том числе аль-Фараби обосновали идею добродетельности и человеколюбия как основной принцип построения добродетельного города. Аль-Фараби и Ибн Сина, обращаясь к данной проблеме города, рассматривали добродетельный город в тесной связи с человеческой деятельностью. Аль-Фараби пытался сформировать идею гармонии мира и человека, в том числе, гармоничного развития добродетельного города.

Исследуя взаимосвязь нравственного, интеллектуального и эстетического в философии аль-Фараби в контексте парадигмы современного общества, можно прийти к заключению:

Во-первых, основным критерием формирования добродетельного человека является нравственность и интеллект. Единство и согласованность данных концептов способствуют духовному развитию человека;

Во-вторых, аль-Фараби создал собственное уникальное учение, способное одухотворить человека в поисках достижения счастья и обосновал такие базовые духовные ценности человеческой культуры как добро, нравственная и духовная красота, человеколюбие и другие;

В-третьих, человек и мир рассматривается со стороны аль-Фараби как единое целое, происходящее от Творца. В его мировой конструкции, человек рассматривается в качестве разумного животного, который определяет свою судьбу, и является творцом своего счастья, так как ему предоставлена возможность выбрать собственный путь сообразно добродетелям;

В-четвертых, в научном творчестве отражено единство истины, добра и красоты, которые, по сути, являются божественным творением, к которым стремится человек. Итак, следуя определенным жизненным устремлениям, человек достигает духовное и нравственное совершенство.

### Литература:

1. Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. – Алма-Ата: Наука, 1973. – С.457 с.

2. Нурбосынова Л.С. Человек и общество: дилемма современного развития // [http:// www.intelros.ru](http://www.intelros.ru)

3. Наследие аль-Фараби и формирование интегрального мировоззрения. Коллективная монография / Под общ. ред. З.К.Шаукеновой. – Алматы: ИФПР КН МОН РК, 2012. -323 с.

## **GENDER YONDASHUV: NOGIRON AYOLLAR VA ERKAKLAR UCHUN IJTIMOYIY ISH**

**Raximova M.D.**  
**O'zMU magistranti**

Bugungi kunda butun dunyoda nogironligi bor shaxslarni huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilishga katta e'tibor qaratilmoqda. Chunki yer yuzi aholisining 15%ini nogironlar tashkil qiladi. O'z navbatida nogironligi bor shaxslarni huquq va manfaatlarini himoya qilish jarayonlarida bevosita gender tenglikni ta'minlash bilan bog'liq.

Hozirgi kunda nogironlikka turli xil ta'riflar mavjud. Masalan, Birlashgan Millatlar Tashkilotining Nogironlar huquqlari to'g'risidagi konvensiyada quyidagi ta'rif berilgan: “nogironlik-bir rivojlanayotgan tushuncha va nogironlik boshqalar bilan birga jamiyat hayotida ularning to'liq va samarali ishtirok to'sqinlik sog'liqni saqlash buzilishi va tegishli va o'rta to'siqlarni ega va o'rtasida sodir bo'lgan o'zaro natijasidir.”[1]. O'zbekiston Respublikasining Nogironligi bor shaxslar huquqlari to'g'risidagi qonunda esa “Jismoniy yoki aqliy nuqsonlari borligi tufayli turmush faoliyati cheklanganligi munosabati bilan ijtimoiy yordam va himoyaga muhtoj bo'lgan shaxs nogiron hisoblanadi.

Shaxsning turmush faoliyati cheklanganligi uning o'z-o'ziga xizmat qilish, yurish, yo'lni topa olish, muloqot qilish, o'z xatti-harakatini nazorat etish, shuningdek mehnat faoliyati bilan shug'ullanish qobiliyati yoki imkoniyatini to'la yoxud qisman yo'qotganligida ifodalanadi.

Shaxsni nogiron deb topish tibbiy-mehnat ekspert komissiyasi (TMEK) tomonidan O'zbekiston Respublikasining Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan tartibda amalga oshiriladi.” deb ta'rif berilgan.[2]

Dunyo rivojining hozirgi davrida inson taraqqiyoti, uning huquq va erkinliklari, ijtimoiy adolat va inson xavfsizligini ta'minlash borasidagi jarayonlar uchun ayollar va erkaklarning jamiyat hayotining barcha jabhalaridagi tengligini amalda ta'minlash masalalari ustuvor vazifalarning biriga aylanmoqda.[3]

Gender – inglizcha “gender” – “zot” so'zidan olingan bo'lib, jins tushunchasini fiziologik voqelik ustqurmasi bo'lgan ijtimoiy qurilma sifatida belgilaydi. 1 Jins erkaklar va ayollar o'rtasidagi universal biologik farq bo'lib, anatomik va fiziologik mohiyatni, ya'ni individning biologik jinsga – erkak yoki ayol jinsiga mansubligini aniqlash uchun asos bo'ladigan biologik belgilar birligidir. Erkaklar va ayollar o'rtasidagi jiddiy bo'lmagan farqlar ularning biologik xususiyatlariga taalluqlidir.

Biroq erkaklar va ayollar o'rtasidagi biologik farqlardan tashqari, o'z tabiatiga ko'ra biologik sabablarga asoslanuvchi ko'plab farqlar bor, ya'ni ijtimoiy rollar, faoliyat shakllarining bo'linishi, xatti-harakat va individlarning psixologik tavsiflarida ko'plab farqlar mavjud. Ta'kidlanganidek, erkaklar va ayollar o'rtasidagi biologik tabiiy farqlar bilan erkaklar va ayollar xatti-harakatini, ijtimoiy va madaniy tavsiflarini aniqroq farqlash uchun gender atamasi qabul qilingan. Gender tushunchasining kiritilishi eng umumiy ma'noda ikki tushuncha – biologik va ijtimoiy jins tushunchalarini farqlashga yordam beradi. Kundalik hayotimizda jins bilan bog'lanmagan ko'plab tushunchalar “erkaklarga xos” yoki “ayollarga xos” deb hisoblanadi. “Erkaklarga xos” yoki “ayollarga” xos tushunchalarni aniqroq farqlash uchun “feminlik” (ayollik) va “maskulinlik” (erkaklik) tushunchalari qabul qilingan. Yangi tushunchalarning kiritilishi erkaklarga xoslik va ayollarga xoslikning biologik ziddiyatini bartaraf etish va e'tiborni turli madaniyatlar shakllanishining ichki mexanizmlarini gender nuqtai nazaridan ochishga qaratish imkonini berdi. Antropologlar, psixologlar va sotsiologlar genderning biologik emas, balki ijtimoiy va madaniy jihatdan belgilanishi, madaniy va tarixiy jihatdan esa nisbiy ekanligini ta'kidlaydilar.[4]

Nogironlik jismoniy, hissiy va aqliy zaiflashuvlar ijtimoiy munosabatlarga va zarur texnologiyalar yoki xizmatlarning yetishmasligiga duch kelganda yuzaga keladi. Bir tomondan, jamiyat nogiron kishilarga jinsiy mansublikni rad etadi va bu eng oddiy misol - davlat muassasalaridagi hojatxonalaridagi belgilar (rasmga qarang). E'tibor bering, O'zbekistonda jismoniy to'siqlarning ko'pligi, maxsus jihozlangan transport vositalarining yo'qligi, binolarga kirish joylari, liftlar va jamoat joylari sababli ma'lum bir turdagi nogironligi mavjud insonlar jamoat faoliyatidan voz kechishadi.



*Jamoat hojatxonalarini belgilari: erkaklar, ayollar, nogironlar uchun*

Boshqa tomondan, gender inson nogironligi uchun eng muhim omil bo'lib xizmat qiladi, bu Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti statistikasidan quyidagi faktlardan dalolat beradi: 1) nogiron ayollar eng past turmush darajasiga ega bo'lgan ijtimoiy guruhni tashkil qiladi; 2) ayollar va nogiron bolalar ko'pincha shafqatsiz (jismoniy, jinsiy, hissiy) munosabatga duch keladilar; 3) uchinchi dunyo mamlakatlarida nogiron qizlar maktab o'quvchilari orasida juda oz ahamiyatga ega; 4) nogironlar bilan ishlaydigan mutaxassislar kam haq olishadi, shuning uchun ular orasida ayollar ustunlik qiladi; 5) feministik yo'nalishlar vakillari, shu jumladan, akademik jamoa nogironlik masalalariga qiziqmaydi va ijtimoiy siyosatda nogironlarga nisbatan gender masalalari e'tiborga olinmaydi.[5]

Gender tengligini rag'batlantirish va ayollarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish xalqaro miqyosda kelishilgan rivojlanish maqsadlariga, shu jumladan, Mingyillik rivojlanish maqsadlariga erishish uchun juda muhimdir. Ayollar va nogiron qizlar jinsiy zo'ravonlik, jinsiy zo'ravonlik, beparvolik, yomon muomala va ekspluatatsiya qilish xavfi yuqori bo'lishiga olib keladigan ikki tomonlama kamsitishlarga duch kelmoqdalar. BMTTD[6] tadqiqotiga ko'ra, nogiron ayollar o'rtasida savodxonlik darajasining jahon ko'rsatkichi faqat 1 foizni tashkil etadi. Jahon banki ma'lumotlariga ko'ra, har bir daqiqada 30 dan ortiq ayol mehnat vazifalarini bajarishda jiddiy jarohat olgan yoki nogiron bo'lib qolgan va bu 15-50 million ayol umuman e'tiborga olinmaydi.[7]

Stereotiplarga qarshilik ko'rsatadigan erkaklar hali ham ijtimoiy rollarga mos keladigan yuqori maqomga ega bo'lishlari mumkin, ko'p hollarda ayollar bunday imkoniyatlardan mahrumdirlar. Feminenlik va nogironlikning stereotip tasvirlari passivlik sifatida birlashib, bir-birini mustahkamlaydi. Nogironlarning hayotiy haqiqati bu stereotiplardan farq qiladi. Bu yerda nafaqat erkaklar va ayollarning intellektual va jismoniy xususiyatlarining farqlari, balki bu xususiyatlar ko'pincha qo'shimcha ehtiyojlar, masalan, mustaqil hayot imkoniyatlari bilan bog'liq. Nogironlikning jinsiy mansublikligi erkak va ayolga bir biridan farq qiluvchi imkoniyatlarni taqdim etadi.

Nogiron ayollar jamoat va xususiy sohalarda, masalan, etarli uy-joy, sog'liqni saqlash, ta'lim, kasbiy-texnik tayyorgarlik va ishga joylashish uchun to'siqlar kabi katta qiyinchiliklarga duch kelmoqda va ularni yopiq turdagi muassasalarga joylashtirish ehtimoli yuqori[8]. Nogiron ayollar, shuningdek, ishga joylashish, xizmat ko'rsatish, teng mehnat haqi, ta'lim olish, qayta tayyorlash, kreditlar va boshqa samarali resurslarni to'lashda tengsiz munosabatda bo'lishadi va ular kamdan-kam hollarda iqtisodiy qarorlarni qabul qilishda ishtirok etadi.[9]

Nogironligi bor bo'lgan shaxslar jamoat tashkilotlarida ishlayotgan bo'lsa-da, ko'p holatlarda nogironligi mavjud ayollar qaror qabul qilishda kamroq ishtirok etadilar, ularning hikoyalari kamdan-kam hollarda mustaqil hayot namunalarida taqdim etiladi, ular orasida kamroq tashkilot rahbarlari va nogironlar masalalari bo'yicha konferentsiyalar va yig'ilishlarda erkaklar bor. Gender stereotiplari va diskriminatsion ijtimoiy munosabatlar ijtimoiy bag'rikenglikning rivojlanishiga to'sqinlik qiladi va nogiron bolalar va ularning oilalari, shuningdek, kattalar nogironlarining zamonaviy jamiyat hayotida to'liq ishtirok etishiga to'sqinlik qiladi.

Ijtimoiy ishchilar o'z faoliyatida nogironlik va jinsni birgalikda hisobga olishlari kerak, va ular jamiyatdagi shaxsning pozitsiyasiga alohida ta'sir qilmaydi va muayyan tarzda uning hayotiy imkoniyatlarini shakllantiradi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, nogiron ayollar ko'pincha nogironlik va jinsiy mansubligi sababli ta'lim muassasalariga kirishda ikki tomonlama diskriminatsion holatga duch keladilar.

Nogironlarga ijtimoiy xizmat ko'rsatish nondiskriminatsion xarakterda bo'lishi kerak, insoniy qadr-qimmatni diskriminatsiya va hayotni tanlashni cheklaydigan ijtimoiy ish kasb-hunar amaliyotida gender stereotiplarini aniqlash va bartaraf etish kerak.[10]

Agar ijtimoiy ishchi bunday stereotipik mafkurani taniiy olsa va rad etsa, u o'z kasbiylikini tasdiqlaydi. Axir, ijtimoiy ish va ijtimoiy reabilitatsiya mijozning resurslarini faollashtirish, mustaqil hayot uchun sharoit yaratish, inson qadr-qimmatini hurmat qilish va inson huquqlariga rioya qilishni nazarda tutadi. Zamonaviy jamiyatni tashkil etish ko'pincha nogiron ayollar va erkaklar manfaatlariga zid keladi. Nogironlar oilalari nikoh va ota-ona munosabatlarining bir xil quvonch va qayg'ulariga ega, ularning orzulari, rejalari va haqiqatlari, shuningdek, boshqa "oddiy" oilalarda. Nogironlar va ularning oilalari boshdan kechirayotgan muammolarning aksariyati juda standart bo'lib chiqadi, ular nogiron kishilarga nisbatan boshqalar, gender noto'g'ri xulq-atvor va oilaviy hayotda odatiy bo'lmagan nizolar tufayli yuzaga keladi.

Biroq, ko'plab ayollar va erkaklar uchun nogironlik buzilish, izolyatsiya va yolg'izlikni, sarguzashtlardan voz kechishni, hayot kashfiyotlarini va sinovlarni anglatmaydi. Bu faqat boshqa turdagi sinovdir, chunki siz o'zingizni, masalan, sevgi-hayot, odamlar va o'zingiz uchun ifodalashingiz va mustahkamlashingiz mumkin. Nogironlik-ijodiy va oqilona ish, maxsus falsafa va hayot tarzi. Nogironlar bu haqda shunday deyishadi: "bu holat hayot xususiyatlarini kashf etishga yordam berdi, men hech qachon ko'rmagan bo'lardim"; "men shuni aytmoqchimanki, hamma narsa insonga bog'liq. U o'zini qanchalik nogiron deb bilsa, u bu borada bunday muammolarga duch keladi va paydo bo'ladi. U o'zini nogiron deb hisoblasa, erkin hayot uchun kamroq imkoniyatga ega, shu jumladan oddiy samimiy hayotga ega". Nogironlik bilan yashashga majbur bo'lgan va ularning yaqinlari sinovdan o'tgan odamlar kuchliroq bo'ladi. Nogironlar sizga ruxsat berilganda-bor va xavf (odatda, bu jonzo'ning bir qismi-har bir "odatiy" odamning Vaniya), u insoniy qadr-qimmatni va mobi-ni ko'taradi-har bir insonni o'z-o'zini nazorat qilish va ishonchni his qilish imkonini beradi.[11]

Nogironlar huquqlari to'g'risidagi Konventsiyada nogiron ayollar va qizlar uyda ham, tashqarisida ham ko'pincha zo'ravonlik, jarohatlar va suiiste'mollik, beparvolik yoki beparvolik, yomon muomala yoki ekspluatatsiya qilish xavfi yuqori bo'lgan.[12] Ushbu muammolarni hal qilish uchun nogironlar huquqlari to'g'risidagi Konventsiyada gender tengligini rag'batlantirish va nogiron ayollarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirishga ikki tomonlama yondashuv mustahkamlandi. Unda belgilangan tamoyillardan biri[12] erkaklar va ayollar tengligi bo'lib, uning maqolalaridan biri[12] nogiron ayollarga bag'ishlangan.

Bundan tashqari, so'nggi ikki rezolyutsiyada, Mingyillik rivojlanish maqsadlariga nogironlar bilan bog'liq holda erishish uchun Bosh Assambleya gender masalalarini ko'rib chiqishga chaqirdi. 2008 yil 18 dekabrda 63/150-sonli rezolyutsiyada Bosh Assambleya davlatlarni nogironlarning alohida gender ehtiyojlariga, shu jumladan, barcha inson huquqlari va asosiy erkinliklarini to'liq va samarali amalga oshirishni ta'minlash uchun choralar ko'rish orqali (qaror qabul qilish qismining 8-bandi) alohida e'tibor qaratishga chaqiradi. 2009 yil 18 dekabrda 64/131-sonli qarorda bosh Assambleya hukumatlarni nogironlarni rivojlanish agentlari va benefitsiarlari, xususan, Mingyillik deklaratsiyasida ishlab chiqilgan rivojlanish maqsadlariga erishishga qaratilgan barcha sa'y-harakatlarda ishtirok etish imkoniyatini



berishga chaqiradi, shu bilan birga, gender tengligini rag'batlantirish, ayollar huquqlarini kengaytirish va onalar salomatligini yaxshilash bilan bog'liq dasturlar va siyosatlar inklyuziv xususiyatga ega bo'lib, nogironlar uchun mavjud bo'lishini ta'minlaydi(6-sonli qaror).[13]

Xulosa qilib aytish joizki, insonlar fikrida odamlar erkak, ayol va nogiron odam toifalariga bo'linadi degan stereotiplar mavjuddir. Bu esa o'z navbatida nogironligi bor shaxslarga nisbatan diskriminatsion muhitni shakllantiradi. Ijtimoiy ish xodimi obyektlari jamiyatning ijtimoiy yordamga muhtoj qatlamini qamrab olar ekan, avallam bor nogironlikni, gender yondashuvda ayol va erkakning nogironlikdagi jinsiy mansublilik tushunchasini jamiyat ongida to'g'ri shakllantira olishi o'rinli deb hisoblaymiz. Nogironligi bor shaxslar uchun hozirda qabul qilinayotgan qator qonun hujjatlarni amalga oshirishda chora tadbirlarni rejalashtirish va tashkil etish, unda nodiskriminatsion muhitni yaratilishi, gender tenglikka e'tibor qaratgan holda nogiron insonlarni jamiyatning to'laqonli a'zosi bo'lib qabul qilinishini ta'minlash lozimdir.

#### Manbalar:

1. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/disability.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml)
2. <https://lex.uz/acts/-140824>
3. <https://gender.stat.uz/uz/o-gendernoj-statistike-uz>
4. Gendering ijtimoiy tavsifi gender psixologiyasi vujudga kelish tarixi gender lingvistika muammolari <https://hozir.org/gendering-ijtimoiy-tavsifi-gender-psixologiyasi-vujudga-kelis.html>
5. United Nations Enable «Фактологический бюллетень по вопросам инвалидов»
6. Веб-страница Всемирного банка Reproductive Health and Disability.
7. Женщины и достаточное жилище, исследование Специального докладчика по вопросу о достаточном жилище как компоненте права на достаточный жизненный уровень Милуна Котари, E/CN.4/2005/43, пункт 64.
8. *Employment barriers for women with disabilities*, Arthur O'Reilly, The Right to Decent Work of Persons with Disabilities, Skills Working Paper No. 14, Geneva, International Labour Organization, 2003.
9. Е.Р.Ярская-Смирнова Э.К.Наберушкина” Social work with persons with disabilities / Социальная работа с инвалидами. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 2004.
10. Резолюция 61/106 Генеральной Ассамблеи от 13 декабря 2006 года, пункт (q) преамбулы.
11. Худди shu joyda, maqola 3(g).
12. Худди shu joyda, maqola 6.
13. [https://www.un.org/ru/rights/disabilities/background\\_4.shtml](https://www.un.org/ru/rights/disabilities/background_4.shtml)

## СУНЬИЙ ТАФАККУРНИНГ ИНСОНИЯТГА ТАЪСИРИ: ЮТУҚ ВА ИНҚИРОЗЛАР ТАХЛИЛИ

Рахматов Дилмурод Рустам ўғли  
Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали,  
“Амалий математика” факултети талабаси

**Аннотация:** Сўнги йилларда ривожланаётган сунъий тафаккур технологиялари келажакда барча соҳаларни қамраб олиши кутилмоқда. Ўзини ўзи такомиллаштиришни бошлайдиган ва ақл-идрок портлашини келтириб чиқарадиган сунъий тафаккурнинг ривожланиши инсоннинг интеллектуал салоҳиятига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Сунъий тафаккурнинг ривожланиши инсоният тарихидаги энг катта ихтирога айланади. Мақолада соҳанинг ривожланиш босқичлари, қамровлик даражаси ва сунъий тафаккур мутахассислари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** сунъий тафаккур, сунъий олам, автоматлаштирилган тизим, Туринг тести, сунъий биологик олам, машина тили, сунъий тафаккур мутахассиси.

**Кириш.** Ўзбекистонда ахборот технологияларини ва шу жумладан сунъий тафаккурни ривожлантириш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли соҳада туб ўзгаришлар рўй бермоқда, халқимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалмоқда [1].

Ўзбекистонда юритилаётган рақамли иқтисодиёт сиёсати замирида ҳам сунъий интеллектни ривожлантириш мақсади кўзда тутилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2020-йил 28-апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, рақамли иқтисодиёт билан шуғулланадиган яхлит тизим яратилди. “Электрон ҳукумат”, иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, ИТ паркларини ташкил этиш ва бошқариш каби вазифалар тўлиқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ваколатига ўтди [2].

Мамлакатда сунъий тафаккурни янада ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2022-йилларда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси” га оид фармони лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Ҳужжатга кўра, сунъий интеллектни босқичма-босқич ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Бунда мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш, хорижий тажрибалар асосида сунъий интеллектни босқичма-босқич ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, стратегия лойиҳасини белгиланган тартибда

Вазирлар Маҳкамасига киритиш ва тасдиқланган стратегиянинг ижросини таъминлаш назарда тутилади.

**Асосий қисм.** Аввало таъкидлаш жоиз, илм-фан тараққиётининг ҳар қандай ютуғи инсоният мушкулени осон қилишга, унинг муаммоларини қисман бўлсада ҳал етишга хизмат қилиши керак. Шундай бўляпти ҳам: йиллар давомида фазодан мустақил тарзда турли маълумотларни Ерга жўнатишдан тортиб табиий ва техноген ҳодисалар вақтида инсон кириши имконсиз жойларга ҳам етиб бораётган, жарроҳлар кўзи ва бармоқлари илғамайдиган енг майда тўқималаргача муфассал текшира олаётган айнан шу катта-кичик сунъий онглаштирилган турли роботлар, машиналар-у ускуналардир. Аввалига хизмат кўрсатиш жойлари, беморлар ва ёлғиз кексаларга кўмак учун ишлаб чиқилган бундай “темир одамлар” йилдан-йилга ҳар томонлама такомиллашиб, фикрлашда инсоният билан баҳслашишга шай турибди, гўё. Яъни, бир даврлар ўзига қанот боғлаб учмоқни орзулаган одамзод авлодлари бугун темирга “жон киритиш” устида бош қотирмоқда. СИРИ-дан тортиб ўзини-ўзи бошқарадиган машиналарга қадар сунъий тафаккур жуда тез ривожланмоқда[3]. Илмий фантастика кўпинча сунъий тафаккурни одамга ўхшаш хусусиятларга ега роботлар сифатида тасвирлайди, аммо у Google қидирув алгоритмларидан бошлаб IBM гача бўлган ҳамма нарсани қамраб олиши мумкин. Бугунги кунда сунъий тафаккур жуда тор доирада, чунки у тор вазифани бажариш учун мўлжалланган (масалан, фақат юзни аниқлаш, интернетда қидириш ёки машина ҳайдаш). Бироқ, кўпгина тадқиқотчиларнинг узоқ муддатли мақсади умумий сунъий тафаккурни яратишдир.

Шуниси маълумки, инсоният азалдан машина тили билан узвий алоқада бўлган, Интернетнинг яратилиши дунёни ўзгартиришга сабаб бўлди. Интернет аслида оламни кичрайтириш учун яратилган еди. Аммо, бугун интернетсиз олам кичрайиб қолаётгандай туйиляпти. Интернетнинг имкониятлари сунъий тафаккурнинг ривожланишига замин яратмоқда. Сунъий тафаккур ҳар бир соҳани қамраб олмоқда жумладан, таълим, иқтисод, тиббиёт, транспорт ва бошқалар. Шу сабабдан, жаҳон саноат индустриясининг асосий қисми сунъий тафаккур технологияларига босқичма-босқич ўтмоқда (1-жадвал).



“Инсоният яшаб қолмоқни ва янада юқори даражаларга кўтаришмоқчи бўлса, янгича фикрлаши лозим” – Алберт Эйнштейн бу сўзларни айтганига 60 йилдан ошди. Бугун ҳам бу сўзлар ўз кучида қолмоқда. Фикрловчи машиналар тез орада энг қийин масалаларни ҳал қилишда кўмаклашади. Нафақат турли соҳаларни балки, очлик ва ночорликни умуман олганда сайёрамизни тиклашга ёрдам беради. Инсоният келажагини яратишда кўмакдош бўлади. Бугун биз дунёни ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Нейробиологлар, муҳандислар, математиклар ва ҳакерларни бирлаштиргандаги салоҳияти энг сўнги сунъий тафаккур олдида ожиздир. Агар бордию шундай сунъий тафаккурни ярата олсак ҳам, биргина машинасини ишга туширсак, тез орада биологик тўсиқларни йўқга чиқаради, қисқа фурсат ичида ушбу машиналарнинг таҳлил қилиш имкониятлари шу кунгача яшаган барча инсонларнинг имкониятларини ортда қолдиради. Инсоннинг барча ҳиссиётлари мужассам бўлган, ҳатто ўзини англай оладиган онгни кўз олдимизда тасаввур қилиб кўрайлик, баъзи олимлар буни мукамаллик деб атайди. Буни еса аслида сунъий дунё деб аташ маъқулроқ. Бундай сунъий тафаккурни яратиш коинотни энг катта сирларини бизга очиб беради.

Онги ўзи нима? У қалбми? Агар шундай бўлса, уша қалб қайерда жойлашган? Уни қандай аниқлаш мумкин? Унинг кўриниши борми? Савол миямизда. У чарх уриб айланмоқда. Унга жавоб излаймиз. Инсоният азалдан сунъий олам яратишга ҳаракат қилиб яшади. Оддий чўпхат-у, абақдан тортиб бугунги кундаги замонавий нанотехнологияларигача барчаси сунъий тафаккур яратиш учун эди. Ўтган асрнинг 50-йилларида математик даҳо Алан Туринг шундай саволни ўртага ташлади: “машина нимани ўйлайди?” Алан Туринг келажак машиналари имкониятлари, шунингдек, уларнинг ақл жиҳатидан инсонни ортда қолдириши ҳақидаги саволлар ўртага ташланган мақола чоп етди. Айнан шу олим кейинчалик ўзининг номи билан аталган тартибни ишлаб чиқди: Туринг тести.

Туринг тести сунъий тафаккурнинг инсон сингари фикрлаш қобилиятини белгилашдан иборатдир. Ушбу ёндашувнинг умумий тушунчаси хатти-ҳаракати оддий вазиятларда инсон фаолиятдан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган сунъий онги яратишни ўз ичига олади. Алан Туринг инсонни хатти-ҳаракатини баҳоловчи ва одамлардек фикрлай олувчи машиналарни қандай фикрлай олиши ҳақида сўз юритади. Унинг фикрича, агар инсон ва машина ўртасидаги мулоқотда машина ўзини сунъий тафаккур маҳсули эканлигини ажрата олса, албатта, ана ушанда сунъий тафаккурни кашф этиш мумкинлигини айтиб ўтади. Инсон билан машинанинг мулоқот воситаси клавиатура ёки нутқ орқали бўлиши мумкин. Бунинг аҳамияти унчалик катта эмас. Муҳими, инсоннинг берган саволларига машинанинг жавоблари муҳимдир. Сунъий тафаккурнинг энг етук сифати ҳам инсондек фикрлай олиши ва дардқаш бўла олишидир [4]. Масалан, машинага шундай савол берилса: “мустақил фикрлай олишингни исботлай оласанми?”, ва

агар машина “инсоният ушбу саволга жавоб бера оладими ўзи?” – деб жавоб қайтарса, демакки, сунъий тафаккур ўзининг энг юксак чўққисига чиқа олган.

Дарҳақиқат, инсон аввало ўзининг мустақил фикрлай олишини исботлай оладими? Балки, бизнинг онгимиз ҳам табиат томонидан яратилган энг етук сунъий тафаккурдир. Бугунги кунда сунъий тафаккур технологиялари икки йўналишда ривожланмоқда:

1. Пастга (семиотик). У нутқ, фикрлаш ва ҳис-туйғу каби юқори даражадаги руҳий жараёнларни билдирувчи янги тизимлар ишланмалари ва билим асосларини тақдим этади.

2. Юқорига (биологик). Бу ёндашув биологик жараёнлар нуқтаи назаридан ақлли хатти-ҳаракатлар моделларини яратувчи нейро тармоқлар соҳасида тадқиқотлар ўтказишни кўзда тутди. Бу йўналиш базасини нейрокомпьютерлар ташкил қилади.

Биологик сунъий тафаккур, физика ва нейробиология билан узвий боғлиқдир. Нанотехнологиянинг асосий мақсади ҳам шундан иборатдир. Агар сунъий тафаккурга асосан сунъий шифокор яратилса, у ўз вазифасини қай даражада бажара олади? Инсон хотираси чекланган ва инсоннинг идрок етиш қобилияти машинанинг хотирасидан тортиб идрок етиш қобилиятигача ожизлик қилади[4]. Бу еса ўз навбатида беморларга ташхисни тўғри қўйишда машинанинг онги устунлик қилишини тан олишимиз керак. Яна бир фантастик илм-фанга асосланган ғояга кўра, агар сунъий тафаккурни нанотехнологияларга айлантириб, квант оламига киритилса, керак бўлса бутун табиатни бошқариш мумкинлиги ҳақида ғоя илгари сурилади.

Бугунги кунда сунъий тафаккур стартаплари дунёдаги энг қиммат ва жуда катта миқдордаги маблағ талаб қилиши бўйича етакчи ўринда кетмоқда. Бунга сабаб гигант ИТ компанияларнинг эндиликда ўз технологияларини янги ва ўзгача эканлигини кўрсатиш учун айнан сунъий тафаккур технологияларидан фойдаланиши бўлмоқда [5].

**Хулоса.** Технологияларнинг кескин ривожланиши келажакда барчамизда бўш вақт кўпроқ бўлиши мумкинлигига ишора қилади. Аммо, ҳақиқат шундаки, биз қанчалик буни эпласак, шунча бандроқ бўлар эканмиз. Бизнинг шаҳарларимиз аллақачон бизнинг имкониятларимизни кенгайтирадиган машиналарга тўла, аммо биз бир вақтнинг ўзида иккита жойда бўлсак нима бўлади? Биз телефон тизимлари ва оммавий эълонлардаги автомат овозларни эшитишга одатланиб қолганмиз [7, 8].

Интерактив ўқитувчилар оммавий очик онлайн курслар ва кўнгилочар машғулотлар учун фойдали бўлиши мумкин. Бу чиндан ҳам ажойиб бўлиши мумкин - абадий ёш бўлган ва бошқа имконсиз ишларни амалга оширадиган рақамли актёрлар. Бизнинг келажакдаги кумирларимиз хатто ҳақиқий бўлмаслиги мумкин. Рақамли дунё билан қандай алоқада бўлишимиз келажакда жамиятимиз қандай тараққий этишини белгилаб беради. Энг ақлли шаҳарларда энг ақлли уйлар шу қадар интерактив қурилмалар билан жиҳозланадики, улар билан ишлаш деярли ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.



Инсон англолмаган оламни, сунъий онг билан аниқлаш. Ҳар сонияда дунё ривожланмоқда, тафаккурлар ўсмоқда, алоқалар кучаймоқда, чунки одамлар, қурилмалар ва маълумотлар тобора бир-бирига уланмоқда. Биз билмаган ҳолда улкан маълумотлар базасини яратмоқдамиз. Бу маълумотларни онги фақат 0 ва 1 дан иборат роботларгина тушуна олади.

Бизнинг вазифамиз мураккаб алгоритмлар, нейро тармоқлар, визуал тасвирлар, нанотехнологиялар, квант физикаси каби бизнинг келажак тамал тошларимизни ўрганишдан иборатдир. Сунъий тафаккур мутахассислари барча касбларни ўрнини босиши мумкин, чунки улар яратган технология, беморларни сақлаб қолиши, табиий офатларни олдини олиши, очарчиликни камайтириши, алоқа тизимларини яхшилаши ва бошқа минглаб вазифаларни бажариши мумкин.

Баъзи инсонлар сунъий интеллектни инсониятнинг тамаддунининг сўнги босқичи деб аташмоқда. Инсонлар ўзлари тушунмаган нарсалардан албатта қўрқишни бошлайди. Бизнинг вазифамиз сунъий тафаккурни тушунишимиздадир. Азалдан шунга интилиб яшадик. Ўзимизнинг фойда ва эҳтиёжимиздан келиб чиқиб, сунъий тафаккурни яратишга мажбурмиз. Танганинг иккита тарафи бўлгани каби ҳар нарсани яхши ёмони бор. Балким ҳақиқатдан биз яратаётган сунъий дунё инсониятни таназзулга бошлаб келар. Аммо, бугунимиз ва келажакимизни хоҳлаймизми, хоҳламаймизми сунъий тафаккурга асосланган ҳолда яратишга мажбурмиз. Муҳими йиллар ўтиб, сунъий тафаккур инсониятнинг энг қудратли ва энг сўнги кашфиётига айланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. 56 б.

2. Ўз.Рес. Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Тошкент шаҳри, 2020 йил 28 апрель.

3. Rakhmatov D.R., Artificial intelligence: today and future. Материалы V Международной научно-практической конференции «Наука и образование в современном мире: вызовы XXI века». Состоявшейся 12 декабря 2019 г. В г. Нурсултан, Казахстан, Мцнс «Бобек». с. 19-23

4. Rakhmatov D., Akhatov A. Rakhmatov D.R., Research on Effective Ways to Intelligence Quotient of Perception Through Mobile Games. The American Journal of Applied Sciences, 2 (08) <https://doi.org/10.37547/tajas/Volume02Issue08-12>

5. Рахматов Д.Р., Прикладные космические исследования на основе нейронных сетей: идентификация новых экзопланет и космических объектов, Студенческий вестник: электрон. научн. журн. 2020. № 16(114). с. 74-77

6. Public information, Deloitte Research, Global artificial intelligence industry whitepaper, China 2020, p. 13.

7. Barrat, James. "Our Final Invention: Artificial Intelligence and the End of the Human Era (Book Review)". New York Journal of Books. Retrieved 30 October 2013.
8. A Brief History of Time is based on the scientific paper J. B. Hartle; S. W. Hawking (1983). "Wave function of the Universe". Physical Review D. 28 (12): 2960.

## OILA - ILK AXLOQIY MASKAN SIFATIDA

**Sarvarova Nozima**  
**O'ZMU IFF Falsafa yo'nalishi talabasi**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada oila qadriyatlar maskani sifatida o'rganilib, avvalo oilaviy muhit murakkab jarayon ekanligi to'g'risida fikr bildirilgan. Shuningdek, oiladagi ma'suliyat hissi, o'z burchini to'g'ri ado etish masalalari ilmiy jihatdan tahlil qilingan/

Muhtaram birinchi Prezidentimizning “Ona va bola sog'lom bo'lsa, oila baxtli, oila baxtli bo'lsa, jamiyat mustahkam bo'ladi”, - deb ta'kidlagan o'g'itlari, hozirgi kundagi har birimiz uchun kelajak shoriga aylanganligi bois, biz “Oila “ deya atalmish muqaddas dargohning mohiyatini o'rganishimizda asoslardan biri sifatida e'tibor qaratdik. Jamiyatimiz ahloqiy maskani bo'lmish oila nafaqat rivojimizga, balki ertangi kunda o'zbek xalqining qay tarzda hayot kechirishlariga va umuman olganda ertangi kuni xalq bo'lib yashay olishida katta ahamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda biz ana shu jamiyat va oila uchun kerak bo'lgan axloqiy madaniyatimizni yo'qotib olmayapmizmi? Oila sozi va uning nechog'lik dolzarb ekanligini anglayapmizmi?

Oila – qadriyatlar maskani, u bizga azal-azaldan kelayotgan mehr chashmasidek go'yo. Har bir inson millati, irqi, dinidan tashqari huddi shu so'zni eshitkanida tanasida o'zgacha jumbushlik paydo bo'ladi, deb o'ylayman. Negaki, bu so'z oldimizga otamizning mehri, onamizning allasini eslatib turadi, ularning bizga tekkan mehnatini eslatib turadi. Ularni eslatuvchi har bir so'z insonni ko'nglini bo'shatib yuboradi. Oilaning nechog'lik qadrli ekanligi bir birimizga bo'lgan mehrimizda ham aks etadi. Oilaviy muhit juda murakkab jarayon, tashqi tarafdin insonlarga baho berganimizda oilaviy muhitini ham nazarga olamiz, oilada erkak kishi qanday bo'lishi kerak ekanligi yoki ayol kishi qanday bo'lishi kerak ekanligini birinchi bo'lib ota-onadan andoza qilinadi. “Kishilarning hislatlari tabiiy tug'ma va yashash davomida kasb qilingan hislatlarga bo'linadi”[1], - deb takidlagan Xaydar Aliqulov. Olimning “Jaloliddin Davoniy “ asarida yozib o'tgan teran ma'noni anglatadigan marvaridga teng so'zlari, bizni ham yaxshi xislatlarini o'z bo'yimizda rivojlantirishga chorlaydi. Sog'lom avlodni dunyoga keltirish va uni marifat tamon yetaklash, oilamizning tirgagi otalarimiz va poydevori bo'lmish onalarimizga bog'liq. “Men aziz yigit qizlarimizga murojaat qilib aytoqchiman; turmish qurishga, oilaga farzand tag'diriga nihoyatda chuqur ma'suliyat qarang. Bu masalaga yuzaki yondashib, ham o'zingiz, ham o'zga bir inson hayotini havf ostiga qo'mang”[2], - deb, bod-bod ta'kidladilar yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev. Demak, biz yoshlar oila qurishda qurishqa masuliyatni his qilgan

holda oiladagi o'z burchimizni to'g'ri ado etishimiz zarur. Buning uchun, avallo oilaning asosi bo'lmish nikohning – ezgu maqsadlarga yo'naltirilganligi hamda qonunga binoan nikoh tuzish shartlaridan biri o'zaro rozilik va nikoh yoshiga yetkanlik, muhim ekanligiga e'tibor qaratsak. Nikoh ezgu so'z u muqaddas tuyg'u muxabbat asosiga quriladi, unda haqiqiy chiroy va go'zallik mavjud. Nikohga ezgu qadiriyat va unga ma'suliyat bilan yondashish zarurdir. Ya'ni, Fitratning “Oila” asaridagi “Hakimlar erkaklarga 23 yoshdan oldin uylanmaslikni va qizlarga 18 yoshdan oldin turmishga chiqmaslikni maslahat beradilar” [3],- degan so'zlari hozirgi kunda ham dolzarb masalalardan turmish qurish hozirgi kunda ham dolzarb muhokamalarga va e'tirozlarga sabab bo'layotgan muammo hisoblanadi. Yoshlarning onggi, tafakkuri va fizialogik holati hali oila qurish uchun tayyor bo'lmaganida bunday qaltis vaziyat turli oqibatlariga olib keladi. Hozirda yurtimizdagi nogironlar ham dunyoga kelishi ana shu nikohga bo'lgan bepisandligimizdan kelib chiqmoqda.

Oila muqaddas ekan, unda farzandlar yaxshi va yomon vazilatlarini ham, qanday boshqarishni o'rganishlari - yanikim faqat yaxshi kunda emas, yomon kunlarda ham oila mustahkamligini saqlab qolishidir. Respublikamizda 2020 yilda 12810 ta yani 2019 yilning shu vaqtidan 3151 taga kam oilalarda ajralishlar ro'yhatga olingan. YUrtimizda oilalarning 0,03 % afsuski, ajralish bilan yakun topdi. Ko'plab yetim qolgan bolalar ana shu ajralishdan keyin o'z ruhiyatida taskinlik topa olmaydi. Oilada farzand ota onasidan ko'rgan minosabati, eshitgan so'zlari va eng asosiysi ular borgan yo'ldan borishga harakat qilishadi. “Qush uyasida ko'rganini qiladi”, -deb aytilishi ham bejiz emas. Har bir og'il otasidan, har bir qiz esa onasidan bo'y oladi. Ular kuni kelib jamiyatimizga foydali inson, barkamol shaxs, yutuk kadr bo'lib yetishishlari uchun har bir ota ona javobgardir. Shuningdek, Fitrat “Oila” asarida islom dinida oilaga muqaddas deya qaralganligi va eng mukammal oila islomiy oila ekanligi haqida ham aytib o'tgan. Demak, jamiyat, shaxs tushinchalari uchun eng birinchi fundament, boshlang'ich bo'lim bu oila. Eng muhimi, oilada ilk ahloqiy madaniyat meyyorlari shakillanishidir. Oiladagi muhit, kuni kelib shaxs darajasidagi insonni yuzaga keltira oladimi yoki yo'qmi? Bu biz va davlat ravnaqi, yurtimizdagi barcha sohalar; iqtisodiyot adabiyot san'at va madaniyat, siyosat, satsiologiya va yana ko'plab sohalar uchun zalorli masaladir. Yurtimizda olib borilayotgan islohatlar va biz yoshlar uchun yaratilayotgan sharoitlar safida yosh oilalar uchun ham etibor katta. Yurtboshimizning yosh oilalarni qo'llab quvvatlash, ularni ish bilan, turar joylar bilan ta'minlab kelayotganliklari davlatimiz uchun oilalarning nechog'lik ulkan ahamiyat kasb etishini ko'rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, oilada har bir insonning o'z o'rni mavjud, agar oila a'zolari ana shu o'rinlarini bila olsa va vaqtida bir biriga tayanch bo'la olsa oila hechqachon parokanda bo'lmaydi. Oilada tinchlik barqaror bo'lsa hamda har bir oila a'zosi o'z ma'suliyati, burchi va vazifalarini to'g'ri ado etsa, farzandining kelajakda jamiyatdagi o'z o'rnini topib ketishiga ulkan hissasini qo'shgan bo'lar edi. Demak, jamiyat barqaror bo'lishi uchun oilalar mustahkam va yoshlar madaniy ahloq egalari bo'lishi zarurdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:**

1. X.Aliqulov.Jaloliddin Davoniy. T., 1992.
2. <https://www.google.com/search>
2. A.Fitrat "Oila" T., "Ma'naviyat", 1998.

**ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ**

**И.Саифназаров, ф.ф.д. проф**  
**Тешабоев М. ТДИУ тадқиқотчиси**

**Аннотация:** мазкур мақола жамиятда таълим билан бирга ахлоқий тарбия муаммоларининг муҳим стратегик аҳамияти масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада таълим соҳасида ахлоқий тарбия устуворлиги масаласи кўтарилган бўлиб, уни ҳал этишнинг турли усул ва воситалари тақдим қилинган. Таълим тизимида этикани ўқитиш бўйича таълим имкониятлари ва ёшларда касбий этикани шакллантириш масалалари илмий асосда тадқиқ этилган. Бу борада олий таълим муассасаларида фалсафий фанлар таркибида ахлоқшуносликни ўқитиш механизмларини такомиллаштириш бўйича жаҳон илм-фан тараққиёти тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда илмий-амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ахлоқ, ахлоқий тарбия, этика, таълим, таълим соҳаси, глобаллашув, ахлоқий маданият, мулоқот маданияти, ахлоқий таназзул, ахлоқий муаммолар, маънавий ҳаёт, касб этикаси, ижтимоий фанлар тизими, ижтимоий тармоқлар, ахборот-коммуникация тармоқлари, касб этикасига ўргатиш, одоб-ахлоқ қоидалари.

Ҳар бир жамият учун таълим билан бирга бу соҳадаги ахлоқий тарбия муаммолари муҳим стратегик аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади. Шу маънода, мазкур мақолада таълим тизимида ахлоқий тарбия устуворлиги масаласи кўтарилган бўлиб, уни ҳал этишнинг турли усул ва воситалари тақдим қилинган. Глобаллашув шароитида таълимда ахлоқий тарбия муаммолари ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу масалани етарлича илмий асосда ўрганишни тақозо этади. Бунга глобал ахборот оқими жадаллашган бугунги кунимиздаги технократиянинг меъёридан ошганлиги, ахлоқий маданият заифлашиб ахлоқий фазилатларнинг қадрсизланиши, баъзи ҳолларда мазкур фазилатлар ўрнини иллатлар, ёвузликлар, тажовузлар эгаллаётганлигини сабаб сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу эса албатта муаммонинг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки унинг ечимларини излашнинг илмий механизмларини яратишни кун тартибига қўймоқда.

Ҳозирга қадар мазкур муаммо турли даражада ўрганилган бўлиб, шарқ мутафаккирлари ва ғарб файласуфлари томонидан чуқур тадқиқ этилган. Бунга шарқда Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, Юсуф

Хос Хожиб, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Фитрат, Абдулла Авлоний каби бир қанча мутафаккирларни киритишимиз мумкин. Ғарбда эса Сукрот, Афлотун, Арасту, Кант, Хегел, Ницше, Генри Девид Торо каби файласуфларни айтиб ўтишимиз мумкин. Бугунга келиб эса бу масалалар доирасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда олим ва файласуфлар, МДХ давлатлари олим ва тадқиқотчилари ва Европа ҳамда океанorti мамлакатларидаги нуфузли тадқиқот институтларидаги олимлар таълим соҳасида ахлоқий тарбия муаммоларини ўрганиш борасида чуқур илмий изланишлар олиб бораётганлиги бу масаланинг нақадар долзарб аҳамиятга эkanлигини кўрсатади. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш жоизки, таълимда ахлоқий тарбия муаммолари фақатгина фалсафа ёки ахлоқшунослик доираси билан чекланган муаммо сифатида қаралмаяпти, балки ҳозирги вақтда катта эътибор қозонган кўплаб ижтимоий-гуманитар ва аниқ, табиий фанлар доирасида ҳам ўрганилмоқда. Бунга кўплаб фанларнинг синтези бўлган синергетикани мисол келтиришимиз ҳам мумкин. Умуман олганда, барча фанлар билан бирга турли миллатларнинг олим ва файласуфларининг асосий мақсади инсоний жамиятнинг маънавий мусаффолигини таъминлаш, жамият тараққиёти масалалари билан шуғулланишдан иборат. Бу эса таълим билан ахлоқий тарбияни ҳамоҳанг олиб бориш инсониятни таназзулдан қутқаришнинг ягона йўли эканлигини кўрсатади.

Таълим соҳасида ахлоқий тарбияни биргаликда олиб бориш масалалари ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний айтганидай ахлоқий тарбия ё ҳаёт ё мамот масаласи бўлиб қолмоқда[1]. Дунё олимлари таълим билан бирга ахлоқий тарбияни биргаликда олиб бормаслик жамиятда ахлоқий таназзулни юзага келтиришини таъкидламоқдалар. Бундай ҳалокатли ҳодисаларни олдини олиш учун дунё миқёсидаги барча ёшдаги авлодларнинг таълим тарбиясида этика фанига биринчи даражали эътибор зарурлигини уқтирмоқдалар. Россиялик олим В.Н.Кодин “Ҳозирги замонда этика таълим тарбиянинг асоси ” номли мақоласида бу ҳақда ёзади: “Таълим соҳасида ҳозир давом этаётган илмий мунозараларда, мактабларда ва олий ўқув юртларида қайси фанларни ўқитиш зарурлиги ҳақида тарих ва адабиёт фанларини ҳажмини ошириш тўғрисида фикрлашувларда ва келгуси авлод учун энг муҳим фанлардан этиканинг барча фанларни ўқитишда универсал биринчи даражали аҳамияти борлиги барча ёшдаги ва барча касбдаги инсонлар муомала маданиятини асоси – ахлоқ-одоб оқсаб қолганлиги сабабли фожеалар келиб чиқаётганлиги афсуски етарли даражада муҳокама қилинмаётир”[2]. Унинг ёзишича немис олими В.А.Канке бу масалаларга катта эътибор билан қараган. В.А.Канке фикрича, XX асрнинг 70-йилларида жаҳон миқёсида ахлоқшунослик соҳасида олмон кантечилиги, инглиз утилитаризми ва америкача прагматизмнинг бирлашуви синтези вужудга келди. Эндиликда бу метафизика таркибидаги назарий фанлардан бири бўлиб қолмай, балки ҳақиқий ривожланишга ҳизмат қилувчи ҳаракатлар дастурига айланди ва этика муаммолари жамият ҳаётининг долзарб муаммосига айланди[3].



Ҳозирги замон фанининг бош масаласи инсоният ўзининг тараққиётини тенг йўл билан таъминлашга қодирми? деган масала асосан этика масаласи бўлиб барча бошқа фанлар ҳам шу этикавий масалага жавоб излайди. Д.Э.Мурнинг фикрича, баъзи фанларнинг назариядан амалиётга ўтиш жараёнида этикага эҳтиёж сезилади. Барча соҳаларнинг олимлари ўз илмий ихтироларини амалда қўллашга келганида этика муаммоларига дуч келадилар, ихтироларнинг амалиётга кўчиши қандай оқибатларга олиб келиши этика ва маънавият масалалари билан боғлиқдир. Ихтиро эгасининг инсоният олдидаги масъулиятини тўла англаши этика муаммосидир[4]. XIX аср ғарб адибларидан Жюль Верн “Остин-устин” романида, Герберт Уэллс “Кўринмас одам”, “Доктор Моро ороли” романида, Александр Беляев “Жаҳонгир” ва “Амфибия одам” романларида олимларнинг ихтиролари инсониятга даҳшатли офатлар келтиришини бадиий тасвир орқали очиб бердилар. Бундан хулоса чиқадики, турли фанларнинг истеъдодли вакиллари ўз ихтироларининг оқибатда инсониятга зарар, офат келтиришини англаши учун етарли даражада ахлоқий маданиятга эга бўлишлари зарур. Ана шундагина улар инсоният олдида, ўз виждони олдида масъулиятли эканини тушуна бошлайдилар.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, барча мактаблар, олий ўқув юртлиари учун ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмаларинг охириги бобларида бу ўқув курси берган билимлар қайта тадбиқ қилинганда ахлоқ маънавият талабларига мувофиқ келиши ёки келмаслиги хақида маълумотлар берилиши зарур[5]. Чунки ёш авлодга таълим беришдан асосий мақсад турли соҳаларда ўз фанини яхши билган мутахассислар тайёрлаш билан бир вақтда юксак маънавиятли, баркамол, соф виждонли, чин инсонларни вояга етказишдир. Бизнинг назаримизда барча таълим дастурларига этика ва таълим мавзуси киритилиши мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Бу эса ўзаро боғлиқ уч вазифани: 1. Барчага этикавий маърифат бериш; 2. Қатъий ахлоқий тарбия; 3. Барча ёшдаги ва ижтимоий тоифадаги фуқароларнинг ахлоқий саломатлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу муҳим вазифаларни бажариш учун зарур тадбирлар йўл харитаси ишлаб чиқилса, фуқаролар онгига инсон кадр қиммати, ор-номуси, умуминсоний ахлоқ-одоб қоидаларини сингдиришда зарур қўлланма вазифасини бажаради. Ёшларга одоб ўргатишни жуда эрта, яъни боғчалардан бошлаш ва бу тарбияни умр бўйи давом эттириш керак. Бизнинг фикримизча, таклиф этаётган тадбирлар йўл харитасига кўра, ахлоқ-одоб қоидаларини автобусларда, жамоат жойларида чекиш таъқиқлангани каби уларни ҳам қонунийлаштириб қўйиш керак. Россиялик олим В.Н.Кодиннинг таъкидлашича, боғчаларда юқори гуруҳ болаларига дарс ўтиш ўрнига ахлоқ-одобга доир қизиқарли ўйинлар ташкил этиш, боғча ёшиданок ўғил болаларга қиз болаларни хурматлашни, ўзидан катталарга жой беришни, уларни ҳеч қачон хафа қилмасликни, уларга қўлдан келганча ёрдам беришни, қиз болалар ҳам ўғил болаларни хурмат қилиб миннатдорлик билдириш каби хулқ-одоб қоидаларини ўргатиш зарур[6]. Шу маънода, биз ҳам болаларга боғчада, мактабда, олий ўқув юртида таълим бериш вақтида ҳар бир мавзу ўтилаётганида тарбия ҳам бериш, хулқ-одобни, муомала

маданиятини ўргатиб бориш зарур. Умумтаълим мактабларида биринчи синфдан юқори синфларгача ҳафтасига бир соат муомала маданияти, этика дарсларини киритиш, бу соҳада дарс берувчи педагогларни кўпайтириш жамиятни ахлоқий маданиятинини соғломлаштириш учун ҳам ёрдам беради.

Ўрта ва умумий таълимдан фарқли равишда олий ўқув юртларининг таълим стандартларига фалсафа фани бўлимларидан бири сифатида касб хунар этикасини ўқитишни киритиш зарур. Бунда мутахассисларга ўз хизмат вазифаларини ҳалол бажаришни, медицина, педогогик, тадбиркорлик, жамоага раҳбарлик этикаларини, хусусан шу соҳаларга доир муомала маданиятини ўргатиш зарур. Шу билан бирга ёшларни болалиқдан оилада ота-она тарбиясини олиши жуда муҳимдир. Лекин ота-она фарзандига рисоладагидек тарбия беролмаса ва бу тарбиядаги хато болаларни бир умрга бахтсиз қилиши мумкин. Ота-она фарзандига болалиқ чоғларидан яхшилик, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик йўлини танлашига ёрдам бериши зарур. Афсуски ҳозирги вақтда кўпчилик ота-оналар шу жойда катта хатога йўл қўйиб, мол-дунё, мансабларга интилиб уйда болалари тарбиясига вақти етмай қолмоқда. Ота-она меҳридан насибасиз қолган болалар эса кўпинча одобсиз ва бахтсиз бўлиб мустақил яшашга қобилиятсиз бўлиб ўсмоқда. Ҳозирги вақтда кўп оилаларда ота-оналарнинг жанжаллари сабабли болалар жабр кўрмоқда. Шундай бўлмаслиги учун ота она фарзандининг келажакда бахтли бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиши, бунга жиддий эътибор билан қараш керак.

Ёш авлодни, хусусан барча ёшдаги фуқароларнинг ахлоқий тарбиясига хизмат қилувчи фанларни бюджетдан маблағ етмайди деб қисқартириш мамалакатда ахлоқ-одобга риоя қилмайдиган маъсул ходимларнинг амал, мансабидан фойдаланиб чексиз бойлик ортиришга қизиқиш, коррупциянинг кучайиши, ахлоқий нопок одамларнинг кўпайиши оғир оқибатларга олиб келади. Айтиш мумкинки, ватанимизнинг келажакдаги тақдири том маънода, ёшларнинг ахлоқий камолотига боғлиқ.

Ҳозирги даврни қадимги маданият, уйғониш даври, гуманизм ва рационализм даврларининг давоми бўлган ахлоқий камолот ёки морализм даври дейишимиз мумкин. Бу ғоя В.Вернадскийнинг ноосфера таълимотига ҳам муофиқ келади. Бу таълимотга кўра, ноосфера мусаффолигини сақлаш учун табиатни асрашга қаратилган технологиялар ишлаб чиқиш табиий бойликлардан рационал, оқилона фойдаланиш, одамларни юксак манавиятли, ахлоқий баркамол қилиб тарбиялаш асосида цивилизацияни эволюцион йўл билан тараққий эттириш зарур. Этика ва маънавият ҳақидаги фан яъни ахлоқ фалсафаси жамият инқирозига учраганида мураккаб оғир вазиятлардан қутилиш учун оқилона йўл-йўриқлар кўрсатади. Бу фан инсонлардан софдил, яхши хулқли бўлишини ўз меҳнатига, вазифасига маъсулият билан қарашни талаб қилади. Ахлоқсизлик муқаррар равишда инсонларни ва жамиятни маънавий инқирозга учратади, ахлоқий таълим тарбия бўлмаса маънавий ва инсоний фазилатларга эришиб бўлмайди. Таълим тизимида тарбияга эътибор бўлгандагина етуқ инсонлар етишиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг барча даражадаги босқичлари ҳамкорликда умуминсоний этика фани бўйича тўла қонли ўқув дастурларини ва дарсликларини ишлаб чиқишлари эҳтиёжи туғилмоқда. Бу дастурлар ва дарсликларда тарбия ахлоқ мавзусида компьютер ўйинларидан яхши хулқ ва ёмон хулқни билдирувчи мисол, масалалардан мақол ва топишмоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг ташкилотларида ҳам турли қизиқарли тадбирлар ўтказишда одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатувчи машқлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: Маънавият, 2006. 304 б.
2. Кодин В.Н. Современная этика как ядро образования // Дидактика:ответ на вызовы педагогической практики. 2014. 474 стр.
3. Канке В.А. Этика ответственности : теория морали будущего / Виктор Андреевич Канке. - М. : Логос, 2003. - 351 с.
4. Мур Д.Э. Природа моральной философии : монография / Джордж Эдвард Мур; Пер. с англ., сост. и примеч. Л.В. Коноваловой; Предисл.: А.Ф. Грязнова и Л.В. Коноваловой. - М. : Республика, 1999. - 351 стр.
5. Этика: Энциклопедический словарь / Под ред. Р. Г. Апресяна, А. А. Гусейнова. — Москва: Гардарики, 2001. 670 стр.
6. Кодин В.Н. Современная этика как ядро образования // Дидактика:ответ на вызовы педагогической практики. 2014. 474 стр.

## ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ

Туляев А.И.  
ЎзМУ катта ўқитувчиси

Ҳозирги даврда дунёнинг мафкуравий манзараси мураккаблашиб кетди. Унда таъсир кучига эга бўлишнинг энг макбул йўли сифатида, маблағ қанча кетишидан қатъий назар, йирик ахборот тарқатувчилик мавқеини эгаллаш экани сир бўлмай қолди. Жаҳонда ахборот уруши кетаётганини ҳатто оддий инсонлар ҳам сезишлари мумкин. Мисол учун бирон мамлакат ҳудудида маълум турмуш тарзини, қадриятлар тизимини улуғловчи рисолалар, санъат асарлари, кинофильмлар, ахборотлар ва ҳоказолар тарқатилмоқда. Бундай информациялар жамиятда маълум ижтимоий фикрнинг шаклланишига таъсир этмай қолмайди. Шу муносабат билан Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшларни очик ахборот олиш даврида ҳукм сураётган умумбашарий руҳий ва ахлоқий инқироздан асраш муаммосига алоҳида эътибор қаратгани диққатга сазовор: “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак.”[1].

Шу нуқтаи-назардан қараганда, мамлакатимизда ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини тезлик билан ривожлантириш, унинг потенциали ва имкониятларини ўстириш, унинг жамоатчилик ва давлат ҳаётидаги турли хил йўналишларда кенг татбиқ этиш бугунги кун учун энг муҳим масалалардан бири бўлади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов: “Ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ”, [2] - дея таъкидлайди.

Ахборот хавфлилиги бир қанча кўринишларда намоён бўлади:

- воқеликни ўзгартиришга йўналтирилган виртуал дунёни яратиш;
- инсонларнинг онги ва хулқини ҳийла-найрангларларга солиш;
- ташқи қолиплар асосида уларнинг мақсадлари, қадриятлари ва турмуш тарзини ўзгартириш;
- ахборотларни бузиб кўрсатиш ва ҳ.к.

Ахборот хавфининг бу ва бошқа шакллари инсоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжига, ҳақиқат ва ёлғонни, фойдали ва фойдасиз маълумотларни бир-

биридан ажрата билиш лаёқатлилиги (ёки лаёқатсизлигига) боғлиқ равишда намоён бўлади. Шундай қилиб, онг ва борлиқнинг ўзаро таъсири ахборот майдонида яна долзарб масалага айланади. Бу нарса, айниқса, улар ўзида билим, технология ва дастурларни ифода этган ахборот оқимларининг умумий майдонида қолиб кетишганида яққол намоён бўлади. Уларни фарқлай олмаслик, техник моддий тусга келтирилган муҳитнинг субъектив дебчасини алмаштириш каби салбий йўналишни юзага келтиради. Бундай муҳитда эса “яхши” ва “ёмон” ахлоқ қоидаларига кўра фарқланиб бўлмайдиган даражага келиб қолади. Деструктив жараёнлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун объектив ҳолис шаклларга кириб олиш имкониятига эга бўлиб олганлар. А.И.Субетто таъкидлаганидек: “Бозор тартибсиз бошқарувининг ахборот майдонида алоҳида жамиятлар ҳамда цивилизация шаклларида кириб келиши, ахборот ва билимларнинг маҳсулотга айланиб қолиши онгли равишда ёлғон ахборотларни ишлаб чиқиш жараёнига олиб келди... Ахборот ҳам жамиятларининг юзага келиши билан биргаликда алоҳида жамиятлар ва цивилизациялар, шу жумладан, миллий этник архетиплар тараққиётининг, мавжуд кадриятлар ва ахлоқ тизимларининг ижтимоий генетик механизмларини бузишга қаратилган ахборот урушлари феномени пайдо бўлди”[3].

Ёлғон хабарлар тарқатиш, воқеликни виртуаллик билан алмаштириш оқибатида жаминт ўз ҳаётига таҳдид солаётган турли даъватларга ўз вақтида жавоб бера олмай қолади, бундан ташқари, бундай ундовлар ва таҳдидларни тегишли равишда қабул қилиб муҳокама ҳам қила олмай қолади. Шунинг учун ҳам, замонавий (энг аввало Ўзбекистон) жамиятида ахборот-психологик хавфлилиги ва хавфсизлиги ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариб турадиган ижтимоий, психологик омилларни аниқлаштириб олиш зарурати туғилади.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, ахборот-психологик таҳдиди шундай бир универсал ҳодисаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охир-оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, руҳий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалиши ва ҳ.к. Чунки ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши унча ҳам кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унингўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ахборот-психологик барқарорликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар эга бўлиши шарт: давлат тузилмалари хизматчилари, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Инсоннинг ҳаётини фаолияти инсонлар жамиятига хос бўлган, ўз қонуниятларига, фаолиятини юритишда ва ривожланишда ўз хусусиятларига эга бўлган муҳитда амалга оширилади. Бугунги кунда ахборотлар ва улар фаолияти жараёнларининг ижтимоий субъектлар томонидан ҳар қандай шаклда



Ўзгартириш одамлар руҳиятига таъсир ўтказиш, уларнинг хулқини ўзгатириш, улар шахсиятини психологик жиҳатдан турли ҳийлаларга солиш мақсадларида ишлатиб келинмоқда. Ахборот муҳитида шахс хавфсизлиги масаласининг долзарблиги қуйидаги асосий ҳолатлар билан белгиланади. Бир томондан замонавий жамиятда объектив равишда юзага келган цивилизациялар ўзгаришларининг ҳолати таъсирида, шарт-шароитлар мажмуасида эҳтиёжларни келтириб чиқарадиган, шахснинг яхлит тузилма сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ва кенг маънода унинг жамият ва давлат тизимидаги эҳтиёжларига мос равишда, унинг ўз-ўзини ҳимоя қилиши ва ўзини асрай олиши, унинг ривожланиши ва истакларини рўёбга чиқариши учун зарур механизмларни шакллантириш имкониятларини яратиш лозим. Бошқа тарафдан эса фандаги, ижтимоий онгдаги ва ижтимоий амалиётдаги устувор йўналишларнинг ўзгариши зарурати туфайли юзага келган муаммоли ҳолатнинг мавжудлиги билан ҳамда давлат хавфсизлигининг сўзсиз устуворлик қоидаларидан жамият ва инсоннинг, қолаверса, шахснинг хавфсизлигига бўлган аҳамиятни кучайтириш билан боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ахборот соҳаси - жамоатчилик соҳасидаги мустақил йўналиш сифатида - ривожланишнинг бошланғич босқичида, табиийки, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш, бу борада етук мутахассисларни тайёрлаш илм-фан фаолиятида деярли янги йўналиш ҳисобланади. Шу маънода, жаҳонда биз ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз ва давлатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишимиз лозим бўлган маълум даражада тажриба тўпланган. Шунингдек, замонавий ахборот жамияти, унинг асосий жиҳатлари, ахборот соҳасида, очиқ ахборот тизимида глобаллашув жараёни, ахборот-психологик хавфсизлиги тизими, шахс, жамият ва давлатни ахборот соҳасида таҳдиддан ҳимоялаш, ўз-ўзини ҳимоялаш, бу борада уларнинг манфаатларини ҳимоялаш моҳиятига оид асосий тушунча ва атамаларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзимизни таҳдидлардан ҳимоя қилишда психологиянинг ўрни катта. Бунинг учун, фалсафа, хусусан этика, бевосита амалиётга, амалиёт дастурига айланиши лозим. Замонавий фалсафа, этика ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар юқоридаги долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратапти. Мамлакатимиз олимлари эса бу муаммо устида бош қотиришмоқда. Бу ҳодисалар, яъни манфаатлар, эҳтиёжлар, установакалар, эътиқодлар ва уларнинг инсон руҳияти билан ўзаро алоқадорлиги шу қадар мураккабки, уни бир эмас, бир неча мақола доирасида ҳам ёритиш амримаҳол.

### Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 2018 й. – 125-б.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. - Т: Ўзбекистон, 2005. - Б. 194.

3. Субетто А.И. Общественный интеллект: социогенетические механизмы развития и выживания: (Философско-методол. основания и начала теории обществен. интеллекта): автореферат дис. ... доктора философских наук: 09.00.11. - Нижний Новгород: Нижегород. 1995. - С. 54.

## IMOM AL-BUXORIY ASARLARIDA AHLOQAN POK INSONNI TARBIYALASH MASALASI

**To'xtayeva M.**  
**O'zMU, Ijtimoiy fanlar fakul'teti mustaqil  
tadqiqotchisi**

Imom al - Buxoriyning ilmiy - ma'naviy merosiga yangicha nazar bilan qarash hozirgi kunda g'oyat dolzarb bo'lib, ma'lum ma'noda amaliy ahamiyatga ham ega. Millat va elatlarning o'ziga xos tarixiy merosi, san'ati va adabiyoti bilan bir qatorda ularning urf - odat va marosimlari, madaniy munosabat va axloqiy fazilatlar ham ma'naviy qadriyatlar tizimiga kiradi. Bular xalqning o'ziga xosligini saqlab qolishda, yosh avlodni tarbiyalashda, shaxsning ijtimoiylashuvida muhim rol o'ynaydi.

O'zbekiston respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev ta'kidlab o'tganidek, "Imom Buxoriy va Burxoniddin Marg'iloniy, Iso va Hakim Termiziylar, Maxmud Zamaxshariy va Qaffol Shoshiy, Bahouddin Naqshband va Hoji Ahror Valiy, Muhammad Xorazmiy va Ahmad Farg'oniy, Abu Rayxon Beruniy va Abu Ali Ibn Sino, Mirzo Ulug'bek va Alisher Navoiy kabi ko'plab daholar nomi jahon sivilizatsiyasi tarixida oltin harflar bilan bitilgan.[1]" Darhaqiqat, yillar davomida elu-yurtimiz o'zining shunday aziz va buyuk farzandlari bilan haqli ravishda faxrlangan, ko'ngli tog'day ko'tarilib, g'ururu iftixorga to'lgan.

Imom al - Buxoriy avlodlarga boy va qimmatli ilmiy meros qoldirgan bo'lib, uning «Al - Jome' as - sahih» asari sunniylar tomonidan e'tirof etilgan olti sahih kitobining birinchisidir. Undan tashqari yigirmaga yaqin kitoblari bo'lib, ko'plari bizgacha yetib kelmagan. Ulardan "Al - adab al - mufrad" («Adab durdonalari»), «Asmi-as-sahoba», "At-Tarix as-sag'iy", "At-Tarix al-avsat", "At-tarix al-kabir", "Kitab al-milal", «Kitob af'ol il-ibod», «Kitob bad i-l-maxluqot», "Barr ul-volidayn", («Ota-onaga yaxshilik qilish haqida») «Tarixi Buxoro», «Kitob us sulosiyosat», «Kitob ul-Fafoid», «Kitob ul-Vijdon», «Kitob ul-hiba», «Xulq af'ol il-ibod», «Kitob ul-musnod al-kabiyr» "Asomi us-sahoba", "Kitob al-kuna" «Al-Qiroatu xalfa-l-Imom» («Imom ortida turib namoz o'qish»), «Tarix us-siqat va-z-zu'afo min ruvot il-hadis», «Raf'ul-yadani fis salot» («Namozda ikki qo'lni ko'tarish») kabi asarlarning qalamiy nusxalari mavjud bo'lib, Movarounnahr musulmonlari diniy boshqarmasi qarmog'idagi kutubxonada saqlanmoqda.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, "Markaziy Osiyo uygonish davrining ko'plab yorqin namoyondalarining islom va jahon sivilizatsiyasiga qo'shgan bebaho hissasini alohida qayd etmoqchiman. Ana shunday buyuk allomalardan biri

Imom Buxoriy o'z ahamiyatiga kura islom dinida Qur'oni karimdan keyingi muqaddas kitob xisoblangan "Sahihul Buxoriy"ning muallifi sifatida butun dunyoda tan olingan. [1]"

Darhaqiqat, uning eng muhim asari, shubhasiz, "Al-jome' as - sahih" (Ishonchli to'plam) dir. Bu asar "Sahihul-Buxoriy" nomi bilan ham mashhurdir. Uning g'oyat ahamiyatli tomoni shundaki, Imom al-Buxoriygacha o'tgan muhaddislar o'z to'plamlariga eshitgan barcha hadislarini tanlab o'tirmay qatorasiga kiritaverganlar. Imom al - Buxoriy esa turli roviylardan eshitgan hadislarini tabaqalarga bo'lib, ularning ishonchlilarini ajratib, alohida kitob yaratdi.[2]

Iymonu e'tiqod, insofu diyonat, adolatu ma'rifat, mehnatsevarlik, vatanparvarlik g'oyalari, yuksak insoniy fazilatlar majmuasidan iborat bu noyob asar butun bashariyat qalbini munavvar qilib, rushdi hidoyat sari chorlab kelmoqda. "Sahih al - Buxoriy" dunyoning ko'p tillariga tarjima qilinib, unga yuzdan ortiq sharhlar ham yozilgan. Mazkur to'plamda Muhammad va uning sahobalari haqidagi hadislardan tashqari fiqh, islom marosimchiligi, axloq-odob, ta'lim-tarbiya hamda «Iymon», «Tahorat», «Namoz», «Zakot», «Nikoh», «Taloq», «Xaj», «Jihod», «Maloikalar haqida», «Olamning paydo bo'lishi» («Dastlabki yaratish») kabi. Shuningdek, o'sha davr tarixi va etnografiyasiga oid hadislar ham mavjud bo'lib, unga 600 ming hadisdan faqat 7275 ta eng «sahih» - haqqoniy, ishonchli hadislar kiritilgan. Mazkur to'plam Misr va boshqa bir qancha mamlakatlarda juda ko'p marta chop etilgan, unga yirik ulamolar tomonidan sharhlar bitilgan. Imom al-Buxoriyning ushbu yirik asari yozilganiga taxminan 1200 yil bo'ldi, o'sha davrdan boshlab toki shu vaqtgacha u islom ta'limotida Qur'ondan keyingi ikkinchi o'rinda turadigan muhim manba sifatida yuqori baholanib kelinmoqda.

Allomaning ushbu kitobi ma'naviy qadriyatlarimizni tiklashda, kishilarda axloq - odob, halollik, rostgo'ylik, poklik singari umuminsoniy fazilatlarini qaror toptirish va mustahkamlashda muhim ahamiyatga egadir.

Imom al-Buxoriyning «Al-Adab al-Mufrad» (Adab durdonalari) kitobiga kirgan ba'zi hadislariga e'tibor qaratsak, ulkan ma'naviyat maskaniga egaligiga guvoh bo'lishimiz mumkin. Masalan, farzandlarning ota-ona oldidagi burchi haqida bunday deyiladi: Rasulullohdan: «Ey Rasululloh, men yaxshiligimni kimga qilsam bo'ladi?» - deb so'ralganda, «Onangga», - dedilar. Men shu savolni uch martaba qaytarsam ham, Rasululloh: «Onangga», - deyaverdilar. To'rtinchi marotaba so'raganimda: «Otangga va yaqin bo'lgan qarindoshlaringga», - dedilar.»[3] Hadislarda Rasul akramning yana shunday tabarruk so'zlari keltiriladi: «Ota-onalarning keksalik vaqtida har ikkisi yoki biri bo'lmaganda, boshqasini rozi qilib, jannati bo'lib olmagan farzand xor bo'lsin, xor bo'lsin va yana xor bo'lsin». Ota-onani hurmat qilish har bir insonning muqaddas burchidir.

Imom al-Buxoriyning hadisi shariflarida insoniyatning yashashi bilan bog'liq shaxsiy, ijodiy munosabatlar, oila, jamiyat, Vatanga sadoqat, axloq - odobga oid ko'rsatmalar keng va mujassam o'rin topganini ko'rish mumkin.

Imom al-Buxoriy to'plamlariga kiritilgan hadislar faqat islom ta'limotiga oid umumiy qoidalarni aks ettirish bilan cheklanib qolmaydi. Ular mehr - muhabbat,

saxiylik, ochiq ko'ngillik, ota - ona, ayollar va kattalarga hurmat, yetim - yesirlarga muruvvat, faqir bechoralarga himmat, Vatanga muhabbat, mehnatsevarlik va halollikka da'vat etish kabi haqiqiy insoniy fazilatlar va namunali tartibotlar majmuasidir. Unda nima yaxshi, nima yomon, nimani qilish kerak, nimadan o'zni tiyish lozimligi haqida hozirgi jamiyatimiz ahli, ayniqsa, yosh avlod uchun katta tarbiyaviy ahamiyatga ega yo'l - yo'riqlar, pand - nasihat va o'gitlar aks ettirilgan.

Al-Buxoriyning axloqiy tarbiyaga oid ta'limoti komil, axloqan pok insonni tarbiyalashda boy imkoniyatlarga ega. Chunki uning asarlarida asosiy o'rin tutgan Qur'oni Karim oyatlari va Hadisi Sharifda qayta-qayta ta'kidlangan insonning o'z amallari borasidagi mas'uliyati, uning doimo nazorat ostida ekani va mukofot hamda jazoning muqarrarligini his etish yuksak insoniy va aloqiy talablarga rioya qilinishi uchun imkon yartadi. Masalan, "Ichingizdagi narsani hoh oshkor, hoh maxfiy tuting, Olloh baribir ularni hisob - kitob qilib qo'ygan" yoki "Sizlarning quloqlaringiz, ko'zlaringiz va terilaringizning o'zlaringizga qarshi guvoh bo'lmog'idan yashirina olmas erdingizlar", - degan Qur'on oyatlarini olsak, bu so'zlar yaxshilik bilan yomonlik, halol bilan harom o'rtasida ikkilanib turgan insonni bir oz bo'lsa xam o'ylantirib qo'yadi va yomon niyatidan qaytaradi.[2]

Al-Buxoriy o'z asarlarida insonlar bir - birlariga o'zaro mehribon bo'lishlari, bir - birlariga yordam berishlari, ahil va totuv yashash yashashlari kerak. Bu borada "ochlarga taom bering, kasallarni ziyorat qiling hamda sizga tobe'larni ozod qiling", - degan hadis keltirilgan "Sahiyhul Buxoriy" (Al-Buxoriyning ishonchli hadislarini) kitobida .

Al-Buxoriyning fikricha, qalbi pok, iymonli, atrofida qilarga qo'li bilan ham, tili bilan ham zarari tegmaydigan, odamlarga faqat yaxshilik qiladigan va yordam beradigan insonlarga axloqan barkamoldirlar.

Al-Buxoriy o'z asarlarida insonning kundalik turmushiga oid masalalar ustida ham to'xtalib o'tadi va bu boradagi qoidalarni nasihat tarzida bayon qiladi. Jumladan, bunday foydali nasihatlar "Al - Jomi' as - Sahih" to'plamidagi Adab kitobi, Kiyinish odobi kitobi, ovqatlanish kitobi kabi bo'limlarida ko'proq aks etadi.

Al - Buxoriy ta'limotining inson axloqi va tarbiyasidagi ahamiyati shundan iboratki, u insonni hech qachon umidsizlik, tushkunlik holatiga qo'ymaydi, yaxshilik va tavba - tazarru uchun doimo imkon beradi, hatto yomonlikni ham yaxshilik va ezgulik bilan mahv etishga yo'l ochadi. Bu xususda, muhaddisning "Al - Jomi' as - Sahih" to'plamiga kiritilgan quyidagi oyatlarni misol qilish mumkin: "... darhaqiqat, yaxshilik yomonlikni mahv etgusidir" hamda "Kimki gunohlarlariga tavba qilsa, iymon keltirsa va yaxshi ishlar qila boshlasa. Olloh ularning gunohlarini savobga aylantirib qo'yur, Olloh, mag'firatli, mehribondir".[4]

Al-Buxoriy Ollohning mehribonligi haqida shunday yozadi: "ollah taolo yaratmoq ishidan xolis bo'lgach, o'z dargohidagi Arshi tepasiga "Rahmatim g'azabimdan ustundir" - deb yozib qo'ydi va bir tomondan insonlar qalbida umid uchqunlarini uyg'otsa, boshqa tomondan esa ularning o'zaro mehribonlikka chorlaydi."

Va nihoyat, al - Buxoriyning asarlarida olim insonlarni doimo yaxshilikka va ezgulikka da'vat etadi. Al-Buxoriy islom dinining ma'naviy qadriyatlarini asosida insonni barkamollikka olib boruvchi sifatlarning mohiyatini alohida ko'rsatib bergan. Olimning axloqiy ta'limotining markaziy g'oyasini "Qo'li bilan va tili bilan o'zgalarga sodir bermagan kishi musulmondur" tashkil etadi.

Xulosa sifatida shuni aytish joizki, Imom al-Buxoriy qoldirib ketgan boy ma'naviy meros avlodlarimizni bundan keyin ham ulug' insoniy fazilatlar ruhida tarbiyalashdek oliyjanob maqsad yo'lida xizmat qilaveradi, desak xato qilmagan bo'lamiz.

Imom al-Buxoriy hadislarini yoshlarni mehnatsevarlik va erksevarlik, har qanday og'ir vaziyatda ham mustahkam iroda, vazminlik bilan ish tutish va omilkorlik, kelajakka, insonga doir udum va an'analar ruhida shuningdek shaxs ilmiy dunyoqarashini shakllantirishga katta imkoniyat beradi. Imom al-Buxoriy hadislarini o'z Vatani sevuvchi uning ravnaqi va istiqboli uchun fidoiy yoshlarimiz, barkamol avlod uchun albatta dastrulamal bo'lib qolishi shubhasizdir.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. I Tom – Toshkent, O'zbekiston NMIU, 2017 y.
2. Oltin Silsila "Sahihul Buxoriy" - "Nihol - nashr" nashriyoti, Toshkent, 2016 y.
3. Imom Buxoriy al - Adab al - mufrad – Toshkent, Sharq, 2008 y.
4. Al-Buxoriy Hadis. Al-Jomi' as-Sahih. 3 kitob – Toshkent, 1994 y.

### АЛ МААРИ ИЖОДИНИНГ ИЖТИМОЙ НЕГИЗЛАРИ ВА ИДЕАЛ ЖАМИЯТ ҒОЯЛАРИНИНГ РОМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ўроқова Ойсулв Жамолиддиновна**

*Андижон давлат тиббиёт институти*

*Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси мудири, доцент*

**Аннотация:** *Ал Маари мусулмон оламида яққол романтик руҳият сезилган илк ижодкор бўлган. Унинг инсонлар тенг ҳуқуқлилиги, адолатли жамият яратиши, порахўрлар, диний жаҳолатпарастлар ҳақидаги ғоялари, Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий тафаккури ривожига илдам қадамлар бўлган. У, ақл-идроққа сизинди, барча учун тенг меҳнат керак деди, ва шуларнинг барчаси инсон бахтининг асоси деб белгилади. Инсон, ҳар қандай ёвузлик, эгоизм, жаҳолат ўринишлари билан курашда янада гўзаллашиб, ҳимматли бўлади.*



Араб Шарқининг таниқли мутафаккирларидан бири бўлган Абул-ал-Маарининг гуманистик ва фалсафий ғоялари унинг дунёқарабини нақадар қатъий бўлганлигини кўрсатади.

Ўрта асрлар даврида диний фанатизмга қарши, инсон қалбини ҳар қандай бидъатлардан қутқариш учун хали ҳеч ким бу қадар шиддат билан курашмаган. У шундай деган:

“Бир инсон динсиз ҳам ақлли,  
Бошқаси диндор бўлса-да ақлсиздир”. [1]

Абул ал-Маари биринчилар қаторида ижтимоий зулм ва адолатсизликка қарши чиққан. Унинг ҳаёти фожиали кечди. Олти ёшида кўз нуридан айрилди, аммо на жисмоний нуқсонлари ва на маънавий фожиалар унинг расо ақлини тўхтата олмади, ўз даврининг ҳар хил илмларини эгаллашга йўналган Маари, ёш давридаёқ шеърлар ёзиб, араб мутафаккирларининг асарларига шарҳлар бериб борган.

Ал Маари маърузалари уни ўраб турган атроф-муҳитнинг ижтимоий ходисалари сабабларини англаш руҳи билан йўғрилган эди. У, ватанида хукмронлик сураётган қоронғу адолатсизликларни қалбан хис қилган; бойлар оламнинг барча нозу-неъматларидан баҳра оладилар, қамбағаллар эса, “хақ-хуққусиз, аччиқ ернинг яланғоч тошларини ғажийш билан овора...”[2]

Маари шон-шухрати бутун араб ерларида тарқалди. У, кўп саёҳат қилди, илм олди, файласуфлар ва олимлар билан учрашди, мунозаралар қилди. Маари ҳар хил дин руҳонийлари ҳақида ҳам фикрлар билдирган. Латакияда бўлган кезлари унинг кузатишича, у ерда: “Мухаммад ва Исо тарафдорлари ўртасида тўс-тўпалон. Бири жом чалса, иккинчиси минорадан хайқиради. Ҳар бири ўз эътиқодини маъқуллайди. Мен эса, ким ҳақлигини билишни истардим”. [3]

Абул ал-Маари 84 йил умри мобайнида 60 га яқин асарлар яратди. Бизгача тарих сақлаб қолганлари: “Фаришталар ҳақида мурожаат”, “Кечирим ҳақида мурожаат”, “Мажбурий эмаснинг мажбурийлиги”, “Чақмоқтош учқуни” шеърый тўплами ва х.к.

Абул ал-Маари аввало, файласуф мутафаккир. Аммо, унинг романтик руҳ ва фалсафий фикрлар билан йўғрилган шеърый ижоди унинг прогрессив фикрларини шеърый тил орқали намоён қилишга имкон яратган. Шеърый рамзлар ва ўзига хос ҳикоянавислик унга золимларга қарши ўз фикри ва кайфиятини намоён этишга кўмаклашар эди.

И.Ю.Крачковскийнинг сўзларига кўра, “Абу-л-Ала ташқи кўринишига нисбатан жуда катта ақл ва қобилиятга эга эди, ва унинг ташқи жиддийлигига эътибор бериб алданиб қолмасликни маслаҳат берар эди”. [4]

Абуль-аль-Маари ҳам ўз замондошлари сингари ақлий ибтидо ва ақлий тартиб ва идеалларга яқинлашиш инсоннинг ахлоқини яхшилашига ишонган. Мариининг тасаввурлари ҳаёлот эмас эди. У ёзганидек: “инсонлар кўй подасига ўхшайдилар, табиий инстиктларига мойил равишда ўйлаб ўтирмай, аждодларидан келаётган мерос анъаналарига бўйсуниб, золим хукмдорлар бошлаган томонга бетартиб борадилар. ...Рухонийларда эътиқод йўқ. Имомлар

халқ тақдири билан қизиқмайдилар, улар фақат ўз манфаатларини ўйлайдилар. Ишонч ва эътиқоддаги бошбадоқлик турли кўринишдаги жамоаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган, бу ҳолат эса адоват ва келишмовчиликни келтириб чиқаради. Қозилар адолатсиз ҳукмлар чиқарадилар, билим эса олимларнинг фақат моддий бойликлар орттиришига хизмат қилмоқда, адабиётчи ва шоирлар ёлғон сўзларни ўзларига касб қилиб олганлар, табиблар, мунажжим ва фолбинларнинг турган битгани фирибгарлик ва ёлғондир”.[5]

“Мурожаатлар”нинг мазмунида шу ҳаётдан бошқа ҳаётнинг йўқлиги, инсон яхшилиқни ҳам ёмонликни ҳам шу оламда бажариши ва ўлим барча ердаги тирикликнинг якуни, йўқлик эканлиги ёритилган.

“Мен билгим келган нарса, бу охиратга йўл олмоқ,

На кўшиқ билан, на кўз ёшлар билан қайтармоқ мумкин эмас.

Бу мисралардан Ўрта Шарқ мусулмон тафаккуридаги мураккаб ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қарашлари ўз ифодасини топган. “тана ўлимидан сўнг ўз қалбини бошқа танага беради, - бунга ишонманг, чунки ақл буни таъкидламайди” [6]- дейди Марии. Ақл инсонга йўл кўрсатмоғи ва унинг қалбини диний омиликдан тозаламоғи зарур.

Абул ал-Маари овози ўрта асрлар тафаккурида ҳақиқат ва адолатга чақирар эди, “ҳеч қачон ҳақиқатни пичирлаб, ёлғонни хайқириб гапирманг”, дерди у.

Ал Маарининг нафақат шахси, балки, фалсафий-шеърый ижоди ҳам романтик руҳиятнинг намоиши бўлди. У пантеист файласуф бўлган, аммо, унинг ҳурфикр, шаккоклиги ижодида яққол сезилиб турар эди. У фалсафада рационализм тарафдори эди, аммо, унинг фикрига кўра, оламни ривожлантириш ва англаш орқали ҳақиқат ва бахтга етишиш мумкин.

Юқорида келтирилганлардан кўришиб турибдики, Ал Маари мусулмон олами ижодида яққол романтик руҳият сезилган илк ижодкор бўлган. Унинг инсонлар тенг ҳуқуқлилиги, адолатли жамият яратиш, порахўрлар, диний жаҳолатпарастлар ҳақидаги ғоялари, Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий тафаккури ривождаги илдам қадамлар бўлган. У, ақл-идроққа сигинди, барча учун тенг меҳнат керак деди, ва шуларнинг барчаси инсон бахтининг асоси деб белгилади. Инсон, ҳар қандай ёвузлик, эгоизм, жаҳолат ўринишлари билан курашда янада гўзаллашиб, ҳимматли бўлади.

Унинг дунёқараши халқ оммасига жуда яқин бўлган. Мақсади – халқ тили билан сўзлаш бўлган, ўзи ва халқ ҳақида:

Мен мақтовга лойиқларни мадҳ этмайман,

Лекин, хушомадга ҳам йўл қўймайман. [7]

Маддоҳлар ва сохта шоирларга қаратилган ушбу сўзлар унинг гуманистик идеалларини ифода этади. Умрининг охиригача ҳақиқатгўй бўлиб яшаш ғояси Абул ал-Маарининг ҳаётгий шиори бўлган.

Шеърый образлар орқали у, инсонларнинг онги ва ҳиссиётларига мурожаат қилган, ва уларга яхшилиқ учун курашиб, уни кучайтиришга, ёвузликка, адолатсизликка қарши курашга даъват этган. Ижтимоий ходисаларни

тушунтиришда идеалист бўлиб қолса-да, С.Широян айтгандек, “касалликка тўғри ташхис қўйиб, аммо уни даволаш йўллари кўрсатмайдиган шифокорни эслатарди”. [8]

Ал Маари вакили бўлган шарқий романтизм бадий ва эстетик жиҳатдан шундай даражада эдики, инсоннинг мавжуд фалсафий ва диний тизимга қарши норозилиги ижтимоий мазмун касб этади. Аммо бу норозилик жамиятнинг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланмаган, балки, инсоннинг мавжуд ва кейинги ҳаётини оқилона билишга, ҳаёт ва эркин фикрлашнинг завқини тасдиқлашга қаратилган бир нечта ақллар дунёсининг романтик тушунчаси бўлиб қолган.

Маарининг фалсафий ва эстетик меросида гуманизм устунлик қилди ва унинг ер юзидаги тенглик ва инсон бахтини орзу қилиши, ислом жаҳолатпарастларини танқид қилиш ўрта асрлар даврида араб халқлари фалсафий тафаккурига улкан ҳисса қўшган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Цит. по книге Х.А.Р.Грибб. Арабская литература. М., 1960, с. 64.
2. С.Широян. Великий арабский поэт и мыслитель Абу аль-Маари. М., Знание, 1957.
3. Насиру Хосроу. Сафар-наме. М., Л., 1933, с. 48-49.
4. Из поэмы Аветика Исаакяна «Абуль Аль Маари», «Армянская поэзия в переводах В.Я.Брюсова», Ереван, 1956, с. 248.
5. С.Широян. Великий арабский поэт и мыслитель Абу аль-Маари. М., Знание, 1957, с. 6.
6. Абу-ль-Аля аль-Маари. Избранное. Москва.: Издательство «Художественная литература», 1990, С.15.
7. И.Ю.Крачковский. Собр., соч., т. II, Изд., АН СССР, М.-Л., 1956, с. 415.

## **INTERNET SAYTLARINING YOSHLAR MA'NAViy AXLOQiy TARBIYASIDAGI O'RNI**

**Xayitboyev Bobur**  
**Ijtimoiy fanlar fakul'teti magistranti**

XXI asr boshi insoniyat taraqqiyotidagi eng murakkab jarayonlarga boy davr bo'lib, insoniyat o'ta murakkab ijtimoiy – iqtisodiy, ma'naviy mafkuraviy jarayonlarni boshidan kechirmoqda. Ayniqsa, axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishida nanotexnologiyalar, bioidenfikasion texnologiyalarining paydo bo'lishi, internet tarmog'ining kengayishi axborotni berish, saqlash, tanlash va saralash imkoniyatini yanada kuchaytirmoqda. Bu jarayonlar zamiri yangi muammo axborot xavfsizligini ta'minlash masalasining kelib chiqishiga sabab bo'ldi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek, “Axborot kommunikasiya tizimlarining keng qo‘llanilishi, davlat boshqaruvining elektron shaklda tashkil etilayotgani, bu yaxshi albatta, o‘z navbatida axborot xavfsizligini ta’minlash bilan bog‘lik qo‘shimcha chora tadbirlar ko‘rishni hayotni o‘zi taqozo etmoqda.” [1]

Ayni bugungi kunda, jahon maydonlarini mafkuraviy bo‘lib olishga urinishlar avj olayotganligi, bunday urinishlardan ko‘zlangan asosiy maqsad muayyan siyosiy kuchlar, markazlar va davlatlarning jahon miqyosida o‘z ta’sir doirasini kengaytirish, o‘zga xalqlarni tobe qilish, ularni bo‘ysundirish va moddiy boyliklarga ega bo‘lishdan iboratdir. Endilikda ular ochiq harbiy kuch ishlatish usulidan ko‘ra ko‘proq xalqlarni ma’naviy – mafkuraviy jihatdan tobe qilishga intilmoqdalar. Bunday usulning o‘ziga xos xususiyatlari shundan iboratki, juda katta mablag‘lar sarf qilish orqali o‘z g‘oyalarini ma’naviy – mafkuraviy yo‘llar bilan o‘zga xalqlar ongiga singdirishga urinishlar kuchaymoqda. Ularning asosiy maqsadi, quyidagi fikrga qo‘shilgan holda “dunyodagi zo‘ravon va tajovuzkor kuchlar qaysi bir xalq yoki mamlakatni o‘ziga tobe qilib, bo‘ysundirmoqchi, uning boyliklarini egallamoqchi bo‘lsa, avvalam bor, uni qurolsizlantirishga, ya’ni eng buyuk boyligi bo‘lmish milliy qadriyatlarini, tarixi va ma’naviyatidan judo qilishga urinadi”.[2]

Axborot orqali shakllantirilayotgan g‘oyaviy ta’sir, oshkora mafkuraviy tazyiq oldida xattoki tajribali mamlakatlar ham qiyin ahvolga tushib qolmoqda. Buning sababi axborotlashgan ta’sirning an’anaviy xavf-xatarlar - terrorchilik, yadroviy qurollarning ishlatilishi, ekologik muammolar va boshqalardan farq qilib, ko‘zga ko‘rinmasligi, tezkorligi, chegara bilmasligi, uzoq vaqt mobaynida noaniqlik kasb qila olish qobiliyati va boshqalardir. Hech narsadan tap tortmaydigan axborotlar ta’siri tufayli turli davlatlar aholisi kayfiyati, ruhiyati, dunyoqarashi va xatti – xarakatlarida salbiy o‘zgarishlar kuzatilmoqda.

Bugungi kun axborotning tarqalish tezligi, inson tafakkuriga turli yo‘nalishlarda tez ta’sir o‘tkazishi, insoniyat hayotini va taqdirini u yoki tomonga burib yuborishga qodirligi, turli vaziyatlarda salbiy va ijobiy ahamiyat kasb etuvchi qudratli vositaga aylanishining sababi, axborotlarning aksariyati internet orqali tarqalayotganligini guvohi bo‘lmoqdamiz.

Internet insonlar ongida go‘yo hech qanday qonun-qoidalarga amal qilmaydigan, parallel olam sifatida mustahkam o‘rin olmoqda. Internet orqali tarqatilayotgan axborotlar bugungi kunda global mohiyat kasb etmoqda. Bugungi globallashuv jarayonida kimki axborotga egalik qilsa, o‘sha dunyoga hukmronlik qiladi, degan ibora bejiz paydo bo‘lgani yo‘q. “Darhaqiqat, hozirgi kunda yadro quroli ishlab chiqarish bo‘yicha dunyoda 20 ga yaqin davlatda harakatlar davom etayotgan bo‘lsa, 120 ga yaqin davlat esa, axborot xurujlarini uyushtirish ustida ish olib bormoqda. Ular buning uchun hatto million-millionlab dollar mablag‘ sarflashdan ham tap tortishmaypti.”[3]

Keyingi paytlarda internet orqali turli mazmundagi axborotlarning tarqalishi yoshlar tarbiyasiga katta salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Ayniqsa, internet bilan bog‘lik buzg‘unchiliklar, global tarmokdan qabih maqsadda foydalanayotganlar ko‘payib

bormoqda. Oqibatda, zalolatga boshlovchi elektron nashrlar va videolavhalar keng yoyilmoqda. G'alamis kimsalar yoshlarni o'z tuzoqlariga ilintirishda internetdan ustalik bilan foydalanmoqda. O'zlarini "yaqin do'st" yoki "hidoyatga chorlovchi" sifatida tanitib, yoshlarni to'g'ri yo'ldan chalg'itmokda. Aslida, ularning din va shariat haqida umuman ilmlari yuq, faqatgina to'da boshidan yodlab olganlarini takrorlashdan nariga o'tmaydilar. Boshqa tomondan qaraganda, ular bu johilligi bilan boshqalarni ham jar yoqasiga tortayotgani va kimningdir nog'orasiga uynayotganini bilmaydilar. Bundaylar avval dinu diyonat, ibodat, jannat haqida turli jozibali so'zlarni gapirib, g'o'r yoshlarni yo'ldan urib, oxir-oqibatda, razolat qurboniga aylantirmoqda.

Jumladan, Internet to'g'ri maqsadlarda ishlatilishi uning salbiy ta'sirlaridan himoyalanihini ta'minlaydi. Internetda yoshlar ma'naviy tarbiyasiga zarar yetkazadigan audio-vidual va kontent ma'lumotlarning tarqatilishi, zo'ravonlik, pornografiya, pediofiliya sahnalarining e'lon qilinishi keskin tanqid qilinmoqda. Internetning axborot maydoni, dezinformasiya, yolg'on va tuhmatlar manbaiga aylangani salbiy holat hisoblanadi. Shu bilan bir qatorda Yevropa global buzg'unchi saytlar mavjudligi ham vertual firibgarlik ta'siriga tushib qolishi mumkinligini inobatga olmagan yoshlar turli saytlarga kirishi tufayli ruhiy va hatto jismoniy salomatligiga ham ziyon yetkazayotgan axborotlarga duch kelmoqdamiz.

Internet tarmog'i o'zining tezkorligi, tejamkorligi va ochiqligi, nazoratning sustligi yoki umuman yo'qligi, dunyo bo'ylab tarqalgan foydalanuvchilarning mavjudligi, axborotlarning tez va arzon yo'l bilan to'liqligicha tarqatilishi, hamfikir guruhlarning tashkil etish mumkinligi, aloqalarning anonim ekani, asl manbani aniqlash imkonsizligi, strategik ob'ektlar, harbiy tashkilotlar kompyuterlariga noqonuniy ulanish imkonining mavjudligi, tarmoqlarning yashovchanligi bilan terrorchi tashkilotlarni o'ziga jalb qilayotir.

Bundan tashqari rivojlangan mamlakatlarda maktab o'quvchilarining qurollangan holatda turli jamoat joylari, maktab, savdo do'konlariga bostirib kirish hollari tez-tez uchramoqda. Bu holatlarning ko'payib borayotganini internet saytlari, jangari fil'mlar, videolavhalar va boshqa vositalarning ta'siri bilan bog'lashimiz mumkin. Bunda tartibdagi holatlar yoshlarni ruhiy holatiga ta'siri sabablidir.

Yoshlar tarbiyasi murakkab ish. Ayni bugungi kunda, Yoshlar bilan ishlash masalalari alohida e'tiborni talab qilmoqda. Darxaqiqat, "biz mamlakatimizning istiqboli yosh avlodimiz qanday tarbiya topishiga, qanday ma'naviy fazilatlar egasi bo'lib voyaga yetishiga, farzandlarimizning hayotga nechog'li faol munosabatda bo'lishiga, qanday oliy maqsadlarga xizmat qilishiga bog'liq ekanini hamisha yodda tutishimiz kerak".[4]

Umuman olganda, Internet buzg'unchilar makoniga aylanishining sabablari: internetning tartibga solinmaganligi; internetga kirish osonligi; internet maydonidagi faoliyatning maxfiyligi; cheksiz auditoriya; matn, tasvir, ovoz uyg'unligidagi axborotni joylashtirish qulayligi va ma'lumotlarni yetkazish tezkorligidan iboratdir.

Internet saytlarida yoshlarga kuchli ta'sir etuvchi axborotlarni: a) axborotlar sirasiga yot, buzg'unchi g'oyalar (diniy ekstremizm va terrorchilik g'oyalari, millatchilik, irqchilik, sadizm kabilar)ni; b) axborotlar G'arb hayot tarziga xos, o'zbek



mentalitetiga zid odatlar va ko'nikmalarni targ'ib etayotgan G'arb yoshlarining kiyinishi, odatlarini targ'ib qiluvchi maqolalar, kliplar, fil'mlarning namoyon bo'lishida; v) pornografik axborotlar; g) hali tekshirilmagan, o'z isbotiga ega bo'lmagan turli hujumkor axborotlarni kiritish mumkin.

Darhaqiqat, Internet saytlaridan tarqatilayotgan bu kabi yot g'oyalar va axborotlarni yoshlar tomonidan qabul kilinayotganligi va uning oqibatlari jahondagi barcha mamlakatlar xalklarini ham tashvishga solmoqda.

Yoshlarimiz ongini egallashga qaratilgan har qanday xatti-harakatlarga, milliy manfaatlarimizga raxna solishga, ma'naviyatimizga tajovuz qilishga, umrimiz mazmuni bo'lgan tarixiy xotiramizni buzishga urinayotgan g'arazli kuchlarga karshi doimo ogoh turishimiz darkor. Ana shundagina bizni hech kim, hech narsa o'z tanlagan yo'limizdan ortga qaytara olmaydi va biz ko'zlagan ulug'vor maqsadlarimizga albatta yetamiz.

Ayniqsa, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining yoshlar tafakkurini shakllantirishga qaratilgan tashabbus va go'yalarini keng targ'ib qilish va amaliy ahamiyatini o'rganish kelajakka qaratilgan ulkan imkoniyatlar sifatida qarash lozimligi, yuksak ma'naviyatni shakllantirish, o'tmishga hurmat va e'tiborda bo'lish, Sharqona qadriyatlarni tiklash va yanada rivojlantirish, yoshlarda vatanparvarlik, milliy g'urur hamda milliy iftixorni o'stirish, milliy istiqlol g'oyasining yoshlarda hamdo'stlik tarbiyachisi sifatini oshirish tufayligina jamiyatimiz o'zining ma'naviy xavfsizligini ta'minlay oladi.

Yoshlarning kasb tanlashi, ish joylariga ega bo'lishi ishlab chiqarishning instensiv ravishda rivojlanishi va yuksak texnologik takomillashuvi jarayonida faol ishtirok etishi, kitob mutolaasini oshirish borasidagi amalga oshirilayotgan islohotlar bilan bir qatorda, yosh avlodni turli xil virtual va real xavfdan saqlash uchun bolalarni, yoshlarni internetdan chetlashtirib qo'ya olmaymiz, albatta. Yoshlarga virtual olamda nima yaxshi-yu, nima yomonligini o'rgatish, ularda internetdan foydalanish madaniyatini shakllantirish kerak. Bunda asosiy ma'suliyat ota-ona, o'qituvchi pedagoglar zimmasiga tushadi. Binobarin, yoshlarimizning ruhiy-ma'naviy olamini zararli unsurlardan himoya qilish orqali taraqqiyot poydevori yaratiladi.

Yoshlar moddiy va ma'naviy olam parvoz qilayotgan qushning ikki qanotidek ekanligini, ongli hayot kechirish uchun ularning o'zaro uyg'unlashuvi shartligini anglab etishlari, ma'naviy va ruhiy ozuqa ola bilish fazilatlarini shakllantirish davr talabidir. Bizningcha bu kunning yoshlari, Vatanining kelajagini hal qiluvchi, yengilmas kuchi ekanligini, yengilmas kuchga aylanish uchun esa, o'zlarida yuksak ma'naviyatning shakllanishi kerakligini chuqur anglab yetishlari va unga intilishlari lozim.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mirziyoyev Sh. Milliy tarakkiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko'taramiz, - Toshkent, O'zbekiston 2017, 46 bet.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch.- T.:Ma'naviyat,2008, 11 bet.

3. Yohlarni axborot-psixologik xurujlardan himoya qilish texnologiyalari: nazariya va amaliyot. - Toshkent, 2012. - 10 bet.

4. Karimov I.A. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. 7- jild. - T.: O'zbekiston, 1999. - B.385.

## ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ.

**Хомиджонов Умиджон Толибжонович**

*Ўзбекистон Миллий университети*

*22.00.03 – “ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси”  
ихтисослиги таянч докторанти (phd)*

**Аннотация:** Мақолада шарқ мутафаккир олимларининг таълим тарбия, илм маърифат ҳақидаги дунёқарашлари ўрганилган. Шунингдек, мақолада инсон капитали тушунчаси, илмий истеъмолга киритилиш тарихи, инсон капитали назариясининг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланиш босқичлари ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилган. Америкалик иқтисодчи олим Теодор Шульц асарларида инсон капитали бўйича амалга оширилган тадқиқотлар очиб берилган.

**Таянч иборалар:** инсон капитали, инвестиция, маънавий савия, социологик ёндашув, таълим тарбия, инсон капитали индекси, тадқиқот, мотивация, таълим тарбия, меҳнат унумдорлиги, жадидлар, маърифат, Авесто, илм.

XXI асрда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида шиддатли ўзгаришлар рўй бера бошлади. Замонавий жамиятларда инсон капитали давлат ва жамиятнинг асосий бойлиги, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва миллий бойликни яратишда асосий ресурслардан бири сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда. Замонавий жамиятлар тараққиётининг асосида инсон капитали омили ётади. Бунда инсон капиталининг ривожланиши тараққиётга эришишнинг энг асосий омили эканлиги табора равшан бўлиб бормоқда.

Инсон капиталининг ривожланишида таълим тизими долзарб аҳамият касб этади. Шиддатли ижтимоий-технологик ўзгаришлар ва кескин рақобатга асосланган замонавий дунёда давлатлар ўз ўрнини топа олиши ва дунё бозорида барқарор тура олиши учун юқори интеллектуал салоҳиятга эга инсон ресурслари талаб этилади. Зеро ривожланган мамлакатни юксак ахлоқий фазилатларга ва кучли билимга эга авлодгина кура олади. Бундай авлодни етиштиришда эса таълим тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Ватанимиз тарихининг янги босқичида мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев тамонидан инсон капиталини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, таълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳасини юксалтириш борасида қатор ижобий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳатлар самараси ўлароқ Ўзбекистон илк мартаба Жаҳон банкининг халқаро инсон капитали индексида

иштирок этди. 2020 йилнинг 16 сентябрь куни Жахон банки томонидан дунё мамлакатларининг 2020 йил учун инсон капитали индекси (*The Human Capital Index*) эълон қилинди. Дунё аҳолисининг 98 фоизи истиқомат қилувчи 174та мамлакат иштирок этган мазкур рейтингда илк маротаба Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига оид маълумотлар ҳам келтирилган. Ушбу тадқиқотларда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси (62 %) натижа кўрсатган. Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида Беларус (70 %), Россия (68 %), Қозоғистон (63 %) кейинги ўринда жойлашган. Рейтингда биринчи ўринларни Сингапур (88%), Гонконг (81%) ва Япония (80%) эгаллайди. Кучли ўнликка Жанубий Корея, Канада, Финландия каби давлатлар кирган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган мурожаатномасида: “Энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир! Шу сабабли, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш, узлуксиз ҳаётга эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради” [2] - деб ўринли таъкидладилар. Зеро, ўрта муддатли истиқболда энг долзарб вазифа–бу инсон капиталини ривожлантириш ҳисобланади. Бу ўз навбатида узлуксиз таълимни ривожлантиришда инновацион технологияларни тадбиқ этишга қодир бўлган юксак салоҳиятли кадрларни шакллантириш вазифасини кўяди. Инсон капиталини ривожлантиришда унинг таркибий элементлари хусусиятларини социологик таҳлил қилиш долзарб вазифадир.

Инсон капиталини ривожлантириш, хусусан комил инсонни тарбиялаш масаласи Шарқ мутафаккирлари асарларида ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Жумладан, эрамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган “Авесто” китобида инсонни тарбиялаш, ёш авлодга таълим тарбия бериш, уни ҳаётга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Зардуштийликнинг илк куртаклари пайдо бўла бошлаган даврларда ҳам ҳозирги Моварауннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда таълим ва тарбия бирмунча ривожланган бўлганлигини кўрсатади. “Авесто” даги далиллар шундан далолат берадики, таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўқитилган, ҳунарлар ўргатилган. Зардуштийлик дини, яъни якка тангрига эътиқод расман қабул қилинган, ўлкамизда таълим тарбияга эътибор янада кучаяди. Ибодатхона –оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилади, мадрасалар ташкил қилинади, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилади.

Таълим жараёнига энди математика, астрономия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар тобора кўпроқ кириб боради[3]. Буюк мутафаккир Юсуф Хос Хожиб, ўзининг “Қутадғу билик” асарида билимни зиёга, тенги йўқ жавоҳирга ўхшатиб, у инсонни юксалтиради, жаҳонни сир асрорини билиб олишга ёрдам беради, дейди. Инсоният нимага эришган бўлса, билим туфайли эришганлигини таъкидлайди[4].Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг

“Мукошафат ул қулуб” асарида: “Ким илмини яширса, яъни бошқаларга ўргатмаса, Аллоҳ уни олов тизгин билан тизгинлайди”[5] дейди. Шунингдек, бобокалонимиз Амир Темур даврларида ҳам инсон капиталини ривожлантириш, ёш авлодга тўғри таълим тарбия бериш давлатга муносиб хизмат қилиши учун таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги маълум. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да қуйидагиларни ёзади. Менга бўйсунган мамлакатларни саййидлари, олимлари, шайхлари ва фозил кишиларига суюрғол, вазифа ва маош тайин этдим[6]. Яна амр этдимки, катта кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва ханоқоҳлар бино қилсинлар. Касаллар учун шифоҳона курсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар[7]. Жумладан “Кайковус” ўзининг Қобуснома асарида илмни дўст, бекорчи турмушни душман тутғил, китоб ва дарсга харис, яъни, берилгин деб ўз фарзандига насиҳат қилади[8]. Давлат ва жамиятнинг ривожланишида билимли, юксак маънавиятли инсонларнинг роли катта эканлигини маърифатпарвар жадидчи боболаримиз ҳам чуқур англаб етганлар. Улар ўзлари яшаб, фаолият кўрсатган даврдаги ижтимоий сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, ватанимизни қуликдан озод қилиш, эркин ва обод Ватан қуриш, миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин эканлигини аниқ идрок этганлар. Жумладан, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида таълим-тарбия, илм олиш хусусида қуйидаги фикрларни баён қилганлар. «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий, муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабудур»[9]. Шунингдек, мамлакатимизда социолог олимларидан М.Бекмуродов, А.Умаров, А.Холбеков, Т.Матибоев, Ш.Содиқова, О.Абдуазимовларнинг тадқиқотларида мамлакат тараққиётга эришишида инсон капиталини ривожлантириш, инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш омилларини социологик нуқтаи назардан ўрганганлар[10].

Инсон капитали назариясини ривожлантириш билан боғлиқ зарур шартларни ғарб социологиясининг классик намоёндаларидан М. Вебер, Г. Зиммел, Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, Т. Парсонс каби олимларнинг асарларида учратамиз. Номдор классик асарлардаги инсон капитали тушунчаси инсон ҳаётининг қиймати, унинг меҳнат салоҳиятига таъсир қилувчи шахс хусусиятлари, ахлоқ, маданият, диний эътиқод, меҳнат жараёнларидаги ижтимоий жавобгарлик билан боғланганлигини кузатиш мумкин[11].

Жумладан, америкалик социолог олим Талкот Парсонс ижтимоий институтлар ва таълим муассасаларини ижтимоий тизим сифатида ўрганишни таклиф қилган. Келиб чиқиши австриялик бўлган Америка Қўшма Штатларида яшаб ижод қилган иқтисодчи олим П. Друкер эса шундай ёзади: “Ривожланган мамлакатларнинг рақобатдаги бирдан-бир устунлиги малакали ишчи кучи ресурслари бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришда банд бўлган малакасиз

ишчилардан малакали ишчиларнинг фарқи шундаки, улар ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қиладилар: улар билимларни ўзлари билан олиб юрувчилар ҳисобланадилар” [12].

Т.Шульц, Г.Беккер, П.Друккерлар тамонидан илгари сурилган назарияда инсон капиталининг асосий кўрсаткичи бу инсоннинг билим ва интеллектидир. Жумладан Т. Шульц инсонни унинг қобилияти, таълим орқали олган билими нуқтаи назаридан кўриб чиқади, яъни ҳар бир маълумотли инсон муайян даромад олиш имкониятига эга бўлган фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган манбага эга ҳисобланади. Хусусан, у шундай ёзади: “Агар таълим иқтисодиёт учун муҳим бўлган ишлаб чиқаришга таъсир этса, бу капитал шакли ҳисобланади” [13].

Г.Беккер инсон капитали назариясини инвестициялар нуқтаи назаридан ривожлантирди. Унинг назариясига кўра, инсон капитали деганда “ҳар бир кишининг билим, кўникма ва мотивацияси заҳираси тушунилиши керак. Таълим, касбий тажриба тўplash, соғлиқни сақлаш, географик ҳаракатчанлик, даромад ва нархлар тўғрисида маълумот излаш эса унга қилинган инвестициялар бўлиши мумкин”[14].

Шунингдек МДХ давлатлари социологларида беларус социолог олими Александр Данилов таълим социологияси социологик билимларни бир қисми эканлиги, таълимнинг моҳияти ва тузилишини ижтимоий ҳодиса сифатида таълимни жамият ва унинг қуйи тизимлари билан алоқасини ўрганишга эътибор қаратади. Инсон капитали назарияси рус олимлари А. Добрынин, С.Дятлов, С.Курганский асарларида ҳам ўз аксини топган. Улар инсон капиталини “ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадли фойдаланиладиган, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига кўмаклашадиган, шунингдек инсоннинг иш ҳақи (даромади) ўсишига таъсир кўрсатадиган инвестициялар ва инсон томонидан жамғарилган соғлиқ, билим, кўникма, қобилиятлар, мотивацияларнинг муайян заҳираси натижасида шаклланган капитал” [15] сифатида кўриб чиқишган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. World Bank. 2020. The Human Capital Index 2020 Update : Human Capital in the Time of COVID-19. World Bank, Washington, DC. © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/34432> License: CC BY 3.0 IGO.”

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига мурожаатномасида сўзлаган нутқи Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январ № 19 (7521)сон.

3. Хомидов Х. «Авесто» файзлари. – Тошкент: Халқ мероси, 2001. – Б. 40-41

4. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи.– Тошкент: Университет нашриёти, 2005.– Б. 102.

5. Абу Хомид Ғазолий. Мукошафат-ул қулуб.– Тошкент: “Минхож” нашриёти,- Б. 221.



6. Темур тузуклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 97
7. Темур тузуклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 98
8. Кайковус. Қобуснома.– Тошкент: Янги аср авлоди нашриёти, 2016.
9. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ.– Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – Б. 96.
10. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. Дарслик. – Тошкент: Академия, 2020. 20 б.т.; Холбеков А. Социология молодёжи. Учебное пособие. – Ташкент: Университет, 2020. – 9 п.л.; Умаров А. Глобаллашув ва ахборот-кутубхона жараёнлари / Kutubxona.uz. илмий-услубий журнал №2 (46) 2020. – Б. . Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. – Тошкент: “Yangi kitob”, 2016. – Б. 184.; Содикова Ш. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Академия, 2020. – 10 б.т.; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). Соц...ф.докт...дисс...авторреф.... – Тошкент., 2017. – Б. 63.; Сеитов А. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. – Ташкент: Издательство национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – 11,5 п.л.
11. Дюркгейм Э. Социология. Её предмет, метод и назначение. – Москва: Канон, 1995. – С.236.
- Парсонс Т. О структуре социального действия. – Москва: Академический Проект, 2000. – С. 94.
12. Schultz T. Capital Formation by Education //Journal of Political Economy. –1980. – Vol. 68.
13. Becker G. S. Human Capital Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. – New York, 1964.
14. Добрынин А. И., Дятлов С. А., Курганский С. А. Методология человеческого капитала. // Экономика образования. – 1999. – № 1.

## **ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИДА "ТАНҚИДИЙ ТАФАККУР"НИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

**Худойқулов Ж.**  
**ЎЗМУ “Фалсафа ва мантик кафедраси”**  
**Онтология гносеология ва логика**  
**мутахассислиги магистранти**

Педагогик технология дарсинг барча босқичларида тадрижий ва тизимли фаолиятни ўз ичига олади.[1]

Технология - бу ўқитиш усулларидан, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг изчил ҳаракатларидан иборат аниқ стратегия. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак,

технология муайян таълим шароитларини, яъни ўқитишнинг муаммолари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти, шунингдек, муаммоли вазифалар, гуруҳ иш услублари ва бошқалар каби турли хил таълим усулларида фойдаланишни ўз ичига олади.[2]

Умуман олганда, педагогик технология XX асрнинг 50 йиллари ўрталарида Америкада, кейин эса Европада пайдо бўлди. Дастлаб, бу концептсия таълим фаолияти технологиясини назарда тутган. Кейинчалик унинг тушунчаси кенгайди. Адабиётларда турли хил таърифлар пайдо бўлди: Монахов томонидан ўнта таъриф келтириб ўтилган бўлса, В.Башарин эса, унинг саккизта таърифини келтириб ўтади.

В.Бесалко, Б.Блоом, В.Зхуравлев, М.Кларин, Г.Морев, В.Монаховлар "педагогик технология" тушунчасини торроқ деб ҳисоблашади. Педагогик технология бу дидактик жараёнларда содир бўладиган ўқитиш тизимининг бир қисмидир ва ушбу тизим "қандай ўқитиш керак?" ҳамда "натижага қандай эришиш мумкин" деган саволга жавоб беради.[3] Таълим технологиясининг элементлари педагогик услублардир (ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мақсадга эришиш йўллари сифатида) ва методлар (ўқитувчига ўқувчига таъсир қилиш усуллари сифатида).

М.И.Махмутов, Г.И.Ибрагимов якуний натижага эришиш учун ишлайдиган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қаттиқ дастурлаштирилган ўзаро таъсири даражасида педагогик технологияни кўради.

Бироқ, белгиланган мақсадларга қандай эришиш мумкинлигини тушуниш муҳимдир. Таълим жараёнида энг муҳими, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бу ҳамкорлик натижасидир. Агар технология қаттиқ дастурлаштирилган тизим бўлса, у ўқитувчиларни танлов ва ижодий фаолиятга муҳтожликдан озод қилиши мумкин, аммо бу ҳаммаси эмас. Ҳар қандай технология муайян қонунларга асосланади. Ўқитувчи ушбу технологиянинг асосини тушуниш, ўқувчиларнинг ёшини ва уларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олиш керак. Ҳар қандай технологияни ўзбошимчалик билан қўллаш, усул ва техникани ҳисобга олмаганда, таълим натижаларининг пасайишига олиб келади. Ҳар бир технологияда педагогик натижага эришишга қаратилган аниқ мақсад мавжуд.

Танқидий тафаккур технологияси эса тизимда ва бутун таълим давомида шаклланган кўникмалар мажмуаси деган хулосага келиш мумкин. Аммо бу кўникмалар дарсларда фаол ўқитиш усуллари сифатида қўлланилса ва талабалар фаол тингловчилар бўлса, яъни янги ахборотни фаол равишда қидирадиган бўлса, ўз амалий тажрибалари билан ўрганган нарсаларини ўзаро боғлаш учун тезроқ шакллантирилади. Талабалар ҳар қандай маълумотни шубҳа остига олишни (скептик ёнашув) ўрганишлари керак, уни ишончлилиги учун текширишлари керак ва ўқитувчининг вазифаси уларга ёрдам беришдир. Ушбу технологиядан тизимли фойдаланиш ўқувчиларга махсус фикрлаш ва когнитив фаолиятни шакллантиришга ёрдам беради.[4]

Танқидий фикрлаш-бу турли усуллар ва техникани оқилона қўллашдир. Ҳар бир ўқувчи ўз фикрини ривожлантиришни ўрганади.

Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни таълим жараёнига фаол жалб қилиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантиришни таъминлаш.[5]

Танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси муайян усуллар, техникалар ва стратегияларни ҳар бир дарсда уларни босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутади. Танқидий тафаккур технологиясининг муайян метод ва усулларини бирлаштириб, дарсларни режалаштиришингиз мумкин, аммо ўқувчиларнинг қобилиятини, уларнинг ёш хусусиятларини, дарс учун белгиланган мақсадларни ҳисобга олиш осон, бироқ, бу етарли эмас.[6]

Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар болани ривожлантиришга ёрдам беради ва боланинг нима бўлиши кераклигини кўрсатмайди. Шу муносабат билан дарсларда ишлатиладиган техника ва усуллар алоҳида ишлаб чиқилмоқда.[7]

Юқоридагиларни умумлаштириб, танқидий тафаккурни ривожлантириш технологиясининг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: мақсаднинг мавжудлиги, ташхис қўйиш имконияти, оптимал шароитларнинг тузилиши ва зарурияти. Шунга қарамай, технология ёшлар онгини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ўқитувчилар учун метод ва техникани танлаш, уларнинг педагогик фаолият шароитлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Танқидий тафаккур технологияси жуда универсал бўлиб, уни назариядан амалиёт босқичига осонликча трансформация қилиш мумкин.

Фикрлаш инсон ҳаётида катта рол ўйнайди. Бу дунёни бутунлай кўриш, бу дунё билан ўзаро муносабатлар тизимини яратиш имконини беради, Шунинг учун таълимстандартларининг жорий қилиниши билан талабаларнинг танқидий тафаккурдаражасини ошириш талаблари ортади. Инсоннинг интеллектуал қобилиятининг энг юқори даражаси мантиқий, ижодий ва танқидий тафаккуртурларини акс эттиради. Танқидий тафаккур- бу ташқи ахборотни мавжуд билимлар билан боғлаш, нима қилиш мумкинлиги, нимани тўлдириш кераклиги ва нима рад этилиши ҳақида қарор қабул қилиш жараёнидир. Шу билан бирга, сиз кўпинча ўз эътиқодларингизни ўзгартиришингиз керак ва агар улар янги билимларга зид бўлса, уларни тарк этишингиз мумкин.[8]

Замонавий жамиятда "тушуниш" маъносини талқин қилиш, тушуниш тартиби ёки маъноларни яратиш асослари сифатида кучайтирилади. Бошқа ҳар қандай ҳақиқат биз учун одатий қоидалар ва меъёрлардан фойдаланиб, уни тушунишга имкон бермайди. Бу ҳолатда тушуниш суҳбатнинг натижаси бўлиб, унда фарқлар ажралиб туради ва ҳар бир киши учун мақбул асосга эришилади. Шахс ўз мақсадларини амалга ошириш учун ўз муҳитини аниқлаш учун жамиятни билади ва тушунади. Бугунги кунда танқидийлик кундалик фикрлашнинг муҳим хусусиятига айланади. Ўз ҳукмларини таҳлил қилиш, уларни бошқаларнинг нуқтаи назарлари билан таққослаш, шу жумладан назарий тушунчалар, уларнинг келиб чиқишини, ижтимоий муҳитнинг шарт-шароитларини ва ижтимоий жараёнларни тушунишнинг мураккаблиги туфайли

уларнинг чекланганлигини тушунишга ёрдам беради. Инсоннинг мақбул ижтимоийлашуви учун зарур шарт, бу инсон маданияти ва ижтимоий қадриятларга эга бўлиш ва айти пайтда ўзининг ноёб ва ўзига хос "и"ни кашф қилиш ва тасдиқлашга ёрдам беради.[9]

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганишда қўлланиладиган танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиясининг мақсади нафақат мактабда, балки кундалик ҳаётда (қарор қабул қилиш, ахборот билан ишлаш, ҳодисаларни таҳлил қилиш) талаб қилинадиган ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришдир. Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун таълим технологиясининг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

- биринчи навбатда, ўқув жараёни шахс ва ахборот ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг илмий асосланган моделларига асосланади.
- иккинчидан, ушбу технологиянинг босқичлари (чақирув, тушуниш, акс эттириш) ўқитувчининг ҳар бир таълим шароитида ва ҳар бир дақиқада иложи борича мослашувчан бўлиши мумкин бўлган тарзда яратилган: бу матн билан ишлашнинг турли хил визуал шакллари ва стратегиялари, мунозараларни ташкил қилиш ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёни.
- учинчидан, технология стратегияси ҳамкорлик тамойиллари асосида таълим олиш, дарсда фаолиятни биргаликда режалаштириш имконини беради.

#### Адабиётлар:

1. Словарь по педагогике // под.ред. Г.М. Коджаспирова, А.Ю. Коджаспиров. Ростов: ИКЦ «МарТ», 2005. С.343.
2. Прямикова Е.В., Ершова Н.В. Теория и практика изучения обществознания в школе. Екатеринбург: УрГПУ, 2015.
3. Епишева О. Что такое педагогическая технология // Журнал школьные технологии. 2004. № 1. С.3
4. Фостер, К.К. Вводные вопросы для активизации критического мышления / К.К. Фостер // М.: Перемена. 2004. № 4. С. 38-43.
5. Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебное пособие. М. Академия, 2003. С. 248
6. Ковалева, Л.В. Технология развития критического мышления / Л.В.Ковалева. Горно- Алтайск: ИПКРОРА, 2005. С.73
7. Борытко Н.М., Соловцова И.А., Байбаков А.М Педагогические технологии/ Учебник для педагогических вузов. Волгоград.: ВГИПК РО, 2006. С. 7
8. Брушлинский А.В. Избранные педагогические и психологические сочинения. В 2т. Т.2. Под ред. Петровского А.В. – М.: Педагогика, 1999. – С.56
9. Прямикова Е.В. Теория и модели преподавания обществознания в школе. Екатеринбург, УрГПУ, 2006

**ЖУРНАЛИСТ КАСБ ОДОБИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ ХУСУСИДА****Юсуф ҲАМДАМОВ,***Ўзбекистон Миллий университети  
Журналистика факультети доценти,  
филология фанлари номзоди.*

Кейинги йилларда мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигига катта аҳамият берилаётганлиги, бу соҳада сезиларли ислохотлар олиб борилаётганлигининг ҳар куни гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу матбуот, ОАВ, айниқса, ижтимоий тармоқлар фаолиятида кўзга ташланаяпти. Истеъмолчилар ҳар куни турли ахборот манбалари, ижтимоий тармоқлар орқали мамлакатимиз ва хорижда рўй берган янгилик ҳамда хабарларни олиб турибди. Бу яхши, аммо истеъмолчига етиб келаётган маълумот, хабарларнинг холис ва ҳаққонийлигига кафолат борми? Бу масъулиятни ким зиммасига олади? Албатта, одатда қонун бўйича бунга хабар тайёрлаган ва уни тарқатганлар масъул. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунининг 5 – моддасида “Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг холислик ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади”[1], – деб белгилаб қўйилган.

Аммо журналистларнинг ҳаммаси ҳам бирдек оммага ахборот етказиш, тарқатишдек жиддий ва масъулиятли вазифани рисоладагидек бажараяптими, журналист касб одобига риоя қилаяптими, деган савол кўпчиликлари қизиқтириши табиий. Кузатганимиз, баъзи журналистларнинг ўз вазифаларига жиддий эътибор бермасликлари боис, англашилмовчилик рўй бериб, давлат ҳокимияти идоралари ходимлари ва одамларни чалғитишлари юзага келаётгани ҳам бор гап. Мисол келтирамиз.

2020 йилнинг май ойида Фарғонада бир журналист билан боғлиқ воқеа турлича талқин қилиниб, «хайп»га берилиб, айбсиз айбдорларнинг азият чеккани ва бўлиб ўтган шу каби саргузаштлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Мазкур масалани холис ёритиш мақсадида журналист Севара Алижонова журналист суриштируви ўтказиб, воқеа «қаҳрамони» Усмонжон Қодиров, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов ва Фарғона вилоят ИИБ матбуот котиби Исмоил Шарипов билан боғланади ҳамда ўзини қизиқтирган саволларига жавоб олади[2].

Келинг, бир бошдан бошлайлик. Даставвал, Фарғона вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати «Гап ёшда эмас, ниятда...» сарлавҳаси билан хабар тарқатади.

Хабарда айтилишича, 27 май куни «Мухбир Далиев» Telegram-каналда Фарғона телерадиокомпанияси мухбири Усмонжон Қодировнинг «Фарғона вилоятида Президент ташрифига тайёргарлик юқори даражада» сарлавҳали хабари эълон қилинган.



Ҳокимлик ахборот хизмати Усмонжон Қодиров бу хабарда Фарғона шаҳридаги йўлларни асфальтлаш, гулларни суғориш, йўл четларини тозалаш ва ободонлаштириш ишларига жалб этилган масъул идораларнинг ишчилари аслида қаерда ишлашени сўраб-сўриштирмай, аниқлик киритмай туриб, «завод ишчилари», дея ахборот тарқатганини қайд этади.

«Бундан бир кун аввал «Озодлик» радиоси Марғилондаги «Хунармандлар маркази»да зарарсизлантириш ишларини олиб бораётган оқ кийимдаги вилоят СЭОМ мутахассисларини «Марғилон шаҳар соғлиқни сақлаш тизими ходимлари», дея ёлғон ахборот берган эди. Маълумки, касб этикаси бўйича журналист ишончсиз ва далилларга асосланмаган ахборот тарқатмаслиги керак. «Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси»нинг 4- «Ахборотнинг ишончлилиги» бандида «Ўзи тарқатаётган ахборотнинг ишонччилигини текшириш ва холис ахборот тақдим этиш журналистнинг мажбуриятидир. Журналист ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилган ахборотнигина тарқатади ва шарҳлайди (камида иккита мустақил манба орқали ахборотни текшириб кўриши тавсия этилади»[3], – деб кўрсатиб қўйилган.

Ушбу ҳолат бўйича Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати далиллар билан асосланган баёнот бергани ва ундан хабардор бўлганига қарамай, Усмонжон Қодиров ижтимоий тармоқда «Менимча, Марғилондаги шифокорлар бўйича гаплар ҳам ростга ўхшайди» деб ёзади», – дейилади ҳокимлик ахборотида.

Журналист У.Қодиров объектни ўрганмасдан, масъул шахслардан сўраб – суриштирмасдан хулоса чиқарган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонуннинг 11 – моддасида «Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар»[4], дейилган.

Вилоят ҳокимлиги муносабатига Усмонжон Қодировнинг халқдан узр сўраб, ёлғон хабар бергани учун кечирим сўрагани акс этган видео илова қилинган.

Шунга қарамай, мухбир мазкур ахборот тарқатилган пайтнинг ўзида маъмурий жавобгарликка тортилади ва қамалади.

Суд қарори:

«Фарғона шаҳар маъмурий суди қарорига кўра, Қодиров 27 май куни соат 15:30лар чамасида шаҳарнинг Алишер Навоий кўчасида жойлашган Фарғона вилоят ҳокимлиги биноси олдида карантин талабларига зид равишда қасддан юзига ниқоб тақмасдан кетаётган бўлган. Шу вақтда у ҳудудда хизмат вазифасини бажараётган Фарғона шаҳар ИИО ФМБ 4-сон ИИБ профилактика инспектори М.Ҳамралиевга дуч келади.

Ўз навбатида, профилактика инспектори унга тартибга риоя қилиш кераклигини айтиб, шахсини аниқлаш учун ИИБ таянч пунктига боришлиги

лозимлигини билдирганида, Қодиров унинг қонуний талабларини узрли сабабсиз бажармасдан, ходимни ҳақорат қилгани айтилади.

Усмонжон Қодиров Фарғона шаҳар маъмурий судининг раиси С.Курбанов қарорига мувофиқ, МЖТКнинг 54-моддаси («Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш») 1-қисми, 183-моддаси («Майда безорилик») ва 194-моддаси («Ички ишлар органлари ходимининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармаслик») 1-қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбли топилиб, узил-кесил 15 суткага қамалди».

(Шубҳали аудиохабар)

Шу кеча уйига қайтмаган Усмонжондан хавотир олган оила аъзолари, дўстлари уни қидира бошлаган. 28 май куни оқшомга яқин Қодиров аудио хабар орқали хавфсиз жойда эканини айтиб, қамоқ ҳақида лом-мим демайди.

«Шу кунларда интернет тармоғи учун ажойиб янгиликни тайёрлаш ниятидамиз ва ижодий гуруҳимиз билан ушбу ишларни амалга ошириш мақсадида алоҳида студия ташкил этганмиз. У ерда иш жараёнларига киришдик. Иш кўплиги боис, интернетга кириш имкони бўлмади», – дейди у Telegram`да тарқатилган аудиохабарда.

Журналист Мавжуда Мирзаева билан суҳбатлашган Усмонжоннинг онаси эса, ўғли хизмат сафари юзасидан Сардобага кетяпман, деб айтганини маълум қилди.

«Хавотир олманг, 15 кун Сирдарё вилоятидаги Сардоба туманига хизмат сафари билан кетяпман, деди. У ўша куни уйга келмади», – дейди Қодировнинг онаси.

Ушбу тарқатилган хабарларни Усмонжон ўз истаги билан билдирганини текшириш имконияти бўлмаган. Шунингдек, у нега яқинларини алдагани ҳақида аниқ маълумот ҳам мавжуд эмас.

15 сутка икки суткага алмаштирилиб, мухбир озодликка чиқарилди.

Ижтимоий тармоқлардаги муҳокамалар ортидан, 29 май куни Фарғона вилояти маъмурий суди кассация инстанцияси вилоят телевидениеси мухбири Усмонжон Қодировга нисбатан Фарғона шаҳар маъмурий судининг 27 майдаги қарорини ўзгартирди.

Усмонжон қилган ишидан пушаймон эканини билдириб, суд залида кўрсатма берган.

Кассация инстанцияси қарорига кўра, 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси 2 суткага қисқартирилди. Ушбу муддат ўтаб бўлингани сабабли, Усмонжон 29 майда озодликка чиқди. Шунингдек, у маъмурий қамоқ харажатларидан ҳам озод этилган.

Мазкур мақолада журналист У.Қодировни айбдор ҳисоблаб, давлат ёки маҳаллий органларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ниятида эмасмиз. Қолаверса, энг нозик, масъулиятли касб бўлган журналистиканинг обрўси, нуфузига соя солинмаслиги тарафдоримиз. Хулоса қилиб айтганда, бу ерда турли шов – шувлар, эҳтиросларга сабабчи, бу – журналист Усмонжон Қодировнинг ўзи

бўлади. У агар Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни, бошқа қонун ҳужжатларига ва журналист касб одобиға риоя қилганида эди, бошиға шунча ташвишлар тушмаган, одамларда нотўғри таассурот уйғотмаган, қолаверса, қанча ташкилот, маҳаллий органлар вакилларининг беҳудаға қимматли вақтини олмаган бўларди.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.– Т.,2009.
2. Алижонова С. Ишон ва шубҳа қил! UzA.uz. 2020 йил 29 май.
3. Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси // Хуррият, 2019 йил 24 июль.

**ҚАЗАҚ ДҮНИЕТАНЫМЫНДАҒЫ ЭТИКАЛЫҚ ҰҒЫМДАРДЫҢ  
МӘНІ**

**ЗНАЧЕНИЕ ЭТИЧЕСКИХ ПОНЯТИЙ В КАЗАХСКОМ  
МИРОВОЗЗРЕНИИ**

**Шалдарбекова Айша Бақташқызы**

М.Әуезов атындағы Оңтүстік Қазақстан университетінің аға оқытушысы,  
филос.ғ.к., Шымкент қ., Қазақстан республикасы

**Тасполтаева Меруерт Рысбековна**

М.Әуезов атындағы Оңтүстік Қазақстан университетінің аға оқытушысы,  
Шымкент қ., Қазақстан республикасы

**Тәңкіш Нәзира Полатқызы**

М.Әуезов атындағы Оңтүстік Қазақстан университетінің аға оқытушысы,  
Шымкент қ., Қазақстан республикасы

**Аннотация**

Казахи -необыкновенное существо, стойкое к невзгодам, обладающее черной силой, умеющее противостоят непреодолимой силе природы, умелое, хранящее в памяти историю, всесторонне зрелое, почитающие родителей. Народ, населявший необъятную землю, уделял особое внимание воспитанию своего поколения хорошим человеком, достойным гражданином. В статье описывается этика и система ценностей казахского народа, обусловленная таким образом жизни. Отмечается, что этическая система казахского народа, основанная на духовных потребностях общества, стала мощным средством консолидации

людей, самореализации человека и обретения им места в этой жизни. Проанализированы особенности казахской этики.

Такие качества как чистота сердца и мысли (намерения) человека, хорошие взаимоотношения между людьми разного этнического сообщества и социального уровня, Умение быть вежливым и милосердным, умение разделять радость и боль других, воспитание с помощью духовных ценностей, умение бороться со своими плохими качествами, умение прощать, скромность, щедрость и храбрость статье рассматриваются как этические принципы.

Тәуелсіз Қазақстан – ерекше тарихи тағдыры мен географиялық мекені бар мемлекет. Төрт түлік малын жанымның, жаным арымның садағасы деп есептеген қазақ ұшы-қиыры жоқ иен далада тіршілік етті. Жері қалай кең болса, пейлі сондай кең болған. Өйткені ата бабаларымыздың өмірі – ол көшпелі өмір. Көшпелі өмір шексіздігі ерекше мәдениеттің, өнердің, шығармашылық шабыттың шыңдалуына негіз болды. Көшіп –қону, ұзақ жол қазақтардың бойында шыдамдылық, өзара түсіністік, қамқорлық, ұйымшылдық, тәртіптілік және тағы да басқа адамгершілік қасиеттерді тәрбиеледі. Өмірі үнемі қауіпті сезініп өскен көшпенді халқымыз мына дүниеден алудан гөрі осы өмірде болуды жоғары мақсат тұтты. Өмірдің әрбір сәтін бағалап, жаратқанға қамшының сабындай қысқа ғұмыры үшін шүкіршілік ете білді

Қазақ үшін ұят өлімнен күшті. «Қоянды қамыс, жігітті намыс өлтіреді», - деп бекер айтылмаса керек. Қазақстанның болашағы жастар десек, сол жастарға бірінші кезекте осы намыс ұғымының не екенін танытып, намысты болуға баулудың маңызы өте зор.

**Намыс**- қазақ халқының түсінігінде ең жоғарғы адами қасиет, ең жоғарғы құндылық деуге болады. Десек те осы намыс ұғымы ғылыми тұрғыдан мүлдем зерттелмеген ұғым. Философия ғылымдарының докторы Г.Ж.Нұрышева: «намыстың ғылыми сипаттамасын беруге талпынсақ, оны әрбір адамның өзінің еркіндігі мен тәуелсіздігін, рухы мен жанын, ар-ұяты мен сенімін, саналы тіршілік етуші ретіндегі «Менін» аса жоғары, асқақ, өр дәрежеде қадір тұту, қастерлеу сезімін ақыл-оймен ұштастырып, сана деңгейінде игере білу деген анықтама беруге болады», - деп көрсетеді (1. 14 б.).

Намысты екіге бөліп қарастыруға болады: жалған намыс және ақиқат намыс. Жалған намыс сезім деңгейінен жоғары көтеріле алмайтын, ақылдың бақылауынан шығып кететін, соның нәтижесінде адамды адасуға алып келетін қасиет. Ол өр көкіректіктен, менмендіктен, не өзгені мойындай алмай, не өзіңді мойындата алмағаннан туындайды. Ал ақиқат намыс жалған намыстан жоғары, ол ақылмен үндеседі, ақылға бағынады. Қазақтың қаһармандық және лиро-эпостық жырларында ақиқат намыстың жарқын мысалдарын көптеп кездестіруге болады. Қазақ батырлары өр мінезді, қайсар, көзсіз батыр бола отырып, жеке намысын қолдан бермеген. Сонымен қатар олар намысты ақыл деңгейінде де түсініп, жеке намысты ұлттық намыспен толықтырып отырған.

Қарапайым жеке намыс одан күрделі рулық, жүздік және ұлттық дәрежесіне дейін дамып отырған. Батыр үшін, өз тайпасы, ұлты немесе халқының намысы жеке намыстан жоғары тұрған. Мәселен Кенесары, Наурызбай, Ағыбай батырлар ұлт намысын өз өмірлерінен жоғары қойды емес пе? Сондықтан қаһармандық жырларды жастардың санасына сіңре отырып өсіріп, жеке және ұлттық намыстың ұлттық рухани-құндылықтық феномен екендігіне баса назар аударуымыз қажет.

Ақиқат намысты жалған насмыспен, рулық мақтаншылықпен шатастырмай, оны тәрбиелілікпен, төзімділікпен, ұстамдылықпен, ақылдылықпен ұштастыра отырып, ұлттық, мемлекеттік деңгейге жеткізе алуға болатындығын ескеруіміз қажет. 1986 жылғы Желтоқсан оқиғасында мерт болған жастар ұлттық намыс үшін өмірлерін қиды. Бұл бәріміз мақтаныш ететін оқиға. Сондықтан ұлт боламыз десек, мықты мемлекет боламыз десек, жемқорлықты ауыздықтаймыз десек, «намыс» ұлттың маңызды бөлшегі, құрамы екенін есте сақтағанымыз жөн. Қазақша білмегеніне намыстанбайтын қазақтар да баршылық. Оған бірнеше жыл бойы Ресей империясының бөлшегі болып келгенімізді себеп етуге болтын да шығар. Бірақ тәуелсіздік алғалы да бір ширек ғасыр өтіп, бір ұрпақ өсіп шықты емес пе?

Қазақ дүниетанымында ерекше дәріптелетін адамның тағы бір қасиеті ол «**парыз**». Парыз нәпсі мен төменгі тілектерден жоғары тұратын қасиет. Парызды маңыздылығы жағынан ар-ұжданмен қатар қоюға болады. Парыз адамның ішкі адагершілік санасын, тәртібін бақылап отыратын ішкі адами ұстын деуге болады. Парыз ұғымы көптеген ойшылдардың еңбектерінде ерекше орынға еге категориялардың бірі. 9 ғасырдан бастап атауы философия тарихында белгілі бола бастаған **Таза ағайындардың** (Ихваан ас-сафа) **Рухани қала** (әл Мадина ар Руханийя) туралы ілімінде Рухани басшының 12 қасиетінің бірі ретінде оның қарамағындағыларға адал және мейірімді, ізгілікті болуды парыз санайтындығы айтылса, әлемдегі екінші ұстаз атанған **Әл-Фараби** бабамыздың да «**Ізгілікті қала тұрғындарының көзқарастары туралы трактатында**» парыз мәселесі ашылған. Ғалым осы Ізгілікті қаланың басшысының қасиеттерінің бірі ретінде ар-намысты болуды айтса, екінші бір қасиеті ретінде оның халқы алдында әділ болуды парыз санайтынын айтып өткен (1, 180 б.).

Әл-Фарабидің осы шығармасында қайырымды қаланың басшысының нағыз тәрбиеші, көпшілік қолдаған адам ретіндегі туа біткен он екі қасиеті болуы керектігін айтады. Олар: 1) күш қуаты іс әрекет етуге бейім мінсіз ағза; 2) айтылғанды жетік ұғыну, ойды қорыта білу; 3) түсінгенін, көргенін, ойлағанын және қабылдағанын өзінің жадысына жақсылап сақтау; 4) алғыр және зерек ақылға ие болу; 5) өз ойын дұрыс жеткізе білу, мәнерлі сөз сөйлей білу; 6) білім алудан жалықпай, еңбекпен келген қиындықтарға мойынсұнбай білім мен ілімге ұмтылу; 7) кез келген жағдайда сабырлық сақтау; 8) шыншылдықты жақсы көру, өтірікті жек көру; 9) ары мен абыройын қадір тұту; 10) дирхем мен динарларды (ақша бірліктері) және өзге де пендешілік



өмірдің белгілерінен аулақ болу; 11) табиғатынан әділдікті жақсы көру, өзіне және өзгеге әділ болу; 12) бір беткей болмау, өркөкіректікті танытпау, бірақ өз ойын іске асыруда батыл болу және сонымен қатар жасқыншақтық пен қорқақтық танытпай қайсар болу (2, 142 б.). Мұндай қасиеттер әрбір адамның бойынан табылып жатса тамаша болар еді әрине. Бұл қасиеттер адамда туа сала пайда бола салмайды, оған адамды қоғам тәрбиелейді.

Парыз- адамды өз болмысын адамгершілік құндылықтарға сай қалыптастыруға мәжбүрлейтін, ол үшін ішкі міндетке айналатын рухани қажеттілікті бейнелейтін этикалық категория. Маңыздылығы жағынан парызды ар-ұжданмен қатар қоюға болады. Ар-ұждан секілді парыз да адамның адамгершілік санасын, тәртібін бақылап және реттеп отыратын ішкі механизм. Парыз жоғары адамгершілік, имандылық қасиеттердің бірі.

Ар - ұят адамның жеке өмірінің әр түрлі оқиғаларын көре білу, бағалай білу және оған қайғыра білу қабілеті. Жоғары моральдық құндылықтар деңгейінде барлығы ар - ұятпен бағаланады. Ар-ұят та парыз сияқты-ізгілік пен мейірімді инабаттылық пен имандылықты білдіретін ұғым.

Отандық философияның орта ғасырлардағы ірі өкілдерінің бірі ХХІ ғасырда өмір сүрген, ғұлама ойшыл Жүсіп Баласағұн еді. Ол өзінің негізгі туындасы "Құтадғу білік" адам өмірі туралы өсиеттің қалдыруға бекінеді. Ж.Баласағұн үшін адам баласы- дүниедегі ең басты құндылық. Адамды жаратушы Алла тек оны ғана емес, ай мен күнді, аспан мен жерді, дала мен тауды, күн мен түнді, көл мен елді де дүниеге әкелді. Бірақ тек адамға ғана теңіздейін телегей ақыл, білімге бой ұрдырар зерде, қайырымды іс қалдырар ар-ұят пен намыс сыйлады. Сондықтан адамның ендігі міндеті - осы «адам» деген атаққа лайықты өмір сүру. Жүсіп Баласағұн өмірді адамға Алланың берген қарызы деп түсінеді. Осы өмірді мәнді кешкен адам ғана қарызын қайтара алғаны. Баласағұн мәнді өмірге жетудің азапты жолында адамға серік болар төрт қасиетті бөліп көрсетеді. Олар: әділет, дәулет, ақыл, қанағат. Бұл қасиеттер Құтты білік дастанының төрт кейіпкерлері: Күнтуды, Айтолды, Өгдүлміш, Одғұрмыш есімдері арқылы аллегориялық түрде көрсетілді.

Олардың біріншісі Күнтуды- бастысы болып табылады. Филос.ғ.д Ғ.Телебаев "Түркі философиясындағы түркі және араб дәстүрлері: Қожа Ахмет Яссауи мен Жүсіп Баласағұн" деген мақаласында Күнтуды бірнеше мәнді білдіретіндігін айтқан. Оның ойынша Күнтуды -Күнді, білікті, әділдікті, батылдықты, ерікті, қажырды, заңды бейнелейді дейді. Бұл қасиеттер ел билеушінің бойында көрініс табады.

Айтолды - бақыт, береке, байлықты алып келуші дейді. Одғұрмыш - қанағат, ынсап, разылықты білдіреді. Өгдүлміш - ақыл, даналық, ғылымдылық (3, 150 б.).

Баласағұн - дәулет өткінші деп адамды дәулетке шектен тыс қызығушылықтардан сақтандырады. Дастанда Одғұрмыш қанағат адамның мал жинаудың соңына түскендігіне өкпелеп, қоғамнан бойын аулақ салады. Күнтуды -әділеттің шақырғанына қайрыла қоймайды. Бірақ Күнтуды Одғұрмыштың

адамның уақытша осалдығына, табиғи эгоизмді жеңе алмауына, мал-дәулет алдындағы әлсіздігіне кешіріммен қарауға шақырады, адамға деген өкпесін ұмытып, оралуды ұсынып, жалғыз өмір кешіп, өз қамын ғана күйттегеннің соры көп деп ескертеді.

Айтолдының өмірін мысалға ала отырып, Баласағұн тіршілікке алданбауға, дүниеге байланбауға шақырады. Мал дүниесін жұртқа таратса да өлімнен қашып құтыла алмаған Айтолды Оғдүлмішке өліммен күресуде адамшылық пен кісілікті алға тарту керектігін айтады. Өйткені адамның адамшылығы өлімнен күшті болғаны абзал дейді.

Қазіргі Қазақстанның бағыт-бағдарын, межесі мен мәресін, болашаққа ұмтылысын айқындайтын стратегиялық өлшем – «Мәңгілік ел» идеясы. Ол Қазақстанды тек мемлекет ретінде ғана емес, бірлескен ұлт ретінде көрсетеді. Мәңгілік ел болу дегеніміз – қазақтың әлемде қазақ болып қалуы, оның тілі, діні, ділі, болмысы, мәдениеті, әдеп-ғұрпы, рухы өшпей ұрпақтан-ұрпаққа жалғасып, дүниеде өзінің қайталанбас ізін қалдыруы. Осы қасиетті міндетті қоғамның барлық саласы түсініп, орындалуына бір кісідей атсалысса, мәңгілік елді қамтамасыз ететін ғылыммен біте қайнаған экономика, білім мен ғылымға негізделген қоршаған орта қалыптаса алады. Сондықтан да бұл ұлттық идеяны ақпараттық қоғамдағы жеке тұлғаның интеллектуалдық әлеуетін дамытудың негізі ретінде қарастырамыз [4, 26 б.]. Елбасы Н.Назарбаев өзінің «Қазақстан жолы-2050: бір мақсат, бір мүдде, бір болашақ» (Егемен Қазақстан, 17 қаңтар, 2014 ж.) жолдауында көтерген «Мәңгілік Ел» патриоттық актісі отандық саясаткерлер, философтар, тарихшылар ортасында қызу қолдау тауып, қоғамның сұранысына дөп келген шара болды. Өйткені көпұлтты Қазақстанда халықты ұйыстыруға бағытталған осындай идеяның болуы осы қоғамның тұрақтылығын, әлеуметтік-экономикалық дамуын, мемлекеттің қауіпсіздігі мен тәуелсіздігін қамтамасыз етудің бірден-бір кепілі болып отыр. С.Б.Даутова «М.Әуезов шығармашылығы және «мәңгілік ел» ұлттық идеясының сабақтастығы» атты мақаласында ол туралы былай дейді: «Өз дамуының белгілі бір жетістікті кезеңіне жеткен кез келген ел ұлттық идеясын қалыптастыруға деген қажеттілікті сезінеді. Әлемдік тәжірибе көрсетіп бергендей, ұлттық идея ел дамуының түбегейлі жаңа сатысына көтерілуінің орасан зор мақсаты жолындағы қоғам мен мемлекеттің саяси, әлеуметтік, экономикалық, мәдени, рухани және басқа барлық күштерін біріктіру міндеті туындаған тұста пайда болады. ... Сондықтан осы мәңгілік ел мен елдің тәуелсіздігінің баянды болуының бірден-бір алғышарты мен ең негізгі құрауыштарының бірі – «ұлттық идея» болып табылады [5, 169 б.].

Қазақстанды мәңгілік ел ретінде дамытатын жастар. Ал сол жастарды ұлттық құндылықтар тұрғысынан тәрбиелеу үлкендердің міндеті. «Мәңгілік ел» ұлттық идеясының рухани негізіне – Қорқыт ата, әл Фараби, Жүсіп Баласағұн, Махмұт Қашқари, Қожа Ахмет Яссауи және т.б. көрнекті ойшылдардың шығармашылығы жатады десек, соның ішінде Әбу Насыр әл-Фарабидің ұрпақты тәрбиелеудегі көзқарастарының орны ерекше. Әл-Фараби адам

болмысының жаратылысына, адамның адамгершілік қасиеттеріне, адамның қоғамдық болмысына терең мән берген. Ол адамның қоғамнан тыс өмір сүре алмайтындығын, жеке адам қоғамнан тыс болса бақытқа жете алмайтындығын ашып көрсеткен. Адамның тұлғалық қасиеті, әлеуметтенуі тек қоғамда жүзеге асады. Ол үшін адамдардың қоғамда бір-біріне деген үйлесімділігі болуы керек. Ол үйлесімділікті қамтамасыз ететін факторлардың ең маңыздыларының бірі ол тәрбие. Сондықтан әл-Фараби: «Адамға ең бірінші білім емес тәрбие беру керек. Тәрбиесіз берілген білім адамзаттың қас жауы. Ол келешекте оның өміріне опат әкеледі» [6, 59 б.]- деп, тәрбиесіз берілген білімнің қауіптілігіне басты назар аударған. Адамға білімнен бұрын тәрбие керек. Дұрыс тәрбие ала алмаған адамның жан дүниесінде рухани байлыққа толмаған бос орын қалады. Белгілі бір уақыт өткеннен кейін сол қуыс руханиятты қажетсіне бастайды. Бірақ дер кезінде сол қажеттіліктің орнын лайықты ақпаратпен толтырмаса, онда ол кез келген, кейде теріс ақпараттармен толтырылып кетуі әбден мүмкін. Сондықтан адамның рухани дүниедегі толыққандылық осындай намыс, парыз, адамгершілік, сыйластық сияқты қасиеттерді сіңіру арқылы келетіндігін ұмытпағанымыз жөн. Ата-бабамыздың осындай рухани мұрасын ылғи жаңғыртып отыру қоғамдық прогреске жеткізеді.

#### Әдебиеттер тізімі:

1. Нұрышева Г.Ж. Философия: оқулық. – Алматы, 2016. -278 б.
2. Әл-Фараби. Әлеуметтік-этикалық трактаттар. –Алматы: Ғылым, 1975.
3. Телебаев Ғ. "Түркі философиясындағы түркі және араб дәстүрлері: Қожа Ахмет Яссауи мен Жүсіп Баласағұн"
4. Шалдарбекова А.Б. Қазіргі қоғам және ондағы діннің орны / Оқу құралы. - Шымкент, 2016. -110 б.
5. Даутова С.Б. «М.Әуезов шығармашылығы және «мәңгілік ел» ұлттық идеясының сабақтастығы» // Абай атындағы ҚазҰПУ. Хабаршы. «Тарих және саяси-әлеуметтік ғылымдар» сериясы, №2(57). – Алматы, 2018. -405 б.
6. Шалдарбекова А.Б., Шалдарбекова М.Б. Әл-Фарабидің тәрбие туралы көзқарастары және «Мәңгілік ел» ұлттық идеясы аясында ұлттық тәрбие беру мәселесі // Әуезов оқулары -19. –Шымкент, 2019. -300 б.

### ЎЗБЕК МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ТАҲЛИЛИ (Наврўз байрами мисолида)

Шадиметова Г.М.  
ЎзМУ катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ўзбек халқининг миллий байрамлари Ўзбекистоннинг турли худудида бир-биридан фарқ қиладиган, ўзига хос гўзал эстетик қадриятларни намоён этадиган этноэстетик воқелиқдир. Ушбу мақолада, миллий

байрамларнинг, хусусан, “Наврўз” байрами тарихи, тараққиёт босқичлари, маросимлардаги анъанавий урф-одатлари ва уларнинг бадий-эстетик хусусиятлари илмий-назарий асосда ўрганилади ҳамда тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** миллий байрамлар, урф-одат, маросим, тантана, “Наврўз” байрами

Ўзбек халқининг байрамлари узоқ ва бой тарихга эга. Агар тарихчи ҳамда этнограф олимларнинг “байрамлар инсон билан бирга пайдо бўлган ва ривожланган”, деган фикрига таянса, байрамларнинг илк илдизларини Марказий Осиёда одам зоти пайдо бўла бошлаган энг қадимий замонлардан излаш лозим бўлади. Бу борада илк бора Беруний тадқиқот олиб борган. Шунинг учун, миллий байрамлар тарихи ва тараққиёт босқичларини ўрганишда Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари муҳим аҳамиятга эга.

Беруний қадимий эронийлар, хоразмийлар, сўғдийлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, христианлар, ҳиндлар ва бошқаларнинг тақвими (календар)даги машҳур саналар, кунлар, ҳайитлар ҳамда маросимлар ҳақида тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган бебаҳо фикрлар қолдирган. Масалан, сўғдийларда Мавсард ойининг биринчи куни – “Наврўз”, ойнинг ва йилнинг боши ҳамда йигирма саккизинчи куни – “Ромуш оғам” – оташхоналарда тўпланиш ҳайити каби байрамлар ўтказилган[1].

Бундан ташқари, Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асаридаги “Байрамлар ва тантаналар ҳақида” деб номланган бобида ерли аҳолининг урф-одат, маросим ва тантаналарига алоҳида тўхталади. Ҳиндлар байрамни – шоду хуррамлик маъносида англашгани алоҳида таъкидлайди. Беруний ҳиндларнинг ўз байрамларини ойма-ой қандай нишонлаш тартибига ва тантаналарнинг ижросига батафсил тўхталади. Алломанинг фикрича, – “байрамларни тантанали нишонлашдан мақсад – “савоб олиш”, садақа ва зиёфатлар бериш учундир. Агар байрамларда шундай савоб умиди бўлмаса, унда кўнгил очиш ва хурсандчилик қилиш яхшига ҳисобланмас эди”, – деб уқтиради ва шу маънода “Наврўз” байрамини элни шоду-хуррамликка эриштирувчи байрамлар ичидаги энг гўзал байрам сифатида эътироф этади[2].

Маълумки, миллий байрамимиз “Наврўз”нинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб асотир, афсоналар мавжуд. Асосий манбаларда таъкидланишича, аждодларимиз Наврўзни баҳорнинг биринчи куни ва янги йилнинг боши сифатида байрам қилганлар. Айрим манбаларда эса, “Эзгулик” маъбудининг “Ёвузлик” маъбуди устидан ғолиб чиққан кун – муқаддас байрам “Наврўз” сифатида нишонланган, деб таъкидланади. Ушбу таъкиднинг айнан “Наврўз” нишонланадиган санага тўғри келиши ва боболаримиз баҳорнинг биринчи кунини аниқ ҳисобга олганликлари ҳамда шу куни шоду-хуррамлик қилганликлари доноликдан нишонадир.

Беруний келтирган афсоналардан бирида ҳикоя қилинишича, Наврўз, янги кун – Жамшид подшоҳ бўлиб, тахтга ўтирган кундир. У ўзига ҳар хил

қимматбаҳо тошлар билан жило берилган шоҳона тахт ясаттириб, сўнгра дуружавоҳирлар қадалган қимматбаҳо тожини кийиб, тонг маҳали тахтга ўтирган. Шу пайт қуёш чиқиб, офтобнинг заррин нурлари Жамшиднинг тож ва тахтини ёритган. Натижада, бутун теварак-атроф мунаввар бўлиб кетган. Бу ғаройиб мўъжизани кўрган улус ажабланиб, Жамшид тахтга ўтирган кунни “наврўз”, яъни “янги кун” деб байрам қилишган[3].

Мазкур афсона Муҳаммад Ҳусайн Бурҳоннинг (XVII аср) – “Бурҳони қотиъ” номли луғатида бошқа кўринишда изоҳланади. Айтилишича, “Жамшид оламни сайр этиб юрганида қуёш ҳамал буржигга кирган эди. Жамшид бир баланд жойга тахт ясатишни буюрди. Қуёш олам узра намоён бўлганда, унинг зарин нурларида подшоҳнинг тахти ва тожи ялтираб, атрофга ранг-баранг шуъла соча бошлади. Эл уни “ёруғ подшоҳ” дедилар, катта шодиёна уюштириб, у кунни “наврўз” – янги кун атадилар”[4].

Баҳорий шодиёна – наврўзи оламнинг байрам қилинишининг урф бўлишини афсонавий Жамшид номи билан боғлаш анъанаси Алишер Навоийнинг – “Тарихи мулуки Ажам” асарида ҳам ўз ифодасини топган. Унда ёзилишича – “Ва анда улук биное солдиким, ҳоло асари ва нишонлари борким, одамизод андоқ ясамоқ маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани чихил минор дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва ақобарин йиғиб, анда азимжтин қилди. Ул вақтким, қуёш нуқтаи эътидоли рубъага таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтириб, адолат сийт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди”[5].

Таниқли инглиз авестошунос олимаси М.Бойснинг тадқиқотлари шуни маълум қиладики, Наврўз байрамининг пайдо бўлиши ўрта Осиёда яшаган қадимги аҳоли эътиқодий қарашларидан бири – зардуштийлик билан ҳам алоқадордир. Тадқиқотчи ёзишича, қадимги зардуштийлар оламда табиат ўзгаришлари, фасллар алмашинуви, қуёш ҳаракати, хуллас, дунёдаги ҳаётни ўз измига солиб турувчи муқаддас бир куч бор, деб ўйлашган. Бу илоҳий қудрат, яъни табиат қонуни зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да “аша” сўзи билан ифодаланган. “Аша” сўзи эса “ҳақиқат”, “эзгулик” маъноларини англатар экан. Яхшилик рамзи Ахура Мазда томонидан яратилган Аша-Ваҳишта номли тангри ана шу эзгулик кучларини ўзида мужассамлаштирган. Зардушт ўзи яратган етти мўъжиза – сув, тупроқ, ҳаво, олов, ўсимлик, сигир ва одамга монанд ҳолда еттита байрамни жорий қилган. Еттинчи мўъжиза – олов ҳамда эзгулик ҳомийси Аша-Ваҳишта шарафига баҳорий удум – наврўзни ўтказиш анъанаси пайдо бўлган[6].

Наврўзнинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу фикр – қуёшнинг чиқиши, оловнинг муқаддаслиги билан боғлиқ ҳолда тушунтирилиши ҳам бежиз эмас. Чунки, бу байрам олов ва қуёш ҳомийси, эзгулик рамзи Аша-Ваҳишта номи билан боғланиб – қиш, совуқ, зулмат каби ёвузликларнинг олов олдидаги рамзий мағлубияти, ер юзида ҳаётнинг жўш уриши, нурли кунлар ғалабаси, яъни баҳор билан алоқадорлиги асосланган.



Юқоридаги фикрлар миллий байрамимиз “Наврўз”нинг келиб чиқиши, шаклланиши, моҳияти ва фалсафий-эстетик асослари ҳақида муайян маълумот берувчи муҳим манбалар сирасига киради.

Булардан ташқари, “Наврўз”нинг келиб чиқишини табиат ҳодисалари ва мавсум ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда асослашга доир қарашлар ҳам мавжуд. Уларда коинот ва табиат қонуниятлари – қуёшнинг ҳамал буржигга кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узайиб, туннинг қисқариши ҳамда табиатдаги жонланиш – баҳорнинг келиши билан боғлиқ табиий ўзгаришлар айтиб ўтилади[7].

“Наврўз” байрамининг илк шаклланиш давридаги эстетик хусусиятлар уни нишонлаш билан боғлиқ тантаналарда ифодаланган – халқнинг орзу умидлари, гўзаллик ҳақидаги қарашлари, завқ ва кўтаринки кайфиятга муносабатлари, улуғворлик туйғуси ҳамда бадий тасаввурларнинг уйғунлашганлиги билан диққатга сазовор. Шунингдек, байрам кунлари одамларнинг бир-бирларига ширинликлар ҳадя қилиши – ҳаётингиз ширин бўлсин; гуллар тақдим қилиниши – гўзал бўлинг; бир-бирларига сув сепиши – сув кўп бўлиб, ҳосил мўл бўлсин, деган маънодаги дилни яйратадиган эстетик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан қимматли. Чунки, бу хусусиятлар одамларда эстетик идеалларни, гўзалликни ҳис этишни, улуғворликдан хайратланишни, воқеликдан эстетик завқ ва қувонч ҳиссини туйишни вужудга келишига замин яратган.

Хулоса қилиб айтганда, миллий байрамлар кишиларни она табиат билан оқилона эстетик муносабатни ўрнатиш, табиат бойликлари ва гўзалликларини тушуниш, авайлаш ва қадрлашга ўргатган. Шунинг учун, ўзбекларнинг байрам ва тантаналари моддий ҳамда маънавий турмуш тарзи, маданияти, санъати, урф-одатларига мос ҳамда улар яшаётган иқлим шароитларига хос экан, улар ичида “Наврўз” байрами ҳам дилни яйратадиган ўзига хос хусусиятлари асосида эволюцион тарзда ривожланиб борган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Тошкент: Шарқ, 2002.33 – б.
2. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. 2-жилд. –Тошкент: Фан, 1965. 426– б.
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: Фан, 1968. 254 – б.
4. Қаранг: Бўриев О. Наврўз тарихидан. –Тошкент: Ўзбекистон, 1990. 8 – бет.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 16-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Б. –199–200.
6. Бойс М. Зороастризм. Верования и обычаи. –Москва: Наука, 1987. 43– с.
7. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1-жилд. –Тошкент: Фан, 1968. 254 – б.

## МАМЛАКАТИМИЗДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

**Шукуруллаева Г.Н.**  
**ЎзМУ магистранти**

### Аннотация

*Мақолада суд-ҳуқуқ тизимида жазони энгилаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳамда уларнинг ахлоқий асослари ёритиб берилган.*

Ҳар бир мамлакатнинг юксак демократик давлатга айланиши учун ахлоқий ва ҳуқуқий кадриятлар том маънода кадр топиши керак. Ахлоқда ҳам ҳуқуқда ҳам биламизки, инсон ва унинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати энг олий кадриятдир. Юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар мана шу кадриятларга таянади. Бу борада жинойий жазо тизимида либераллаштириш жараёнлари ҳам мана шу мақсадларга хизмат қилади.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги [1] Фармонининг қабул қилиниши билан юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг таркибий қисми бўлган жинойий жазо тизимини либераллаштиришнинг янги босқичи бошланди, десак хато қилмаган бўламиз. Ўлим жазосини жинойий жазо тизимидан чиқариш жараёнини бир нечта босқичларга бўлиш мумкин.

Хусусан, 1-босқич, Ўзбекистон Республикаси 1991 йил сентябрда ўз мустақиллигини эълон қилди. Лекин эндигина мустақилликка эришган ватанимизда асосан эски собиқ иттифоқ мафкурасига асосланган ва у билан йўғрилган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар меърос қолган эди. Шунга кўра Жиноят кодексимизнинг 33 та моддасида ўлим жазоси назарда тутилган эди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унга асосан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий кадрият деб эълон қилинди. Янги Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб, 1994 йил сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил апрелда кучга кирган Жиноят кодексидан 13 та модда бўйича яъни: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисми), номусга тегиш (118-модда 4-қисми), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (119-модда 4-қисми), агрессия (151-модда 2-қисми), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда), геноцид (153-модда), терроризм (155-модда 3-қисми), давлатга хоинлик қилиш (157-модда 1-қисми), Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158-модда 1-қисми), жосуслик (160-модда 1-қисми), жинойий уюшма ташкил этиш (242-модда 1-қисми), контрабанда (246-модда 1-қисми), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (272-модда 2-қисми) жиноятлари бўйича ўлим жазоси қолдирилди холос. Бу ҳолат эндигина мустақил бўлган ва ўз хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган республиканинг

эҳтиёжларига мос келар эди албатта. Лекин кўп ўтмасдан 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жиноят кодексига кўшимча ва ўзгартишлар киритилиб яна 5 та жиноятнинг санкциясидан ўлим жазоси (ЖКнинг 119-моддаси 4- қисми, 152-моддаси, 158-модданинг 1-қисми, 160-модданинг 1-қисми, 246-модданинг 1- қисмидан) чиқарилди.

2-босқичда Олий Мажлиснинг 2-чақириқ олтинчи сессиясида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан қилинган «Адолат қонун устуворлигида» номли маърузада жиноят қонунчилигига оид сиёсатимизда жинойий жазоларнинг либераллаштириш истиқболлари белгилаб берилди: Шу сессияда, 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан «Жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят - процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшичалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва унинг асосида Жиноят кодексига яна 4 та модданинг санкциясидан (ЖКнинг 118-моддаси 4- қисми, 157-моддаси 1-қисми, 242-моддаси 1-қисми, 272-моддаси 2-қисмидан) ўлим жазоси чиқарилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устунлигидан келиб чиқадиган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Республика қонунларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилишда давом этиб, бу ҳужжатлар бўйича мажбуриятларни бажаришнинг, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар шу ҳужжатлар талабларига сўзсиз риоя қилишининг механизми яратилди.

3-босқичда 2004 йил 29 августда Жиноят кодексига яна 2 та модда санкциясидан (ЖКнинг 151-моддаси 2-қисми, 153-моддасидан) ўлим жазоси чиқарилди. Шундай қилиб ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисми) ва терроризм (155-модда 3-қисми) учун ўлим жазоси назарда тутилган ҳолос. Жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига киритилган қатор кўшимча ва ўзгартиришлар ижтимоий-ҳуқуқий заруратдан келиб чиқди.

4-босқич Биринчи Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони чиққан кундан кейинги даврни ўз ичига олади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди? Бу саволга жавоб беришдан аввал хориж тажрибасига мурожаат қилсак. Тарихда биринчи бўлиб ўлим жазоси АҚШнинг Мичиган штатида 1846 йил бекор қилинган. Европада эса 1867 йилда Португалияда ушбу жазо бекор қилинган. [2]

Аммо ўтган 150 йилдан ортиқ вақт мобайнида жаҳон жамоатчилигининг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирга келиб дунёнинг 80та давлатида ҳамма

жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган. 15та давлатда истисноли (ҳарбий жиноятлар) ҳолатлардан ташқари барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган. 23та давлат жиноят қонунчилигида ўлим жазоси назарда тутилган бўлса-да, лекин охириги ўн йилда бирорта ҳам ўлим жазоси ижро этилмаган. Шундай қилиб, бу рақамлар жами 118та давлатда қонунчилик тартибида ёки амалиётда ўлим жазоси бекор қилинган деган хулосани беради [3].

Ўзбекистонда ўлим жазосини тўла бекор қилиш жазо институтини либераллаштиришдаги энг катта қадам ташланди. Мамлакатимиз қонунчилигидаги ушбу ўзгариш натижасида Европа Иттифоқи мамлакатлари қонунчилигига янада яқинлашишига имконият яратди, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ва обрўсини мустаҳкамлади.

Биз ўлим жазосига ахлоқ томонидан қараганимизда ҳам унинг ноинсоний жазо эканлигига гувоҳ бўламиз. Маълумки, ахлоқий нуқтаи назардан энг улкан ёвузлик ҳисобланади. Айниқса мажбурий ўлим. Шунга кўра, ўлим жазосининг ҳуқуқий жиҳатдан қўлланилиши моҳиятан жамият томонидан ёвузликка қарши ёвузлик билан жавоб беришдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ислом динининг уч асоси борлигини айтиб, уларнинг биринчиси одам ўлдирмаслик эканини таъкидлайдилар. Буни имом Ғаззолий «Мукошафаат ул-қулуб»да шундай келтиради:

«Термизий ва бошқа ҳадисчилар ривоят қиладилар:

Расуллулоҳ буюрдиларки:

... Исломнинг уч дастури бор. Диннинг тамойили шулар устига қурилган.

Ким шу асослардан ташқари чиқса, бу билан у кофирликка қараб кетган бўлади:

1 – Қонни (одам ўлдиришни) ҳалол ҳисобласа;

2 – Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик (шаҳодат) бермаса;

3 – Фарз бўлган намозни ва рўзани инкор этса».[4]

Демак, инсон ҳаёти энг олий қадрият экани диний нуқтаи назардан ҳам на фақат тан олинади, балки биринчи ўринга қўйилади.

Юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасининг маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш ишлари шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Мамлакатимизда ўтган уч йил мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини ошириш борасида бир қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш масалаларга алоҳида тўхталиб, эришилган натижалар ва келгусидаги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Жумладан, жазо тизимини либераллаштирилиши муносабати билан 2020 йилда жиноят содир қилган 74 фоиз шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганлиги, халқимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик каби ўзига хос қадриятларининг

чин маънодаги юксак намунаси сифатида жиноят содир қилган 616 нафар афв этилганлиги, 719 шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги эътироф қилинди. Бу ўз навбатида одамларнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини ортиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллашни давом эттириб, манзил колонияларни қисқартириш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари энгилроқ жазога алмаштирилса тўғридан-тўғри пробация хизматида ўтказилиши, жазони энгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш ҳақида тақдимнома киритиш ваколатини жазони ижро этиш раҳбарларидан янги ташкил қилинаётган «Инсонпарварлик комиссияси»га ўтказиш ҳақидаги таклифлари ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки айтилган жараён шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, бунинг оқибатида жабр тортадиган ҳар бир оила ва оила аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишга, ўз оиласи бағрида бўлиб, оиласи тақдирини билан шахсан шуғулланишига мустаҳкам шароит яратади.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириш зарур бўлган вазифалар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, нуфузини ошириб бориш баробарида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда янги даврни бошлаб бериши шубҳасиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 01.08.2005 й. № ПФ-3641. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 30-31-сон, 223-модда.
2. Дмитрий Чиркин: Смертная казнь в России: за или против. <http://Pravda.ru/main/>
3. Смертная казнь в цифрах и фактах. [Fhttp://www.amnesty.org.ru/pages/deathpenalty-facts-rus](http://www.amnesty.org.ru/pages/deathpenalty-facts-rus).
4. *Газзалий*. Мукошафат ул-қулуб, 253-б.



## ЭТИЧЕСКИЕ ПОНЯТИЯ В ФИЛОСОФСКОМ МИРОВОЗЗРЕНИИ КАЗАХСКОГО НАРОДА

**Шалдарбекова Айша Бакташевна**

Кандидат философских наук, старший преподаватель Южно-Казахстанского университета им. М. Ауезова, г. Шымкент, Республика Казахстан

**Тасполтаева Меруерт Рысбековна**

Старший преподаватель Южно-Казахстанского университета им. М. Ауезова, г. Шымкент, Республика Казахстан

**Тәңкіш Нәзира Полатқызы**

Старший преподаватель Южно-Казахстанского университета им. М. Ауезова, г. Шымкент, Республика Казахстан

### Аннотация

Сформировавшиеся на основе тюркских племен казахи, жившие с древнейших времен, на протяжении веков не обладали письменной культурой, но своим устным народным творчеством сумели создать богатое духовное наследие. После появления письменности это наследие, быстро развиваясь, проходило сложные исторические пути, наполненные разными особенностями. В конечном счете, можно сказать, что устная и письменная литература являются корнями казахского мировоззрения. В казахском мировоззрении также существуют понятия, отражающие мировоззренческие установки: пространство (Родина, земля, вода) и время (вечность и смерть), человек и его место в мире, добро и зло, жизнь и смерть и др., определяющие целостность человека и природы. В статье ставится цель рассмотреть понятия этической категории, как честь, долг, совесть. Эти категории были проанализированы с философской точки зрения и оценены как показатели выявления истоков, мировоззренческих особенностей казахской традиционной культуры. Раскрыта грань между ложной честью и истинной честью. Категории долга, совести рассматриваются на уровне высоких моральных ценностей. Эти категории, занимающие особое место в казахской традиционной культуре, рассматриваются в преемственности с взглядами Аль-Фараби, Ахмета Яссауи и Жусупа Баласагуна.

Независимый Казахстан – государство с уникальной исторической судьбой и географической территорией. Казахи во все времена оценивали свой скот дороже души, а честь дороже своей жизни, жили и создавали на бескрайних просторах степи. Как просторна была земля казахов, так просторна была его душа. Ведь жизнь наших предков – это кочевая жизнь. Бескрайность кочевой жизни стала основой особой культуры, искусства, творческого вдохновения. Кочевка, долгий путь воспитывали у казахов терпение, взаимопонимание, заботу, организованность, дисциплинированность и другие нравственные

качества. Наш кочевой народ, жизнь которого постоянно проходила в опасности, имела более высокую цель – быть в этой жизни, чем получать от этого мира. Он ценил каждый момент и умел благодарить Творца за свою быстротечную, как острие хлыста жизнь.

Позор для казаха сильнее смерти. Не зря говорили казахи: «Зайца убивает камыш, мужчину убьет честь». Будущее Казахстана – это молодежь, и молодежи важно, в первую очередь знать, что такое понятие чести и постоянно прививать ее в себе.

«Честь» – высшее человеческое качество, высшая ценность в понимании казахского народа. Однако это понятие чести совершенно не изучено с научной точки зрения. Доктор философских наук Г. Ж. Нурышева указывает: «Стремясь дать научное описание чести, можно дать определение, что каждый человек обладает своей свободой и независимостью, своим духом и душой, своей совестью и верой, своим «Я» как сознательное существо, способен овладеть на уровне сознания, сочетая с разумом высочайшее, возвышенное, чувство достоинства, почитания " .(1, 14)

Честь можно рассматривать двояко: ложная честь и истинная честь. Ложная честь – это черта, которая не может подняться выше уровня чувств, выходит из-под контроля разума, что в конечном итоге приводит человека к заблуждению. Он исходит из властности, высокомерия, неспособности признать другого или признать себя. А истинная честь выше ложной, она созвучна с разумом, подчинена разуму. В казахских героических и лирико-эпических поэмах можно встретить немало ярких примеров истинной чести. Казахские батыры, будучи волевыми, самоотверженными, бескорыстными, не позволяли никому посягать на свою честь.

Они также понимали честь на ментальном уровне и дополняли личную честь национальной. Личная честь развивалась от сложного родового, жузского до национального ранга. Для героя честь его племени, нации или народа была выше личной чести. Например, разве Кенесары, Наурызбай, Агыбай батыры не ставили честь нации выше своей жизни? Поэтому необходимо культивировать героические поэмы, которые проникая в сознание молодежи, будут акцентировать внимание на том, что личное и национальное достоинство и честь – это и есть национальный духовно-ценностный феномен.

Необходимо подчеркнуть, что истинную честь можно вывести на Национальный, государственный уровень, не путая ее с ложной честью, родовой гордостью, а сочетая ее с воспитанностью, терпимостью, сдержанностью, мудростью. Погибшие в декабрьских событиях 1986 года молодые люди отдали свои жизни за национальное достоинство и честь. Этими нашими героями мы гордимся всегда. Поэтому, когда мы говорим и стремимся, что будем духовной нацией, будем сильным государством, будем искоренять коррупцию, мы должны помнить, что «намыс» (честь) – важная часть нации, ее основа. К сожалению, есть и определенная часть людей, которая абсолютно не считает постыдным незнание своего родного языка. Одна из причин этому тот факт, что мы

являлись частью Российской империи. Но ведь надо признать, что прошло больше четверти века с момента обретения независимости, и выросло не одно поколение?

Еще одно качество человека, которое особенно прославляется в казахском мировоззрении – это "парыз" (долг). Долг – это добродетель, которая возвышается над безграничными и низшими желаниями. Долг по важности можно поставить рядом с совестью. Можно сказать, что долг – это внутренняя человеческая позиция, которая контролирует внутреннее сознание, порядок человека. Понятие долга занимает особое место в трудах многих мыслителей. В учении о Добродетельном городе, название которого стало известно в истории философии с IX века, говорится, что одним из 12 качеств руководителя является долг быть верным и добрым, гуманным к своим подчинённым, труд нашего второго учителя аль-Фараби в «Трактате о взглядах жителей добродетельного города», в котором раскрывается вопрос о долге.

Ученый отметил, что одним из качеств главы этого города является честность, а другим – обязанность быть справедливым перед его народом (1, 180). В данном труде аль-Фараби говорится о том, что глава добродетельного города должен обладать двенадцатью врожденными качествами. Это: 1) Совершенный организм, обладающий силой действия; 2) Отличное понимание сказанного, умение обобщать мысль; 3) Хорошее сохранение в памяти того, что он понимает, видит, думает и воспринимает; 4) Обладающий умным и пронизательным умом; 5) Умение правильно выражать свои мысли, уметь выразительно говорить; 6) Стремление к знаниям и учениям, не утомляясь от получения знаний, не подчиняясь трудностям, которые приходят с трудом; 7) Сохранять спокойствие в любой ситуации; 8) Любить правдивость, ненавидеть ложь; 9) Уважать честь и достоинство; 10) Избегать дирхемов и динаров (денежных единиц) и иных признаков жизни; 11) Любить справедливость от природы, быть справедливым к себе и другим; 12) Не быть одиозным, не проявлять высокомерия, но быть смелым в реализации своих замыслов и при этом быть непоколебимым, не проявляя юности и трусости (2, 142). Было бы здорово, если бы такие качества находили в каждом человеке. Эти качества не могут быть врожденными у человека, они воспитываются обществом.

«Долг» – это этическая категория, отражающая духовную потребность, которая заставляет человека формировать свою сущность в соответствии с нравственными ценностями, становится для него внутренней задачей. По важности долг можно поставить рядом с совестью. Как и совесть, долг – это внутренний механизм, который контролирует и регулирует нравственное сознание, порядок человека. Долг – одно из высших нравственных, моральных качеств. Совесть – это способность видеть, ценить и оценивать различные события личной жизни человека. На уровне высоких моральных ценностей все оценивается по совести. Совесть, как и долг, – понятие, обозначающее добродетель и милосердие, нравственность и мораль.

Одним из крупнейших представителей тюркской философии в Средние века был Жусуп Баласагун, ученый-мыслитель, живший в XI веке. Своим основным произведением "Кутадгу билик" он оставил Завет о человеческой жизни. Для Ж. Баласагуна человек - самая главная ценность в мире. Аллах, создатель Человека, создал не только его, но и луну и солнце, небо и землю, степи и горы, день и ночь, озера и народы. Но только человека он наделил даром разума, знаниями, благородством, честью и достоинством. Поэтому основная задача человека-жить достойно звания "Человек". Ж.Баласагун понимает жизнь как долг, который дал человеку Аллах. Только тот, кто прожил жизнь со смыслом, сможет вернуть долг. Баласагун выделяет четыре качества, которые могут стать спутниками человека на его трудном и сложном пути к жизни. Это: Справедливость, Достаток, Разум, Удовлетворение. Эти качества были аллегорически выражены через имена четырех героев Кутты білік (Кудатгу билик): Кунтуды, Айтолды, Огдулмиш, Одгурмиш.

Первый из них – Кунтуды является главным героем. Д.ф.н. Г.Телебаев в статье " Тюркские и арабские традиции в тюркской философии: Ходжа Ахмед Яссауи и Жусуп Баласагун" отметил, что Кунтуды имеет несколько значений. По его мнению, он данный термин олицетворяет Солнце, силу, справедливость, мужество, волю, стойкость, закон. Эти качества находят отражение у правителя народа.

Айтолды - это тот, кто приносит счастье, благополучие, богатство – говорит он. Огдулмиш -удовлетворенность, ограничение, благодарность.

Одгурмиш - ум, мудрость, научность (3, с. 150). Ж.Баласагун остерегает, что богатство - проходящее, предостерегает человека от чрезмерного интереса к богатству.

На примере жизни Айтолды, Баласагун призывает не обманываться жизнью, не привязываться к материальному. И, несмотря на то, что Айтолды раздав весь скот, не смог убежать от смерти. Он Огдулмишу говорит, что в борьбе со смертью нужно продвигать всегда человечность и мужество. Ведь говорят, что человечность человека должна быть сильнее смерти.

Стратегическим критерием, определяющим курс, направления и векторы современного Казахстана, устремленности в будущее, является идея «Мәңгілік ел (Вечная страна)». Он позиционирует Казахстан не только как государство, но и как объединенную нацию. Быть Мәңгілік ел - значит оставаться казахом в мире, его язык, религия, менталитет, самобытность, культура, этика, дух, который, не угасая, передавался из поколения в поколение и всегда оставлял свой неповторимый след в мире. Эта священная задача может быть понята и исполнена всеми слоями общества, сформированной экономикой, основанной на знаниях и науке, окружающей средой, развитой наукой, все это формирует и укрепляет идею Мәңгілік ел. Поэтому мы рассматриваем национальную идею как основу развития интеллектуального потенциала личности в информационном обществе [4, 26]. Патриотический акт «Мәңгілік Ел», выдвинутый Елбасы Н.Назарбаевым в своем послании «Казахстанский путь-

2050: единая цель, единые интересы, единое будущее» (ЕгеменҚазақстан, 17 января 2014 г.), нашел оживленную поддержку в среде отечественных политиков, философов, историков и стал востребованным событием общества. Ведь в многонациональном Казахстане наличие такой идеи, направленной на консолидацию населения, является единственной гарантией обеспечения стабильности, социально-экономического развития этого общества, безопасности и независимости государства.

С.Б.Даутова в своей статье «Творчество М. Ауэзова и преемственность национальной идеи» Мәңгілік ел говорит о ней: «Любая страна, достигшая определенного этапа своего развития, испытывает потребность в формировании национальной идеи. Как показывает мировой опыт, национальная идея возникает тогда, когда возникает задача объединения всех политических, социальных, экономических, культурных, духовных и других сил общества и государства на пути к грандиозной цели подъема страны на принципиально новую ступень развития. Поэтому одной из предпосылок и основных составляющих укрепления независимости Мәңгілік ел и страны является «Национальная идея» [5, С. 169]. Молодежь, которая развивает Казахстан как Мәңгілік ел. А воспитание этой молодежи с точки зрения национальных ценностей-задача старшего поколения.

Духовной основой национальной идеи "Мәңгілік ел" является творчество выдающихся мыслителей Коркыт ата, аль-Фараби, Жусупа Баласагуна, Махмута Кашгари, Ходжи Ахмеда Яссауи и др., среди которых особое место занимают взгляды Абу Насра аль-Фараби. Аль-Фараби придавал глубокое значение творению человеческого бытия, нравственным качествам человека, общественной реальности человека. Он показал, что человек не может жить вне общества, что индивид не может достичь счастья, если он находится вне общества. Личностные качества, социализация человека осуществляются только в обществе. Для этого у людей должна быть гармония в обществе друг с другом. Одним из наиболее важных факторов, которые обеспечивают гармонию это - воспитание. Поэтому аль – Фараби сказал: "Первое, что нужно сделать, это воспитать человека, а не образовывать. Знание, полученное в отрыве от воспитания, является врагом человечества. Он в будущем приведет к бедствию." [6, 59], - так он подчеркивал опасность образования, переданного без воспитания.

Человек должен быть воспитан до образования. В душе человека, не получившего должного воспитания, остается пустота, не достигшая духовного богатства. Через определенный промежуток времени эта же пустота начинает нуждаться в духовности. Но если своевременно не восполнить эту потребность достойной информацией, то вполне возможно, что она будет заполнена любой, а иногда и негативной информацией. Поэтому не следует забывать, что полнота в духовном мире приходит через усвоение таких качеств, как честь, долг, нравственность, уважение.



### Литература

1. Нурышева Г. Ж. Философия: учебник. - Алматы, 2016. -278 с.
2. Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. - Алматы: Наука, 1975.
3. Телебаев г. " Тюркские и арабские традиции в тюркской философии: Ходжа Ахмед Яссауи и Жусуп Баласагун"
4. Шалдарбекова А. Б. Современное общество и место религии в нем / учебное пособие. - Шымкент, 2016. -110 с.
5. Даутова С. Б. «Творчество М. Ауэзова и преемственность национальной идеи «мәңгілік ел» // КазНПУ им. Абая. Вестник. Серия "История и политико-социальные науки", №2 (57). - Алматы, 2018. -405 с.
6. Шалдарбекова А. Б., Шалдарбекова М. Б. Взгляды Аль-Фараби на воспитание и проблема национального воспитания в рамках национальной идеи "Мәңгілік ел" // Ауэзовские чтения -19. - Шымкент, 2019.-300 С.

## ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАРДА ФАРЗАНДСИЗЛИК ФЕНОМЕНИ

**Юнусова И.Р.**  
**ЎзМУ магистранти**

Оила – нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати[1]. Шундай экан, бу – давлат сиёсати даражасидаги масала деб бемалол айтиш мумкин. Нега деганда, башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги – оиладан! Бордию, оила тузук бўлмаса, тарбияга ҳам эътибор берилмаса, қанча буюк бўлса ҳам, бундай миллат дунёда узоқ яшай олмайди[2]. Оиланинг тўлиқ бўлиши эса унинг мустахкамлигини янада таъминлайди деб ўйлайман. Бугунги кунда эса фарзандсизлик ҳолатининг ортиб бориши оилаларда ажримлар сонининг бир қанча ошишига сабаб бўлмоқда деб айта оламиз. Хориж тажрибасини кўрадиган бўлсак уларда ихтиёрий (childfree) фарзандсизлик кенг тарқалганлигини кўришимиз мумкин. Бизда эса аксинча ҳолат. Бироқ бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда ҳам фарзанд кўриш даражаси пасайиши мумкин.

Фарзандсизлик феномени 1970-йиллардан бошлаб кенг тарқалди. Ўшандан бери тадқиқот усуллари ишлаб чиқиш, аҳолини рўйхатга олишни такомиллаштириш, сўровномалар ушбу муаммони ўрганишда катта рол ўйнади ва ихтисослашган компютер дастурлари пайдо бўлиши билан ҳар томонлама статистик таҳлил ва моделлаштириш имкониятлари ошди.

Фарзандсизлик ўз-ўзидан янги ҳодиса эмас. XX асрнинг дастлабки ўн йилларида фарзандсиз одамларнинг кўпайиши ўта қашшоқлик ва кам овқатланиш урушлар ва миграция натижасида кам турмуш даражаси билан изоҳланади. П.Крегернинг сўзларига кўра, фарзандсизлик Шимолий ва Ғарбий Европада, шуниингдек АҚШ ва Австралида узоқ тарихга эга. У ушбу ҳодисани иқтисодий инқирозлар таъсирида никоҳни кечиктиришнинг кенг тарқалиши билан боғлади[3]. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, нисбатан фаровонликда

яшайдиган соғлом, жинсий фаол аёллар орасида замонавий фарзандсизлик янги ҳодиса[4].

Фарзандсизлик – бу фарзандлари бўлмаган шахс ёки эр-хотиннинг ҳолати[5]. Фарзандсизлик – инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ва онгли танлашнинг натижаси ҳам бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам уни «чайлдфри» (ихтиёрий равишда фарзандсизлик) ҳолатидан ажратиш керак[6]. Чунки улар бир-биридан кескин фарқ қилади.

“Чайлдфри” атамаси (инглиз тилидан childfree-“болалардан озод”) 1972-йилда Э.Пек томонидан киритилган. Чайлдфри атамаси чайлдлес атамасининг аналоги сифатида пайдо бўлди. Худди шу 1972-йилда Э.Пек ва С.Рэдл “Ота-она бўлмаганлар учун” миллий ташкилотини ташкил этишти. Чайлдфри ҳаракатининг асосий ғояси – бу бола туғишдан ихтиёрий равишда воз кечиш. Ҳаракатнинг баъзи тарафдорлари ҳатто жарроҳлик аралашувига мурожаат қилишади, уларнинг ёрдами билан улар фарзанд кўриш қобилиятидан маҳрум бўлишади.

Бироқ чайлдфри ҳаракатлари 1990-йилларнинг бошларида, мактаб ўқитувчиси Л.Лафаетте 1992-йилда чайлдфри жамоасини ташкил қилганида кенг тарқалган. Ўшандан бери жамиятда чайлдфри даражаси ўсишда давом этмоқда. Шундай қилиб бугунги кунда фаолияти чайлдфрига қаратилган турли хил ташкилотлар мавжуд. Биргина АҚШда қирққа яқин бундай ташкилотлар фаолият юритмоқда. Бошқалари Канадада (No Kidding!, Babes Without Babes), Буюк Британияда (Kidding Aside) ва бошқа мамлакатларда яратилган.[7]

Чайлдфри (англ. childfree – фарзанддан озодлик, яъни ихтиёрий фарзандсизлик) субмаданият ва мафкура, онгли равишда фарзанд кўрмаслик истагини характерлайди[8]. Асосан иш билан банд бўлган ёки машхур юлдузларни чайлдфри қаторига киритишимиз мумкин. Улар фарзанд кўришни кечиктириб борадилар. Шунингдек чайлдфри атамасини чайлдхейт билан чалкаштириш керак эмас. Уни инглиз тилидан таржима қиладиган бўлсак болалардан нафратланувчилар маъносини билдиради. Чайлдфрилар чайлдхейтдант фарқли ўлароқ болалардан нафратланмайдилар, уларга болалар борлиги ва улар сабабли пайдо бўладиган ноқулайликлар ёқмаслиги мумкин[8].

Фарзандсизлик сабаблари орасида:

Ихтиёрий:

- Тселибат яъни абстиненсия (лотин тилидан – сақланиш) оилавий ҳаётда жинсий ҳаётдан воз кечиш

- Шахсий танлов, яъни жисмоний, ақлий ва молиявий қобилиятига эга бўла туриб уларга эга бўлмаслик қарори. (чилдфрее.)

Ихтиёрий бўлмаган

- бепуштлиқ, яъни эр-хотиннинг фарзанд кўриш имкони йўқлиги.

- Гинекологик муаммолар, шу жумладан олдинги ҳомиладорлик туфайли келиб чиққан жисмоний шикастланишлар.

- Болаларни тарбиялашга имкон бермайдиган ақлий саломатлик билан боғлиқ муаммолар, шу жумладан когнитив бузилиш (ижро функтсияси бузилган) ва руҳий тушкунлик ҳолатларида.

- Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ амалий қийинчиликлар: Ижтимоий, маданий ёки ҳуқуқий нормаларнинг таъсири:

- комбинатсия
- қарама-қарши жинс вакили ёки шерикнинг йўқлиги
- фарзанд асраб олишдаги ижтимоий ёки ҳуқуқий тўсиқлар, масалан, ёлғиз шахслар ва бир жинсдаги жуфтликлар томонидан асраб олишдаги тақиқлар.

Иқтисодий ёки ижтимоий босим, биринчи навбатда хизмат пиллапояларидан кўтарилиш ва ундан кейингина фарзандли бўлиш, бу эса ўз навбатида репродуктив ёшдан чиқиб кетиш эҳтимолини оширади.

Болани кўтариш ёки тарбиялаш имкониятига шубҳа туғдирадиган молиявий ва бошқа ресурсларнинг йўқлиги:

- Оилавий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўқлигида молиявий ресурсларнинг этишмаслиги.

- Тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятининг пастлиги (кўпинча молиявий ресурсларнинг этишмаслиги сабабли).

- Иш жадвали ёки тиббий сабабларга кўра зарур бўлган маиший ёрдам хизматларидан фойдаланиш имконияти йўқлиги.

- вакиллардан бирининг фарзанд кўришни ёки уни тарбиялашни истамаслиги (шу жумладан бола асраб олишни хоҳламаслик).[9]

Онгли фарзандсизлик бундай қарор қабул қилиш учун аниқ сабабларни тахмин қилади. Тадқиқотчилар чилдфреенинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатишади:

“Рад қилувчилар” болани туғиш ва кўкракдан эмизиш билан боғлиқ бўлган нарсаларга ёқтирмаслик.

“Аффексионадо” болалар уларга қўшимча юк, тўсиқ бўлиб туюлади; аффексионидларга болаларни ёқтирмаслик энг муҳими эмас, лекин уларсиз яшаш жуда ҳам яхши эканлиги муҳим.

Шунингдек одамларнинг кейинги икки тури чайлдфрига боғлиқ:

“Тўлқинли воз кечувчилар” улар болаларни хоҳлашлари ёки хоҳламасликлари борасида доимо ўз қарорларини ўзгартириб турадилар ва замонавий контраптсептсияда улар ҳеч қачон фарзандли бўлмайдилар.

“Доимий кечиктирувчилар” ҳар доим фарзанд кўришни кейинга қолдириб, биринчи навбатда мартаба ва ҳаётни ташкил қилишга интилишади. Шундай қилиб доимо “кейин”сўзи ишлатилиб “ҳеч қачон”га айланади[10].

Иқтисодчи Гобби шунчаки болаларни истамайдиган, шунингдек, туғруқни кейинга қолдирганидан кейин фарзандсиз қолганларни ихтиёрий равишда фарзандсиз жуфтликлар деб таснифлайди. Ушбу ёндашув кўпинча мунозарали деб қаралади, чунки кейинга қолдириш аёлларда туғишнинг пасайишига олиб келади ва фарзандсизликнинг мажбурий шаклига айланиши мумкин[11].

Иккинчи демографик ўтиш концепцияси доирасида модернизациянинг ушбу барча сабаблари ва хусусиятлари келтирилган, аммо биров фарқли бўлган. Ушбу назария муаллифларидан бири Р. Лестегнинг таъкидлашича, ўтиш кўп қиррали инқилобдан бошланган ва унинг барча жиҳатлари туғилиш даражасига таъсир қилган. Контрацептив таблеткани ихтиро қилиш ва спирални такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган контрацептив инқилоб биринчи туғилишни кейинга қолдиришга ва туғилиш оралиғини оширишга имкон беради.

Замонавий контрацептив воситаларнинг тарқалиши, уларнинг кўпайиши ва абортнинг қонунийлаштирилиши адабиётларда фарзанд кўришни кечиктиришнинг муҳим омиллари сифатида қаралмоқда. Контрацептив инқилоб репродуктив инқилобни келтириб чиқарди ва аёлларга туғилишни бошқариш имконини берди, бу уларнинг мустақиллик, ишонч ва шахсий еркинлигини ҳис қилишга олиб келди[12]. Бу эркинликдан ҳар ким турлича фойдаланган. Шунингдек контрацептив воситаларнинг қўлланлиши маълум маънода ҳам яхши ҳам ёмон тарафлари борлигини тант олиш лозим.

Чайлдфри Америкада турғун феномен ҳисобланади.

- Миллий соғлиқни сақлаш статистика маркази Американинг ўзини ихтиёрий фарзандсиз деб ҳисоблайдиган туғиш ёшидаги аёллар улуши тез ўсаётганлигини таъкидлайди.

- Умуман олганда кузатишлар шуни кўрсатадики, чайлдфри жуфтликлар асосан маълумотли, раҳбар ва мутахассис сифатида кўпроқ талабга эга, кўп даромадга эга, шаҳарда яшашга мойил, анъанавий гендер ролларига ва урф одатларга риоя қилиш эҳтимоли кам.

- Кўпгина тадқиқотчилар чайлдфрининг “ижтимоий қулайлиги” кам эканлигини, уларга кўпроқ худбинлик (эгоизм) ва индивидуаллик хос эканлигини таъкидламоқдалар.

- Статистик тадқиқотлар жараёнида чайлдфри бўлиш учун сабаб бўладиган энг кўп тарқалган жиҳатлар аниқланган: бола учун шахсий маконини қурбон қилишни хоҳламаслик, фарзанд кўриш учун ишонарли сабабларнинг йўқлиги, вақтни беҳуда сарфламаслик, болаларга нисбатан бўлган доимий нафрат, уй ҳайвонларидан ва қариндошлар ёки дўстларининг фарзандларини кузатишдан қониқиш.

Хулоса ўрнида шуни айтишим мумкинки фарзандсизлик тушунчаси барчамизга маълум, бироқ бугунги кунда Америка, Россия ва бошқа кўп чет давлатларида ихтиёрий фарзандсизлик даражаси ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ижтимоий деографик жараёнга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Мамлакатда иқтисодий ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, ёки олий маълумотлилар улушининг ортиб бориши натижасида фарзандсизлик даражаси ҳам мутаносиб равишда ўсиб боради.

### Манбалар:

1. <http://www.adolatgzt.uz/society/munosabat/5004>
2. <http://marifat-ziyo.uz/news/soglomoylamuhiti>

3. Kreager P. Where are the children? // P. Kreager & E. Schröder-Butterfill (Eds.), Ageing without children: European and Asian perspectives. Oxford, UK, and New York: Berghahn Books, 2004 – pp 38.

4. Фахрисламова Р.Т. Основные теоретические подходы к объяснению феномена бездетности // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. № 3. С. 67

5. Бездетность - Толковый словарь Ожегова - Словари и Энциклопедии.

6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%91%D0%B5%D0%B7%D0%B4%D0%B5%D1%82%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C#:~:text=%>

7. Калёнова А.Н. Осознанная бездетность в современном российском обществе: гендерный аспект. Выпускная квалификационная работа, 2018. С- 6.

8. Бичарова М.М., Морозова О.В. Идеология чайлдфри и её влияниие на современную систему семейных ценностей/ Глобальный научный потенциал, 2016. – С. 7-10.

9. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%91%D0%B5%D0%B7%D0%B4%D0%B5%D1%82%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C#:~:text=%>

10. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A7%D0%B0%D0%B9%D0%BB%D0%B4%D1%84%D1%80%D0%B8>

11. Фахрисламова Р.Т. Основные теоретические подходы к объяснению феномена бездетности // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. № 3. – С 68.

12. Ўша ерда. –С 69-73.

## XUDBINLIK VA UNING NAMOYON BO'LISHI

**Yarashov Sarvar Norqul o'g'li.**  
**O'zMU Ijtimoiy fanlar fakulteti**

**Falsafa (sohalar bo'yicha) yo'nalishi magistranti**

Insonlar har kuni bir-birlari bilan uchrashishga, muloqot qilishga, aloqalar o'rnatishga, bordi-keldi qilish, yordam kutish va berishga, do'stlashishga muhtojdir. Hech kim jamiyatdan uzilib, faqat o'z imkoniyatlariga suyanib yashay olmaydi. Xatto odamlardan qochib, tog'-toshlarga, kimsasiz sahrolarga chiqib ketganlar ham baribir kimningdir yordamiga, aralashuviga, xech bo'lmaganda bir og'iz so'ziga muxtoj bo'lishadi. Shunday ekan inson jamiyatda yashashga muhtojdir. Jamiyatda yashash kishidan uning tartiblariga, qonunlariga va urf sifatida qabul qilingan odatlariga bo'ysunishni talab qiladi.

Odamlarga aralashish insondan katta mas'uliyat, fidokorlik, boshqalar manfaati bilan hisoblashish, o'zgalardan yetadigan ozor va aziyatlarga chidash kabi xislatlarni talab etadi. Yuqorida sanalgan xislatlar insonlar o'rtasidagi samarali munosabatlarda muhim omillardandir.



Kishining bunday munosabatlarga kirishishi uchun to'sqinlik qiladigan bir qancha salbiy illatlar bor. Ana shunday illatlardan biri bu xudbinlikdir. Xo'sh xudbinlik nima? U qanday namoyon bo'ladi? Xudbinlik - o'z manfaatini boshqa kishilar manfaatlaridan yuqori qo'yish [1]. Insonda bunday xislatning bo'lishi jamiyat a'zolari tomonidan salbiy baholanadi. Muloqotga kirisharkan, har bir inson ikkinchi tarafning ham manfaatlarini hisobga olishi zarur. Busiz samarali muloqot amalga oshmaydi

Shaxsining o'z manfaati doirasida aylanib qolishi, boshqalarning fikri va manfaatlari bilan hisoblashmay faqat o'z fikrlari va shaxsiyatini yuqori qo'yish bilan shug'ullanib qolgan holati xudbinlik deyiladi. Xudbinlik jo'mardlik axloqiy tamoyili va insoflilik me'yoring aksidir. Jo'mardlik - biror shaxs, jamoa yoki jamiyat baxti, farovonligi yo'lida kishining hatto o'ziga eng zarur bo'lgan narsalardan ham voz kechishga tayyor turishni anglatadi [2]. Xudbinlik - o'z manfaatlari yo'lida, hech kimni, hech bir jamoani, hech qanday jamiyatni tan olmaydigan salbiy me'yor egasining bo'rtib ko'zga tashlanadigan xususiyati.

Inson harakatlar ekan, miyasida "o'zim bo'lay", "faqat menga bo'lsin, mening aytganim bo'lsin" , "boshqalar bilan nima ishim bor" kabi fikrlarning aylanishi xudbinlikdandir. Tasavvur qilaylik, metro bekatida chipta olish uchun yigirmata odam navbatda turibdi. Shu payt bir kishi kelib atrofdagilarga mensimaygina ko'z qirini tashladi va uyalib, tortinib o'tirmay navbatning boshiga yurdi. U navbatda turganlarning xaqli e'tiroziga qaramay o'z ishini tezroq bitirmoqchi bo'ldi. Chunki uning miyasida "boshqalar bilan nima ishim bor, mening ishim bitsa bo'ldi" degan xudbinona qarash bor. Xudbin odamdan yaxshilik, mehr-oqibat, odamgarchilik, insof kutish qiyin ish. Xudbin odam o'zining arzandasini o'qishga yoki ishga kiritishda bunga haqli kishilarning rioyasini qilib o'tirmaydi, barcha vositalarni ishga solib o'z maqsadiga erishadi. U o'zining ming so'm foyda ko'rishi evaziga davlatga, xalqqa millionlab so'm zarar keltirishdan ham qo'rqmaydi. Bu holat jamiyat uchun zararlidir. Chunki bunday fikr va harakatlar jamiyat ichida tartibsizlik va nizo keltirib chiqarishi mumkin.

Xudbinlik qanday paydo bo'ladi? Biolog olimlarining takidlashicha xudbinlik o'zini o'zi saqlash tabiiy instinkti sifatida paydo bo'lgan. Xar bir shaxs uchun o'z ehtiyoj va manfaatlarini qondirish nihoyatda muhim ahamiyat kasb etadi. Aks holda biologik unsur sifatida mavjud bo'lishimiz ham qiyin bo'lardi. Xudbinlik - o'zini o'zi sevish emas, aksincha, bu sevgining me'yordan ortib ketishidir. Biz ushbu maqolada xuddi mana shu ma'nodagi xudbinlik haqida fikr yuritayapmiz. Sof xudbinlardan o'zini qadrlay biladigan kishilarni ham ajrata bilish zarur. Birinchidan xudbinlik xislati biologik asosga ega. Ya'ni, xayotda egoist yoki uning teskarisi alturist bo'lishimiz ko'p jihatdan tug'ilishimizdan belgilanadi. Ikkinchidan tug'ma berilgan xislarning tashqi ifodalanishi va shakllanayotgan shaxsda xudbinlikning yuzaga kelishi ikki omil bilan belgilanadi:

- Xudbinlik xislarining genetik dasturi qay darajada kuchliligi;
- Tug'ma berilgan xislarning to'liq namoyon bo'lishi uchun qulay shart-sharoitlar, ya'ni xudbinlik xislarining shaxs shakllanayotgan muhitdagi qiymatlilik darajasi.

Yuqoridagi fikrlardan shu narsa ayon bo'lmoqdaki, insonda tabiiy ravishda mavjud bo'ladigan, uning biologik tur sifatidagi mavjudligini ta'minlab turadigan xususiyat u yashayotgan muhit va tarbiya (yomon tarbiya) ta'sirida axloqiy qusurga aylanmoqda.

Xudbinlik manfaatparastlik va shaxsiyatparastlikni ham o'z ichiga oladi. Manfaat insonni harakatga undaydi, u yoki bu ijtimoiy vazifani bajarishga yo'llaydi. Manfaat bo'lmasa insonni biror bir ishga undash qiyin. Jamiyat mavjudligi ham manfaatlar mushtarakligi (birligi) natijasidir. Buni inkor qilmaymiz. Ammo insondagi o'z manfaati uchun harakat me'yorida o'sha, endi u axloqiy illat - manfaatparastlikka aylanadi. O'tmishda insoniyat boshiga tushgan ko'plab kulfatlarning sababi manfaatparastlikdir. Nosiriddin Burhoniddin Rabg'uziyning "Qissasi Rabg'uziy" (Payg'ambarlar qissasi) asarida "Qobil va Hobil" qissasi [3] keltiriladi. Buyruqqa ko'ra Iqlimo Hobiliga nikohlanishi kerak. Shunda Qobilning oldida ikkita yo'l paydo bo'ldi. Iqlimodan voz kechish (Allohning buyrug'ini bajarish) yoki unga (Iqlimoga) erishish (o'z istagi, manfaatini tanlash). Qobil bu tanlovda o'z xoxish-istaklari, manfaatlarini tanladi. O'z manfaati uchun ukasini o'ldirdi. Bu Yer yuzidagi dastlabki qotillik edi. Yoki insoniyatning yaqin o'tmishida bo'lga birinchi jahon urushini olaylik. Yer taqsimotida Germaniya "manfaatlari hisobga olinmagan" degan xudbinona fikrlar besh yilga yaqin davom etgan urushni keltirib chiqardi. Achinarlisi siyosatdonlarning manfaatlarini deb 10 millionga yaqin aholi halok bo'ldi, 20 milliondan ortiq kishi esa mayib-majruh bo'lib qoldi. Bu ayanchli hodisalar nimaning oqibati edi? Albatta o'z manfaatlarini boshqalarnikidan ustun ko'rish va shu asosda harakat qilish oqibati edi.

Xudbinlik oqibatida katta-katta xayrli ishlar amalga oshmay qoladi, ulug'vor loyihalar qog'o'zlarda qolib ketadi, qanchalab muhim ishlar o'z ahllariga, shu ishga munosib odamlar qo'lga topshirilmaydi. Bu illat oqibatida davlatlarga, jamiyatlarga, xalqlarga jiddiy iqtisodiy va madaniy zararlar yetadi. Biz xudbinlikning mohiyati, namoyon bo'lishi va zararlari haqida aqlimiz doirasida fikr yuritdik. Endi bu axloqiy illatning davosi haqida fikrlarimizni e'tiboringizga havola qilamiz. Birinchi yo'l. Kasallikning oldini olish uni davolashdan yaxshiroq, degan hikmat bor. Xudbinlik asosan tarbiya va muhit ta'sirida "rivojlanadigan" ruhiy xastalik. Shunday ekan inson tarbiyasiga asosiy e'tiborni qaratish kerak. Tarbiya esa inson tug'ilmasidan ilgari bo'lajak otaning fe'lida, onaning jismida boshlanadi.

O'zini o'zi tarbiyalashni xudbinlikni davolashning ikkinchi yo'li deb bilamiz. Inson o'zini muntazam tekshirib, so'roqqa tutib turishi qiyin va ayni paytda zarur mashg'ulotdir. Ko'pincha shunday paytda inson o'zi shu vaqtgacha sezmagani kamchiliklarini ilg'aydi va ularni to'g'rilash imkoniga ega bo'ladi. Tog' cho'qqisiga ko'tarilayotgan odam ortiga qarashga imkon topolmagani yoki bundan qo'rqqani uchun faqat cho'qqiga ko'tarilib olgachgina pastga ko'z tashlab, vaziyatni anglagani kabi inson umri davomida tez-tez "nafas rostdash" ga to'xtab, bosib o'tilgan yo'llarni tahlil qilishi yangi cho'qqilarni zabt etishini osonlashtiradi. O'zini so'roqqa tortish, ishlari va qilmishlarini tahlil qilish insonni yuksaltiradi. Va ayni damda odamlar bilan yaxshi til topishishda, chiroyli munosabatlar o'rnatishda yaxshi samara beradi. Bu xislat ayniqsa hozirgi shiddatkor davrimizda, global o'zgarishlar ta'sirida odamlar

ruhiyatida xudbinlik, jizzakilik, boshqalar bilan xisoblashmaslik, hasadgo'ylik, nafrat kabi illatlar in qurayotgan bir paytda katta ehtiyojga aylandi. Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek inson yakka o'zi yashamaydi. Shunday ekan eng avvalo "faqat menga bo'lishi kerak" , "faqat o'zim bilaman" , "xamma men bilan xisoblashishi shart" degan noto'g'ri fikrlardan uzoq bo'lishimiz kerak. Shu o'rinda hadisi sharifga murojaat qilishni lozim deb topdik. Anas ibn Molik roziyallohu anhu rivoyat qiladi: "Rasululloh alayhissalotu vassallom aytadilar: "Sizlarning biringiz haqiqiy iymonga erisha olmaydi, toki o'zi uchun yaxshi ko'rgan narsani birodari uchun yaxshi ko'rmaguncha". Imom Buxoriy va Imom Muslim rivoyati [4].

Inson o'zida xudbinlik alomatlarini sezishi bilan unga barham berish choralarini ko'rishi kerak. Bu illatning davosi oliyjanoblik, hadisi sharifda ta'kidlangan yaxshi ko'ringan narsani boshqalarga ham ravo ko'rishdir. Oliyjanoblik xislati insonning qadrini oshiradi, muammolarining osonlik bilan yechilishiga sabab bo'ladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi (Online qomus). Qomus. uz
2. Abdulla Sher. Axloqshunoslik. O'zbekiston Faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent-2010.
3. Nosiriddin Burhoniddin Rabg'uziy. Qissasi Rabg'uziy. www.ziyouz.com elektron kutubxonasi.
4. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy "Al-Jomi' As-sahih" 1-jild. "Qomuslar Bosh Tahririyati" Toshkent-1991.

## ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Даврий тўплам №5*

2021 йил, май

Bosishga ruxsat etildi. 24.05.2021 y.  
Qog`oz bichimi 60x84 1/16. Times New Roman  
garniturasida terildi.  
Ofset uslubida oq qog`ozda chop etildi.  
Nashriyot hisob tabog`i 14.75, Adadi 40. Buyurtma № 18  
Bahosi kelishuv asosida

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika  
universitetining bosmaxonasida chop etildi.  
Manzil: Toshkent shahar Chilonzor tumani,  
Bunyodkor ko`chasi 27 uy.